



РАУФ ПАРФИ

# САКИНА

*Сайланма*



Тошкент  
"Muharrir" нашриёти  
2013



Шоирнинг онаси Сакина Исабек қизи (1913-1995)

**РАУФ ПАРФИ**

# **САКИНА**

*Сайланма*

Тошкент  
"Muharrir" нашриёти  
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7 - 438. араб.

П-21

П-21 Рауф Парфи, САКИНА: (шеърлар) /Р. Парфи.  
– Тошкент: «Muharrir» нашриёти. 2013. – 376б.

ISBN - 978-9943-25-288-2

*Мазкур “Сайланма” Рауф Парфининг ўзи томонидан тузилган. Унга турли йилларда босилиб чиққан “Карвон йўли”, “Акс садо”, “Тасвир”, “Хотирот”, “Кўзлар”, “Қайтиш”, “Сабр дарахти” ҳамда шоир тартиб берган, лекин нашр этилмай қолган “Қутлуғ Туркистон”, “Сакина”, “Иймон асири” сингари тўпламлари қўлёзмасидан олинган шеърлар киритилди.*

*Шоирнинг дастлабки ижодий изланишлари ҳақида муайян тасаввур беришига кўра “Тонг лирикаси” (“Мақтаб дафтари”дан) туркуми ҳам илк бор чоп этилмоқда.*

*Сайланма Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг шеъроят кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7


1041699  
291

*Тўловчи, нашрга тайёрловчи,  
сўз боши ва изоҳлар муаллифи:*  
**НУЪМОН РАҲИМЖОНОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор

*Масъул муҳаррир:* **УЛУҒБЕК ҲАМДАМ**

*Тақризчилар:* **АБДУЛЛА УЛУҒОВ,**  
филология фанлари номзоди

**БИДА ФАЙЗУЛЛАЕВА,**  
илология фанлари номзоди



ISBN - 978-9943-25-288-2

©«Muharrir» нашриёти,  
Тошкент, 2013.

## ЭНГ ГЎЗАЛ СИР

*(Шеърят ва шахсият)*

### 1.

XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаларидан Рауф Парфи — Сир шоири, унвони соҳир шеърят соҳибидир. Бизнинг билимларимиз бу шеърятнинг зоҳирий қисминигина ёритиши мумкин, чунки уни тизимларга айириб, аниқ қолипларга жойлаб бўлмайди. Бу жўн ўқувчи учун содда, билимдон ўқувчи учун — қудратли аъмол бўла билади.

Таомилга кўра ҳар бир шоирнинг таржимаи ҳоли яратилади; лоақал қисқача таржимаи ҳолини ёзишга тўғри келади. Афсуски, беихтиёр биз кўникиб қолганимиз, умумий сўзлар йиғиндисини китобхонларга тавсия этамиз. Унинг Ўзга шоир эканини, Замон ва Маконга сиғмаслигини, ҳали унинг тадқиқотчиси... борми ўзи, деб ўйлаб ўтирмаймиз.

Рауф Парфи 1943 йилнинг 27 сентябрида Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Шўралисой қишлоғида Парфи Муҳаммад Амин (1893-1955) ва Сакина Исабек қизи (1913-1995) оиласида дунёга келди. Бошланғич ва ўрта таълимни “Шарқ юлдузи” (1-7 синфлар), Шўралисой (53-мактаб, 8-9-синфлар), Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий номидаги (10-синф, кечки) мактабда олди.

Рауф Парфи шеърятининг асосий мавзуси — бу шахс эрки, Ватан мустақиллиги ва Туркистон, Турк дунёсининг бирлигидир; XX аср турк одамининг абадий шуурини, кескин фоже руҳиятини муқаддас туркий тилда ифодалашга жазм этган ва муродига етган жасоратли шеърятдир.

У шоир сифатида ўзгалардан фарқли ўлароқ қийин,

машаққатли, лекин Чин шоир тажаллиси-ла ижодининг бошидан то бу кунга қадар замона зайлининг аччиқ шамолларида эгилиб букилмади, синмади (Энг буюк ҳикмат Аллоҳ кўркувидир). Асосий мавзусига содиқ, эътиқодида собит яшади. Мўмин банда – бевафоларга ҳам вафо қилди, фақат иймонини сотмади. Илло, иймони фано водийсида илоҳий Ватан эрур.

Рауф Парфи шеърляти ва шахсиятига турли муҳаббатли, белисанд қарашлар бўлса-да, аммо, мана салкам эллик йилдирки, ўқувчиларнинг унга қизиқиши, мароқланиши ҳеч қачон сўнмади. Унинг ижодиётига Асқад Мухтор, Шукрулло, Миразиз Аъзам, Мирзо Кенжабек, Чори Аваз кабилар юксак баҳо бердилар. У ҳақда Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров, Нўмон Раҳимжонов, Иброҳим Ҳаққул, Ботирхон Акрамов, Улуғбек Ҳамдам, Қозоқбой Йўлдошев, Яшар Қосимов каби таниқли олимлар тадқиқотлар, мақолалар, бадиалар ёздилар.

Хорижда Воқиф Самадўғли (Озарбайжон), Атнер Хузангай (Чувашистон), Улдис Берзинш (Латвия), Лия Сеппель (Эстония), Хусайн Ўзбай (Туркия), Эдвард Уольрс (АҚШ), Темур Хўжа (Олмония), Омондурди Аннадурди (Туркменистон), Рене Каланди (Гуржистон), Жак Манэ (Франция), Виктор Соснора (Россия) каби машҳур шоир ва олимлар у ҳақда мақолалар ёздилар. Унинг шеърларини она тилларига таржима қилдилар.

Ўзбек шоирлари томонидан унга бағишланган шеърларнинг ўзи бир китоб бўлади... Рауф Парфи ўзбек адабиётида мутлақо ўзига хос мактаб яратган шоир. У ўзбекнинг юксак миллий руҳиятини ўз шеърляти орқали таниш ва танитиш учун олис йўлга чиққан, ҳормай-толмай бораётган Йўл Аҳлидандир.

## 2.

Рауф Парфининг аждодлари асли Фарғонанинг Водилидан бўлиб, билимли, маърифатли, Туркистоннинг нуфузли ойдинларидан эди. Отаси Парфи Муҳаммад Аминнинг эскича, янгича маълумоти бўлиб, форс-тожик, усмонли турк ва рус тилларини яхши билган. Рус босқинига қадар, ундан кейин ҳам бир муддат турли маҳкамаларда тилмочлик қилган. Кейинроқ большевизмнинг қонли қатағонидан жон сақлаш учун умрининг охиригача барча ҳужжатларда ўзини саводсиз, деб ёздирган.

Рауф Парфи туғилган йили ва исми турли ҳужжатларда турлича ёзилган (1941, 1942, 1943). У йиллари бу тарафларда туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар ҳали расмий бўлмаган. Биргина ишончли ҳужжат яқингача жамоа раиси Ҳамроқул Турсунқуловнинг котиби Ҳамид Азимбоевнинг уйида сақланган катта хўжалик дафтари бўлиб, унда "...Турсунали Парпибой ўғли Мадаминов 1943 йил 27 сентябрда туғилган..." деб ёзилган. Ҳ.Азимбоевнинг айтишича, энг тўғри ҳужжат шу эмиш. Гарчи отаси ёлғиз ўғлига Абдурауф деб исм қўйган эса-да, қариндош-уруғлар, шу бола ўлмасин (аввалги болалари турмаган), турсин деб, ирим қилишиб Турсунали отини қўйганлар. Худди шу маънода бошида икки кокил ҳам ўстириб, бирини Ўш пиримга, бирини Шоҳимардон пиримга бағишлаганлар (Исломиёй, Шаманизм).

Отаси Парфи Муҳаммад Амин 1940, 1941 йилларда ҳарбий хизматга чақирилган бўлса-да, номаълум сабабларга кўра, ҳар сафар қайтариб юборилади. Яна бизга қоронғу бўлган сабабларга кўра, урушга кирмасдан Оренбургдан қайтариб олиб келадилар.

1945 йили Парфи Муҳаммад Амин оиласи билан юқори раҳбарият ўртасида алғов-далғов можаролар бўлиб ўтади. Бу можароларга ота-онасининг келиб чиқиши бойлардан экани асосий сабаб бўлади. Парфининг отаси — Муҳаммад Амин, унинг отаси Муҳаммад Сиддиқ Норқучоқ, унинг отаси Муҳаммад Расул Фарғоний, унинг отаси Муҳаммад Раҳим Фарғоний...

Ота томондан момоси Жосият биби, унинг онаси Хосият биби, унинг онаси Марям биби. Катта бобоси Муҳаммад Расул Фарғоний Доғистонга Имом Шомил кўшинига ёрдамга бораётган туркистонлик мужоҳидларга кўшилиб жангга кетган экан. Доғистондан туркийча сўзлашадиган Марям деган қизни олиб келиб, тўй қилиб уйланган экан...

Она томондан бобоси Исабек, унинг отаси Мусабек. Унинг отаси Толиббек, унинг отаси Олимбек...

Она томондан момоси Кумринисо, унинг онаси Чаман бека... Онасининг катта момоси Хувайдо пиримнинг набираси бўлган экан...

Урушдан кейинги илик қуриган йиллар. Ўша пайтда “Бирлашув” жамоа хўжалигида отаси боғбон, онаси пиллакор бўлиб ишлайдилар. Отаси мусаллас қилиб, ўрислардан буғдойга, карислардан гуручга алмаштириб, очарчиликдан оиласини сақлаб қолади.

1947 йили ота-онаси билан Водил, Шоҳимардон, Жалолободга боради. Кейин Ўшга ўтишади. Ўш пиримга бағишланган кокилини 1948 йили олдиради. Орадан бир йил ўтгач “ 1949 йили хатна тўйи бўлади. Биринчи синфга боради.

1950 йили иккинчи синфга ўтади. Дарсликлардан ташқари бадий китобларни чанқоқлик билан ўқий бошлайди. Ота-онаси билан Шоҳимардонга боради. Шоҳимардон пиримга бағишланган иккинчи кокилини олдиради...

Абдулла оға Қримли (отасининг дўсти) тарбиясида бўлади. Уйда кутубхона очади (биродари Абдулла Собир билан).

Рауф Парфи 1953 йилдан эътиборан биринчи устози (отасининг дўсти) шоир Абдурахмон Водилий тарбиясида бўлади. 5 март куни илк шеърини ёзади. У Сталин вафотига бағишланган “Энди қандай яшаймиз” деган марсия эди. Отаси билан Тошкент вилоятининг турли хўжаликлариغا бирга боради. Мевали кўчатлар олиб келишда отасига ҳамроҳ бўлади. Отаси миришкор боғбон эди. Шўралисойда кўплаб олмазор, нокзор, токзор-узумзор, беҳизор, ўрикзор ва ҳ.к. боғлар барпо қилади.

Мактаб кутубхонасида мавжуд бўлган ўзбек халқ дostonларининг ҳаммасини ўқиб чиқади. Аммаси Хосият бибидан (эртакчи) халқ дostonларини ёзиб ола бошлайди.

Отаси нима учундир жамоа раиси билан келиша олмай қолади ва бир сандиқда сақланаётган раиснинг ҳужжатларини қайтариб беради. Бу ҳужжатлар, асосан, жамоа хўжалиги раҳбари Ҳамроқул Турсунқуловнинг шўро ҳукуматига қилган хизматлари акс этган ёзувларнинг иккинчи, учинчи нусхалари экан.

Отаси нима учундир қаттиқ ранжиб, оиласини олиб Янгийўл шаҳрига кўчиб кетади. Ижарада турадилар.

1955 йили отаси қаттиқ бетоб бўлиб қолади ва бир неча киши келиб, Тошкентда даволатамиз деб олиб кетадилар... Мирзачўлнинг қайсидир касалхонасидан амакиси Камолиддин Мусабек ўғли унинг жасадини олиб келади.

1956 йил. Рауф Парфи эндиликда Янгийўл шаҳар кутубхонасидаги бошқа бадиий китоблар қатори “Библиотека поэта” туркумидаги ҳамма китобларни кунт ва мароқ билан симиргудек ўрганишга тутинади.

1957 йил. Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий номидаги мактабда ўқийди.

1958 йили “Янгийўл” туман газетасида биринчи шеъри босилади.

Янгийўл шаҳридаги 2-сон босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлай бошлайди.

1959 йили кечки мактаб таҳсилини тугатгач, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) Шарқ факултетининг Араб филологияси бўлимига ҳужжат топширади, лекин омади чопмайди. Келгуси — 1960 йили айни шу университетнинг Ўзбек филологияси факултетига ўқишга киради. Талабалик давриданоқ жаҳон классикаси намуналаридан — Блок, Такубоку шеърларини таржима қилади. “Турк дунёси адабиёти” курсини очиш таклифи билан чиқади; ўзи ва дўстлари учун “Турк дунёси шеърляти” дастурини ёзади.

Талабалик йиллари Р.Парфи учун том маънода из-

ланиш, ижодий шаклланиш даври бўлган. Ҳикоялар ёзади. Леся Украинка шеърларини таржима қилади. 1962 йили Нозим Ҳикмат шеърлари билан (София нашри) танишади. Унинг шеърларини, “Инсон манзаралари” шеъррий эпопеясини таржима қила бошлайди.

1963 йили “Эрк” деб номланган биринчи китобини нашрга тайёрлайди. Қрим-татар халқининг ўз тарихий ватанларига қайтиш учун кураш гуруҳига қўшилади. Бир қатор машҳур санъаткорларимиз ижро этган “Лайло” қўшиғи машҳур бўлиб кетади. Шоир номини эл-юртга танитади.

Кўп шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, киночилар билан танишади ва дўстлашади. “Қрим” китобини ёзади. Самарқанд вилояти, Пойариқ туманида “Лайло” пьесаси қўйилади (муаллифи — Барот). Бош қаҳрамон — Рауфдир (“Лайло” қўшиғи атрофидаги афсоналар асосида).

1965 йили биродари Абдулла Собир ўғли ҳарбий хизматда фожиали ҳалок бўлади. Россиянинг Новокузнецк шаҳридан унинг жасадини олиб келади. Уч қисмдан иборат “Абдуллажон марсияси” шеъри шу фожиа муносабати билан ёзилган. Дўстининг жасади солинган темир тобут билан поезддан тушганда қариндош-уруғлари, яқинлари Рауфни танимай қолишади. Олис Россиянинг Новокузнецк шаҳрига кетаётганда қоп-қора бўлган сочлари қайтганда қордек оқариб кетган эди. Бунини ҳатто ўзи ҳам сезмаган. Атроф-теварагидагиларнинг ҳайрат, ҳаяжонларидан кейингина билган.

1966 йили “Янгийўл” газетасида ишлай бошлайди. “Шарқ юлдузи” журналининг 1966 йил 1-сонида Асқад Мухтор сўз бошиси билан туркум шеърлари бошланади.

Ўзбекистон Кино Давлат қўмитасида муҳаррир бўлиб ишлайди. Москва сафарига боради. 1968 йили ўғли Шуҳрат туғилади. “У кечикиб келди” киноқиссасини (Эрвин Умарий билан) ёзади. Устози Абдураҳмон Водилий вафот этади. Абдураҳмон Водилийнинг йўқолган девонини унинг ўғли Абдурауф билан излаб тополмайди.

Девонни қоралама қўлёзмалар асосида тиклашга ҳаракат қилади. Абдурахмон Водилий Низомийнинг “Маҳзан ул-асрор”, Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” дostonлари насрий баёнини яратганини айтадилар. Аммо бу асарлар ҳам топилмайди.

1969 йили “Карвон йўли” — биринчи китоби босилади. Москва олий сценарийчилар курсига ҳужжат топширади. 1970 йили Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлай бошлайди. “Акс садо” иккинчи китоби босилади. Қизи — Муқаддас туғилади. 1977 йили Анвар Саламетнинг “Олтин болта” эртак-дostonини таржима қилади. Келгуси йили Нозим Ҳикматнинг “Инсон манзаралари” асарининг 1-китобини нашриётга топширади.

1973 йили “Тасвир” китоби нашр этилади. Ўзбекистон ва Озарбайжон адабларининг Халил Ризо раҳбарлигида ўтган йигинида унга Рауф Парфи Ўзтурк, Халил Ризонинг ўзига эса Улуғтурк — исм-шарифи берилади. Кандакор Омон Азиз унинг суратини мисга ўйиб чизади. (Ҳабибуллоҳ Зайниддинда сақланади).

1974 йили Байроннинг “Манфред” драматик дostonини (Шенгелиа таржимаси асосида), К.Каладзенин “Денгиз хаёли” китобини таржима қилади. Ҳайкалтарош Илҳом Жаббор унинг бюстини ишлайди (ҳайкалтарошнинг айтишича, кимдир болта билан чопиб ташлаган).

1975 йили “Хотирот” китоби босилади. Мачаварианин “Шиддат” китобини таржима қилади. Уйдан кетгач, кандакор Омон Азизнинг устахонасида яшайди...

1976 йили А.Дюманин “Уч сарбоз” (роман асосидаги драма) асари унинг таржимасида ёш томошабинлар театрида қўйилади. “Зайтун новдаси” (XX аср араб шеърляти) китобини, М.Ҳодийнинг “Алвоҳи интибоҳ” дostonини таржима қилади. Ҳайкалтарош Илҳом Жаббор устахонасида яшайди. Рассом Шуҳрат Абдурашид унинг суратини ишлайди (қизи Муножотда сақланади).

1977 йили “Ойдин” газетасига ишга киради. Саййид

Азим Ширвоний девонини тайёрлайди. 1978 йили Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлади. “Кўзлар” китоби нашр этилади. Шеърлари русчага таржима қилинади.

1979 йили “Уйғур шоирлари” номли мажмуа тайёрлайди. Қизи – Муножот туғилади. Турк дунёси адабиёти билан жиддий танишади.

1980 йили Брехт, Бехер, Неруда ва бошқа ХХ аср жаҳон шоирлари шеърларини таржима қилади. Рассом Исфандиёр Ҳайдар унинг суратини ишлайди (Бахтиёр Исмоилда сақланади).

1981 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлайди. “Қайтиш” китоби босилади. Қизи – Севинч туғилади.

1982 йили Н.Ҳикмат “Инсон манзаралари” эпопеясининг иккинчи ва учинчи китобларини таржима қилади. Шеърлари латиш, эстон тилларида босилади. Рус шоири Виктор Соснора Юрий Ласский ва Владимир Лещенколар унинг русча китобларини тайёрлайдилар. Я.Соловичнинг “Кумуш сиртлон” драмасини таржима қилади. Рассом Дилёр Сиддиқ шоирнинг суратини ишлайди (Акрам Муҳиддинда сақланади).

1984 йили “Сарҳисоб”, “Турк дунёси шеърляти” мажмуаларида шеърлари чоп этилади. 1985 йили А.Твардовскийнинг “Хотира ҳуқуқи” достонини таржима қилади. 1986 йили “Сабр дарахти” китоби учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий мукофоти берилади. Кинорежиссёр Умида Аҳмад у ҳақида қисқа метражли филмни суратга олади.

1987 йили «Баргрезон» китобини ёзади. Туркияга таклиф этилади. 1988 йили «Она Туркистон» китобини тайёрлайди. Лия Сеппел таржимасида эстон тилида китоби босилади.

1989 йили «Туркистон» газетасига муҳаррирлик қилади. «Ўлимдан сўнг» китобини ёза бошлайди. Озарбайжонга, жанг бўлиб ўтган жойларга боради.

1990 йили «Турон диёри» китобини тартиблайди. 1991 йил «Сукунат» китоби босилади. Туркия сафари. Туркия Ёзарлар бирлигининг Адабий мукофоти-

ни олади. Рассом Исфандиёр Ҳайдар устахонасида яшайди.

1992 йили «Туркистон руҳи» китобини тайёрлайди. Халқаро Маҳмуд Қошғарий мукофоти берилади. 2 жилдлик асарлар мажмуасини тайёрлайди. Тутинган тоғаси — тарихчи Акрам Муҳиддиннинг уйида яшайди. Рассом Ваҳоб Зиё суратини ишлайди (хусусий мулк).

1993 йили «Фано водийси» китоби устида ишлайди. Китоби Туркияда тайёрланади. Шоирнинг 50 йиллигини Сирдарё вилоятида ўтказадилар. Рассом Азиза Маматова унинг суратини ишлайди (хусусий мулк). «Она Туркистон» китобига рассом Рўзи Чори суратлар чизади (Нўъмон Раҳимжонова сақланади). «Роҳила» телефилмини яратади (Ўзтелеком). Бастакор Мирсодиқ Тожи унинг шеърлари асосида «Она Туркистон» симфониясини ёзади. Онаси Сакина Исабек қаттиқ бетоб бўлиб қолади, онасига ўзи қарайди. 1995 йили онаси вафот этади.

У шоир, носир, таржимон сифатида элга танилди. Шоирнинг олтмиш йиллик ҳаёти ва қирқ йилдан ортиқ ижодий-ижтимоий фаолияти муносиб тақдирланди. Унга Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони берилди (1999). 2005 йил 28 мартда вафот этди.

Шоирнинг тугалланмаган асарлари: «Турон диёри» (шеърый китоб), «Фано водийси» (шеърый китоб), «Муҳожир» (роман).

Кейинги йилларда «Тавба», «Мени эрк шоири денглар», «Минг йил сизни изладимми мен», «Дунёнинг энг гўзал аёли», «Тхақурия» туркумларини, «Адашган руҳ» манзумасини ёзади. Шоир ижоди ХХ асрнинг 70-йилларидан бугунги кунгача эл-юрт назарида. Бугунги ўзбек адабий ҳаётини Рауф Парфи ижодисиз тасаввур этиши мумкин эмас. Бадиий-эстетик тафаккур ривожининг таҳайюллар асосига қурилган тимсолли тамойилларини, теран реалистик поэтик тадқиқотчилик маданиятининг бадиий шартлилик, рамзли образлилик сингари устувор йўналишларини белгилаб келаётир.

## 3.

Фасллар алмашилиши табиатнинг ўзгармас қонуниятининг табиий жараёни, ҳосиласи. Бадиий адабиётда ҳам нуроний авлодлар ўрнига навқирон наслларнинг кириб келиши маънавий-интеллектуал эҳтиёж, руҳоний зарурат тақозосидир. Бу — бадиий-эстетик тафаккурда ҳамиша янги дид ва эстетик савияларнинг зоҳир бўлиши демакдир. Бу — табиат ва жамият ҳодисаларини, одам ва олам сир-синоатларини янгича тушуниш, янги образлар ва бадиий воситалар билан тушунтириш санъати, демакдир.

Асл шоирларнинг таржимаи ҳоли ниҳоятда қисқа, тақдирлари эса ғоят узун бўлади. Туғилишу сўнгги нафас оралиғида кечган умр, бу — ёруғ қисмат, аччиқ кўргулик. Тун билан кунларнинг, шом билан тонгларнинг ўрин алмашилиши, бу — табиат силсиласининг шунчаки бир одатий кўриниши, ҳолати эмас. У — эзгулик билан ёвузлик, мутелик билан эркин нафас, яхшилик билан ёмонлик, адолат билан ёлғон-риё, нур билан зулмат ўртасида кечадиган азалий ва абадий кураш, муҳораба жараёнлари. Қисмат — бу шеърият.

Шеъриятда шоирнинг бировдан яширадиган махфий нарсаси йўқ. Фақат шеърнинг сир-асрори бўлади. Бу — бадииятга айланган қисмат. Тақдирнинг олов кўзларини кўнглига жойлаган шеър. Рауф Парфи илк шеърлариданоқ дунёқараши, руҳонияти, маънавий эътиқоди шаклланган ижодкор сифатида ўзлигини намоён қилди. «Ҳасратлари дунёнинг кўпдир», «Мудрар ярим кеча...», «Шеърият», «Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар», «Тарғилланиб бормоқда осмон», «Термуламан олис уфққа», «Чексиз-чексиз дақиқалардан иборатдир» сингари ўнлаб шеърларида ижтимоий-эстетик идеалининг ёруғ аломатларини кузатиш мумкин. «Бир қушча сайрайди менинг руҳимда, Мен сенинг исмингни билмайман, қушчам...», дейди шоир «Дарё мавжларига ёзилмиш газал» шеърисида.

XX асрнинг 60-йил ўрталари, 70-йил бошлари шеъриятга кириб келган, ёрқин ўзлигини намоён этган Рауф Парфи янги, оҳори тўкилмаган, кутилмаган ноанъанавий мажозий (Кушча, Чироқ, Дарахт, Най, Нур) образлари билан адабий жамоатчилик муҳаббатини қозонди; мажозий образлилик асосига қурилган бадий тафаккур табиати билан эл-юрт назарига тушди. Рауф Парфи шеърларидаги инсонга меҳр-муҳаббат ҳарорати, ишонч-эътибор руҳи, дардчил-маъюс ва маҳзун оҳанг, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган самимийлик кўзга суртгудек эъзоз-эҳтиром топди. Ва янаям муҳими, шоир асарларининг ижтимоий-фалсафий мағзи шеъриятимизда янги йўналиш эди. Хусусан, биринчидан, ҳаётдан — тирикликдан мақсад руҳни камол топдиришдир. Иккинчидан, руҳоний эркинликсиз бани одам ўзлигини намоён қила билмайди; учинчидан, миллий бирликсиз миллат, халқ ўз борлигини сақлаб қола олмайди, деган устувор ғоялар шоир шеъриятининг эстетик қиммати ни белгилаб берди. «Айни орзуларда, айни қайғуларда, айни севинчларда яшамоқ» тирикликнинг моҳиятидир, деб биледи у. «Шундай бўлмаса агар, Нега керак бу келбат, бу овоз! Шунчаки дарахтдай ўсмоқми, шунчаки дарёдай оқмоқми дарбадар» дейди шоирнинг лирик қаҳрамони.

*Мен-ку истамасман ўлимни,  
Бироқ ҳар соатда, ҳар дақиқада  
Бу ёруғ дунёнинг ҳар томонидан  
Ҳукм этмоқдалар ўлимга мени.  
Мен Юлиус Фучик — дорга осилди бошим.  
Тўйчи Эрайигит ўғли — отим маним —  
Кўксимда совиган қўрғошин.  
Ботган кўзларимда жаллодларнинг аянч  
сурати қотган.  
Вьетнамлик бир гўдакман мен — бағри яра.  
Кўлсиз, оёқсиз ва бошсиз ётган.  
Мен ҳали ҳам турма панжаси ора  
Сўнгсиз ва озод осмонларга қарайман.  
Қарайман қуёшга!*

Мазкур парчада кузатилганидек, жамият воқелиги-га, даврнинг сиёсий нафасига муносабат ишоралар орқали аёнлашаётир. Шартли маънодорлик юзага чиқаётир. Дор, қўрғошин, яра, темир панжара, осмон, қуёш сингари деталлар воситасида ҳаётдаги ноҳақлик, зулм-зўравонлик, жамиятда илдиз отган, кенг палак ёзган адолатсизлик кўринишларига лирик қаҳрамоннинг муносабати ойдинлашмоқда.

Рауф Парфининг илк шеърларидан эътиборан эрк истаги ва озодлик руҳи, жамиятдаги зулмга, ижтимоий адолатсизликка, тенгсизликка, ноҳақликка қарши исён ғоялари етакчилик қилади. Шоирнинг 70-йиллар бошида куртак ёзган, уч кўрсатган руҳ эркинлиги, фикр эркинлиги, қалб ҳурлиги ғоялари кейинги босқич шеъриятимиз тараққиётида миллатсеварлик, миллатпарварлик йўналишининг ўзак мағзини ташкил этди. Рауф Парфи ижодининг ижтимоий-эстетик моҳиятини, салафларидан, устозларидан, тенгқур шоирлардан фарқланиб турган бадииятининг табиатини белгилаб берди. Чироқ, қуёш рамзли образлар зиммасига шоир чуқур маънолар юклайди. Хусусан, зимистон тун оғушида бўзариб ёнган чироқ хонани, атроф-теваракни шунчаки ёритиб қўя қолмаяпти. У куйиниб, ёзгириб, ёниб куйлаяпти. Чироқнинг ёниши — лирик қаҳрамоннинг севимли орзуси. У одамларнинг дилидаги армонларини, ғамларини, тилининг учуда ёнган дардларини сўйлаяпти. Шунинг учун ҳам «Чироқ ёнар — сўнги йўқ ҳасрат».

*Чироқни тинглангиз, одамлар,  
Қаршисида эгиб турунг бош,  
Сизни куйлар у тонгга қадар,  
То навбатни олгунча қуёш.  
Чироқни тинглангиз, одамлар.*


Рамзли образларга юкланган мазмунни ўқиш унчалик қийин эмас. Тун — мустамлака зулматига чўмган жамият, чироқ — одамлар онги-тафаккурига фикр ёруғлигини элтишга тутинган шоир. Чироқ — фақат сўйла-

ётгани йўқ. У ҳасратга ботиб куйлаяпти. Демак, одамлар кўнглини янги туйғулар, кечинмалар билан бойитади, поклайди. «Тонг отмоқда, тонг ўқлар отар, тонг отмоқда, қуёш замбарак», сатрлари бевосита 60-йиллардан жамиятда сиёсий вазият ҳийла юмшатиладиганига, одамларга эътибор ортганига, шахс эрки учун отланган курашчан Сўз маънавий ҳаётда тонг янглиғ, Офтоб янглиғ мақомга эриша бошлаганига бир ишорадир. Янги образлар воситасида аёнлашаётган маъно теранлиги ва фикрий қудратдир.

Рауф Парфининг илк шеърларида кузатилганидек, бадиий идрок ва ифода тарзи, тафаккур табиати ва тимсолли образлари билан ўзига хос бетакрор услубга эга бўлган шоир кўз очган, ўз нуқтаи назари билан дунё шеваларини таний бошлаган, ўзлигини ҳам дунёга танитишга тутинган шахс эди. Бу — Рауф Парфи феномени эди.

Инсоннинг руҳоний эркинлиги масаласи Рауф Парфи ижодининг ўзак мағзини ташкил этади. Шу боисдан ҳам шоир лирикасида туйғулар ҳаётини, кечинмалар манзарасини ҳолат-кайфиятлар суратини чизиш алоҳида тамойилга айланган. Шу боисдан ҳам уни туйғу-кечинмалар мусаввири дейишади. Шу маънода биргина «Ёмғир эмас, марварид ёғар» сатри билан бошланадиган шеърини кўздан кечириш кифоя. Ёмғир — шарқона тасаввурларга кўра — қут-барака, илоҳий неъмат, яхшилик ва эзгулик уруғи. Унга шоирлар ўз руҳоний ҳолатлари, кайфиятларига монанд маънолар юклашади. Яъни, ҳар бир шоир ўз эстетик принципларидан келиб чиқиб, ёмғир воситасида турфа хил бадиий-фалсафий мазмунни ифодалашга интилади. Кимдир ёмғирда ёрнинг кўз ёшларини кўради. Яна кимдир йиғлаётган кўнгилни тасаввур қилади. Бошқа бир шоир шеърда ёмғир булутларнинг, қоп-қора кўнғир осмоннинг ерга йўллаган тансиқ сўзлари бўлиб англашилади.

Рауф Парфи тасвирида ёмғир тоқон-қоронғи кеча шаклида. Кеча эса сув сингари жишдираб оқади.



исдан ҳам кеча шод ва беармон кечаётир. Боиси — бағрида сувдек ҳаётбахш ойдинлик, эртанги куннинг ёруғ эпкини бор.

*Баргларда рақс этар шаббода,  
Уйнар сабо шаклида кеча,  
Гуллар каби сақлайди одоб,  
Афсоналар айтар тонггача.  
Кеча тепасида учади  
Кипригимдан отилгувчи нур.  
Менга кеча ёмғир ичида  
Гўзал хаёл каби кўринур!*

Лирик қаҳрамон кечинмалари қоронғу кечада ёғаётган ёмғирга эш. Ундан сурур, умид туяди. Шу маънода, унинг наздида, баргларда рақс этар шаббода. Ҳатто зимистон қоронғулик ҳам сабо шаклида ёқимли, фараҳбахш. Гуллар сингари тонггача афсоналар айтаётгандек туюлади. Шу боисдан ҳам лирик қаҳрамон кўнглидан шуъла отилади, кипригидан нур чатнайди. Хаёл — адоқсиз бўшлиқ қаъридаги рўё эмас. У ёмғир ичидаги зимистон қоронғулик. Унга ишонса бўлади. Гарчанд, қоронғулик оғушида эса-да, ёмғирдаги ойдин шаббода эпкини эртага отажак тонглар умидини уйғотади.

Кўринадики, тимсолли, мажозий лиризм Рауф Парфи услубининг ўтли нафаси, ўзак мағзи. Давр воқелигига, жамиятдаги ҳодисаларга, инсон шаъни-эркини, ҳақни оёқ ости этувчи, адолатсизлик кўринишларини юзага чиқарувчи ижтимоий зулмга қарши туғён Рауф Парфи шеърларида туйғулар реализми устивор дейишга асос беради. Рауф Парфи XX аср ўзбек поэзиясида фикр билан кечинманинг синтезини бадиий санъат даражасига кўтарган, соф туйғунинг табиий оқимини, қабарик мажозий ифодасини омухталаштирган бетакрор услуб яратди. Бу — XX аср ўрталаридан эътиборан XXI аср ўзбек шеърини тараққиётида алоҳида йўналиш касб этди. Мустақил бадиий идрок ва ифода маданияти сифатида шаклланди.

XX асрнинг 60-йиллар охирлари, 70-йиллар бошларидан эътиборан ўзбек шеъриятига Рауф Парфи олиб кирган янги эпкин мустақил бадиий-эстетик йўналишга айланди. XXI аср ўзбек бадиий-эстетик тафаккурида ҳам Рауф Парфи тамал тошини қўйган тимсолли лиризм, мажозлар асосига қурилган идрок ва ифода маданияти устиворлик қилмоқда. Мана, ярим асрки, у ўз Сўзи билан ўзбек шеърияти ҳиссий тафаккур гулханининг тафтини оширяпти. Бўй-бастини юксалтиряпти. Кечинмали мушоҳадалари билан фикрчан ҳисларини кўнгил гулханида ёқаяпти. Не тонгки, ҳамма шоирларнинг ҳам юраги бу гулханда ёнавермайди. Бу шундай бир оташгоҳки, барча шоирларни ҳам ўз бағрига олавермайди.

Рауф Парфи юраги – боқий шеърият гулханида ёна япти («Юракда қайнаган сўзларим, ҳисларим ёнғини юракда»). Одамларнинг онгига нур, қалбига ҳарорат чўғларини қалаяпти, алангалатяпти.

Бу – шоирнинг ёруғ қисмати. Балки, пешонасига битилган ёзуғи – толеи шудир. Бу – ўзбек бадиий Сўз маданиятининг бахти. Чўлпон, Ҳамза, Элбек, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир, Зулфия, Асқад Мухтор каби шоирлар силсиласига насиб этган, Худо юқтирган ёруғлик шарофати. Зеро, Қодир Эгам назари, боқий назаркардалик ҳам беназир қисматдир.

Асл шоир шеърияти, бу – унинг таржимаи ҳоли. У ўз юрагидаги ранглар маъносини таржима қилиб бераётгандек туюлади. Рауф Парфи шеъриятининг образлар тизимини, таҳайюлли тафаккур табиатини, серқатлам рамзлар маъносини идрок этиш учун маълум адабий тайёргарликка эга бўлиш керак. Шеърни тушуниш шунчалик мураккабми, сирли бир нарсами? Муайян тайёргарликка эга бўлиш керак, дегани нимаси?

Аввало, Рауф Парфи, XX аср ўзбек шоирлари силсиласида кузатадиган бўлсак, Ҳамид Олимжон ёки Уйғун, Эркин Воҳид ёки Усмон Азим сингари оммабоп шоир эмас. Хусусан, мактаб ўқувчисидан тортиб академиккача, деҳқону ишчигача, шофёру шахтёргача, фар-

рошдан тортиб корандаю олимгача — оммабоп шоирлар асарларидаги тағмаънони, айтилмоқчи бўлган фикрларни сўзлаб беришлари мумкин. Ва лекин, Рауф Парфи шеърларининг мағзини чақиш, икки карра икки — тўрт қабилда осон эмас. Бунинг учун чархланган бадиий дид, адабий малака тақозо этилади. Шу маънода, Рауф Парфини оммабоп шоир, дейиш қийин. Яъни, етти ёшдан етмиш ёшгача ҳаммага бирдек тушунарли эмас. Шу билан баробар, эл-юртда ниҳоятда машҳур. Тириклик чоғидаёқ ижодий мактабини яратган шоир сифатида элда азиз. Тириклигидаёқ XX аср ўзбек шеърлятининг классигига айланди. Ушбу гўзаллик ҳодисасининг жозибаси, шукуҳи, таровати нимада?

*Ҳой-ҳой отамиз,  
Тошни кесар болтамиз.  
Замон келди ишчиларни  
Уйқудан уйғотамиз.*

(Ҳамза)

Ёки:

*Деразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...*

*Мана сенга олам-олам гул,  
Этагинга сиққанича ол.  
Бунда толе ҳар нарсдан мул,  
То ўлгунча шу ўлкада қол...*

(Ҳ.Олимжон)

Ёхуд:

*Менинг икки онам бор,  
Иккиси ҳам меҳрибон.  
Бири менга сут берган,  
Бири эса, иссиқ нон,—*

(Уйғун)

қабилдаги шеърлар руҳида тарбияланган, онги, бадиий идроки шаклланган китобхон Рауф Парфи шеърларини дабдурустдан қабул қилолмайди. Шеърларининг

қатимиға яширинган маънолар моҳиятини дарров ай-тиб бериши қийин. Ва ҳатто, уч-тўрт ўқигандан кейин ҳам коса тагидаги нимкоса — тагдор маъноларни ҳам-мирдан қил суғургандек сип-силлиқ айтишга қийнала-ди. Ва лекин, Рауф Парфи шеърларидаги мажозий об-разлиликнинг «ҳазм» бўлиши мураккаб эмас.

Кимлардир тоғ ҳавосидан ёки гулзор атридан, ким-лардир денгиз ҳавоси ёки жийдазорнинг ифори эпки-нидан беадад баҳра олади. Олам-олам завқ, сурур туяди. Ва аксинча, кимларнингдир ўпкаси ёки юраги хаста бўлса, денгизнинг салқин шабадасидан, тоғнинг муз-дек чинни ҳавосидан бебаҳра ўтади. Шу боисдан бир нарсадан ҳамма ҳам бирдек роҳат-фароғат туюши, беа-дад сурур-завқ олиши амри маҳол.

Демак, айтиш жоизки, лаззатланиш, завқланиш, мафтункорлик ва ҳайратланишнинг барча турлари учун мезонлар бир хил эмас. Шу маънода, дидлар ва савия-ларни битта қолипга солиб бўлмайди. Ҳарорати ва дара-жасини бир хил мезон билан ўлчаш ҳам мумкин эмас. Бу ўринда Рауф Парфи лирикасининг ўзига хослигини белгиловчи асосий омил, бу — жанрлар хилма-хиллиги эмас. Аксинча, ана шу турфа хил жанр ва шеърӣй шак-ллари юзага келтирган бадиӣй тафаккур табиатидир. Хусусан, фикрий-ҳиссий маънонинг фожеӣй ҳазин оҳангга йўғрилганлиги Рауф Парфи услубининг зоҳи-рий аломати.

Серқатлам маъноли метафоралар асосига қурилган шоир лирикаси янги шеърни юзага келтириши билан баробар яна янги шахслар авлодининг ҳам туғилиши ва шаклланишига замин яратди. Истибдодга, хиёнатга, ёлғон ва зулмга қарши исёнкор лирикаси юракдан чак-чак томаётган қон зардобларини эслатади. Эрк, ҳақиқат, эзгулик ва гўзалликнинг таъми, ранги, чеҳраси умум-башарӣй. Дунёдаги барча эллар ва элатлар учун таниш, жондош ва қондош. Рауф Парфи шеъриятидаги Ишқ, Куш, Дарахт, Нур тимсоллари эрка интилиб ёниб яшаётган шахс руҳонӣй ҳаётини акс эттирувчи янги рамзли маънодорлик касб этди.

## 4.

Чўкмоқдаман сувларга,  
 Кўкларга учмоқдаман,  
 Ўпмоқдаман қуёшнинг оёғини.

Бу — лирик қаҳрамоннинг оний кайфиятини ифода-  
 лаётган ҳолат эмас. Бу — руҳнинг ҳайқириғи. Жамият ил-  
 латларидан юз бурган, чиркин муҳитдан бош олиб кетиб  
 покиза ҳаволарга чўмган, оловга ошно тутинган ҳақ Сўз.  
 У ёлғонга, хиёнатга, зулмга қасида тўқишдан кўра боки-  
 раликнинг, ёруғликнинг оёғини ўпишни маъқул кўради.  
 Ўзига муносиб билади. Маҳзун асноларида лирик қаҳра-  
 мон чақмоқ билан, момақалдироқ билан сўзлашишни  
 хуш кўради. Боиси, чинакам шоир қуёшнинг оёғида,  
 оловнинг кучоғида яшайди, деб билади. Шеър — ёруғлик  
 билан олов фарзанди, дейди у. Ёнмаган дил бамисоли  
 кўлмак сув. Кул уюмлари орасида милтираган чўгдан алан-  
 галар ҳосил қилмаган кимса — бамисоли тунда ялтира-  
 ган шиллиқ қурт. Нега сиз яшинни уйғотмадингиз, дей-  
 ди у «Мен узоқ ухладим» учлигида. Яшинни яшириб  
 қўйнимда, дунёни унутдим, ўзимга келдим, дейди «Сев-  
 гили одамим...» учлигида. Қуёш эриб кетди кўзимда, Ой  
 йиқилди кўксимда эриб, дейди яна бир учлигида.

Рауф Парфи шеърлятида табиат унсурлари, моддий  
 олам ўз ҳаёти, хаёллари билан яшайди. Хоҳ осмон кен-  
 гликларию юлдузларми, хоҳ булутлару офтоб нурлари-  
 ми — барчаси ўз қувончи, ташвиши, дарди-дунёси би-  
 лан бетакрор қиёфасини намоён этади. Сирли олам си-  
 ноатларини тушунишга кўмак беради. Табиат образлари  
 кўзимизга сингиб кираркан, кўнглимиздан жой олади.  
 Яна муҳими, табиат деталлари, ранглари, образлари  
 жамиятни, инсонни тушунишимизга кўмаклашади.

Томчида офтоб акс этгани сингари Рауф Парфи шеър-  
 лари — бу шахс руҳониятининг намоён бўлиш ҳолатлари-  
 ни акс эттиради. Қайси сатрини ўқиманг, ундан шоир-  
 нинг нигоҳини туясиз, нафасини ҳис этасиз. Ўткир, син-  
 чков, олов кўзларини кўрасиз. Ҳар бир саҳифадан юриб  
 келаётган, қўл чўзиб, «Ассалому алайкум», дея сўрашаёт-  
 ган очиқ чехра шоирнинг ўзи билан танишасиз.

Шоирнинг илк шеърларидан бошлаб, Тонг, Ўлим, Офтоб, Нур, Дарахт, Қушча тимсоллари, Оқ ва Қора ранг образлари уйғоқ «мен»нинг, бетакрор шахснинг беҳаловат руҳиятига эш. Улардаги теран маъно қирралари қирғоқларга урилиб қайнаб чиқаётган, ўз ирмоғини очиб кетаётган булоқ мавжларини эслатади. Айтиш мумкинки, шоир ҳар бир шеърдан ўзини излайди. Жамият ва инсон сир-синоатларига, ҳукмрон мафкура кирдикорларига — ўйинларига муносабат билдираётган уйғоқ дилнинг тимсолларга айланган нолалари, дардлари кўзларини очади.

*Бир замон фалакнинг кўзлари сўнди,  
Аста қора кийди мудраган жаҳон.  
Руҳимнинг асрлик музлари синди,  
Нимадир бўғзимни кесди беомон.*

Қора кийган фалак, қоронғу нигоҳ, қора лола... — лирик қаҳрамоннинг афтода ҳолатидан йиғлаяпти. Фалак чирқиллайди, дов-дарахтнинг кўзлари ёшли. Фаришталар чекади нола. Нима бўлди, кўзларининг нури синдими? Юрагининг тафти сўндими? Ҳисларининг товушлари қора кийдими? Ушалмаган орзулари бўғзидан узилган сўнгги нафас мисол етим. Таъбири ечилмаган тушлари ҳам кўланка сингари ўлган орзулари узра қанот қоқади. Аза тутади. Гуллар яноғида шабнам эмас — қон. Майсалар кипригида титрайди оғу. Боғларда мевамас, унади заҳар. Недан ҳузур-ҳаловат туйсин? Чирмовиқ мисоли қадамига илашар илон. Тилининг учида новвот эмас, заққум томчилар.

Ана, қоп-қора кўланка осмонда эмас, қуюқ ўрмонлар оралаб эмас, енгидан чиқиб келди, бош кўтарди. У кимларнинг ва ниманинг совуқ нусхаси? Мунча вужудини чирмаб боради? Кўнгил тафтини, орзулар оловини суғуриб олмоқчими ночор танасидан?

*Отилдим, номаълум, қоронғу нигоҳ,  
Биров қулоғимга совуқ шивирлар.  
Азиз бир товушни эсладим ногоҳ,  
Рангин овоздир бу, гўзал ғимирлар.*

Кўланканинг қўл-оёғи бемажол... Кўзларию сўзлари ҳам, ўйларию туйғулари ҳам муз қотган, тилсиз. Қора кўланка... мунчалар совуқ, мунчалар сурбет. Уят-андишани биладими бу? Яна ювуқсиз, кир-чир энгил-боши билан оппоқ кўрпага ўраниб олди. Уйдан ҳайдаб чиқарай деса, кўланканинг боши йўқ, гап уқмайди. Қўлларидан тортиб турғизай деса, дасти-тирғаги йўқ. Начора, ўзининг ҳолати ҳам қўл-оёғи тушовланган от мисоли. Қимирлашга мадори йўқ. Ёрдам сўрай деса, тили кесилган.

Қоп-қора кўланка шунчалар қудратлими? Суянган тоғи қайда? Унга шунчалар куч-қувват ато этган тирик ўликлар ўлкаси қани? Майитлар арвоҳи мисоли шамчиروқлар теграсида айланади. Яна, липиллаган шуълалар билан бирга рақс ҳам тушади, қувлашмачоқ, бекинмачоқ ўйнайди. Хей, суллоҳ кўланка. Энгил-бошимни еб тутатдинг. Энди сочларимни битта-битгалаб териб ейсанми? Қоч, нари кет! Ҳайдаган сари баттар ёпишади-я.

Кўланка оҳиста сидрилиб, лирик қахрамоннинг сочлари орасига кириб яширинди. Жунбушга келиб тўлғанаётган, куяётган туйғулари кўққисдан ёниб кетди. Буткул вужуди гулханга айланди. Энди кўзлари, қўл-оёқлари ёна бошлади. Ёнғинда сочлари чарс-чарс чатнарди. Ловуллаган сочлари ҳам учиб бориб тупроққа қадалди. Худди кўчатларга ўхшаб экилиб қолди. Энди, тупроқ ёнишга тушди.

Кошкийди ана шу издиҳомда қора кўланка ёниб кул бўлса. Бадар йўқолса. Йўқ, энди у бир думалаб аланганинг кўланкасига айланиб олди. Энди ер юзини олов қоплади. Кўланка олов денгизида қулоч отиб сузиб кетди. У... тирик. У кимларнингдир, нималарнингдир соясига айланиш учун сузиб, учиб бораётир...

*Нақадар гўзалдир чиркин бу товуш,  
Оҳанг вужудимни чирмади буткул.  
Бўғилдим, инградим, титрадим, беҳуш,  
Ожиз баданимга суйканди бир гул.  
Надир бу? Қўлимда қора лоладир,  
Ул кўздан ғойибдир, тирик ноладир.*

Ёвузлик, зулм-қабоҳат ўлим билмайди. Аксинча, йўқликка суяниб эзгулик ва ёруғликнинг кушандаси бўлиб қолаверади. Ёмонлик, ёвуз кучлар ёруғ орзу-умидларнинг ҳаётига зомин бўлаверади. Эркни, ҳур фикрларни бўғизлаб, қонини ичаверади. Дунё шевалари мунчалар чигал, турфа ва жумбоқли. Жаннат билан дўзах, кун билан тун, иссиқ билан совуқ, олов билан сув, тириклик ила ўлим “ бари инсоннинг икки дунёси учун. Не саодат ва не қабоҳатки, инсон феълида шайтону кўнглида раҳмон яшайди: хурлик ила қуллик ҳам инсоннинг бир бурда умрига синов. Бу дунёси – ёруғлигию, у дунёси – охирати учун ҳам синов. Инсон – икки дунё зийнати. Инсон қисмати мунчалик чигал? Ҳар бир одимида, ҳар нафасида фожеа йўлдош.

Рауф Парфи шеърини инсоннинг ана шу азалий ёзуғи ҳақида. Пешонасига битилган ёзуқнинг фожеали руҳи тўғрисида. Бу – шоир шеърининг бадиий-эстетик асоси “ қон томири.

Лирик қаҳрамон қўлида қора лола. Ёнган, куйган ва лекин, адо бўлмаган жола. У энди тирик нола; туғён ва исён. У энди фикрларнинг уйини куйдиради. Кечинмаларнинг суяк-суяқларини бурдалаб ёқади. У лирик қаҳрамоннинг мутелик ҳолатига, қулликнинг уйига ўт қўяди. Бор-будини, ўзини ҳам ёндиради. Сўзлар ёнганда ана шу тахлит дунёга ўт кетади. Ҳўлу қуруқ баравар қуяди. Барру баҳрлар аланга ичида қолади. Бу – бадиий Сўзнинг қудратидан. Шоир истеъдодининг чақмоқларга, момақалди роқларга айланган сеҳрли қудратидан.

Сарбаст, хокку, танка, сонет, саккизлик, олтилик, тўртлик, фард ва ҳ.к. лирика жанрлари ва поэтик шакллардаги изланишлари истеъдоднинг зоҳирий кўринишларидир. Рауф Парфи яратган янги Сўзнинг мағзини, янги шеърнинг табиатини олам, жамият ва одамни янгича англаш, тушуниш ҳамда англашиш маданияти ташкил этади. Илмий ифода билан айтганда, бадиий уйғунликнинг янгича кўриниши юзага келди, демакдир.

Рауф Парфининг миллий маданиятимиз тараққиётидаги, бадиий тафаккур такомиллидаги ўрни ва хиз-

матлари яна шу нарса билан белгиланадики, у янги Сўзни, янги мазмунни қабул қиладиган, вужудига сингдирадиган ва ўзгаларга ҳам тушунтира биладиган китобхонлар зумрасини юзага келтирди. Тарбиялаб, камол топдириб боряпти. Бунинг учун Шарқ, Фарб ва Лотин Америкаси (япон, ҳинд, турк, араб, француз, немис, инглиз, рус, озарбайжон, чили, италян ва ҳ.к.) бадиий анъаналарини ўрганиш, ўзлаштириш ҳамда ўзбек миллий маданиятига мувофиқлаштиришдек катта ва масъул вазифани адо этди (Исикава Такубоку, Рабиндранат Тҳакур, Нозим Ҳикмат, Жуброн Ҳалил, Пол Элюар, Сен-Жон Перси, Жак Превьер, Пол Валери, Рене Шар, Гийо Аполлинер, Байрон, Ҳуго, Пушкин, Блок, Квазимодо, Ҳусайн Жовид, Пабло Неруда ва ҳ.к.).

Рауф Парфи ижодий тажрибасининг ўзбек поэтик сўз маданиятидаги новаторлиги шундан иборатки, у бой бадиий анъаналардан воз кечмади. Уларга таяниб, ўз сўқмоғини очишга, ўз йўлини белгилашга эришди. Мавжуд ҳижо тизимига асосланган туркий шеър маданиятини, таркибларини такомиллаштирди, бойитди, ривожлантирди.

Мумтоз шеър маданиятидаги, халқ оғзаки ижодидидаги шеър тузилишининг пинакка кетган шакллари кўзларини уйқудан уйғотди. Қайтадан жон бағишлади, қанот берди. XX аср тонги адабий ҳаётига оқиб келган насрий шеърни қиёмига етказди. Гўзал бадиият намуналарини яратди.

Ўзбек поэтик маданиятига верлибр шеър тузилишини олиб кирди, дейиш анча чекланганлик бўлурди. Эркин шеър тузилиши туркий шеър учун бегона эмаслигини, қадимий шеър маданиятимиз тарихида мавжуд бўлганлигини ижодий тажрибаси орқали тасдиқлади. Уларни XX аср ўзбек халқининг нафақат орзу-армонлари, дарди-аламлари, шу билан баробар яна тафаккур маданияти, қалб зарблари, ўзбекона миллий руҳи билан бойитди. Сонет, хокку, танка ва ҳ.к. жаҳон шеърияти жанрларига, поэтик шаклларига миллий руҳ олиб кирди. Томирларига туркона ҳарорат, оловли сўз ва тафаккур нуруни қўшди.

Рауф Парфи ўзига хос оксиморон образлар тизими-ни яратди. Шеъринг сатрлар мусиқийлигини кучайтириш-да ҳайратангиз изланишлар олиб борди. Сатрлар такро-рида нафақат фикрий кўчимларни, яна ҳис-туйғулар тўлқинини, кечинмалар пўртанасини вужудга келтирди. Ушбу жараёнда эмоционал ҳолат ва кайфиятлардаги, руҳоний кечинмалардаги ҳислар оқими фавқулодда шеър мусиқийлигини ҳосил қилади. Бу — ёлғиз Рауф Парфи ижодий изланишлари учун хос бўлган бетакрор самара-дир. Сатрларнинг ички қофияланиши, аллитерация — оҳангдош сўзлар билан бойитилиши шеърнинг эмоци-онал таъсир кучини оширади. Тафаккур тўлқинининг онг-шуурларда михланиб қолишини таъминлайди, асос-лайди.

## 5.

Рауф Парфининг поэтик маданиятимиз тараққиёти-даги ўрни, хизмати, аввало, бадий тафаккурдаги сте-реотип — қотиб қолган тасаввур ва тушунчаларни син-дирганлиги билан белгиланади. Хўп, стереотип тушун-ча ва тасаввур дегани нима ўзи? «Бўладиган боланинг пешонаси дўнг бўлади», деган ҳикматни суюб тилга оламиз. Айниқса, ўғил кўрсак, манглайига тикиламиз. Пешонаси кенг ва дўнг бўлса, ич-ичдан ғурур туямиз. Фарзандимиз феъли кенг, бағри бутун, олижаноб, ақл-заковатли, доно-билимдон бўлади, ёзуғининг белгиси кутлуғ, дея тотли умидлардан кўнглимиз қанотланади.

Бу — асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган табаррук тушунчалардан. Худди шу тахлит онг-шуури-мизда шаклланган тушунча ва тасаввурлар ҳаётимизга алоҳида мазмун, шукуҳ бағишлайди.

Бадий адабиёт, шу жумладан шеърининг ҳам ёзил-маган қонуниятларидан бири, бу — стереотиплар билан фикрлашни асло ҳазм қилолмайди. Санъат асарлари онгда шаклланган турғун тасаввурларни синдириш асо-сида юзага келади. Бадий тафаккур кўз очиб дунё та-нибдики, минг йиллар мобайнида ана шу табиатини асрий анъаналардан бири сифатида сақлаб келаётир.

Поэтик тафаккур салоҳиятини симоб доначаларига қиёслаш мумкин. Симобни гарчанд, куз билан кўрсакда, қўл билан ушлаб бўлмаганидек, шеърдаги фикрчан кечинмалару ҳиссий тафаккурни қўл билан ушлаб, кўриб бўлмайди. Уларни ёлғиз ҳис этамиз, ички эмоционал идрок ила туямиз.

Тахайюллар асосига қурилган мажозий образлилик, бу — воқеликни, инсонни, руҳоний ҳаётни реалистик идрок этиш шаклларида бири. Бадиий тафаккурнинг мазкур йўналиши ХХ аср ўзбек шеърлятида Рауф Парфи ижодий изланишлари билан боғлиқликда гўзаллик ҳодисасига айланди. Ва ярим аср бадалаида бадиият мактаби сифатида шаклланди. Бу — миллат бадиий диди ва эстетик савиясининг янги босқичи демакдир. Хўш, бунинг моҳияти нимадан иборат?

Рауф Парфи шеърляти ХХ асрнинг 50-60-йилларида бадиий тафаккурда қотиб қолган андозаларни, стереотип фикрлаш тарзини синдирган бўлса, ХХ аср адоғида мазкур фалсафий-эстетик тажрибани мукамалликка етказди. Хусусан, Ватан мустақиллиги, миллат озодлиги, шахс эрки масалаларининг бадиий талқинларини, Эзгулик, Адолат, Гўзаллик ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар канорасини умумбашарий қадриятлар маъноси ила беҳад кенгайтириб юборди. Хусусан, санъаткор асарларининг бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий аҳамияти муаллифнинг қайси миллатга ёхуд Мағрибу Машриқ, кунчиқару кунботар маданиятларига мансублиги билан белгиланмайди. Бадиий асарнинг кадр-қиммати миллий-башарий қадриятларни нечоғли ҳимоя қилганлигида, улуғлай олганлигида, умуминсоний мазмун-моҳиятида, одам кўнглини қанчалик кашф эта билганлигида, деб тушунади. Бу, табиийки, янги дунёқараш ва дунёвий дид маҳсули.

Шу маънода, Рауф Парфи ва унинг авлодига мансуб ижодкрлар шўро даври фарзандлари эмас, умумбашарий маданият фарзандлари бўлиб қолди. Мағрибу Машриқ, кунботару кунчиқар қозонидаги таомлардан баҳраманд бўлишга, ва шу асосда, янги ўзбек шеърини —

ўз дастурхонини ёзишга муваффақ бўлди. Шоирнинг бадиий-эстетик тажрибаси шўро мафкурасининг таъқиб ва тазйиқлари остида онгимизга, дунёқарашимизга қаршилиқ тўлқинини олиб кирди. Хусусан, шўро-истибдод ўлкасида шахсларни тарбиялашга, шахсиятларни шакллантиришга, шахслар мамлакатини вужудга келтиришга қаратилди.

Ушбу жараёнда Рауф Парфининг ижтимоий-сиёсий қарашлари бадиий-эстетик туйғуси билан омухта шаклланди, камол топди. Шу боисдан ҳам уларни бир-биридан айириш ёки бўлак-бўлак ўрганиш мумкин эмас. Улар бир мағизнинг икки палласи, бир олманинг икки бўлаги янглиғ. Шоир эстетик қарашларининг илдизи халқимизнинг минг йиллар мобайнида қарор топган ижтимоий, бадиий, фалсафий тафаккури манбаларига бориб туташади. Ундан ҳаёт сувини ичади. Хусусан, адабий асарни баҳолашдаги нуқтаи назарини кўздан кечирайлик. Маълумки, жаҳон эстетикаси тарихида Шарқ шеърятини тинчлик асосига қурилган мажозий бадиий тафаккур маданияти, деб таснифланади. Гегел «Эстетика» асарининг «Эпоснинг моҳиятан фарқли белгилари» бобида (XIV жилд, 275-бет) Шарқ эпосини символик типдаги, рамзлар асосида юзага келган, дея таъриф беради.

Тўғри, мажозийликни ёлғиз бир халқ шеърятига хос, дея чеклаш мумкин эмас. У турли шаклларда барча халқлар шеърятини мавжуд. Шу боисдан Рауф Парфи, биз биладиган барча тоғларнинг чўққилари бор. Бунда метафора энг баланд — бош фигура, дейиши ҳам бежиз эмас. У шеърятимизнинг ўзига хослигини, ўзгариш жараёнида кечган хусусиятларини белгилашда унга ёпиштирилган турли хил зўрма-зўраки ёрликларни, сунъий аломатларни кескин рад этади. Танқидчилик ўзбек шеърятининг 60-йилларида оддийлик, соддалик, замонавийлик, самимийлик сингари аломатларни бадииятнинг муҳим хусусиятлари сифатида қайд этган эди. Лекин бу таъриф ва тасниф шеърятимизнинг мазкур даври ривожини учун хос етакчи белгиларини тўла-тўқис очиб бера олмайди. Р.Парфи халқимизнинг бадиий-эс-

тетик тафаккури анъаналарига суянади.

Шеърят фикран ботинийлиги туфайли ўзида жамиятга қаршилик уруғини асрай олади. У ҳамма замонларда ўз билганидан қолмай, ҳақ сўзни айтишнинг турли йўлларини топган, биз унинг овозини доим эшитиб турдик, дейди у. Демак, ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлангириш ўзбек шеъряти тараққиётининг барча даврлари учун ҳам бош хусусият бўлиб келган. Лекин унга эришиш йўллари кўп, усуллари ниҳоятда хилма-хил. Хусусан, мажозий образлилик ҳақ сўзни айтишнинг, воқеликни реалистик идрок этишнинг шакллари билан биридир. Хусусан, шеърга ёлғон ёт. У ўлим билан баробар. Шоир ўзини ўлимдан – ёлғондан асраши керак. Шу маънода, ҳар бир шеърнинг юзага келиши, бу – ўлим билан юзлашиш демакдир. Ҳар бир одам, шу жумладан шоир ҳам ўзи билан ўзи курашиб яшайди. Ана шу жараён – ўзи билан курашишнинг ўзи санъат, қолган ҳаммаси омилкорлик. Шу боисдан ҳам шоирнинг ўз жонини сақлайдиган жойи йўқ. Бу рост ва ёлғон, нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим оралиғидаги бир ҳовуч ҳаво, бир чимдим нафас, бир калима сўз. «Эй, худойим, сен ишониб сўзни бизга бердингми», дейди шоир. Уни кўзига тўтиё этгувчи ҳам, оёқлар остига хазондек сочгувчилар ҳам ижодкор, аслида. Сўзни шоирга Худонинг ўзи беради, Сўзини ҳам ўзи олади. Бу – жонини олгани билан баробар. Зеро, ўз сўзини йўқотиш, бу – шоир учун ўлим. Шоир ўз жонини қандай сақлай олади, ёлғоннинг макридан қанчалик ўзини эҳтиёт қилади – буни ёлғиз Худо билади.

*Тиккандир жонини Ватанига у,  
Бу сўз қаршисида титрама, эй жон.  
Юзма-юз келгандек гўё ўт ва сув,  
Юзма-юз келадир шоир ва замон.*

Шоир бу ёруғ дунёда яшаётган Инсоннинг чексиз-чегарасиз кечинмаларини сўз билан ифода қилгувчи шахсдир, – дейди Рауф Парфи. – Шоир кўзининг ўрнида дарёлар оққан, елкасида тоғлар йиқилган, ўз танидан

чиқиб, руҳга айланган зотдир. Унинг ўз таъбири билан айтганда, шоирни куйлатган ҳазрати инсон. Унинг ҳаққи-хуқуқлари — шеъриятнинг ҳам ҳаққи-хуқуқларидир. Жаҳолатнинг ранглари, зулмнинг маъносини, зўравонлик, адолатсизликнинг сирти шакар ботини заҳар табиатини образлар тилига кўчирган тимсолли реализм Рауф Парфи ижодий индивидуаллигини тайин этади.

Ушбу хусусият Рауф Парфи Ўзтурк ва бошқа етук шоирларимизнинг изланишларидаги етакчи услубий йўналишдир. Мажозий образлилик — рамзлар воситасида фикрлаш маданияти XX асрнинг 70-йилларидан эътиборан ўзбек шеъриятида устивор тенденцияга айланди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўзбек танқидчилигида бадий тафаккурнинг ушбу жараён моҳиятини тушунмасликданми ёки тушунишни истамаганликданми, «Шеърингизни тушунтириб берсангиз», «Шоир нима демоқчи, шеър нима деяпти» қабилдаги мақолалар юзага келди. Уларда Рауф Парфи ва бошқа шоирлар шеърларидаги мажозий образларни, рамзларни Фарбга тақлидчиликда, ўта мураккаблик ва мавҳумликда айблаш расм бўлди. Тимсолли образлар сарбастдаги изланишларида ёрқинроқ тажассум топгани боисиданми, уларни Фарб шеъриятига тақлидда айблашди. Ваҳоланки, шеърнинг бу шакли аввалги минг йилликда Туроннинг қадимий битикларида бор эди.

Ушбу ҳодиса, айрим танқидчилар айтгандек, Фарб ва Лотин Америкаси адабиётига тақлидан эмас, аксинча, эстетик таъсир самараси ўлароқ юзага келди. Шу боисдан ҳам шоир, биз бу шеъриятда ўзимиз англамаган ўзимизникини топдик, дейди.

Рауф Парфи эстетикасида санъатнинг, сўзнинг маърифий-тарбиявий роли, аҳамияти масаласи алоҳида ўрин тутди. «...Миллат бор экан, демак, адабиёт бор, сўз бор. Жаҳонга буюк сўз соҳибларини берган бу тупроқ, бу ҳаво, бу сув, бу олов инсониятни шафқатсиз, қонли ўйинлардан, қирғинлардан, балою офатлардан асрай олмади. Лекин олижаноб, қутлуғ сўз адолат тарафида экани қувончлидир» («Шеърият ва абадият» мақоласи).

Шоирнинг ишончи-этиқодига кўра, эзгу сўз одамлар онгига нур-ёруғлик олиб киради, кўнгиллардан ёвузликни, жоҳилликни, ёмонликни қувиб чиқаради, то-зартиради. Руҳиятларни поклайди. Дин жамиятларни поклар экан, асл шеърят ҳам дин мисол юксак маънавий салоҳиятга эга. Эзгу сўз одамлар онги-тафаккурига таъсир кўрсатиш орқали кўнгилларга уя қурган хиёнатни, риё-мунофиқликни, сотқинликни, кўрқувни ҳайдайди. Кўнгилларда олижаноблик, эзгулик гулзорларини кўкартиради. Саховат ва меҳр-шафқат боғларини барпо қилади («Дилимда бир сўз бор эди. Бу сўз меники эди. Айтдимۇ мен сўзники бўлдим ортиқ»).

*Беғубор тонг каби гўзал,  
Тонг чоғи очилган гунча каби,  
Гунчада шабнам каби мусаффо...  
Осмон каби бепоён кўзлар севинчи янглиғ,  
Бир сўз бор,  
Ҳақиқат сўзидан ҳам юксак.  
Ҳақиқатнинг ўзидан ҳам юксак,  
Бир сўз бор...*

Бу, санъат — санъаткор — жамият масаласида янги нуқтаи назари, янги тушунча ва янги нигоҳи ила бадий тафаккур маданиятида шоир ўзгача йўналиш яратди, демакдир. Бу — санъат асарларини тушуниш, тушунтириш ва баҳолашда ҳам эстетик мезонларни ўзгартирди, янгиллади, демакдир.

Шоир эстетикасида дил эркинлиги масаласи алоҳида ўрин тутди. Руҳ феномени, кўнгил хуррияти, эрк феномени Рауф Парфи эстетикасида ижтимоий-фалсафий категория даражасида бадий тадқиқ этилади.

Хусусан, онгимиз-шууримиздаги кўринмас, сезилмас темирдек қаттиқ бир куч бизни метин иплари билан боғлаб туради. Юриш-туришимиздан тортиб, гап-сўзларимизгача, хатти-ҳаракатимизу ўй-фикрларимизгача, бир сўз билан айтганда, изимизу сўзимизни, кўрар кўзимизу ўзимизни бошқаради. Бу — чексизликдан чекланиш белгилари. Ичимиздаги сиёсий нозирнинг ҳукм-

рон мавқеи бизни руҳан ва маънан мутелик ҳолатига солиб қўяди. Ана шу нарса аксар ижодкорларни ҳукмрон мафкура тоғорасига ўтказиб, ноғорасига ўйнатиб қўяди. Қачонки, ижодкор руҳан эркин бўлмас экан, ҳеч қачон мафкуравий қолиплардан, сиёсий манфаатдорликдан халос бўлолмайди. Бош олиб чиқиб кетолмайди. Замонасозликка берилади. Замонасозлик ботқоғига ботиб чапак чалиб яшайверади.

Руҳий эркинликнинг мазмуни недир? Дил эркинлигининг таъми қанақа? Қандай одам эркин бўлади? Дилдан бўлак, ўзидан бошқа ҳеч қанақа давлати йўқ, шипшийдаман бандаи мўминми? Ёхуд, сочидан тирноғигача ҳукмрон мафкура бўтанасига ботириб олинган кимсамми? Қандай жамият озод бўлгандагина унинг фуқаролари ҳам эмин-эркин яшаши, дориломон кун кечириши мумкин?

Шахс эркин бўлмас экан, у мансуб миллат ҳам, Ватан ҳам озод бўлолмайди. Бу “шоир талқинидаги эркиннинг авж пардаси. Ана шу мақомга етишиш эса, аввало, одам ўзини-ўзи танишдан бошланади. “...Нарсаларга эркимизни боғлаб қўйганмиз, моддиятнинг қулимиз,” дейди Рауф Парфи. “Бу «айёр» ақлнинг хулосалари, оқил ақлники эмас. Ақл Аллоҳни танишдан чалғиса, бу айёрлик. Оқил деб Аллоҳни билганга айтилади. Аллоҳни таниган банда моддиятга боғланиб қолмайди. У ўзининг қоровули эмас. У — Ўзининг эгаси, ўзлигини излаётган инсондир”.

Бани одам моддий борлиқни ҳам, руҳий дунёни ҳам идрок этишда холис. Унинг кўнглида ҳаммиша тўрт фасл шавқи барқ уради. Еру осмонлар оралиғида, барру баҳрлар сарҳадларида тизгинсиз бадий диди ўзига хон эканлигини тасдиқлаб туради. Унинг илоҳий кўтаринкилиги, ҳеч қандай ўлчовларга сиғмаслиги — бадий дидининг бетакрор асл табиати. Барча буюк санъаткорлар инсоният тарихи бадалида яратган энг гўзал ва мумтоз бадиият намуналари миллий мансубиятларидан, макон ва замондан қатъи назар, бадий диднинг безавол мезонларидир; юксак ўлчовлари, идеал тош-таро-

зусидир. Агар, кўкдаги бир тилим ҳилол, тупроққа санчилган гуллар мукамал гўзаллик намуналари бўлса, Муҳаммад с.а.в. камолот мақомига етишишнинг энг мумтоз тимсолидир. Инжу кўзли булоқ сувлари бокиралик ва мусаффоликнинг кўзгуси экан, Юсуф Хос Ҳожиб ва Яссавий, Бедил ва Навоий, Данте ва Шекспир, Пушкин ва Чўлпон шеърятлари бадий гўзалликнинг идеал намунаси эмасми!?

Рауф Парфи эстетик қарашларининг илдиэларини баҳрамандлик омилларини ёлғиз тоғ-тошу булоқлардан изламанг. У Мағрибу Машриқ, кунчиқару кунботар бадииятининг мумтоз намуналаридан ҳаёт сувини ичади. Шу боисдан ҳам шоирни жаҳон эстетикасидаги тимсоллар реализмига, туйғулар реализмига мойил санъаткорлар кўпроқ қизиқтиради. Хусусан, реализм эстетикасига кўра шоирни жаҳонгир зулм — истибдодга қарши шахс эрки масаласи, табиатнинг тўрт фаслига монанд кечинмалар туғени, ҳаёти банд этади. Шу боисдан ҳам шоир адабий асарларнинг эстетик қиммати ва аҳамиятини белгилашда уларнинг салоҳиятини, бадииятини бош мезон, деб билади. Бошига қилич келганда ҳам фақат рост сўзлаш, Ҳақ ва Ҳақиқатни ёқлаш, ҳар қандай ёлғон, риё, макр, зулм ва хиёнат кўринишларини инкор этиш, уларга қарши исён кўтариш Рауф Парфи эстетикасининг мағзини ташкил этади: «Санъатнинг вазифаси инсонга ўлимни англаштидир. Шакли қандай бўлишидан қатъи назар... Тушунган, англаган инсон ҳамиша оғриқ, фожеа билан яшайди. Агар, таъбир жоиз бўлса, шундай айтиш мумкин — фожеа инсон билан бирга туғилган аниқ нарса. Инсон доимо ўлим билан ёнма-ён юради. Тошбақа косасини бир умр ортиб юрганидек, ўз ўлимини доимо кўтариб юришга маҳкум. Менимча, ўз ўлимини кўтариб юрган одам Аллоҳга, Ўзига, бировга хиёнат қилмайди. Хиёнат ёлғонлардан туғилади. Инсоннинг фожеаси ёлғонларга тўқнашганида бошланади. Биз «Ёлғоннинг умри қисқа» деб ўзимизни юпатамиз. Ёлғоннинг умри узун. Буни инсоният тарихига бир назар ташласангиз, билиб оласиз”.

## 6.

Рауф Парфи эстетикасида Турон-Туркистон мавзуи алоҳида саҳифани ташкил этади. «Турон-Туркистон мавзуи милоддан аввалги ёзма адабиётларда юз кўрсатиб келади, — деб ёзади Рауф Парфи. — Миср — Бобил, Хитой — Ҳиндистон, Рум, Эрон, Оврўпа, Америка сингари Турон-Туркистон, Турк дунёси жаҳон илму фани, маданияти, адабиёти ва санъати хазинасига ўзининг муносиб меросини берди ва беражакдир». Шоирнинг кўнглини, ижодини билмоқчи бўлсанг, унинг она юртини бориб кўр, деган ҳикмат бор. Шоирнинг Ватани — бу унинг сеҳрли, пурҳикмат маъноларни ўзига сингирган поэтик образлари. Рауф Парфи лирикасидаги Сўз, Кўз, Қушча, Булоқ, Дарахт, Чироқ, Хаёл, Нур сингари образлар тағдор, пурмаъно мазмун ифодалашига кўра тимсолга айланаётир. Улар Туронзамин, Туркистон халқларининг тарихий ҳаёти саҳифаларини суратлантиради. Туркий халқлар тақдиридаги зилзилали воқеалар моҳиятини акс эттиради. Миллат тақдирида ўчмас из қолдирган ва айни кейинги юз йилликларда мудраган жўмардлик, қаҳрамонлик руҳини қайта тирилтириш, оёққа қўйиш, фаолликка даъват Рауф Парфининг Турон-Туркистон мавзуидаги шеърларининг етакчи хусусиятларидандир. Сўз санъатида ҳамма бир-бирига шогирд, лекин ҳар ким ўз йўлидан кетади, дейди алиб. Ўзбек тилининг рамзларга, тимсолларга бой қирраларини акс эттириш Рауф Парфи изланишларининг мағзидир. У сўзнинг таъминини, ҳидини, рангини, бўёқларини жудаям нозик ҳис қилади. Шу маънода, ҳар бир шеърдан шоирнинг қайноқ, эҳтиросли нафаси шундоққина сезилиб туради. Ҳар бир сўзнинг ортидан унинг ўзи қараб тургандек туюлади. У айтадиган гапи учун сўз танламайди. Балки, фикрчан кечинмалари ўз маъноси, ўз ифодаси билан туғилади. “Ҳар бир сўзим — ошкор жаҳоним” дейиши ҳам шундан.

«Сўзлар» шеърида ёзади: «Яна тун қўйнида бўшлиқнинг темир қўллари кўксимни қисаркан: — Ёрдам беринг, ухлаб ётаверманг, — дея ҳайқираман, Шундай

уйғотаман қадимий Сўзларни – Туркистонимни». Рауф Парфи шеъриятида сўз “ конкрет маъно ташиб келишидан ташқари инсон шахси ва маънавиятидаги муайян гўзалликни, тимсолли ёки ибратли мазмунни ифодалашига кўра ижтимоий-фалсафий, бадий-эстетик аҳамият касб этади. Сўзлар табиатидаги шартлилик, коса тагидаги нимкоса тарзида ифодаланадиган кўчма маънодорлик, айниқса, Рауф Парфи изланишларида устувор. Рауф Парфининг сўз устидаги машаққатли меҳнати шундан иборатки, у «Сўзлар» шеърида кузатилганидек, «Оқ бинода қалин ва оқ кўрпаларига ўраниб-чирманиб қатор сўриларда» ухлаб ётган қадимий сўзларни уйқудан уйғотади. Уларни яшашга, курашга, фаолиятга сарфарбар қилади. Зеро, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, шеърият муттасил янгиланиб туради. Сўзларнинг маъносига кўра доимо янгиланиб туриши эса унинг асл моҳиятини ташкил қилади. Шоир Турон-Туркистон мавзуга бағишланган шеърларида фалсафий, ижтимоий мазмунига кўра сўзларнинг қаддинию қадрини бир баҳя баланд кўтаради; қанотини юксалтиради, уларга парвоз беради. Унинг «Сўзлар», «Шеърият», «Харита», «Она тилим», «Туркистон», «Чўли Ироқ», «Уйғонар Туркистон, уйғонар дунё», «Қадимий туркийлардан», «Ўзингни аяма, бораётган илдиз», «Англаганны англаган бошлари қани» сингари ўнлаб шеърларида Турон-Туркистоннинг олис ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ турфа бадий талқинлар силсиласини кузатамиз. Бадий сўзнинг шунчалар катта салоҳияти борлигидан ҳайратланамиз.

«Сўзлар» шеъривати бадий талқинга кўра, “инсон” бу сўроқ гап, ундов гап, дарак гап. Сўзлар бизга яшамакни ўргатар. «Бир ажаб сўзлардир пешонада тўпланган ажин». Қўлларимиз ҳам фикрчан Сўзлар. Шу маънода, Турон “ ҳаддан зиёд гўзал сўздир. Бу тонготару қуёшнинг ботиши, йўлдаги киши “ барчаси ажойиб жумла-ларга ўхшайди. Улар умр, тақдир, тириклик сатрлари. «Мозийга урилиб синди овозим» дейди шоир. Туронзаминнинг ўтмиши, аждодларнинг шонли ҳаёти тарихи

лирик қахрамон руҳини кўтариши, тафаккурига қувват бериши билан баробар маҳзун кайфиятларга ҳам солади. Овозини синиқлаштиради.

*Бу — олис қуёшдир куйиниб ёнар,  
Олис эсдаликлар бўлмайди адо.*

Рауф Парфи шеъриятидаги поэтик образлар ва тимсолларнинг ўзига хослигини улар зиммасидаги маънолар моҳиятидан англаймиз. Шу ўринда тимсоллар табиатини очиб берувчи унсурлар орасидан характерли икки жиҳатига тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, бу нарса тимсоллар табиатидаги ботиний ва зоҳирий аломатлардир. Чунончи, Ф.Фулломнинг «Соғиниш» шеъридаги ўглини урушга кузатаётган ота “ бу азамат Ватан, фидоий миллат тимсолига айланган. Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» шеъридаги баҳор тимсолига айланган ўрик гуллари “ рамзнинг зоҳирий кўринишидир. Ўқувчи шеърни ўқиган заҳоти кўз ўнгида, тасаввурида ана шу символик маъно касб этган поэтик белгилар яққол суратланади. Шеърдаги поэтик образлар ҳам у қадар мураккаб эмас, ўқувчининг ақли-шуурини таҳайюлларга, пўртанали ўй-фикрларга чулғаётгани йўқ.

Энди, тимсолларнинг ботиний кўриниши ҳам борки, у серқатлам, сертармоқ, тагдор кўчма маъно қирраларига эга.

Рауф Парфи сўзнинг тимсолли маъно жилваларини кашф этишда ўзига хос бетакрор мустақил йўлга эга бўлган шоир. У халқимизнинг кексалар изидан юрма, лекин улар излаган нарсани сен ҳам изла, деган ҳикматига амал қилаётгандек туюлади. Шоир янги шаклда янги гап айтиш учун тинмай изланар экан, ҳар биримизга таниш сўзлар зиммасига янги ва чуқур маънолар юклайди. Мазкур йўналишда Рауф Парфи шеър сатрларини синдиришни яхши кўради. Хўш, бу нарса шеърга зиён-заҳмат етказмайдами? Шеърни ногирон қилмайдами? Йўқ, албатта. Сабаби, бу нарса фикрнинг синишига, туйгуларнинг сочилишига, маънонинг дарз кетишига олиб келмайди. Энг муҳими, шеърда сўз син-

майди. Сўзнинг бадий-эстетик таъсир кучи, салмоғи ортса ортадики, асло букилмайди, сусаймайди. «Минг йил сизни изладимми мен» туркумига кирган учликда ўқиймиз:

*Мен узоқ ухладим.  
Бир аср ухладим, нега мени —  
Нега сиз яшинни уйғотмадингиз.*

Шакл жиҳатдан синган сатрлар кескин кечинмали ҳолатлар маъносини, мураккаб зиддиятли кайфият ва туйғуларнинг рангини, манзарасини чизишга йўналтирилган.

Шоир «Юрак» шеърисида «Мен фақат Туркистон аталган ёрқин, бир бутун юртимни истайман, холос» дер экан, ёқавайрон ўз ватанида ватансиз туркийлар бирлигини, қўллар, тиллар, диллар бир бўлишини, яхлит бағри бутун миллат сифатида қад тиклашини орзу қилади («Кўкка етди сабр дарахти. Йиғла Қрим, йиғла, тангри кўк. Не бўлмоқда инсонлар айтинг: Қрим бору қримликлар йўқ»). Зеро, қўллардан кетган ихтиёрларни тиклаш, туркийлар учун маҳрга берилган мутелик, қуллик, озорларга барҳам бериш, бизлардаги йўқ иттифоқни бор қилиш, оёқ остидаги инсоний ҳуқуқларни тиклаш, тупроққа қоришиқ муқаддас ҳурликка эғалик ҳаққини барқарор этиш («Она Туркистондир туркларнинг тожи») лирик қаҳрамоннинг бош муддаоси.

*Ўзингни аяма, бораётган Илдиш,  
бораётган Ҳасрат,  
бораётган Ватан,  
Она Туркистон.*

Ана шу жараёнда уйғоқ Сўз Ҳақиқатнинг олов кўзларига айланади («Ухлама сен, Ҳақиқат»). Лирик қаҳрамон тийран сўзга, қиличдек қайралган Ҳақиқатга ўтинч билдиради. Мудроқ, кўрқоқ жонларни, норасо маконларни, басирларни уйғотгин, дейди. Қасрларни, асрларни, замонларни уйқудан уйғотишига ишонади. Заҳар ҳўплаб эса-да, одамларни тўплаб айт. Сўзларинг

ловуллаб турсин. Токи, юракларда кул босган чўғлар ловуллаб кетсин, алангалар ҳосил қилсин.

*Сўзларингнинг қуёши  
Аччиқ ёшга айлансин.  
Ботирларнинг кўз ёши  
Бир кун тошга айлансин.*

Лутфихоним. «Уйғон, болам», «Туркистон ёди», «Оғриқ» сингари миллатпарварлик руҳи билан йўғрилган ўнлаб шеърларида миллий birlik ғоясининг рангин қирралари ёритилади («Уйғон, уйғон болам, уйғонгил эй, дил»; «О, сабр дарахти, қутлуғ Туркистон»). Кўнгил ҳур туғилган эди. Руҳнинг омонлиги, эрки «азал гўзалликнинг шамини ёқади». Ёрқин саҳарларда «Келур От ўйнатиб халоскор сарбоз».

Сўз — шундай бир руҳоний маъвоки, у ушалмаган, келажакдан умидвор хаёлларнинг ҳам ватанидир. Лирик қаҳрамоннинг ҳолати бу — Кўланкалар юртида, Шарпалар орасида офтобга тикилиб ўтирган Хаёлни эслатади. У ўз орзу-ўйларини «исминг нима», деб сўроққа тутгандек бўлади. «Менинг исмим Озодлик», деб жавоб беради у.

— Фарзандларинг қани, нега бир ўзинг ёлғизсан?

— Бола-чақаларим кўп эди. Бириси тахтга чиқиб, тож кийиб қурбон бўлди. Иккинчиси тожу тахтга қасида ўқийман, деб эс-хушидан айрилди, тилдан қолди. Қолганлари аросат водийсида тентираб юришибди...

Хаёл оппоқ булутлар оғушига сингиб йўқолди...

Шоир талқинидаги ишқ, бу — туш мисоли тутиб ва етишиб бўлмас эрк, ҳақиқатга эришиш. Бу — фикр, туйғу ва руҳ эркинлиги демакдир. Шу жиҳатдан ҳам у бадиий сўз зиммасига ғоят чўнг ва теран маънолар юклайди. Чунончи, Сўз — бу эрк. Шахс эрки, миллат ҳуррияти ва Ватан мустақиллиги фикр ва руҳ эркинлиги ана шу асрдийда Сўзда мужассамлашади. Сўз табиатида ўзлигини намоён этади. Шоир миллати, Ватани эришмаган эркинликни бадиий сўзга беради. Рауф Парфи Ўзтурк образлари, тимсоллари, бадиий умумлашмалари сўзнинг

ана шу тахлит турфа маъно қатламларини намойиш қилади. Янги шеърнинг фалсафий-эстетик табиатини инкишоф этади. Сўз ўз табиатида моддий ва руҳоний дунё шеваларини ифода этар экан, демак, Сўз ила дунё қиёфасини олам ва одам ҳаёти иқлимларини ўзгартириш мумкин («Уйқудан уйғотдим Туркистонимни»). Озодлик сўзига у инсон ҳақ-ҳуқуқи, эрки ва масъулияти, ҳақиқатнинг ранглари сингари кўп мазмунлар юклайди.

Шу маънода шоир сўзни кўнгилга олиб киради. Руҳ ифодасига айлантиради. Сўз, Нур, Чироқ, Оқ ранг, Дарахт, Қуш ва ҳ.к. тимсоллари орқали сўзларга қайта жон бағишлайди. Бу сўзларга руҳ ато этиш, демакдир. Бу сўзлар бағридан янги рамзларни кашф этиш, демакдир. Сўз – Рауфнинг хумо қуши, дулдули, буроқ тулפורи. Сўз орқали у ҳақиқатга етишади. Кўнглидан силқиб, сизиб чиққан сўзлар сукунатнинг ўчоғига ўт қалайди. Ва шу тариқа шоир шеъриятида сўз ёнади, тун ёнади, сукунат ёнади.

Демак, Сўз ҳаётнинг ўзи, ҳақиқатнинг кўзи. Бу – Рауф Парфи шеъриятининг илдирилдир.

Агар эътибор берсак, Рауф Парфи Чўлпон эстетикасидаги эрк ғояларини нечоғли ривожлантирганлигини кўришимиз, кузатишимиз мумкин. Хусусан, Чўлпон эстетикасида миллиятчилик, асир Туркистон, эрк истаги ва руҳи етакчилик қилади. Рауф Парфи шеърияти ана шу руҳни ўз табиатига сингдирган ҳолда бадииятида унинг янги-янги қирраларини нурлантиради. Чунончи, миллий бирликсиз шахс ҳам, миллат ҳам ўз борлигини сақлаб қола билмайди. Ватан мустақиллиги, миллат ҳуррияти, инсон эрки бевосита шахс эркинлиги, миллат руҳининг уйғоқлиги билан восил бўлади, деган бадиий-фалсафий концепция устувор.

Шоир илгари сурган мазкур ғоялар XX аср шўро зулмининг, коммунистик истибдод воқелигининг, жамият ҳаётининг хилма-хил томонлари, мутелик кўринишлари орқали ёритилади. «Туркистон ёди», «Она тилим», «Ўзингни аяма, бораётган илдиз», «Ухлама сен, ҳақиқат» ва ҳ.к. ўнлаб шеърлари ана шу қутлуғ ғояларнинг бади-

ий-фалсафий талқинлари ўлароқ юзага келади («Туркистон ёди. Нақадар узундир, оғирдир бу йўл»).

*Яна йироқларга чорлайди мозий,  
Ватан тушунчаси келар етаклаб  
Айрилган, хўрланган улус овозин.  
Шоирнинг бешиги айтар эртаклар,  
Яссавий мақбари мунғаймиш мағрур,  
Товушга айланди ҳар бир ғишт ранги.  
«Дунё менинг деганлар...» Нидо келур,  
«Каркас қушдек...» қадим сўзлар жаранги.*

«Ватанимизнинг энг буюк олимлари, шоирлари Туркистон халқларининг бирлиги учун курашдилар, Туркистонни бир бутун ҳолда кўришни орзу қилдилар, — деб ёзади Рауф Парфи «Шеъроят ва абадият» мавзуидаги суҳбатида. — Бу мавзу шеъроятда Ватан, Она тупроқ каби муқаддас сўзга айланди. Мустафо Камол Отатуркнинг куйидаги сўзларини эсланг: «Буюк давлатлар қурган аждоқларимиз буюк маданиятларга ҳам соҳиб бўлганлар. Буни ўрганмак, тадбиқ этмак, Туркни жаҳонга билдирмаклик бурчимиздир. Турк боласи аждоқларни таниб оларкан, янада буюк ишлар учун ўзида қувват сезажакдир».

Рауф Парфи бадииятининг хизматларидан бири, бу — Чўлпоннинг эркчилик ғояларини ривожлантирганликда кўринади. Яъни, у Чўлпон йўлини давом эттирди. XX аср ўрталари “ XXI аср бошлари ўзбек бадиий маданиятида Туркистонда миллатпарварлик руҳини барқарор қилди. Алабиётда миллатсеварлик, ватанпарварлик, миллий руҳни янги босқичга кўтарди. Шу маънода, XX аср бошлари Чўлпон ва аср ўрталаридан XXI аср тонгларидаги Рауф Парфи эстетикасининг маънавият ва маданият учун хизматлари узвий ва баланд. Шу маънода, Чўлпон йўлини тутган Рауф Парфи ўзбек руҳини, ўзбек сўзининг қадри ва қаддини кўтарган, маданий-маънавий қадриятларни янгилашга, такомиллаштиришга, ривожлантиришга интиланган мунаввар шахсдир. Рауф «шоирларимиз Туркистон руҳини, ўзбек руҳини куйладилар. Зеро, ўзбек руҳи ўлмасдир. Ўзбек руҳи абадийдир.

Ўзбек руҳи бутун Турк дунёсининг меросидир”, деганда бевосита ўз ижоди, шеъриятининг ижтимоий-фалсафий моҳияти хусусида фикрлашаётгандек туюлади.

XX аср тонги ва охирларида алоҳида-алоҳида зоҳир бўлса-да, ва лекин руҳан боғлиқ ҳар икки гўзаллик ҳодисаси табиатини англашда шоирларнинг поэтик образлари бизга кўмакка келади. Чўлпоннинг XX аср боши шеърларида биргина сукунат образининг турфа ҳаётий деталларда рангин маъноларда ифодаланганини кузатиш мумкин. 1921 йили ёзилган «Амалнинг ўлими» шеърида бир ўринда хаёлда порлаган шамларнинг сўнишидан инган оғриқларни туяди («Мангу тутқунликка кирдими ўлка»). Шу боисдан кеча сукунати «жон олғувчи қоронғулик» қиёфасида кўринади. Ана эрк-озодликнинг тимсоли: кўкдаги юлдузлар унинг изи бўлиб англашилади. «Амалнинг ўлими» шеъри Чўлпоннинг эрка интилган юрагининг, озодлик орзуларида алданган («Нажот юлдузини хаёлми билди?») халқ иродасининг ёниқ алангаси.

Она ўлкада кечаётган, халқ қалбини кемираётган, юрагини ёндираётган истак — бу эрк-мустақиллик дарди эканлигини, шеърятнинг бош вазифаси ана шу азоб-аламларни, қиличлар тиғида қотган қонларнинг сингрофини найзалар учига санчилган маъсум гўдаклар ноласини ифодалаши шартлигини шоир яхши биларди. Шоир шеърятти — бу қафасдаги юракнинг ёниқ ва ёруғ сўзлари эди.

Энди, Рауф Парфи бадиий Сўзнинг ана шу салоҳиятини тимсолли тафаккур қудрати ила бойитди. Хусусан, дунёвий дил, оламгир ишқ, илоҳий ёруғлик инсоният тарихининг барча замон ва маконларида кечган санъаткорларни, уларнинг бадиий баркамол асарларини бирлаштиради. Зеро, зулм, залолат, ёлғон ва хиёнатдан ҳазар қилишдек муштарак салоҳият уларга юқтирилган, пешонасига битилган. Рауф Парфи эстетикасидаги дунёвий дил (кўнгил-руҳият эркинлиги), оламгир ишқ тушунчалари ўзининг теран маънолари ила ҳурмат-эътибор уйғотади. Хусусан, шоирнинг санъатга қарашида

некбинлик, ҳазин тушкунликдан холи, тимсолларга асосланган мажозий реалистик ифода маданиятини ривожлантириш, ўзбек сўз маданиятини ёлғондан, ялтоқи маддоҳликдан халос этиш сингари эзгу йўналишлардир.

Рауф Парфи шеъриятидаги фожеий маъюсликни, маҳзунликни тушкунлик, пессимизм деб тушунмаслик ва қабул қилмаслик лозим. Шу жиҳатдан Байрон билан руҳоний яқинлиги бордек англашилади. Байроннинг «Манфред» драматик достонидаги маъюс руҳнинг таъсири бордек кўринади. Шу маънода, Рауф Парфи «Манфред»ни бежиз ўзбек тилига таржима қилмаган, деб ўйлайсан киши. «Манфред»да Ҳақ, Эрк, Адолат бу ёруғ очунда рўшнолик кўрмайди. Дунёвий залолат, зулм-истибдод, зўравонлик ҳамма замон ва маконларда гуллаб-яшнаган, ҳеч бир заминда Эркнинг кўксига озод шабада теккан эмас, деган маъно етакчи. Шу боисдан ҳам Манфред мутеликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши ёниқ исён кўтаради. Қаҳридан олов ёғилади. Ва лекин, ғазаби йиғига йўғрилган. Қаҳри тушкунликнинг қайроқ тошларида қайралган. Бу – руҳоний ҳолатнинг тушкунликдек кўринган бир жиҳати. Зеро, фикрий-интеллектуал орзу-умидларнинг рўёбга чиқиши жамият тартибларига, воқеликка зиддир. Ушбу хусусият «Манфред» асаридаги психологик маҳзунлик, тушкунлик оҳангини бир қадар изоҳлаши мумкин.

Шу маънода руҳоний эркинлик, кўнгил эрки тушунчаларини инсон ўзининг кўнгилхушлиги ёки вақтни зое ўтказмаслиги учун ўйлаб топган эрмаги эмас. Эрк – инсон руҳида мавжуд, у билан бирга туғилган. Мусавирнинг катта полотнога тортган ҳар бир чизиқлари, бўёқлар ранги яхлит суратга мукамаллик, тиниқлик бағишлагани каби ҳар бир шахснинг дил эркинлиги борасидаги саъй-ҳаракатлари маънавий-маданий қадриятларни бунёд этишга хизмат қилади. Бугуннинг қиёфасини гўзаллаштиришга қаратилади. Миллат озодлиги, мамлакат мустақиллиги, Шахс эрки учун олиб борилган кураш, руҳоний эркинлик беназир қадрият эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Инсон узи юзага келтирган қадриятнинг қули эмас. Аксинча, бунёдкори ва эгасидир. Зеро, ўз кечмиши-ўтмишидан моддий ва маънавий қадриятлар яратади. Бу эса, инсонни ўз тақдирдан бир неча бош баландларга юксалтиради. Ана шундай лаҳзаларда ҳар қандай қадрият гойибдан ҳозир бўлмайди. Курашлар эвазига қўлга киритилади.

Рауф Парфи эстетикасида ана шу руҳоний эҳтиёж билан ёлғоннинг либосига бурканган зўравонлик бақамти яшай олмайди, чиқишиб-келишиб кун кечириш эса ўлим демакдир, деган нуқтаи назар етакчи. Бадийий комил санъат намуналарини яратиш жараёнида ҳам мутафаккир руҳонияти буйруқбоз мафкурага, ёлғоннинг ўйинларига қарши бош кўтаради. Тирикчиликка, манфаатдорликка мутелик, жовдираб кўз тикиб яшаш – бу ўзликни ҳам, руҳни ҳам хароб қилади, дейди. «Ўлим! Оғир! Гўзал! Бунини чин санъаткорлар билганлар. Таъмагир билмайди, чунки у ёлғонлар қасрида яшайди. Ҳеч қачон ўлмайдигандек тасаввурда юраверади. Ўлимни идрок этган, мана, ҳозир ўлиши мумкинлигини билган одам ёлғон гапирмайди, зулм қилмайди. Зулмнинг отаси – кўрқоқлик ва жоҳиллик. Фожеани идрок этган одам биз юқорида айтган «сир»га яқин келади. Аслида бу «сир» ҳар бир инсонда бор. Айтиш жоиз бўлса, у Яратганнинг инсонга берган неъматини. Инсон уни ҳамиша ўзида сақлаши керак. Инсоннинг «сири» очилса, Аллоҳ билан муносабати узилади. Мен фалон нарсани билдим деса, шу ерда у Аллоҳдан айрилади».

Шу ўринда нозик бир жиҳат бор. Бу – миллий руҳни, миллиятни сақлаш. Бу – санъаткор ўзлигини унутмаган, қиёфасини йўқотмаган ҳолда ўз миллатининг эрки, Ватан мустақиллиги ҳақидаги халқ идеалини бадийий тажассум этиш масаласидир.

XX аср бошларида кечган маърифатпарварлик, жадидчилик воқелиги Миллий Уйғониш, дея аталиши бежиз эмас. Бу нарса Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Элбек, Боту ва ҳ.к. мунавварлар фаолияти самараси ўлароқ миллат

онги ва дунёқарашида кескин ўзгаришларни вужудга келтирганлиги билан изоҳланади. Хусусан, шахснинг ижтимоий-маданий ҳаётда маънавий-интеллектуал қадриятлар яратишдаги роли салмоқли моҳият касб этди. Яъни, жамиятнинг сиёсий, маданий, маънавий ҳаётини ўзгартиришда Шахснинг роли ҳар қачонгидан ҳам қудратли кучга айланди.

Ижтимоий-бадиий тафаккурдаги мазкур сифат ўзгаришлари ХХ асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ўзгача йўналиш сари юз бурди. Хусусан, шоирнинг ўзидан ўзини излаши, ўзлигини таниши ва англаши сингари изланишлари ХХ асрнинг уфқи – ХХІ аср тонги бадиий-эстетик тафаккур тараққиётига шиддатли тўлқин олиб кирди. Миллий маънавий-интеллектуал қадриятларга таянган ҳолда умуминсоний мазмун касб этувчи асарлар яратиш сари юзланди. Рауф Парфининг ижодий изланишлари ушбу йўналишга алоҳида руҳ бағишлади, кўш қанот берди. Хусусан, фалсафий-психологик таҳлил маданиятини янги савияга кўтарди.

Инсон ўз «мен»ини ботини – кўнгил фаслларида ҳамда зоҳири “ объектив олам билан боғлиқлик робиталаридан излашга тутинди. Шу маънода, инсон оламнинг бир зарраси, олам эса, инсон кўнглида. Аслида, инсон шахсиятини тугал англаш, шахсини тўқис тушуниш амри маҳол. Худди етти қават осмон билан етти қават ерни кафтга кўйиб, кўриб туришдек тасаввур этиб бўлмайдиган мушкулот. Шу жиҳатдан, табиат сир-асрорларини ўрганиш, олис мозийга, буюк тарихий шахслар тақдирига мурожаат этиш инсон ўзини, ва демакки, ўзлигини англаш шаклларида бирига айланди. Бани одам табиат ва жамиятни қанчалик кенг ва чуқур англалар экан, ўз ички дунёсини ҳам шунчалик теран тушуна боради. Ушбу жараёнда инсон шахси ҳал қилувчи аҳамиятга эга, дейди Рауф Парфи. Шоир шахс эркини миллат хуррияти ва Ватан мустақиллигисиз тасаввур қилолмайди. Жамиятки, эркин нафас олмас экан, одамлар ҳам ўзини озод фуқаро деб билмайди. Зеро, инсон, табиат ва жамият уйғунлиги дунёнинг бус-бутунлигини

ташкил этади. Ҳаёт — тупроқ, сув, олов, ҳаво деб аталган тўрт унсурдан таркиб топгани сингари инсон — табиат — жамият — ҳақиқат бирлиги дунё тушунчасининг асосини белгилайди. Моддий ва маънавий мутеликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш ўзликни билиш ва билдириш шаклларида бири сифатида зоҳир бўлди. Бунинг учун, аввало, Инсон ўз табиатидаги мутеликни, нафсни — тирикчилик таъмасини енгиб ўтиши, моддий асоратдан озод бўлиши зарур. Ўз ички сири-нинг қули эмас, аксинча, ўзлигини англатувчи қудратли куч эканлигини тушунмоғи шарт. Зеро, «Сир — бу ишқдир. Ишқда ақлу дилу жон бўлмас», — дейди Нақшбанд. Суқрот ва Нақшбандий ҳазратлари «сир»ни эгаллаганлар тоифасига кирадилар.

Ҳар бир одамнинг «сири» ўз ичига, ботиний тафаккурига боғлиқ. Фаррошми, сотувчими, чўпонми, олимми, санъаткорми, бошқами, «сири» ўз шаклида. Лекин моҳиятан улар бир хил. Фарқи — «сир»ни англашда, эгаллай олишда. Яъни, моддийликдан руҳиятга эврилишда, ўзимиз билган тирикчиликка алмашмасликда».

«Сир» деганда шоир, аввало, ҳар кимса ботинидаги ўз руҳининг исмини, тусини, нурини билиб, таниб олишликни назарда тутати. Ва у, энг муҳими, қандай эркинликка мансублигини ҳам ўзи белгилаб олиши даркор, дейди. Негаки, инсон шундай бир хилқатки, у эркин туғилган ва эркинликни ҳамиша ҳимоя қилиш учун курашга сафарбар. Инсоният тарихи, бу моддий ва маънавий эркинликка етишиш, эришиш йўлида тўкилган қонлар ва кўз ёшлардир. Эрк — курашлар эвазига восил бўлган. Шоирнинг бадиий талқинига кўра, сўз билан қалам, бу — эрка эришиш йўлларини очадиган, эркин таъминлайдиган асосий омиллар. Ва лекин, Рауф Парфи шеърларининг лирик қаҳрамони юрагида ҳадик, ҳавотир. Юрак гижимланиб, ҳовучида титраб тургандек туюлаверади. Бунинг боиси, эрк — осонлик билан қўлга киритилмаслигини, кураш йўлларида карнай-сурнай сурури эмас, кўпроқ айрилиқлар, йўқотишлар, ўлимлар талотумини эслатаётгандек бўлади.

## 7.

Шеърят ҳам, барча динлар каби одамлар онги-шурини, руҳониятини поклайди. Кўнглига Ҳақни таниш, жамолига етишиш ишқини жойлайди. Рауф Парфи шеърияти маърифий-руҳоний тарбияда айрича аҳамият касб этди. Бу борада миллатнинг онги “ дунёқарашига миллий руҳ билан йўғрилган истиқлол ғояларини сингдиришдаги ролини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шоир эстетик қарашларида онг ва дунёқараш тарбиясига алоҳида урғу беради. Индивидуал онгларни у ёки бу мафкуравий оқимлар таъсирига кўр-кўрона эргашишига асло чидаб ҳам, йўл қўйиб ҳам бўлмайди, дейди у. — Бунинг учун индивидуал онгларни табиий оқимига ташлаб қўйиш эмас, аксинча, уларни бошқариш асосида муайян самарага эришиш мумкин.

Онг ва дунёқарашларни бошқариш, бу — тафаккур маданиятини бойитиш дегани. Тарихий, маънавий-ахлоқий қадриятларга таяниб, жамият тартибларини янгилаш концепцияси «табиий оқим»нинг ўзак асосини ташкил этади. Умиднинг маҳзун, тушкун ҳолатларини, ижтимоий зулмнинг турфа хил азоблару мусибат кўринишларини маҳв этиш, аввало, инсоннинг ўз-ўзини енгишдан бошланади. Тўғри, шундай аснолар кечадики, одам ўз ақли, ирода кучи орқали эришган самаралари олдида заифлашади. Ўзидан ўзи мамнун бўлиб, қаноатга бўйсунди. Ваҳоланки, дил эркинлиги шундай бир оловки, у ҳамиша фикр-туйғуларни, ўзликни ўтин қилиб қалашни тақозо этади. Бу, ҳамиша ўзи билан курашиб яшаш, демакдир. Шахс табиатидаги ялтоқланиш, қаноат, ҳаловат, шуҳрат асасалари ва ҳ.к. турли хил нафс мутелиги кўринишларини инкор этади. Одамнинг Нафсга берилиш, бўйсунуш, муккасидан кетиш ҳолатларини бартараф этиши, бу — ўзини енгиб ўтиш демакдир. Руҳоний эркинликка етишиш йўлидаги маънавий эҳтиёжларни таъминлаш мақоми демакдир.

Шоир эстетикасида маънавий камолот бу — шахснинг руҳоний эркинликка эришиш йўлларида бири сифатида талқин этилади. Шу маънода, сукунат — ку-

раш суронларининг бир шакли, тафаккурда чақнаган чақин. Сув юзидаги жимжит эпкин, бу — тўфон-қасиргалар, талотум бўронлардан узилган томчи. Қатрада уммон акс этгани сингари Рауф Парфининг оксиморон образлари, серқатлам тимсоллар, сермаъно мажозлари Эрк тушунчасининг мазмун канораларини кенгайтиради. Умр, бу — инсон наслига насиб этган эркинликнинг бир лаҳзаси. Олам қанчалик чексиз экан, зулм-истибдод ҳам беадад; кўринишлари хилма-хил. Қулликнинг чеки-чегараси йўқ. Булар — бани одамга берилган синов. Тириклик — ана шу мутелик чангалзоридан бешикаст, эсон-омон ўтиш, унинг ўрнига ҳуррият боғларини барпо этиш, демақдир. Тун — шарпа-қуланкалар ватани эмас. Тонг — бу боқий саодат шуълалари, дея англамаслик лозим. Барчаси инсон учун синов онлари. Ўзлигидан возкечмаслик, ўзини билиш ва таниш орқали дил эркинлигининг рангларини ҳис этиш, таъмини туйиш лаҳзаларидир.

Қуш ер узра чаппор уриб эмин-эркин учгани билан барибир у ҳавога тобе. Ҳаво бўлмаса қанотлари ҳаракатлана олмайди. Шунга монанд, бани одам тириклигининг ўзи табиатга тобеликнинг бир шамойили эмасми? Шундай экан, одам тириклиги бадалида идеалига — руҳоний эркинликка етиша олмайдими? Инсоният тарихида қайси миллат, қайси мамлакат фуқаролари ана шундай саодатдан тўлиқ баҳраманд? Тирикликнинг ўзи эркинликдир, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Уни бой бермаслик учун уззу-кун ўзи билан курашиши муттасил мутелик, қуллик ботқоғига ботишми ёки тобелик занжирларини бирма-бир парчалашми? Иссиқ билан совуқ, ширин билан аччиқ, яхши билан ёмон, кун билан тун ва ҳ.к. ёнма-ён яшагани сингари эрк билан мутелик ҳам бир зуваладан ушатиб олинганми? Йўқса, инсоният тарихида одамзод у ёки бу зўравонлар зуғумларидан, зулм-истибдод чангалидан халос бўлса-да, ўз ичидаги шайтонни енголмай ўлиб кетганлари озмунчами?! Нафс қули бўлиб қолганлар-чи?

Рауф Парфи эстетикасида Руҳ эрки масаласи айрича аҳамиятга эга. У инсон ҳаётининг ҳар икки дунёсига дахлдор, таянч асоси. Бани одамнинг маънавий фаолияти кўринишларида ўзлиги, қалб муҳри, демакки, руҳи ҳам мужассамлашган бўлади. Агар одамзод Руҳ деган олий маснадни билмаганда эди, бани башар тарихи ҳам битилмаган бўлармиди. Инсон ҳаёти маънавий куч-қудрат тажаллиси эмас, қуп-қуруқ бўшлиқдан иборатлигича қолармиди. Одамни инсон деган олий мақомга кўтарган ҳам, тўрт оёқли жонзотдан фарқлантириб турган нарса ҳам, аслида, ана шу Руҳ. «Руҳсиз одам қул бўлади, — дейди Рауф Парфи. — Ичида Аллоҳ қўркуви бор одам эркиндир. У ҳамма нарсадан эркин. Худосиз одам қафасдаги одамдир. Улар ўзларини ўзлари қафасга солишган. Токи Аллоҳни топмагунларича бу қафасдан чиқолмайдилар. Ерда тирикчилик қилиб юрган одам учун ўлим ҳақида очиқ гапириб бўлмайди. Гувиллаб, гарангсиб юрган оломон буни англаши оғир. Санъат ҳамиша одамни, одамларни «ушлаб» турган.

Санъат — Инсонни шакллантиради. Шаклланган одам ўзини енгиб, ўз қалбига сингишади. Ўзини текшира бошлайди. Фикрлайди. Шунча имконимиз бўла туриб шайтоннинг гапига кирдим, деймиз. Шайтон — аянчли, гўзал тимсол! Биз эса шунча хатоларимизни битта шайтонга юклаб кетаверамиз. Шайтон бизнинг бой берилган руҳимизни эгаллаб олган нафсимиздир. Шайтонга қарши кураш бутун илмдан иборат эканлигини, китоб шайтонга қарши ёзилганлигини била туриб, қадамингизда шайтонга дуч келаверасиз».

Рауф Парфининг руҳли сўзи, бу — бамисоли нур. Нур эса ёлғиз ёруғликдан иборат. Руҳий сўз — риёни, ёлғонни кўтаролмайди. Унга ёлғон аралашса, фиғонидан тутун чиқиб кетади. Риёни кўрган жойда унинг нигоҳи замбарак ўқига айланади. Сўз бу — кимлардир ағанаб, ағдарилиб ётиши учун болишлар яшаш, кўрпа, кўрпачалар қавиш учун асқотадиган пахта эмас. Ёмби сўзда муқаддас Руҳ бўлмаса, у титилиб кетади. Чок-чокидан сўкилиб, авра-астари ағдарилади.

Руҳли сўз шунинг учун ҳам Нурки, у қозонларда қайнамайди. Учоқларда кулга айланмайди. Бўла болишлар мисоли тер босган биқинларда димиқиб бўғилмайди. Руҳли сўзлар қошида шамоллар чопқиллаб-чопқиллаб чой ташиб юради. Қаҳ-қаҳ отиб турган чақмоқлар кукдан ерга тушади. Қовоқ уйган қора булутларнинг ҳам чехраси кўққисдан ёришиб кетади.

Рауф Парфи эстетикасида бадиий сўз шафқатсиз ҳақиқатни ёқлайди. Реализмнинг таҳайюллар асосига қурилган тимсолли тафаккур йўналишига янги тўлқин олиб кирди, оташин руҳ бағишлади. Мажозий лиризм табиатини шартли реалистик ифода маданияти билан чуқурлаштирди. Бизни ҳамиша дил уйғоқлигига, ҳаётнинг маъносини, яшашнинг моҳиятини англаб етишга даъват этади. Ҳақиқат рангларини ҳис этишга, адолатнинг аччиқ таъминини тотиб кўришга мажбур қилади. Ҳақиқат, аслида, гўзаллик демакдир. Шахс эрки, миллат ҳуррияти ва Ватан мустақиллиги ижтимоий ҳақиқат. Ҳаққа етишиш — руҳоний эркинликнинг асл саодати. Адолат туйғусининг кўнгилларда кўкартириш ҳам гўзаллик ҳодисасидир.

*Нўмон РАҲИМЖОНОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор*

## БАҒИШЛОВ

Дўстим, дилда не бор сўзлайман сенга,  
Тахайюл майига термуламан жим.  
Унда жилва қилар ажиб аланга,  
Унда ичилмаган менинг ёшлигим.  
Хаёл гирдобида чўмилиб ётар,  
Унда юз кўрсатар яшнаган сароб.  
Кунларим туғилиб, кунларим ботар,  
Қандайин мўъжиза, дўстим, бу шароб!

Аста варақлайман ўтган кунларни,  
Гўзал китобимдир қадаҳ лологун.  
Келар болаликнинг азиз унлари,  
Азиз жўраларим, қайдасиз бугун?  
Қайдадир изгидим, нимадир излаб,  
Нимадир англамай беқут пешона.  
Ширин афсоналар айтиб юлдузлар  
Ёнига чорларди мени ягона.

Ҳар нарса соф эди, ҳар нарса порлоқ,  
Гўё гўзалликдан иборат олам...  
Ўлимни ўйлардим юракдан бироқ,  
Бировдан ўтганда заррача алам.  
Ҳар ким ҳам ёшликда жасур, жангари,  
Ҳаётдан мўъжиза кутардим, ҳайҳот!  
Отилдим очофат кимса сингари,  
Мени мўъжизага тўйдирди ҳаёт.

Бир вақтлар шунчаки қайғурардим, оҳ,  
Бир вақтлар шунчаки ухلامасдим мен,  
Шунчаки тун бўйи йиғлардим, аммо  
Она юрт, сен учун йиғламасдим мен...  
Мен энди, мен энди шундай афтода,  
На сажда қилгайман на дуойибад,  
Қўлимда порлайди арғувон бода,  
Ватаним, Ватаним, унда сен фақат.

Энди хўп яшадим – шунақа дунё...  
Ҳар сафар қўлимга олганда қалам,  
Ўйлайман, кетяпман йўқликка қараб,  
Бу балки сўнги шеър, бу балки видо.  
Хаёл шаробидан қуйиб бер яна,  
Қуйгил, тўкилмасин ерларга илҳом.  
Қани эй, кўзимни чирт юмиб мана,  
Ичиб тугатайин уни батамом.

Дўстим, дилда не бор сўзлайман сенга...

1966



# КАРВОН ЙЎЛИ

1968

---

Йўл кўринур эрди-ю поёни йўқ.

**НАВОИЙ**

Кечинмалар худди ёш шароб.

**ОЙБЕК**

**ШОВУЛЛАЙДИ, ШАМОЛ УВЛАЙДИ,**

На тиним бор, на уйку унда,  
Аламини ёза билмайди,  
Шодлигин ҳам этолмас удда.

1964

**– ОЙИ, ОЙИ, АЙТИБ БЕРИНГ,**

Борми менинг ҳам ўз йўлим?  
– Ҳамма яхши йўллар сенинг,  
Энг яхшиси сенинг, ўғлим.

– Ойи, недир баланд учган,  
Нега менинг етмас қўлим?  
– Ердан Осмон узра кўчган,  
Хаёлингдир сенинг, ўғлим.

– Ойи, уруш нима, айтинг,  
У нимадир – номи ўлим?  
– Бўлса айтар эди отанг...  
Уруш – бу йўқ нарса, ўғлим...

1965

**НИМА ҚИЛИБ ҚҮЙДИНГ, ҚУЁШ,**

Нима қилиб қўйдинг,  
Эритиб юбординг-ку сув қилиб, қурмагур,  
Такрорланмас мўъжизани  
Дарчамда.

1963

**ШИВИРЛАЙДИ ОЁФИМДА ЯШАБ ЎТГАН  
ХАЗОНЛАР,**

Кўзларимга игна янглиғ санчилмоқда мезонлар.

Ҳувиллаган қишлоқ узра қуюқ туман чўкмоқда,  
Йироқларда най кўнглини сўнгги бора тўкмоқда.

Дала бўм-бўш кўмилгандек унга кўҳна саволлар,  
Фақатгина кезиб юрар, изғиб юрар шамоллар.

Фақатгина кўринадир куйган дарахт мунгайиб,  
Қайда қолди мангу баҳор, қайга бўлдинг сен ғойиб?

1965

## ЛУИС МОРАН

Эквадор. Гуаякил.  
Гуноҳкор, жиноят тўла кеча.  
Елкадор бир йигит, ўттиз ёшларда...  
Қарри сармойанинг булғонч ёстикдошлари,  
Гримауниг жони солинган қадаҳда  
Луис Моран қонини ичар.  
Бу кечани ким кечирар?  
Кечалар бор ҳали, нега  
узун бу кеча,  
Кечалар бор ҳали,  
нега маҳзун бу кеча?!  
Бу кечанинг ҳаққи кўп,  
Бу кечадан қолган хотира,  
Жаҳонни титратди: Йўқ!  
Бу кечани ким кечирар.  
Ер юзини тутди  
мунгли-мунгли мусиқа,  
Мусиқа Луиснинг, Луиснинг...  
Унинг шеър ёзмаслиги эҳтимол,  
Луис Моран аммо шоирдир  
Ёруғ манглайларда акс этган  
Унинг қўли билан ёзилган сўзлари.  
Синдирдилар оёқ-қўлини,  
Беркитилди  
Кўзлари.  
Қаноти қайрилди.  
Вужудини мижидилар  
Луиснинг.  
Мумкин эмас!  
Асло!  
Қуёш увол,  
Ҳаёт увол,  
Ҳасрат каби кўримсиз туюлар  
Дунё ўз ўғлини  
қотилнинг ҳукмига топширса агар.  
Ҳали қалби тепиб турар  
Луиснинг  
Ҳали ҳаёт исмли

яшар — ният.  
 Ер юзини тутди мунгли-мунгли мусиқа  
 Сиз уни тўхтатинг,  
 башарият!  
 Тоғлардан, океанлардан  
 ошириб ташланг  
 кўлингизни,  
 Ҳаётлигингизда олинг  
 қаҳрамон ўглингизни,  
 Дунё харитасини  
 Кўксига ўйиб ёзган  
 Глезосга,  
 У Нозимга ўхшайди.  
 Ҳаммамизга ўхшайди у, ўртоқлар,  
 Луис Моран кўзи каби ёрқин,  
 Луис Моран қоши каби  
 қора  
 Бахти Луис Моран халқининг.  
 Қитъалар, штатлар,  
 иттифоқлар,  
 Қалқинг!  
 Қалқинг!!  
 Қалқинг!!!

1964

### **ЁМҒИР ЁҒАР, ШИҒАЛАБ ЁҒАР**

Томчилар томчилар сочимга.  
 Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар  
 Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.

Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
 Мен унга очаман бағримни.  
 Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
 Аста унутаман ёмғирни.

Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
 Охир мени асир этар ул.  
 Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
 Ёға бошлар қоғозга кўнгил.

1965

**ЁЗ КЕЧАСИ. ОСМОН – ФАЛАҚДА**

Кундузнинг китоби ўқилди.  
Тарс ёрилди қовун палақда,  
Олтин шафтолилар тўкилди.

Далаларда мудрайди уйқу,  
Дала ётар кутиб қуёшни.  
Ариқларда доим уйғоқ сув,  
Полизларга кетади шошиб.

Ёз шаънига қўшиқ тўқилар,  
Чигирткалар чириллар чунон.  
Ёмғир ёғар, гўё ёғилар,  
Иссиқ тупроқ устига маржон.

Ёз ёмғири илиқдир бирам,  
Шитир-шитир унинг қўшиғи.  
Бир ширин ҳид таралар ердан,  
Ва юракка кетар қўшилиб.

1963

**ЯПРОҚЛАРДА ШАМОЛ ЎЙНАР,**

Сув мавжида ўйнар шамол.  
Сарин шамол нима сўйлар,  
Юрагида қандай хаёл?

Деразамни чертади у,  
Тиқирлатар эшигимни.  
Ором билмас, билмас уйқу,  
Уйғотади келиб мени.

Сочларимга қўнар шамол,  
Шамол қўнар кўзларимга.  
Қўшиқ, эртак айтиб хушҳол  
Сўнгра қайтар изларига.

Хайр, шамол, хайр, шамол,  
Ўйнаб-ўйнаб келгин яна.  
Менга атаб бир қўшиқ ол,  
Олгин яна бир афсона.

1963

**ҲАЁТГА ТҶЙМАГАН КҶЗЛАРИМ**

Валломат тоғлардан юксакда.  
Юракда қайнаган сўзларим,  
Ҳисларим ёнғини юракда.

1963

**НИМАДИР У КҶЗИНГГА КЕЛГАН**

Ҳаёлингга, она, не келди.  
Йиғлаб туриб ҳаттоки кулдинг,  
Нимадир у, кўзингга келган?

Менга жуда ўхшайди, она,  
Кўзларингда ялтираган ёш,  
Менда ўша кўзу ўша қош,  
Менга жуда ўхшайди, она.

Она, уни тўкма, илтимос?!  
Кўзларингдан тўкилай, агар  
Севинчингдан бермасам хабар.  
Она, уни тўкма, илтимос...

1963

**ТОНГ ОТМОҚДА, ТОНГ ҶҚЛАР ОТАР,**

Тонг отмоқда, қуёш — замбарак.  
Яраланган Ер шари ётар,  
Бошларида яшил чамбарак.

Тонг отмоқда, мусаффо тонгга  
Юрагини тутар одамлар.  
Шу тонг учун келган жаҳонга,  
Ва шу тонг деб ўтар одамлар.

Тонг отмоқда...

1964

**БУТУН КЕЧА ҶЙҶАН ВА СОКИН,**

Ҳона ичра қолмишдик танҳо.  
Бир телбалик руҳимга ҳоким,  
Шундай ҳоким руҳимга сен ҳам.

Оҳанг оқар. Деворда сурат:  
Мовий денгиз устида кема...

Танҳолигу ўртада хурмат,  
Ва севгига ўхшаш бир нима.

Мен ўйлайман, недан бошлай гап,  
Сен ўйлайсан, не қилай жавоб.  
На кулади, на йиглайди қалб,  
Қарашларда яхлаган сароб.

Бугун кеча ўйчан ва сокин,  
Хона ичра қолмишдик танҳо.  
Мен демадим: “Севаман сени”.  
“Севолмайман” демадинг сен ҳам.

1965

### **ҚАНДАЙ ГЎЗАЛ, ҚАНДАЙ ЛОЖУВАРД**

Хаёл каби кўринар жаҳон...  
Лекин менинг юрагимда дард,  
Мендан хафа бўлманг, онажон.

Ухламасман тонггача, она,  
Тонгда чиқар ёрим бегумон.  
Кўзингизга уйқу бегона,  
Мендан хафа бўлманг, онажон.

Севганимнинг ёнига борай,  
Юрагимда қолмасин армон.  
Унга йиглай, унга ёлборай,  
Мендан хафа бўлманг, онажон.

Ишқ ёр бўлди мунис кўнглимга,  
Мени адо этди ул жонон.  
Кўз тутмангиз энди йўлимга,  
Мендан хафа бўлманг, онажон.

1963

### **МУДРАР ЯРИМ КЕЧА УЙҚУДА**

Булут сузар ва ойни ёпар,  
Ойни ёпар, лекин беҳуда —  
Яна бир он ўтмасдан ёнар.

Кеча олар уйқусида дам.  
Кеча узра посибон – Чирой...  
Сени кўргим келди жуда ҳам,  
Ажиб кўшиқ айтган чоғи ой.

1964

### ТУРК АЁЛИ ИБОДАТИ

Илтижо, илтижо сўлгин қуёшга,  
Ёруғлик эмас бу, илтижолар-ку?  
Фарёдми, болишми қўйилган бошга?!  
Ялдони яшиндек янчиб яшар у.

Қуритиб оладир кўз ёшин бир дам,  
Изғириқ елларда тўзғитиб сочин.  
Инганиб тилайди парвардигордан,  
Қайда унинг ўғли? Қайдасан, лочин?

Умрбод айрилмиш севгилисидан,  
Раҳм эт, ўғлидан айирма, худо.  
Ибодат қиладир оғиб эсидан,  
Ибодат қиладир, ақлидан жудо.

Ҳушига келганда тагин саждалар...  
Ёлғиз осмондадир юпанч-тасалло.  
Турк дунёси, унинг ёлғизин қайтар,  
Иншолло, онажон, иншолло. Аммо,

Қонли жангдан, ҳайҳот, қайтмади ўғли,  
Унга атаганинг шумиди, қисмат?  
Шу қаро фалакда бормисан, йўқми,  
Борми сенда, айтгил, заррача шафқат?..

Жавоб бер, эй ғойиб, эй жаллод, гапир,  
Борлиқ тек, аёлга қарай олмас тик.  
Она ҳузуридан йўқолар ахир,  
Қайдадир судралиб сояси эгик.

Қайгадир судралар, асрлар оша  
Инсон чеккан алам – бир туш, бир хаёл.  
Барча қийноқларга яқунлар ясаб,  
Шу кун фариштага айланди аёл.

Шу куни ёрқинроқ порлади қуёш,  
Қайтадан туғилди бу кўк, бу воҳа.  
Ортиқ ер юзига секин қўйди бош  
Улуғ турк аёли – қутлуғ илоҳа...

Қани муҳаббатдан тонганлар, келинг,  
Бошларга минг савдо солганлар, келинг,  
Хайкалга айланиб ёнганлар, келинг,  
Қон ичиб қонларга қонганлар, келинг...

Келингиз жам бўлиб сажда қилмоққа,  
Муқаддас пойида тинглангиз буйруқ,  
Туркийлар, топининг туриб оёққа!  
Ўзга меҳроб йўқдир, ўзга қасам йўқ.

1965

**ЙЎҚ, ШОИР ДЕБ ҚАРАМА АТАЙ,**  
Хукм этмакка шошилма бир оз.  
Мен қуйиниб севаман, нетай?  
Мен қуйиниб сўзлайман, холос.

1965

**ШИРИН УХЛАР ТОНГ ЧОҒИ ГЎДАК,**  
Ухлар гўдак ё тонг кўксида,  
Ёки гўдак қучоғида тонг,  
Ухлар ширин ҳам тинч, осуда.

1964

**ҲАСРАТЛАРИ ДУНЁНИНГ КЎПДИР,**  
Лекин йўли бир: қуёш сари.  
Унинг бир дам ороми йўқдир,  
У япроққа ўхшаган ... сариқ.

Туман – тамаки тутунидек,  
Гўёки дунёнинг қайғуси.  
Қуёш сари кетмакда чекиб  
Дунё хаёл суриб уйқусиз...

1964

**СУВ ОСТИДА ЯЛТИРАЙДИ ТОШ**

Харсангларда синади сувлар.  
 Хаёлларим сингари бебош  
 Тошларда ўйноқлар охулар.

Мавжлар каби жимирлайди жон,  
 Япроқдек қалтирар нигоҳим.  
 Тўлқинлар устида паришон —  
 Севинчларим, чекилган оҳим.

Борини чекаман асабий,  
 Имонимда аллақандай куч,  
 Аллақандай қудрат бесабр,  
 Аллақандай шаклсиз севинч.

Кўзимда қумларнинг ўйини,  
 Ўйларимда ғиж-ғиж соқов тош...  
 Нелар бузди, шоир, ўйингни,  
 Бунча хурсанд кўзларингда ёш?

Нелар керак менга ўзи? Оҳ...  
 Кўксимни синдираар харсанглар.  
 Кафтимга тўкилар бир наво,  
 Не наводир — ким уни англлар?

Сув остида ялтирайди тош,  
 Харсангларда синади сувлар.  
 Хаёлларим сингари бебош  
 Тошларда ўйноқлар охулар...

1965

**МЕН КИМНИДИР КУТГАЙМАН МАҲЗУН,**

Мен кимгадир йиғламоғим шарт.  
 Танҳолик-ла турибман ўзим,  
 Менинг билан биргина зулмат.

Йироқларда ингранар Лист ҳам,  
 Қулоғимга бўзлайди Фурқат.

Хузуримга чиқмас бир одам,  
Мен барибир кутгайман фақат.

Ўксиб-ўксиб ахтараман нур,  
Қоронғуда бўлгайман адо,  
Кўнғироқлар жаранги келур,  
Қандай машғум бу гўзал садо.

Шиллиқуртдай тўлғанар ариқ,  
Суянаман бадбуруш толга.  
Осмон юзи шундайин сариқ,  
Совуқликни қайлардан олган?

Кулар-да ва қалқиб борар ой,  
Ул ҳаёсиз шундоқ яланғоч.  
Кимни алдаб, балқиб борар ой –  
Теваракда кеча қорасоч.

Мен кутгайман, элитмас уйқу,  
Мен кимгадир йиғламоғим шарт.  
Айтинг, нечун ташлаб кетди у,  
Нечун ташлаб кетди муҳаббат?!

Туғаб борар тун янглиғ тоқат,  
Саҳарларга бергайман ҳисоб.  
Қайга кетди, қайга муҳаббат,  
Юрагимда муқаддас азоб.

1965

### **БИР ҚУШЧА ДЕРАЗАМ ЁНИДА**

Ўтирар паришон ва ғариб.  
Йиғлайди, кўзлари ёнади,  
Кўзлари иккита марварид.

Бир ажиб навога ўхшайди,  
Шоирга ўхшайди бир ҳассос,  
Мискин соз чалмоққа у шайдир,  
Дардига бордир-ку бир асос.

Мен унга қарайман оҳиста,  
 Мен қушча ҳолига йиғлайман.  
 Ва лекин билмайман не истар,  
 Билмайман, ҳеч қачон билмайман...

1966

### ЭСЛАЙСАНМИ, ИЗҒИРИН КЕЧА

Дарчага қор урар бесабр.  
 Йироқ ўйлар эди кетганча,  
 Йироқ ўйлар эди бир оғир.

Дарчага қор урар бесабр,  
 Ойна узра ложувард макон.  
 Ойна узра шоҳона қаср,  
 Ойна узра совға-саргардон.

Йироқ ўйлар эди кетганча,  
 Сен неларни ўйлардинг яна,  
 Изсиз эди ўша тун кўча,  
 Кимсасиздай биз турган хона.

Йироқ ўйлар эди бир оғир,  
 Қарғар эди балки сукунат,  
 Эрмаган қор каби бағир,  
 Буни ҳозир англадик фақат.

Хаёл яна у ёнга учар,  
 Аллақачон айирган тақдир.  
 Эслайсанми, изғирин кеча  
 Дарчага қор урар бесабр...

1966

### ТОҒДА БИР БУЛОҚ БОР ЗОРУ ЗОР

Кўксида севгининг заҳари.  
 Ул маним кўнглимдек интизор,  
 Тоғлардан келадир сарсари.

Нимадир сўзлайди шивирлаб,  
 Орзиқиб тушади йўлларга,

Тоғларнинг севгисин ўғирлаб,  
Боқмайди минг турли гулларга.

Қуйига шошилар тоғлардан,  
Келгунча қурийди мадори.  
Келгунча адодир оҳлардан,  
Йўлига чиқмайди ул ёри...

1967

### **ГУНЧАЛАР ПУШТИРАНГ ВА ЗАЪФАР**

Зангори япроқлар шаҳрида.  
Гунчалар орзумдек ҳар сафар  
Гунчалар қалбимнинг бағрида...

Қалбимнинг бағрида бир жаҳон  
Фаройиб эртақлар айтади.  
Мен қайтиб келмасман ҳеч қачон,  
Гунчалар, албатта, қайтади.

1962

**ДЕРАЗАМГА УРИЛАДИ ҚОР,**  
Жаранглайди жарангсиз кумуш.  
Деразамга урилади қор,  
Қор сингари оппоқ бўлди туш.

Бир ажойиб қор ёғар бу кеч,  
Учиб тушар менинг ёнимга...  
Мен-ку сени ўйламасман ҳеч,  
Сен тушасан аммо ёдимга...

1963

**ДАФЪАТАН ЁМФИР ЁҒАР,**  
Тинар дафъатан.  
Дафъатан Ер йиқилиб тушса.  
Наҳот шу қадар душман —  
Дафъатан сўзи.

1965

**ТЕРМИЛАМАН ОЛИС УФҚҚА,**  
 Ботган кундан қолмишдир доғлар.  
 Ёмғир урар қоронғуликка,  
 Совуққина шовуллар боғлар.

Яна келдим маҳзун гўшага,  
 Бунда бир най ётибди синиб.  
 Қуй, сиғинма ортиқ ўшанга,  
 Қуй, сиғинма унга, севгилим.

Мен ҳеч нарса сўрмасман, дилбар,  
 Ўтмишингдан сўзлама зинҳор.  
 Мен ҳам бир бор севганман, етар...  
 Қарасанг-чи, атрофда баҳор...

1964

**КУНДУЗ ЎЙГА ЧЎМАР, ТУН ЯҚИН**  
 Осмон янглиғ оқшом шарпаси —  
 Олис уфқ сўнгида ёрқин  
 Куннинг қизил шоҳи пардаси.

Кечки қуёш турмаклар сочин,  
 Жозибали бўлар эртага!  
 Ана кўк ҳам маржонлар сочди —  
 Кенгликларнинг мовий эртагин.

Далаларда эсар шаббода,  
 Эгилади нозик чучмома,  
 Ялпизларнинг баргидан шода-  
 Шода шудринг жимгина томар.


Жозибали бўлар эртага.  
 Севги фасли асл ва бедоғ.  
 Кумуш ҳаволардан ўртиги  
 Гўзаллиги билан яшнар тоғ...

1957

# АКС САДО

*1970*

---



**ДАФТАРДАН БИР ВАРАҚ БОҚАДИ КУЛИБ,**  
 Бевафо, келдингми яна бу фурсат.  
 Соат ҳам уринар қаҳрга тўлиб,  
 Йўқсан-ку, не учун келдинг, эй сурат?

Қаттиқроқ уринар яна-да соат,  
 Яна-да буруқсаб ёнмоқда чироқ.  
 Тун қуши ўкириб қилар ибодат,  
 Деразам ортидан эгилиб шу чоқ.

Қорайиб ёнарсен зулмат йўлинда,  
 Юрагимда ёниб битган севгилим.  
 Ўтган хотиралар ўнгу сўлимда.

Дафтардан расмингни олганман юлиб,  
 Суратсиз шу варақ менинг қўлимда,  
 Суратсиз варақда сен борсан, гулим.

1963

**ОСТОНАМДА ЁТАР ДЎСТИМНИНГ ИТИ**  
 Юлдузларга қараб,  
 Эҳ, ўлмагур дўстим-эй.  
 Марҳум  
 Дўстимнинг ити.

1965

**ОППОҚ БУЛУТ ИЗФИР САРОСАР,**  
 Оппоқ булут сокин осмонда.  
 Йўллар ошар, манзиллар ошар,  
 Нелар бордир ўша томонда.

Шундай жим-жит зангори осмон —  
 Заминларнинг нидоси бекор.  
 Нақадар оҳ, ахир бепоён  
 Сукунат деб аталган диёр.

Оппоқ булут изғиб юрар жим,  
У ерлардан нелар излар ул!..  
Бу чоқ осмон фикримга — ҳоким,  
Доҳиёна сукунатга — қул...

1964

### **ЧИРОҚ. ЧИРОҚ ЁНАР БЎЗАРИБ!**

Жим. Тинглангиз унинг куйини.  
У бир қўшиқ айтар, дўстларим,  
Саҳаргача айтар куйиниб.  
Чироқ. Чироқ ёнар бўзариб.

Чироқ ёнар — севимли орзу,  
Чироқ ёнар — сўнги йўқ ҳасрат.  
Туркистоним каби ёнар у,  
Чироқ ёнар — энг гўзал қисмат,  
Чироқ ёнар — севимли орзу.

Чироқни тинглангиз, одамлар,  
Қаршисида эгиб тулинг бош.  
Сизни куйлар у тонгга қадар,  
То навбатни олгунча қуёш.  
Чироқни тинглангиз одамлар...

1964

### **ДАРЁ МАВЖЛАРИГА ЁЗИЛМИШ ҒАЗАЛ,**

Майсалар эгилиб ўқийдир китоб.  
Шодланиб хандалар отар бир лаҳза,  
Бир лаҳза оҳ тортиб қўяди офтоб.

Қамишлар шивирлар дарё томонда,  
Кўкда оқ булутлар кезар бемажол.  
Бир тирик нафосат борлиқ, жаҳонда,  
Кимгадир эгилар, қилар илтижо.

Бу қадар гўзаллик қайси очунда,  
Бу қайси китобдир, кимнинг дафтари,  
Кимнинг аламидир қилич учинда?

Қалтираб порлайдир бир чироқ ғариб,  
Бир қушча сайрайдир руҳим ичинда,  
Бир қушча йиғлайдир мени ахтариб.

1963

**ОҲ, ТУРКИСТОН, КЎЗИМ ЙЎЛИНГДА,**  
Сен руҳимда очила қолдинг,  
Бир сир бўлиб сочила қолдинг,  
Оҳ, Туркистон, кўзим йўлингда.

Гўзалларнинг гўзали Турон,  
Севимлидир ҳамда меҳрибон,  
Ул ҳам туғилгандир меҳримдан,  
Гўзалларнинг гўзали Турон.

Дунё қадар севгим бор сенга,  
Билмаганлар айтар ул йўқ-ку!  
Сен қайларда юрибсан буқун.  
Дунё қадар севгим бор сенга...

1965

**ҚОР ҲИДИ ДИМОҚҚА УРИЛДИ...**

Ухлайди шамолнинг қўйнида  
Баргларини тўкмаган райҳон.

1963

**КЎЗЛАРИМГА ТЎЛИБ ҚОЛГАН НИМАДИР,**  
Томоғимга тиқилиб қолган нимадир, ахир,  
Ким айтади, сен айтмасанг агар, Гунафша?

1964

**КУЙГАН ДАРАХТ БЎЙНИГА ОСИЛАР**  
Оқ булут, оппоқ булут,  
Йиғлагали кетар кейин.

1965

**БИР АҚЛЛИ-ЕЙ МАНА БУ ҚУРМАҒУР,**

Бир чиройликки мана бу?  
Булар ҳам туғилганмикин?

1964

**ҚОРАЙИБ КЕТДИ КҮКСИМДАГИ ҚОРЛАР,**

Майсалар уйғонди,  
Шохларга қўнди кўклам.

1966

**“ҲА” ВА “ЙҮҚ” ДАН ИБОРАТДИР ҚИСҚАЛИК,**

Тушунтириш учун кетган сўзлар қолгани,  
“Ҳа” ва “йүқ”ни тушунтириш учун кетган сўзлар.

1965

**БУ ҚАНДАЙ ОРОЛДИР – ОСМОН КҮРИНМАС,**

Бу қандайдир дарёдир — кўринмас соҳил,  
Биз шу қадар ночормиз, севгилим.

1972<sup>1</sup>**ОЙ, НУРЛАРИНГНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛ**

Қора пардангни ташла юзингга, тун,  
Мен ёрим-ла видолашгани келдим.

1970

**КУНДУЗ: ЧИҚ-ЧИҚ,**

Кеча: чиқ-чиқ,  
Ўлмаган сенинг жонинг.

1974

---

<sup>1</sup> Ушбу сайланмадаги айрим бўлимлардаги баъзи шеърлар санаси китоб чиққан санадан фарқ қилади. “Сайланма” муаллифнинг ўзи томонидан тартиб берилгани боис бу каби ҳолатларга ўзгартириш киритилмади.

**ИЧИНГДАГИ ФАМИНГНИ БЕР МЕНГА,  
ЙЎЛОВЧИ,**

Тарозуга қўяйлик иккимиз,  
Ниҳоят бир фикрга келайлик охир.

1982

**БУ КУН БИР ТУШ КЎРДИМ. ТУШИМДА**

Бухорода юрган эмишман.  
Юксак миноралар бошимда,  
Оёқларим остида гулшан.

Бухорода юрган эмишман,  
Мен-ла бирга юрармиш қуёш.  
Эрир эмиш, оқар паришон  
Муз асридан омон қолган тош.

Юксак миноралар бошимда  
Менга ҳасад билан боқармиш.  
Асрлар бир дамдай қаршимда  
Зангор олов бўлиб оқармиш.

Оёқларим остида гулшан —  
Қайноқ оловларнинг давоми...  
Бухоро зангори гул ушлаб  
Мени асир этди тамоман.

Ул айирди мени ҳушимдан —  
Юрагимни кўрган эмишман...  
Букун бир туш кўрдим. Тушимда  
Бухорода юрган эмишман.

1963

**ҚОРЛАРИГА ҚОРИШДИ ОҚШОМ —**

Элай кетди нурли чангини,  
Қайдан олсин бечора рассом  
Бундай маъюс севинч рангини.

Уни излар, тополмас, гаранг,  
Ўтга қўнган қор каби беҳол...  
Кўзларида турар ўша ранг,  
Осмонларга тикилар бекор...

1964

**КУЛРАНГ БУЛУТ КЕЗИНАДИ ЖИМ,**

Кулранг булут ўхшар уйқуга.  
Кулранг булут бошлайди ҳужум,  
Бақириб шивирлар руҳимга.

Нафаслари қисилиб гўё  
Қалдирғочлар учар ер бўйлаб.  
Ғамгин-ғамгин кўринар дунё —  
Ўйларини қийнайди ўйлаб.

Кулранг булут қулади охир,  
Парчаланди шу муаллақ кўл.  
Ғир-ғир шамол, ғир-ғир ёмғир,  
Суратимни чизиб берар йўл.

Қалқиб-қалқиб қўяди қараб  
Табассумлар ёзилган тупроқ.  
Чапак чалиб, сочини тараб  
Бош ювади бир ҳовуч япроқ.

Яна булут кезмоқда сарсон  
Таъқиб этиб борар изимдан,  
Нафасларга тўла бу осмон  
Узилмайдир асло кўзимдан...

1963

**САБОЛАРДА ЎЙНАЙДИ НАВО,**

Ариқларда сув оқади шан.  
Оҳангларга тўлибдир ҳаво,  
Бенавосан нечун ёлғиз сан?

Кузги боғлар шивирлашар жим,  
Кузги боғлар куйчи заъфарон.

Куйлармикан шундай юрагим,  
Қўлларингни қўйгил, меҳрибон?

Бенавосан нечун, дилбарим,  
Ҳаёт сени этмасми мафтун?  
Мафтун этмайдими гул барги,  
Мафтун этмайдими шеърйи тун?

Қара, қандай порлоқ эрур кўк,  
Тингла, қўшиқ айтар юлдузлар.  
Бу — ой тўккан шуъла эмас, йўқ,  
Бу — навога айланган сўзлар.

Уфқларда ёниқ афсона —  
Олгин Эркин Воҳид шеърларин.  
Ойдин йўллар қўшигин, мана,  
Йўллар ўзи айтар, дилбарим.

Саболарда ўйнайди наво,  
Ариқларда сув оқади шан.  
Оҳангларга тўлибдир ҳаво,  
Бенавосан нечун ёлғиз сан?

1963

### **ОФИР ТУН. ҚУРИР ТИНКА...**

Қандай изғирин кеча,  
Бу ёмғир тинар қачон?  
Ерга ботади товон,  
Лой ёпишар этикка.

Лекин кутасан ҳамон  
У таниш тол остида,  
Аразинг бўлар тамом,  
Қари тўнка устида  
Ўлтирамиз ёнма-ён.

Ҳис ва хаёл кечаси  
Ҳароратли бир совуқ

Гулхан ёқаман ва сен.  
Оббо, тамаки ҳам йўқ,  
Мени аста қучасан.

Ёмғир қорга айланар,  
Кўзингда кулар алам,  
Оҳиста бош айланар.  
Қайга қочиб борар ғам?  
Қандай гўзал бу олам!..

1963

### **ТАШҚАРИДА ШОВУЛЛАР ШАМОЛ,**

Ёмғир қаттиқ ёғар бу кеча.  
Ташқарида шовуллар шамол,  
Юзларини ювмоқда дарча.

Ташқарида шовуллар шамол,  
У кунларнинг шакли кўзимда.  
Ташқарида шовуллар шамол,  
Саволларга кўмадир зимдан.

Ташқарида шовуллар шамол,  
Деразамни қоқар бетоқат.  
Ташқарида шовуллар шамол,  
Ташқарида пушаймон фақат...

1965

### **УЗОҚДАН ЧИРОҚЛАР КЎРИНАР —**

Орзумнинг мунаввар шуъласи.  
Ёнишлардан кўзларим тинар,  
Лекин етиб боргум шубҳасиз.  
Узоқдан чироқлар кўринар.

От қўяман. Ёнишлар ёнди,  
У ердан келмоқда овозим.  
Учган овозимдан ҳам олдин  
Чироқларга етмаган ўзим!  
От қўяман. Ёнишлар ёнди...

1965

**БОРМИ, БАҲОРИМ БОРМИ?**

Бормисан, сеvimли ёр,  
Дилга шунча озорми,  
Эй Баҳор, эй Баҳор?

Куёш кулар, кулар ҳаёт,  
Анвойи гуллар кулар.  
Ўзин бахш этмоқдан шод  
Пойимизга йиқилар.

Қайлардасан сен фақат,  
Жондан азиз кўрганим.  
Ҳеч яшолмас муҳаббат  
Айрилиққа ўрганиб.

Сенсиз кўкда моҳитоб,  
Сенсиз уйғоқ юлдузлар.  
“Қани” деб қилар хитоб,  
Танҳо дил сени излар.

Борми, баҳорим борми,  
Бормисан, сеvикли ёр?  
Дилга шунча озорми,  
Эй Баҳор, эй Баҳор?!

1963

**ХАЙР СЕНГА, ЯХШИ ҚОЛ ЭНДИ,**

Фарёд чекар кўзингда сеvинч.  
Хаёлларга бир дам тол энди,  
Ҳузурингга мен қайтмасман ҳеч...

Сени ўртар аччиқ пушаймон,  
Айрилмоқдан кўрқмассан мендан.  
Севги уйи узлатда вайрон —  
Бир тасалли тиламас сендан.

Бир кун кўриб сени кўчада  
“Ана, у!” деб қўлимни чўзгум...  
Ёдгорликдек сўнгги кечадан  
Йўл устида тўхтагин бир зум.

Бошинг эгиб келма мен томон,  
Сен кетавер... ёнимга қайтма...  
Кўриб қолсанг ундан ҳам ёмон.  
Йўқ, йўқ «мени кечир» деб айтма...

Хайр сенга, кетар бўлдим мен,  
Кетар бўлдим шу қоронғу кеч.  
Қайтмасам-да муҳаббатимдан,  
Ҳузурингга мен қайтмасман ҳеч.

1965

### **МУДРАБ ЁТАР БУНДА ДАРАХТЗОР,**

Уҳлар юпқа муз остида сув...  
Қуёш ойни тополмасдан зор  
Ботиб кетди, булут оқ парқув.

Зулмат отли шоҳ киймоқда тож.  
Ўз ҳукмига олганда уйқу  
Ухлаб олар олам ноилож.  
Бечора тонг — ухламайди у.

1963

### **ЙИЛЛАР, БЕРАҲМ ЙИЛЛАР,**

Шошасиз қайга,  
Ширин-ширин бу тиллар  
Овози найга  
Жўр бўлган кезлар.

Ёшлигим керак, йиллар,  
Кўз нурум керак,  
Начора қувиб елар  
Йилларни бу юрак.  
Хафақон диллар.

Қиш фаслидир қаҳратон,  
Бошимда еллар...  
Ёшлигимни бермайман,  
Бераҳм йиллар,  
Бераҳм йиллар.

1964

**ЙЎҚ! КЎРИШМАЙМИЗ, ХАЙР ЭНДИ!**

Ортиқ кўришмаймиз юзма-юз,  
Саҳроларда севгимиз қолди,  
Қор остида қолди севгимиз.

Ортиқ кўришмаймиз юзма-юз,  
Меҳр тўла ёниқ кўз билан  
Йўқ, йўқ, энди ҳеч қарамаймиз,  
Ўрталикда машғум бир туман.

Саҳроларда севгимиз қолди,  
Куйган янтоқ мисол қуёшда.  
Хато севги қўшилиб томди  
Заҳар-заққум бўлиб кўз ёшдан.

Қор остида қолди севгимиз,  
Шўрлик севги топмади омон.  
Якка-якка бўлди исмимиз.  
Ҳар хил йўлдан кетдик, ҳар томон...

1965

**ОЙБЕК ХОТИРАСИГА**

Тоғлар аро ойдин бир булоқ.  
Атрофида шивирлар ўтлоқ.  
Булоқда шаън ва собит чирой,  
Нур йўлидек ўйлари йироқ  
Сувда мангуликдек сузар ой...

Бироқ ҳайҳот, бир қуюн келди...  
Ойдин булоқ қайга беркинди?!  
Қайдадир шаън ва собит чирой?  
Фалакларга қарайман энди,  
Фалакларда сузиб юрар ой...

1968

---

# ТАСВИР

1973

---



**АРАВА ТОРТАЁТГАН ОТГА**

– Уф, бунча уф тортасан бундай,  
 Емишинг соз, хансирама, бас!  
 – Ўзим шундай, одатим шундай,  
 Мен шунақа оламан нафас.

1972

**ҚАЙДА ЎСДИНГ, ҚАЙДА ЯШНАДИНГ,**

Япроқ, япроқ, айтиб бер менга,  
 Юлқиниб ўзингни ташладинг,  
 Нега ахир, япроғим, нега?

Сени шамол, боқ, супурмоқда...  
 Япроқ, япроқ, сўзлаб берсанг-чи?  
 Ўз севгингдан бўзлаб берсанг-чи?  
 Нечун тушдинг, нечун оёққа?..

1965

**ШИВИРЛАМА МЕНГА, ЭЙ ШАМОЛ**

Худди қалбим ёнидан оқма,  
 Шивирлама менга, эй шамол,  
 Узиб япроқларингни отма.

Шивирлама менга, эй шамол,  
 Қайга олиб борурсан тагин?  
 Шивирлама менга, эй шамол,  
 Ўтмишларнинг қора эртагин.

1965

**ЯНА АЖИБ ТУШЛАР КҰРИБМАН,**  
Тушларимда уни кўрдим мен.  
Яна ажиб тушлар кўрибман,  
Ҳузурида ёниб турдим мен.

Чирмаб борар оловли тўлқин,  
Тўлқинларда бўларман абас.  
Ёнишларнинг қўйнидан юлқиб  
Кошки судраб чиқса бу нафас.

Аланга чақнайди кўзимда,  
Ўтлар мени ташлади тилиб,  
Севги, севги, менинг бўғзимда,  
Калимага келмайди тилим.

Шундай ажиб тушлар кўрибман,  
Тушларимда уни кўрдим мен.  
Шундай ажиб тушлар кўрибман,  
Ҳузурида ёниб турдим мен.

Яна севгим қолди юракда,  
Ул қийнайди мени беомон.  
Тушларим ҳам тугаб бормоқда,  
Бир сўз айта олмайман ҳамон.

### АБДУЛЛАЖОН МАРСИЯСИ

1. Қушлар, қушлар, қатор-қатор,  
 Қушлар, уйга қайтингиз,  
 Абдуллажон қайтмас... зинҳор,  
 Ёр-дўстларга айтингиз.

Ўйнар бўрон, ўйнар бўрон,  
 Ўйнар менинг бошимда.  
 Энди йўқдур Абдуллажон,  
 Йигирма беш ёшинда.

Йўллар узун, йўллар узун,  
 Кунлар ҳам кўп чўзилди.  
 Қонли ёшлар тўкди кўзим,  
 Жигар-бағрим эзилди.

Поезд чопар, поезд чопар,  
 Поезд чопар Сибирдан.  
 Абдуллажон жонсиз ётар,  
 Тобутлари темирдан.

Бўзлар осмон, бўзлар осмон,  
 Бўзлаб берса бўзтўрғай.  
 Кўзларини Абдуллажон  
 Бир дам очса, на бўлғай.

Нафас олмай ул ухлайди,  
 Кўкрагида ўнг қўли.  
 Ел йиғлайди, эл йиғлайди,  
 Йиғлар ўзи ҳам ўлим.

2. Азиз дўстим, қайларда қолдинг?  
 Кўриб туриб сени, кўрмадим.  
 Сўрадимۇ мен дарду ҳолинг,  
 Мен дарду ҳолингни сўрмадим.

Сен ёниб кетарсан ёдимда,  
 Бирон шарпа, товуш эшитсам,  
 Гўё мана, ҳозир олдимга  
 Отилиб кирарсан эшикдан.

Шамол каби учиб ўтгайсан,  
Шовуллайсан бошимда ҳар зум.  
Айтилмаган қўшиқ айтгайсан,  
Япроқларни отгайсан узиб.

Доим бирга ва доим жудо  
Бағридан, бечора кўзларим.  
Бунча хасис бўлмаса дунё,  
Топтайди ўзининг изларин.

Наҳот, дўстим, шу қабр — сенми,  
Сенми ёзилмаган шу китоб,  
Кўмиларми ҳеч қачон севги?  
Мен жавоб истайман, жавоб.

Азиз дўстим, қайларда қолдинг?  
Кўриб туриб сени, кўрмадим.  
Сўрадимۇ мен дарду ҳолинг,  
Мен дарду ҳолингни сўрмадим.

3. Сен тарк этдинг ёруғ оламини,  
Сен бутунлай тарк этдинг, ёху.  
Тингламайсан менинг ноламини,  
Тингламайсан, чорасиз оху.

Ғамли уйда қирқ кун ёнур шаъм,  
Сен ўйимда ёнурсан абад.  
Қайта туғиладир дунё ҳам,  
Сен дунёга келмайсан фақат.

Оҳим менинг бузгай самони,  
Нафасим айланур қуюнга.  
Совуқ ерга қўйдикми сени,  
Керакмидинг шунчалар унга?!

Йигирма беш ёшда кетдинг сен,  
Жуда эрта кетдинг, дўстгинам,  
Ҳей ажал! Мақсадга етдинг сен,  
Йигирма беш ёшдаман мен ҳам...

Йигирма беш ёшимни қўшдим  
 Йигирма беш ёшинга сенинг,  
 Ҳаддан зиёд бу алам, дўстим,  
 Бу кун эллик ёшим бор менинг.

Сен тарк этдинг ёруғ оламни,  
 Сен бутунлай тарк этдинг, ёху.  
 Тингламайсан менинг ноламни,  
 Тингламайсан, тингламайсан-ку...

1965

### ОЙДИНЛИК

*Кундай ёруғ, тундай қора  
 экан кўзларинг.*

*Усмон НОСИР*

Ой сузади. Музлаган кеча,  
 Қор уфурар.  
 Туманларда бир юлдуз мунча  
 Фамгин турар...

Ғуж-ғуж юлдуз, ой кезар холий,  
 Боқасанми?  
 Ишқ дарёси оқар хаёлий,  
 Оқасанми?

Нима келди шу дам ўйингга...  
 Ким у? Айт, ким?  
 Бечора ошиғинг йўлингга  
 Зорми, айтгин?

Ой сузади. Музлаган кеча,  
 Қор уфурар.  
 Туманларда бир юлдуз мунча  
 Фамгин турар.

Майли оқшом, майли қор,  
 Ой ёруғида  
 Сен порладинг, гўзалим,  
 Севги — руҳимда.

Ким яширди, ёлғизим,  
Тунни кўзингга,  
Қор сингари мусаффо  
Кумуш юзингга?

Олисда ял-ял ёнган  
Нима экан ул?  
Юргин ўша томонга,  
Эй гўзал сурур.

Майли оқшом, майли қор,  
Ой ёруғида  
Сен порладинг, гўзалим,  
Севги – руҳимда.

1963

**УЙҒОН, ЭЙ МАЛАГИМ, ТУР, ЎРНИНГДАН ТУР,**  
Оташин музларда исинайлик, юр.

Ёнғинли дарёда қулоч отайлик,  
Бу ердан кетайлик, фақат кетайлик.

Ундан ҳам олисроқ кетармиз ҳали,  
Ундан ҳам олисроқ, менинг гўзалим.

Қарагил, энг ёрқин бир юлдуз ёнар,  
Ёруғ бир чаман бу ... кетармиз яна.

Бу кун шоҳ эрурман – тилак тилагил,  
Бу кун мен гадоман, тингла малагим.

1966

## ВЬЕТНАМ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ўз йўллари бордир охунинг,  
 Чангалзорлар аро чопадир  
 Зангори ўтлоқ томон,  
 Йўлбарснинг ўз излари бордир,  
 Чирқираган гўдакка чанг солмоқ учун  
 Қишлоқ сари борур биқиниб.  
 Душманнинг ўз йўллари бордир,  
 Бостириб келадир бизнинг тоғу тошларга  
 Сочмоқ учун зулм, истибдод захрин.

*Чанг ХАЙ*<sup>2</sup>

Кезадир булутлар бошим устида.  
 Ҳаво дим.  
 Бақирган сукунат.  
 Сукунат — вужудларга,  
 мияларга  
 санчилган игна!  
 Бурун катакларида  
 тўлғонган аччиқ нафас,  
 Вьетнам юракларида йиғлаган Вьетнам.  
 Вьетнам — икки бўлинган бир нон.  
 Оқ бино.  
 Мактаб.  
 Она тили дарси:  
 Мана, тинчлик, ол,  
 Мана, тинчлик, саодат.  
 Танаффусга беш дақиқа бор.  
 Сукунат — ҳукмрон.  
 Машғум қўллар қарси!  
 Танаффусга беш дақиқа бор.  
 Хроника кадрлари — Отиш.  
 Юз — павилъонда. Камера қаршисида.  
 Юз: Мен табиатан қотил эмасман,  
 Шунинг учун «энг сўнггиси қолгунча»

<sup>2</sup>Жанубий Вьетнам шоири

Отишга тиришмадим.

Хроника кадрлари. Вьетнам ватанпарварларини отиш.

Диктор овози:

Америка учувчи офицери бу тақлидда ишга киришмайди,

Табиатан мен қотил эмасман, дейди у —

Ерда қотил воқеани ўз кўзи билан кўриб туради.

Сурат. Америка солдати Вьетнам аелининг чаккасига

Тўппонча тираб турибди.

Ўлим қисқа масофада яққол юз кўрсатади.

Қўлларининг ишига юксакдан қараганларга эса...

Самолёт нишонга шўнғимоқда. Бомбалар учади.

Ўлим кўринмайди.

Самолёт кабинасида қон ҳиди анқимайди.

Шайвли павильонда. Камера қаршисида.

Шайвли: “Ҳаво жанги тўғрисида шуни айтишим мумкин:

Катта суръат билан кабинада қисиниб,

Бошингда шлем билан ўтираркансан,

Маълум меъёрда қотилликка алоқанг йўқдек

Сезасан ўзингни, чунки ўлдираётганингни кўрмайсан”<sup>3</sup>.

Танаффусга чиқишмади болалар.

Абадий танаффус.

Тинди шогирдлар саси.

Қутлуғ тупроқ устида букун,

Шундоқ кўз ўнгимда ўлмоқда одам.

Ўйлаётир, фикрига бу оламлар тор:

Дунё, орзуларинг менинг орзум эди,

Сўзларинг менинг сўзим эди, дунё,

Ташвишларинг эди менинг ташвишим.

Кел, юмаймиз кўзларни, кел юмайлик.

Шундоқ кўз ўнгимда ўлмоқда одам.

Ўйлаётир, фикрига бу оламлар тор.

Кўзларида Ватан деб ўлмоқ бахти,

Ва қуёшга қараб қотган бир савол.

Қўлларида бир гунча.

---

<sup>3</sup> Вальтер Хайновски ва Герхард Шойманнинг «Пижамадаги учувчилар» хужжатли фильмидан. Юз, Шайвли — Америка учувчи офицерлари.

Титрар гунча қалби унинг қўлида.  
Ўқ ва мурда иси,  
Минг ўлимдан қолиб,  
Лахта-лахта қон қусиб кечган дамлар.  
Гуллар, фақат гуллар иси анқисин –  
Деган каби бўлар сўзсиз,  
Гунча қалби унинг қўлида.  
Ўлаётир кўз ўнгимда бир одам,  
Ўйлаётир фикрига бу оламлар тор.  
Нега керак, биродар, нега керак?  
Бечора онамиз – Ер шари,  
Қийналади ғам-ҳасратингдан,  
Дастингдан волида ёшлари.  
Бу томчилар менинг,  
Бу томчилар сенинг дастингдан.  
Нега керак ғазаб,  
Ахир Ернинг ўзи  
Ястаниб ётган асаб.  
Ҳай, инсон!  
Кейин кўзёшинги тўкма унинг устига,  
Кўзёшинг  
Стронций – 90.  
Шундоқ кўз ўнгимда ўлмоқда одам.  
Колумб!  
Кесилган бош сингари ётма.  
Уятдан тур!  
Аянч Америка ёнида ўлтир!  
Йиғлаб ол, Виспуччи!  
Ўз қабрини бузмоқда Линкольн.  
Бир уммон шаклида ҳайқариб  
Оқиб келаётир Америка халқи.  
Она тилин унутган фарзанди ёнида – қадрли она,  
Номусли ота каби – сотқин боласига жазо бермакка шай –  
Оқиб келмоқда Америка халқи.  
Қудратли бир уммон шаклида ҳайқиражак:  
Ҳақиқат – бор.  
Ҳақиқат – Вьетнам.  
Ҳақиқат – Ватан.

Ўлаётир кўз ўнгимда бир одам.  
Ўйлаётир фикрига бу оламлар тор!  
Бутун инсоният ризқи ва ҳаққи,  
Йўлида жон талашди вужудлар — бу менинг халқим.  
Биз кўрган қайғу,  
Йўқсиллик,  
Беном катакларда  
Бенишон ўлдирган силлик...  
Сиртмоқ сингари бўғзимни бўғар  
Йиғланган йиғи!  
Дунё олдидаги шаффофлик,  
Офтоб деса, офтоблик бизники.  
Тақдирларга таҳдид солувчи таҳлика —  
Кўзи кўр бир ният — ёвузлик,  
Бизники эмас  
Муқаддас мамлакат.  
Ёвузликка тошлар, харсанглар кўниксин.  
Ҳай, йўқ!..  
Киндик қони тўкилга ерга  
Юрак қони тўкилсин одамнинг.  
Ҳаяжон мисол қисқа,  
Ҳаяжон мисол узун Ватан деб номланган  
Эзгулик бизники,  
Сеникимиз биз эса  
Бағримизга омухта Ватаним.  
Кезадир булутлар бошим устида  
Ахир, кўз ўнгимда ўлмоқда одам.  
Ўйлаётир, фикрига бу оламлар тор:  
Бутун юракларнинг Ватани — Вьетнам...  
Кўз ўнгимда ўлаётган одам — менман.

1967



**ЯНГИ ТОНГ...**

Тонгда эриб кетди  
 Кеча.  
 Уйқусини қувиб кўчанинг  
 Автолар шовқин солиб кечар.

Дунё сўрармидим сендан,  
 Дўстим, шу дақиқа.  
 Шунчаки, тонг нафаси янглиғ  
 Табассуминг керак  
 Фақат.

1962

**АЙЛАНИБ ТУШАР ҚОР ЙЎЛИМГА...**

Қўлингни қўйгил, ёр, қўлимга.

Сен қолдинг муҳр каби лабимда,  
 Сен — бир дард асабий, қалбимда.

Кўзимга беркитай ва лекин  
 Ёшдай оқиб кетма, севиклим.

1963

**ОҒУШИГА ОЛАР КУНДУЗНИ**

Кундуз каби бу ёруғ кеча...  
 Кечаларнинг кечалик ёди  
 Аста тонгнинг майидан ичар.  
 Кузатиб қўй тунлар ёдини...

1963

**УЧИНЧИ ДҮСТ**

М.Б.

Тахтада гезариб ётган қонли хат,  
Қонли суврат, қонли май, бошқа... Унга барибир.  
Асрай олмадик-ку уни,  
Топшириб қўйдик-ку, дўстим.

Биз энди бу ерда,  
Бу Ерда  
Учинчи дўстнинг тўла  
Финжонини ичиб яшаймиз.

Биз энди она Ер – нажотнинг  
Иссиқ бағрига қачон етармиз, қачон?!  
Учинчи дўстнинг тўла  
Финжонини ичиб яшаймиз-да, энди.

Кимларнингдир учинчи дўсти бўлиб қолармиз, балки...  
Учинчи дўсти бўлиб.  
Уларни ўйлаб... Учинчи дўстнинг тўла  
Финжонини ичиб яшаймиз-да энди, дўстим.

1973

**БЕТХОВЕН**

В.С.

Ҳозир сўнг зарб ила узилажак тор,  
Наҳот ҳар не абас, ҳаммаси битар.  
Ўзинг қўлла мени, эй буюк Даҳо,  
Қандай саодатдир, бу сўнгги садо?!

Шивирлар, ҳайқирар бепоён денгиз,  
Мен уни сипқормоқ истайман танҳо.  
Фақат сен кўзингни бағишла, Зиё,  
Фақат сен, Жасорат, қўлингни бер тез.

Балки бу Осмон – Орзу садоси,  
Денгиз – хаёлларин садосидир бу.  
Ҳақиқат қошида қасамдир эзгу.

Суюкли Инсонга балки видоси ...  
Ҳозир сўнг зарб ила узилажак тор –  
Сўнгги зарб ҳаётин яшамак даркор.

1973

### – БИР ШЕЪРИМНИНГ, ҚАРАНГ, БОШИ ЙЎҚ

Кесилган-ку, қаранг, оёғи –  
Муҳаррирга боқдим, кўзим лўқ –  
Ахир қандоқ бўлур у ёғи?!

– Тилингни тий, – деди муҳаррир,  
Яхшилиқни билмаган ҳамак.  
– Кечирингиз... лекин кўп оғир  
Ёлғиз қорин билан яшамак.

1977

### ХАЙРЛАШДИК... ЎЙНАР КАПАЛАК...

Хайрлашдик ... Ўйнар капалак ...  
Биз асир бўлмадик лаҳзага.  
Хайрлашдик бесўз, беюрак.  
Бу боғ, бу гул келди ларзага.

Шабнамнинг соф қадаҳи синди ...  
Кулимизни совурди фалак –  
Сен мендан айрилдинг, мен сендан,  
Ўйин тушар рангин капалак.

Ўйнар, ўйнар, ўйнар капалак.  
Бир лаҳзанинг фармони қолди.  
Хайрлашдик. Бесўз. Беюрак.  
Буюк севги армони қолди ...

Қандай гўзал рангин капалак ...

1962

## ПАБЛО НЕРУДА ҶЛИМИГА

Ахир ўлдирмишдир қора машғал тутган машғум шайтанат.  
Қўрқоқлар ўлдирдилар.  
Сотқинлар ўлдирдилар  
Шоирни. Инсонни.

Гарчи мумкин эмасдир асло,  
Уфқнинг бўйнига сиртмоқ-дор ташлаб  
Ўлдирмоқ инсонни, Пабло.  
Сўнди озодликнинг сўнгсиз осмони, Пабло.

Чатнади юлдузлар,  
Сўндилар қақшаб,  
О, букун қайғунинг қора сувратин кўрдим,  
Нафратнинг қошида турдим юзма-юз,

Нафасини ичига ютиб юборган ҳаво.  
Дим.  
Нафасини ичига ютиб юборган  
Паблосиз.

Букун танҳо ҳасрат. Шоир ва Дунё.  
Сўз йўқ Сўзга,  
Осмон тошиб кирар кўзга, сиғмас кўзга, Пабло,  
Бу буюк ҳасратнинг мазмуни ўзга, Пабло.

Наҳот, Борлиқ – соқов,  
Наҳот, Борлиқ – кўр.  
Дилдираб, лопиллаб турган булутларнинг  
Тобутида ётар жонсиз тафаккур.

У қандай севарди,  
У қандай севарди – Дунё – Ватанин.  
Йўқ, озодликни отиб бўлмас, йўқ,  
На-да тубан, на-да аянч осмоннинг душмани.

Қўлларига қайтадан қора машғал олган машғум шайтанат —  
Зулматликлар Чилининг оппоқ тонгини  
Чил-чил синдирдилар.  
Қонли санжоқ илдилар, Пабло.

Етим қилмоқ бўлдилар озодликни,  
Фақат,  
Яна ўзларини етим қилдилар,  
Пабло.

Етар, бас, марсия...  
Эй сиз, ғафлат супрасида биқсиб тўйганлар,  
Эй сиз қурбонликка  
Қуёшни сўйганлар...

Уни ўликлар ўлдирдилар,  
Ўлдирдилар шоирни. Инсонни.  
Ҳайқир, ҳайқир, ҳайқир, осмон —  
Пабло Неруданинг сўнгсиз осмони.

1973

### **БИР СЎЗ БОР**

Беғубор тонг каби гўзал,  
Тонг чоғи очилган гунча каби,  
Гунчада шабнам каби мусаффо.

Ширин туйғуларнинг  
Ширин фарзанди,  
Осмон каби бепоён кўзлар севинчи янглиф  
Бир сўз бор.

Бир сўз бор.  
Ҳақиқат сўздан ҳам юксак  
Ҳақиқатнинг ўздан ҳам юксак,  
Бир сўз бор...

1963

**СЕНИ МЕНГА БЕТОБ ДЕДИЛАР...**

Бу сүз ёмон, бу сүз кўп оғир.

Сени менга бетоб дедилар,

Оқди ёшим мисоли ёмғир.

Сени менга бетоб дедилар...

Менга дунё ҳазин туюлди.

Булутларга тўлди осмон —

Аччиқ-аччиқ ёши қуюлди.

Сени менга бетоб дедилар...

Лекин келдинг, келдинг сен ўзинг.

Қора булут тамом йўқолди.

Ҳолбуки мен... Йиғлайди кўзим.

1965

**АВТОБУС ДЕРАЗАСИДАН ҚАРАБ КЕТСАНГ**

Узоқ-узоқларга,

Масофалар сувратини олиб кўзларга.

Хусусан, ой булутлар орасига беркиниб турса.

Хусусан, юлдузлар сўнганда,

Хусусан, зим-зиё тун чоғи.

Айниқса, шаҳарнинг шовқини сени зериктирса,

Айниқса, севгилинг севмаса сени ...

Айниқса, ғийбатлар тўқиса

Дўстларинг...

Йироқларга қочар қисматлар,

Автобус деразасидан қараб кетсанг...

1965

**УФҚ ЯРАЛАНГАН АЛВОН. ТЎЛҒОНАР.**

Турналар карвони сузар паришон.  
 Видолашув пайти қонга чулғанар,  
 Ўз қонига чўкар карвон бенишон.

Куёшнинг алвидо шамлари ёнар,  
 Кечар кўзларимдан бу ёруғ жаҳон.  
 Қайдан Мен? Нечун Мен? Вужудим қонар,  
 Қачон келдим? Нечун? Ўтгайман қачон?

Кечар дунё, кечар карвон сингари.  
 Уфқ. Фалакларга санчилган оҳим.  
 Қаттиқ уринаман уфқдан нари,

Алвон узра музлаб турар нигоҳим.  
 Оёғим юрмайди юрганам сари,  
 Она ерга ботиб қолган оёғим...

1963

**ХУВИЛЛАГАН УЙДА ҚИСИЛАР ЮРАК,**

Ғолиб келди охир қора гумонлар.  
 Мен-да саргардонман, ўзимдан йироқ,  
 Кўзларимга чўкмиш ҳорғин туманлар.

Ҳайҳот, тингламайсан ёнимга қайтиб,  
 Ортиқ етиб бормас оташин сўзим.  
 Сен кетиб борасан алвидо айтиб,  
 Мен эса излайман ўзимни ўзим.

1973

**ДЕРАЗАМДАН БОҚАР ЗУЛУМОТ,**

Зулмат билан жанг қилар ёмғир.  
 Юрагимга оқар зулумот,  
 Оқиб фикримни тилар ёмғир.

Зулмат билан жанг қилар ёмғир,  
 Шиддат билан кесар зулматни.  
 Пичоғингни боғла, эй бағир,  
 Сен ҳам, сен ҳам уни йўлатма!

Юрагимга оқар зулумот,  
Манзилда бўларми ҳукмрон?  
Кўлларимни боғларми, наҳот,  
Шу мантиқсиз зулмат – ногирон?

Оқиб тилар фикримни ёмғир,  
Фикрларим менинг сачрайди.  
Чўян парчаларидек кескир,  
Нега бу зулумот қочмайди?

Нега тушунмайман, нега? Дод!  
Ёмғир – дунё сингари оғир.  
Деразамдан боқар зулумот,  
Зулмат билан жанг қилар ёмғир.

1965

**ОНА, МЕНИНГ ҲАҚҚИМ КЎП**  
Мозийдан, ҳозирдан ва келгусидан.  
Она, менинг ҳаққим кўп,  
Айниқса, ўзимдан.

Биринчи – ёнишлар,  
Иккинчи – ёнишлар.  
Учинчи...  
Йўл эса узун.

Оҳ, узун.  
Баъзан хафа кўринасиз ўғлингиздан,  
Ҳаққимни  
Тан олмайсиз баъзан.

Она, менинг ҳаққим кўп,  
Кўёшдан,  
Гуллардан,  
Ва сиздан.

1964

**ПАҒА-ПАҒА ОППОҚ ҚОР ЁҒАР,**

Боғлар киймиш илоҳий либос.  
Юрагимни бир оташ доғлар —  
Қуёш тутиб келаётир ёз.

Нима бўлди? Кипригинг намли,  
Кўзларингда яширин асрор,  
Девордаги сувратим қани?  
Нима бўлди? Қалбингда не бор?

Ёғар оппоқ паға-паға қор,  
Дардим қорлар каби сочилар.  
Хув, йироқда гуллаган баҳор  
Бўйлари кўксимга санчилар.

1969

**БАЛКИ ЎЧГАН ЭДИМ ЁДИНГДАН,**

Ширин хаёлингни буздимми?  
Лайло, Лайло, сенинг ёнингда  
Япроқ каби кўрдим ўзимни,  
Ширин хаёлингни буздимми?

Сени ўйлаб келмайдир уйку —  
Қора туннинг ўзга сеҳри бор.  
Тушларимда топай деб гулрў,  
Мен ухларман мангу эҳтимол.  
Гўзал тушлар тилайман, Лайло...

Яна пайдо бўлдинг йўлимда,  
Яна йўлларингда бўзладим.  
Бечора қалб сенинг қўлингда,  
Кўзларингда менинг кўзларим.  
Нечун пайдо бўлдинг йўлимда?..

1963

**КАРЛО КАЛАДЗЕ ДИЁРИДА**

*Учарман, қуёшга ботган қуш каби  
Кўкда ер ҳақида қўшиқ айтарман.*

**Карло КАЛАДЗЕ**

Тўрғай учар... Илҳомга у тўлиб учар,  
Ўқдек учиб борар мовийлик сари,  
Қуёшдан, ўзидан маст бўлиб учар,  
Оғушига олар чексизлик бағри.

Ҳар нега қодирдир соҳир шеърият,  
Гоҳ ўнгга эврилур, гоҳо рўё, туш,  
Камолот тимсоли сингари фақат  
Туманларни кесиб учар вола қуш.

Шеърият кўйида бир мажнуншиор,  
Яна уйғондимми, дейман уйғониб.  
Гуржистон қўшиғин тинглайман такрор,  
Буюк шеъриятнинг қаърида ёниб.

Бир туркий ўғлони гуржи шеърининг,  
Не тонг, шиддатига асирлар букун.  
Мен-да бир ошиқман она-Еримнинг  
Севгиси сўнгсиздир, иқболи гулгун.

Шоир, тунлар ўтди, ўтди кундузлар,  
Юзидан Картвели кўтарди парда.  
Неча бор айланди кўкла юлдузлар,  
Оқарди қора тун Гавризангарда.

Учар, тўрғай учар, мозийдан сўйлар,  
Мен уни тинглайман кўзларимда ёш.  
Шоир, Кавкасион неларни ўйлар,  
Наҳот ботиб кетса ерларга қуёш?

Баҳрун нажот узра ўрлар қора чанг...  
 Гарчи бу тўқилган афсона эрур —  
 Эҳтимол зирвадан маълул ва ўйчан  
 Ёфаснинг, Картлоснинг овози келур.

Улар дўст тутинган инон, эй шоир,  
 Соғари алвидо қилганлар балким.  
 Йўқ, улар ғаразгўй бўлмаган охир,  
 Йўқ, душман бўлмаган ҳеч қачон халқим.

Тўрғай учар, тўрғай куйлар беомон,  
 Босиб кела бошлар мозий кўлкаси.  
 Неча жафо бўлса кўрдинг, Гуржистон,  
 Сен эй, асрдийда мардлар ўлкаси.

Танимни қақшатар ул ўтмиш еллар,  
 Гўё кўк юзига тортилмиш ниқоб.  
 Лекин мхедрули саслари келар,  
 Титрар еру осмон, титрар Кўҳи Қоф.

Тўрғай осмонга чўкиб бормоқда,  
 Дафъатан самовий бахтдан тиқилди.  
 Ҳайҳот, ул бечора тўрғай тупроққа,  
 Шул она тупроққа жонсиз йиқилди...

Қутлуғ тупроғингга қадамим босдим,  
 Қутлуғ тупроғингни куйларман қониб.  
 Йўқ, мен Гуржистонни сева олмасдим,  
 Бағримда турмаса Туркистон ёниб.

Билурман, охири тўхтар-ку қалбим,  
 Қўл силтаб дунёдан бир кун ўтарман.  
 Учарман, қуёшга ботган қуш каби,  
 Кўкда ер ҳақида қўшиқ айтарман.

**БИРГА ТУҒИЛДИК-КУ, ЮРАГИМ,**  
Жаҳонни кезмакка пиёда,  
Одимларимиз бирдир бизнинг.  
Шу бахтли, шу бадбахт дунёда  
Одамларимиз бирдир бизнинг.

Бирга туғилдик-ку, юрагим,  
Насиб этганда ҳам мангулик,  
Сен яшайвер, сен мани кутма.  
Мен-ку исмингман холос, лекин,  
Юрагим, номингни унутма.

1965

**ЯСАТИБ ҚҶЙИБДИ СЕНГА БИР ДУНЁ,**  
Орзиқиб кутади букун юрагим.  
Менинг юрагимга келгил, марҳабо,  
Менинг юрагимга келгил, малагим.

Ошиқлар бахтини топади унда,  
Келгил, афсоналар айтмоқда боғлар.  
Азиз бошинг узра ялтираб кунда,  
Олтинга айланар куйчи япроқлар.

Меҳрибон елларнинг қанотларида,  
Қани юр, борайлик лола тергали.  
Ғаройиб гулларим бордир нарида.  
Гулим, кўрмагансан умрингда ҳали.

Инон, от ўйнатиб бир тонг маҳали  
Сарбозларим келар Фиротларида.  
Зангор тўлқинларда отармиз қулоч,  
Яна-да кетармиз йироқ-йироққа.

У ерда тун йўқдир, абадий Куёш  
Нурларин сочадир она тупроққа.  
Қарагил, нақадар тиниқдир осмон,  
Ундан-да гўзалдир, ундан ғаройиб.

У ерга қаро куч йўламас асло,  
 Булутлар қайғудан кетмас қорайиб.  
 Балки шоирдирман, бир ошиқ, куйчи,  
 Сени севмак учун тушганман ерга.

Қани, қўлларингни қўлимга қўй-чи,  
 Менинг юрагимга кетайлик бирга.  
 Сира ҳам у ердан келмайлик кўчиб,  
 Аччиқ тажрибалар ортиб тақдирга.

1966

### ИСИКАВА ТАКУБОКУ<sup>4</sup> ХОТИРАСИГА

Ҳасратимнинг  
 Суюқ тошларидан  
 Даҳма қурмоқчиман  
 Ўзимга.  
 Ичида ўз жасадим бўлсин.

1962

---

<sup>4</sup>XX аср япон классик шоири

## ШОИР

*Абдулла Орифга*

О, она Туркистон, маъюс онажон,  
Сирли бу завқ аро сирқирайдир тан.  
Охири ўлдирар мени ҳаяжон,  
Боиси не, айтолмасман дафъатан.

О, она Туркистон, ўйлайман сени,  
Тинглайман оламнинг шивирин такрор.  
Банди масканига чорлайди мени  
Кибор чўққиларда музлаган баҳор.

Мунгли товушига осурман қулоқ,  
Довдир, мажнунона хаёлга асир.  
Варақлар устида михланди нигоҳ,  
Ёнғин чангалида турибсан ахир.

Бир шеър қаршисида туравердим лол,  
Бир шеър қаршисида телба, девона.  
Мункайиб қироат қилаётган чол,  
Умрини бошқатдан бошлади яна.

Шоир шунинг учун тузарми девон,  
Йўқса бу паришон тизмалар нечун?  
Кимни шоир дея тан олар жаҳон,  
Биз кимни шоир деб атаймиз бу кун?

Кимдир у жафокаш шу хилқат аро  
Ҳамнишин тутинган қора қаламга.  
Кимдир ул ғамгусор ва мотамсаро  
Фикр сочаётган туркий оламга?

Кимдир ул? Эрмак деб куйларми, наҳот,  
Сохта эҳтирослар чулғарми уни?  
Йўқ!.. Йўқ, яралмади у билган ҳаёт,  
Ҳали туғилмади шоирнинг кунни.

Ҳали қайлардадир жанг борар ёвуз,  
Маъсум гўдакларнинг шаъми ўчмоқда.  
Мусиқор<sup>5</sup> эмас-ку темир ялмоғиз  
Муштарақ осмонда учмоқда.

Не эллар, ватанлар гулханда ёниб  
Шоир кўз ўнгидан ўтади бир-бир —  
Барчанинг дардини ўзига олиб  
Мажнун бўлиб юрар шунинг-чун шоир.

Ҳали бўғизларда бўғилар нафас,  
Эски яралардан чак-чак томар қон.  
Шоирни куйлатган табиат эмас,  
Шоирни куйлатган Ҳазрати Инсон.

Тиккандир жонини Ватанига у,  
Бу сўз қаршисида титрама, эй жон.  
Юзма-юз келгандек гўё ўт ва сув  
Юзма-юз келадир шоир ва замон.

Буюк эътиқоддир бу даҳр аро йўл,  
Буюк эътиқоддир муборақ илҳом.  
Шоир юрагида очилмаган гул,  
Шоир юрагида собит интиқом.

1970

---

<sup>5</sup>Афсонавий темир қуш. Қўшиқ айтиб, хуш бўй сочиб учармиш.

# ХОТИРОТ

1975

*Отам Парфи Муҳаммад – Амин Норқучоқ  
хотирасига таъзим ила бағишлайман.*

*Муаллиф*

Сизнинг беғам яшашингизга  
Халал бермайдими хотирот?

**Иоганнес Р.БЕХЕР**

Хотирот – дарахтзор, ўрмоним менинг,  
Шивирлайдир унда зангор япроқлар...  
Неки кечмиш, ўрмонимда қолмишдир...

**Қайсин ҚУЛИЕВ**



## ШАБНАМ

Умринг жуда қисқа бўлса ҳам,  
 Дунёга шаффофлик бўлиб тўласан.  
 Сен жамики кўзларга малҳам,  
 Илиқ табассуминг билан ўласан.

1963

## ҲИЖРАТДА ОНА АЛЛАСИ

(1944)

*Ҳайдар УСМОНГА*

Шакар кўзим, тушларинг бўлсин ширин,  
 Сен менинг жонимсан, сен менинг таним.  
 Онангнинг кўксида қасос яширин,  
 Юрагида ўқ парчаси – Ватаним.  
 Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,  
 Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.

Она юртни босди ёвуз йилдирим,  
 Масканатга айлантирмиш доругир.  
 Гарчи қон ичрадир баргрэзон ерим,  
 Айри тушмак, болам, мушкул барибир.  
 Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,  
 Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.

Қонталашган уфқларда нофармон,  
 Ботишини куёш билмай турадир.  
 Одам ортган қатор борар Шарқ томон,  
 Филдираги кўксим узра юрадир.  
 Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,  
 Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.



Қирғоқларга чопар, қайтар долғалар,  
Музтариб осмон кабидир нолам.  
Боғларда қағиллар қора қарғалар,  
Боғлар булбулидан айрилди, болам.  
Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,  
Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.

У ерда визиллаб ўқлар учадир,  
Ўқлар учиб юрмас бекордан бекор.  
Тирик жоннинг, болам, шами ўчадир —  
Ёв учун қуёшнинг ўчмоғи даркор.  
Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,  
Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.

Балким афсоналар айтар булутлар,  
Туркулар айтадир мусаффо, туйғун.  
Йироқ-йироқлардан турналар ўтар,  
Ҳижрон қўшиғини айтарлар бугун.  
Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,  
Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.

Отанг жангда. Отанг сени кўрмайди,  
Отанг жангда, қора хат олган онанг.  
Отанг келиб, аҳволингни сўрмайди,  
Бу оламда бир ўзи қолган онанг.  
Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,  
Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.

Армон-ла юмгандир кўзларини, бас,  
Жон бериб, душмандан олгандир ўчин.  
Нечун қалқиб-қалқиб оласан нафас,  
Нечун кўрқиб кетдинг, тўлғондинг нечун?  
Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,  
Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.

Шакар қўзим, тушларинг бўлсин ширин,  
 Сен менинг жонимсан, сен менинг таним.  
 Онангнинг кўксига қасос яширин,  
 Юрагида ўқ парчаси — Ватаним.  
 Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,  
 Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.

1973

**ҚАЙГА УЧМОҚДАСИЗ, ҚАЙГА, БУЛУТЛАР,**  
 Букун меҳрингизни тўқасиз қайга.  
 Эҳ, шамол қайларга сизни ирғитар,  
 Сиз билган ергами, қандайин жойга?

Дарё тепасида йиғилиб у кун  
 Булут бўлгандингиз яхши ниятда.  
 Нечун қўл бердингиз шамолга, нечун,  
 Нечун қул бўлдингиз, булутлар, қайта?

Сиз билар эдингиз қайдадир кутар,  
 Сизсиз чил-чил синиб ётибди тоқат...  
 Ҳолбуки, шамол — йўқ, сиз — йўқ, булутлар,  
 Сиз телба шамолга, бир эрмак, фақат.

1965

### ЕГИШЕ ЧАРЕНЦ ХОТИРАСИГА

Мен  
 Оламдан  
 Ўтдим.

Мен оламдан ўтдим,  
 Эркалатманг ўтган одамни.  
 Елкаларда кўтарманг.

Атрофга  
 Ўғринча  
 Йўталманг.

Раҳмат, ўзим борардим-ку...  
Эҳтиёж борми энди тобутга?!  
Барибир... Ёндилинг.

Мен ахир, ўч эдим ўтга.

1973

### АЙТ-ЧИ, МЕНИ УНУТДИНГМИ?

Гулларим қонлар ютдими?  
Унутдингми, эҳ, бир йўла  
Ёруғ дунёдан ўтдими  
Муҳаббатим эккан гуллар?!

1965

### САНЪАТКОР

Ҳаммаси тугади, тугади ахир,  
Парда туширилди, томоша тамом.  
Бироқ саҳна узра ҳал бўлган тақдир  
Менинг юрагимда қилмоқда давом.

Қарсақ гуриллади, қандиллар титрар,  
Совуқ сув сепгандек титрар бир одам.  
Ўқ еган оҳудек муаллақ турар,  
Шундоқ кўзларида йўқолган олам.

Кимларга шарҳи ҳол айлар бечора,  
Пинҳон дардларини ким тинглайди, ким!  
Дўстим, мен яшадим букун, бир бора,  
Ахир неча марта яшамоқ мумкин!

Қайгадир шошяпсиз, кўриб турибман,  
Кетаркан, елкалар қилмоқда таъқиб...  
Гўё фалакларда учиб юрибман,  
Ерга тушмоқликка йўқ бугун ҳаққим.

Кимдир дарбозага отар ўзини,  
Наҳотки ҳеч нарса қолдирмади у.

Нечун яширмоқда, нечун кўзини,  
Алдовми, риёми, бахтми ё қайғу?!

Оҳ, синглим, турибсан не учун маъжус,  
Ким ҳасрат суратин чизди кўзингга.  
Ким парда ташлади беқўлу бесўз,  
Кимнинг қаҳр бозори етмади сенга.

Ҳеч нарса кўтармас кўнглимни маним,  
Сапчиб бўғизимга осилади жон.  
Додимга етмайди на дўст, на ғаним —  
Санъаткор бахтиёр бўлмас ҳеч қачон?..

Сиз софсиз, умрингиз нашъага тўла,  
Мен парда ортида қолурман йиғлаб.  
Ҳайҳот, унутарсиз мени бир йўла,  
Сиз бўлак тушларни кўрарсиз ухлаб.

Сиз эса не учун қотиб қолдингиз,  
Қандай хаёлларга бошингиз тўлди.  
Эҳтимол, виждонга бурав солдингиз,  
Марҳум виждон эди, у қайта ўлди?!

Биров дардларига излайди шерик,  
Қучиб Ер шарига ўхшаган бошин.  
Чорлайман, кел бери, мен ҳали тирик,  
Чорлайман, кел бери, менинг қуёшим.

Хайр, мени ташлаб кетгайсиз бир-бир,  
Парда туширилди, томоша тамом.  
Бироқ саҳна узра ҳал бўлган тақдир  
Менинг юрагимда қилмоқда давом.

1970

**СОҲИЛ БЎЙЛАБ БОРАДИ БИР ЧОЛ,**

Кўлда ҳасса, шошиб борар ул.  
 Ҳар кун такрор бўлар ушбу ҳол,  
 Гудранади, асабий нуқул.

Жонга теккан бу узун тоқат?

Етакларми хаёлот мажҳул?

Гудранади, асабий, фақат

Дарё сари судралади ул.

Қандайин сир бордир бу ёқда,

Азим дарё, сен ўзинг айтгил?

— Ҳув, ёшлиги қолган қирғоқда,

Ёшлигини излаб келар ул.

1964

**Қани най бер менга, дўстгинам.**

*Абдулла ОРИФ*

**РУБОБ БЕРГИЛ МЕНГА, ДЎСТГИНАМ,**

Бер, қалбингни торларга қадай,

Тўлиб-тўлиб куйлайин мен ҳам,

Бармоқларнинг қўшигин айтай.

Офтоб куйлар паришон кулиб,

Бир оз хафа кўринади у.

Ана, қўшиқ бошлади булут,

Тўкилмоқда тупроққа туйғу.

Оҳанг варақлайди дунёни,

Дунё — ўқилмаган бир китоб.

Зангори товушлар уммони —

Астагина бақирар рубоб...

Рубоб, рубоб, сен уни қувла,

Овозини ўчирсин алам.

Уйқудан уйғонсин уйқулар,

Бер, рубоб бер менга, дўстгинам.

1965

## ОНАМГА ХАТ

Эшитдим, онажон, хафа эмишсан,  
Кечир, ойлаб сенга ёзолмадим хат.  
Гарчи муҳаббатдан тилардим эҳсон,  
Ёруғ кунларимга бўлгандим илҳақ.

Юзимга нафасинг урилар илиқ,  
Ажиб ёруғликка тўлмоқда хона.  
Суратим қошида дуолар қилиб  
Тагин йиғладингми, муштипар она?

Кўксимда Туркистон, шу азиз Ватан,  
Бу қадар ташвишлар ютмагил, бағрим,  
Ўксик отам каби ҳали ҳам зотан,  
Қалқиниб-қалқиниб турибди шаҳрим.

Билурман... сирни бой беришлик ёмон,  
Ўғлингга бу йўлда бардошлар тила.  
Баъзан топганимни ичиб қўяман  
Сирни бой бермасдан улфатлар ила.

Бироқ, эҳ, билмайман, гўёки зимдан  
Кимдир таъқиб этар мени беомон,  
Қандайдир бир кимса менинг ҳақимда  
Хунук латифалар тўқийди, ёлғон...

Она, куйланмаган бир куй истайман  
Ва лекин алдоқчи ҳислар олур жон.  
Эҳтимол, қаламни бекор қистайман,  
Нетайин, ростини айтгил, онажон.

Яшил дарахтзорни ечинтирар куз,  
Пойимда баҳорнинг алвидо уни.  
Бепарво ёшликни илғамайди кўз,  
Қайлардан ахтарай, онажон, уни.

Билурман... йўлимда гичирлаб тошлар,  
Заъфарон куз янглиғ хаёлим тақир.  
Шаҳарнинг гавғоли тинчини ташлаб,  
Узоқ вақт ёнингга бормадим ахир.

Эшитдим, онажон, хафа эмишсан,  
Кечир, ойлаб сенга ёзолмадим хат.  
Гарчи муҳаббатдан тилардим эҳсон,  
Ёруғ кунларимга бўлгандим илҳақ.

Бахтсизликка ўхшаб кетар бу ҳолим,  
Сенсиз бахтсизликка ўхшайди қисмат.  
Сенсиз ёришмасди менинг хаёлим,  
Дунёнинг лақаби бўлурди ҳасрат.

1966

### ЮЛДУЗЛАРГА МЕН ҲАМ ҚАРАЙМАН,

Юлдузлар — самовий бир хаёл.  
Мен кўпроқ заминга ярайман,  
Менга керак ердаги ҳаёт.

Юлдузларга қарайман мен ҳам,  
Юлдузлар — чатнаган орзулар.  
Ҳув, мискин кезадир бир одам —  
Кўксида ёнмаган юлдузлар.

Юлдузларга қарайман мен ҳам.  
Баъзида келадир ҳавасим.  
Баъзида босадир оғир ғам.  
Баъзида етмайдир нафасим.

1965

### ЭГАЛАРИ ТАШЛАБ КЕТГАН УЙ

Ким бор? Бўм-бўш уй, чор атроф қоронғу.  
Ястанган самонинг ранги ўчибдир.  
Ким бор? Бўм-бўш уй, чор атроф қоронғу.  
Кўчмишлар. Юлдузлар қайга учибдир.

Қоронғу, чор атроф қоронғу. Йўқ, йўқ.  
 Чеки йўқ саҳродек яхлаган тақир.  
 Қоронғу, чор атроф қоронғу. Йўқ, йўқ.  
 Бечора бўм-бўш уй, эй сағир...

1965

### ВИКТОР ХАРА<sup>10</sup> НИНГ СЎНГГИ ҚЎШИФИ

Оҳ, сўнги қўшиқни куйламак бунчалар қийин.  
 Виктор Харанинг кўзлари ўнгида  
 Унинг суюк она Ватанин —  
 Етти торли муқаддас созини синдирдилар.

Оҳ, сўнги қўшиқни куйламак оғир, кўп оғир,  
 Қотилларнинг осий юзларида ажал ниқоби.  
 Беш минг бизлар,  
 Беш минг ҳозир — майдонда.  
 Бизлар беш минг? Бизлар беш минг, холос?!  
 Йўқ! Биз миллионлармиз ахир  
 Ёруғ жаҳонда.

Оҳ, сўнги қўшиқни куйламак оғир нақадар.  
 Виктор Харанинг кўзлари ўнгида  
 Унинг ўн фарзандини, ўн дилбандини,  
 Унинг сарбаст-сарбаст қўшиқларига  
 Доим жўровоз  
 Осмон каби озод болаларини —

Бир эмас,  
 Икки эмас,  
 Уч эмас...  
 Унинг ўн фарзандини —  
 Бармоқларини сўйди жаллодлар.  
 Ўзинг яратдингми шуларни, танграм!..

---

<sup>10</sup> Виктор Хара — хунта томонидан ваҳшийларча ўлдирилган Чилининг қўшиқчи шоири.

Букур  
 Ўн минг яратгувчи қўллардан айрилар дунё,  
 Оҳ, сўнгги қўшиқни куйламак нақалар оғир,  
 Шамолларнинг сочларига илашиб учди,  
 Учди шамолларнинг чангал сочларида  
 Унинг қонли қўшиғи,  
 Тутди фалакни.  
 Туқинди дунёга.

Оҳ, сўнгги қўшиқни...  
 Куйламак...  
 Зарур.

1973

### ВАҚТ

Вақт ўтмоқда, нонуштаси йўқ, тушлиғи йўқдир унинг.  
 У давомли ҳаракат уйқусида. Вақт ўтмоқда. Сочларини  
 юлар Вақт, совуққон ўрнимиз устида. Деразани очинг!  
 Шамоллар кирсин, хонангиз нафасга тўлсин, мусаффо  
 нафасга. Ўтган вақтлар, бекор вақтлар кўриниб  
 турсин кўкрак қафасдан. Ватанликда ва Қуёшликда  
 О, Она Туркистон Қурайлик! Қурайлик иморат оловли,  
 навқирон ёшлиқдан! Қани эй, югуринг, Югурайлик!  
 Эшиклардан бошларни ҳайданг! Тупроқ — Онамизни  
 кўзимизга олайлик. Томирларга Вақтни бойланг —  
 темирларга бойлайлик! Вақт ўтмоқда.

1963

### ОДДИЙ КАСРЛАР

Вақт — биз уни бўламиз дақиқа, соатларга, кунларга  
 ва ойларга. Йилларни варақдек йиртиб оламиз  
 Вақт китобидан. Вақт — Бош миямиздан тўкилган  
 асрлар. Шу вақт тепасида муаммодир —  
 Оддий касрлар, деб атаганимиз. Вьетнамда отилган  
 ўқ, Туркистонда юпун бир бола, Аламбамадан учган  
 чинқириқ. Ватанидан жудо бўлган халқ. Ёвузларни  
 асраган замон. Доим қонни эслатиб турар, нонни

кесиб ейдиган пичоқ ҳамда ов милтиқлари. Кўзларимиз неларни хотирга солмас. Хотирамизнинг кўзлари. Чапи гўё андек қисилган... Елкаларда қундоқ излари. Оддий касрлар, деймиз-да энди. Учар гилам афсонасидан космик ракеталар масофасида чарчаган оёқларимиз. Вақт бир девор бўлса, қалбимизни соат сингари бу деворга қўйганмиз осиб. Зотан, ҳар нарсанинг, ҳар кимнинг ўз меҳроби бор. Жароҳатлари бор — қаҳрамон ва жиноятчи асримизнинг. Керак, керак бир буюк жарроҳ — Вақт оддий касрларни токи олиб ташласин, токи эркин яшасин жаҳон. Бир бутун Туркистон яшасин — бош миямиздан тўкилган асрлар бунёд этган мазмун. Лекин ҳамон оғрийдим ипак билан тикилган ерлар. Оддий касрлар, деймиз-да...

1965

### НОЗИМНИНГ САДОСИ

Кетди Нозим. Келар Нозим овози. Киприкларим соқчилигида менинг кўзим, менинг қуёшим: Она Туркистоним. Ҳасрат янглиғ менинг дунём, фикрларим соқчилигида. Атрофимда айланар энг дардли, энг бахтли тириклик сайёраси. Мен унинг ўртасида жаҳон каби катта ва норасида. Кўз ёшларим қалбимни овулмади, кўзларим йиғласа, қалбим йиғлар чорасиз. Қалбим йиғлаганда кўзларим тўкади аччиқ ёш. Қуёш — бир бош! Кўзларимни қалбимдан айри тутмадим. Бир садо — Нозимнинг садоси сочилар миллионларнинг сон минг кўчаларига, дунёнинг энг ёруғ, Дунёнинг энг қора кечаларига. Нозим... Нозим... Кетди Нозим. Қолди Нозим садоси. Садонинг акс садоси, Акс садонинг акс садоси. Садога ўралашиб борар тобора дунё. Садо кенгликлари теран боқар менга Нозим Ҳикмат кўзлари-ла.

1963

## ИЗЛАР

Гўё қордаги излар  
Ўткинчи.  
Гўё қум устида  
Товон қўлкаси.

Биринчи из.  
Иккинчи из.  
Учинчи из.  
Ўнинчи.

Бу яхши ким!  
Бу ёмон қайси?!  
Излар  
Абадият ҳақида сўзлар.

Тошлардаги ёзувлар каби излар.  
Ёмонликни янчиб боради  
Қуёшнинг ва Ернинг  
Ўз болалари.

1964

## БАЙРОННИНГ СЎНГГИ САФАРИ

*Чўкиб бормоқдасан кўзим ўнгида,  
Алвидо, алвидо, эй она диёр.*  
**БАЙРОН**

Денгиз теранлиги — сенинг сувратинг,  
Кўринур тимсолинг, зимистон қайнар.  
Ошиб бормоқдадир мавжлар суръати,  
Сен каби ҳисларим қайнови ўйнар.  
Қайда жасоратим, қайда журъатим,  
Қайда у чексизлик, самовий куйлар?!  
Кўҳна қаср ичра яшар гулжамол,  
Тубанда ҳайқирар долға-ғалаён.  
Денгиз соҳилида туриб эҳтимол,

У сенинг умрингга келтиргай имон.  
 Фамгин кўзларида акс этгай магар,  
 Аччиқ муҳаббатинг, олис хотирот.  
 Қани, эй, долғалар, қани тўфонлар,  
 У каби ғазабга тўлингиз, ҳайҳот!

Қонталаш уфқда интиқом порлар,  
 Шоир – эрк ўғлони, номус сарвари.  
 Гўёки хўрланган ҳамширанг чорлар,  
 Юзландинг қасос, деб сен Юнон сари.  
 Севган Ватанингда барчаси қолар,  
 Алданган умиду ғийбатлар бари...  
 Денгиз ҳайқиради, гирдоб бекарам,  
 Шоир, кўзларингга денгизлар тўлар,  
 «...Тождор махлуқларга емнинг ўзи кам,  
 Тишламоқ ва қопмоқ истайди улар...»  
 Жанг майдони керак жангчига ахир,  
 Қутлуғ эркинликнинг жасур фарзанди,  
 Сўнгсиз алам билан телбариб ёндинг,  
 Она-Ватанингни тарк этдинг, шоир.

Тўлқин гоҳ тош қотар, сапчигай гоҳо,  
 Сен эса соҳилдан термуласан жим.  
 Сўнг тинар қаҳрли бу шовқин, аммо  
 Шундай аниқ тинар менинг-да сасим.  
 Бир дам ҳасратларда бўларман маълул,  
 Сўнг яна чорлагай бу ҳиддат, тугён.  
 Сени етаклагай денгиз сари ул,  
 Ва мени бегона санамлар томон.  
 Йўқ, бизни ажратмас чеки йўқ денгиз,  
 Ажратмас заминнинг водий, тоғлари.  
 Бироқ шоирлигинг – қисматинг тенгсиз,  
 Мени эркалатар юртим боғлари,  
 Бироқ мумкин эмас курашмоқ сенсиз,  
 Баъзан кўксим узра дайр тирноқлари.

Наҳот, ёвуз бўрон хасдек учиргай?  
 Қайнар томиримда оташин қонлар.  
 Қаҳрим қуюнларнинг изин ўчиргай,

Пойимда ётурлар қора бўронлар.  
Уфқ ўтда ёнар, денгиз ҳам нотинч.  
«Йўқ эса кўқларга сочиб ҳасратим  
Бош олиб кетмасдим Ватанимдан ҳеч,  
Сенга қул бўлардим, эй муҳаббатим...»  
Ўжар хаёлларга бир дам тўларман,  
Бир дам сўзларингни тинглайман сокин.  
«...Кураш нечун ахир?.. Мен ёш ўларман,  
Неча имкон бордир севдим-ку, токим  
Тупроқдан эдим мен, тупроқ бўларман,  
Дунёни тутажак менинг-да хоким...»

1976

### САНЪАТ ТУШУНЧАСИ

Икки аскар. Икки хил ҳарбий кийим. Икки ранг. Бирининг ўқ товушларидан қулоқлари кар. Ётар, хотинини кўрар тушида. Бошқаси жим. Қабр — уйи. Тирик мазмун. Оқ. Оқ. Гўзал тупроқ узра бир қора қалхат. Икки ранг. Портлаш. Мавҳум суврат. Аттанг!.. Изолда Креста бугун асира. Чин санъаткор Изолда. Софокл. «Электра». Томоша бузилди. Йигирманчи аср, Сана — 65. Ва унинг ҳафтафаҳм полиси: — Софокл ким, қўпоровчи эмасми ўзи? — Билмадим, чунки муаллиф олдинроқ туғилган Исодан... Уруш бўлмасин, дейди Креста. Шунинг учун у бугун асира. Икки ранг — бу санъат. Унинг ёши — бу кун. Унинг ёши — узун. Унинг ёши... Санъат, киприкларини темир дор қилиб Унга ўз ёшларини осар. Санъат инсоннинг шоҳтомирларини бўронли бир денгиз шаклида босар. Вужудимиз ҳужайралари уч миллиарддан ортиқ. Ҳар ҳужрада олти қитъа ва бутун Туркистон, яшамак санъати шу олтиликда. Шу манзилда икки ранг аниқ. Икки ранг: Оқ ва Қора, ҳақиқат ва ёлғон, Эй, жафокаш ҳақиқат. Бу санъат, санъат. Сан...

1965

## ОДДИЙ ГАП

Ҳаёт – жуда оддий, гўё бир бош узумни еб битирмак каби гап. Умрнинг шоҳтомирини шарт кесмак каби мураккаб. Биласанки, сўнгги соат бор, биласанки, сенда абадият каби яшамакка қаноат бор... Тириклик меваси – Мен ва Сен. Айтмакчиманки, онамнинг қошида бўлай доим. Айтмакчиманки, гуллар ўссин. Айтмакчиманки, Туркистоним бир бутун бўлсин. Дўстларимдан мактублар олайн. Жирканаман аслини йўқотган олтиндан, олмосдан, сотилган хотиндан, пулга чайиб олинган нафасдан.

Асли ҳаёт жуда оддий, гўё бир бош узумни еб битирмак каби гап. Аммо борлигим ва йўқлигим, ҳечлигим ва буюклигим ҳаёт мағзида мураккаб. Ҳаёт... абадият. Энг Катта Китоб – Ҳаёт. Бутун Инсоният ёзар китоб, Энг Оғир, Энг Оддий, Энг гўзал Китоб.

1965

## ШОДЛИК

Қора осмон, қайғули осмон, қовоғидан қор ёғади. Жим. Унингсиз ҳам шодлигим – ёлғон, унингсиз ҳам йўқдир шодлигим. Сенинг ҳусну тароватингга қараб ўлтирмасман, ҳеч. Сен мендан ранжима, гўзалим, бетимсол шодлигим. Ахир биласан-ку, Маъсум бу кеч. Мапғум бу кеч. Қассоб – бу кун. Қасос – бу кун! Эшит-маяпсанми йиғи товушин? Сўйилган озодлик хириллар.

Шодлик, қара, бир одам, қара, сени ғоят қадрлаши мумкин бўлган бир одам. Сенга қараб шошиб, энтикиб бораркан чалқанча тушди. У... кетди, у кетди. У кетди дунёда сенинг борлигингдан беҳабар... Бир йигит. Бутундир оёғи. Тўрвасида ишсизлик ёрлиғи. Қорнида ўтган кунги ёғсиз ёвғоннинг бахтиёрлиғи. У кетди. У Бир қиз. Кўзлари бир оз қисик, қора соч. Балки малладир.

Оёқларидан оқмоқдадир номуси. Сен ранг танламайсан шодлик. Сен билан қиёслаш мумкин бўлган нарса фақат шодликдир. Қўллари боғланган Шодлик, сени ўйлаб ғамга ботаман. Сени мен чорлайман, кел бери!

Уйғотаман, шодлигимни – Туркистонимни. Сенинг бетимсол ҳуснингни бир бутун ҳолда дунёга очмоқ истайман, О, шодлик.

1965

### ОДАМНИНГ БОЛАСИ

Ёдимдадир аччиқ дардларим каби,  
Фазоларда учар эди хаёлим.  
Қанот қоқмай ўқ-тайёра сингари,  
Бари ўз қўлларим мисоли таниш.

Қадим миноралар кўксида – ёдим,  
Илоҳий ёзувлар яралангандир.  
Бунда менга сўзлар фотиҳ Искандар,  
Тажанг бўлиб хотирамнинг сабрига.

Тажанг кезар қуббалар тепасида  
Темурнинг чўзилган арвоҳи – булут.  
Эски гап: «Мен одам боласи» ахир,  
Ёдимда, ёдимда мен бечоранинг.

Кейин менга ҳар хил лақаб бердилар,  
Аввал жиндек гуноҳим учун – асир.  
Асирлик ёқмасди, касга қул бўлдим,  
Оч қолишган куни сотдилар кейин.

Бош дегани нимадан ясалган экан,  
Сўнг сўйдилар, Туркистонни сўйдилар,  
Замон ичра бошланди саргардонлик,  
Мен кабилар кўп экан ер юзида.

Биз тўпландик... қолгани кундек маълум.  
Фазоларда хаёлим учар яна.  
Қанот қоқмай ўқ-тайёра сингари,  
Бари бармоқларим мисоли таниш.

Дағаллашдим – салга жаҳлим чиқади,  
 Инжалашдим – салга қувончим дунё.  
 Асабим бузилди – фикрсизликдан?!  
 Шарт отдим ўзимни – ориятим бор!

Юрагимнинг устки қатлами балки  
 Совуқ, ичи ёниб турар ловуллаб.  
 Бу дунёнинг устки қатлами совуқ,  
 Кўринг, ичи ёниб турар, эҳтимол.

Қўлларим сиртида гўштлар ва пайлар,  
 Қўлларим ичида қаҳрабо суяк.  
 Оҳ, қандай ёнардим крематорийда,  
 Қўлимни кранга ўхшаб кўтардим.

Жуда катта қишлоқ эрур ер юзи,  
 Бутун ер юзида дўстларим бордир.  
 Дўстлар, мен боримни аямадим ҳеч,  
 Керак бўлса, мана, тайёрман. Мени

Унутмангиз сира, ҳамқишлоқларим,  
 Бошимни олсинлар, майли олсинлар.  
 Дунё, мен кўтариб юрибман ҳамон,  
 Сенинг қайғу-ғаминг бўлган бошимни.

1968

### ҚАДАҲ

Севгисиз тириклик андуҳ, бефараҳ,  
 Мангу шарофатли маърака бу кун.  
 Қани, эй дўстларим, тўлдилинг қадаҳ,  
 Дунёда муҳаббат борлиги учун!

Гулга тўла дунё, шодумон дўст-ёр,  
 Гўёки даврада фақат гул, чечак.  
 Бу икки ошиқдир, икки бахтиёр,  
 Бир дардга айланган бу икки юрак.

Садоқат тахтида юзларинг гулгун,  
Оламни ёритгай севгинг шуъласи,  
Ўзгача кўринур ҳар нарса бу кун —  
Келур ҳар нарсанинг сенга ҳаваси.

Дунёни бир кезиб топдинг ягона,  
Мана, суюқлингга турибсан қараб,  
Қани, пиёлани тўлдириг яна,  
Нашъага тўлибди, қаранг, тўрт тараф.

Гўё бўстон ичра очилган чечак —  
Бу ҳарир оқ либос поклик тимсоли.  
Умр гўзал бўлур, бахтли келинчак  
Кафолат берадир кўзгу мисоли.

Бу кун тўй кечаси, севги айёми,  
Бу кун тўй кечаси, шодлик тошади.  
Бу икки бахтиёр — дунё саломи,  
Икки дил ҳаётга қадам ташлади.

Бу — барча кўргулик кўрган ҳаётдир,  
Ҳаёт барчасига қилгайдир тоқат.  
Умр деганлари заҳмат, саботдир,  
Умр деганлари ишонч, садоқат.

Кўкда ой, юлдузлар киргандай сўзга  
Азиз бошингизга сочар нурини.  
Мен юлдуз шуъласин тилайман Сизга,  
Мен сизга тилайман ойнинг умрини.

Сизни қутлар бугун дўсту қадрдон,  
Ёш баҳор умрингиз нурларга тўлсин.  
Бўлмасин жафолар, бўлмасин ҳижрон,  
Дўстларим, эзгу Бахт муборак бўлсин.

## ҲАМЛЕТ

*Сўлдирма! Дунёга шафқат қил, қизғон!..*  
**ШЕКСПИР**

1. Фақат виждон билан ўртанар Ҳамлет,  
 Дониё – зиндонга, қараб турар лол.  
 Биз ҳам шу саҳнага тикиламиз тек,  
 Бизни ҳам ўртайди қадимий савол.

Ҳамлет севгисига содиқ қоларди,  
 Садоқат нелигин биларди, бироқ  
 У ёлғиз вафони ёлғиз хоҳларди,  
 Э воҳ, жафо ундан минг карра кўпроқ.

Шоир, столмайсан унинг додига,  
 Ҳамлет юрагида алам ва қадар.  
 Етар... Офелия, қайт ҳаётинга.

Инонмоқ истарди сенга нақадар,  
 Инонмоқ истарди башар зотига,  
 Ундан кўрмасайди ёмонлик агар.

2. Бош эгиб тонглардан тонгларгача то,  
 Виждон шевасига ташбеҳ излаймиз.  
 Одамда виждон ҳам бўлмасми, ҳатто!  
 Сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлаймиз!

Сен эй, сен, хилқатнинг ёвуз бандаси,  
 Не бало солгайсан маъсум бошларга.  
 Бўгилиб ётгандир виждонинг саси,  
 Бошингни ёрсанг-чи уриб тошларга...

Замондошим менинг, жафокаш Ҳамлет,  
 О, дўстим, дунёда хунхорларни кўр,  
 Ожиздир бу қалам, ожиз тасаввур.

Қонлар оқмоқдалар, сўнмоқдадир нур.  
 Турибсан-ку давр билан бетма-бет.  
 Наҳот изтиробда доим тафаккур?!

3. Буюк жиноятчи, буюк қаҳрамон,  
Буюк асримизда кўрсанг-чи буни...  
Етим қилмас мени муқаддас имон,  
Собит орзуларим айтур ҳукмини.

Қара, қайлардадур ер ранги – шафақ,  
Қариган қайғулар судранар гижим.  
Ҳамлет кўзларини юммоқда... фақат  
Сесканиб, шакланиб тўлғонади жим.

Юмилган кўзларда бешумор очун,  
Кукарган лабларда айтмаган сўзи,  
Сен-да кетарсанми, о, Ҳамлет, нечун?

Кимларга ишониб кетарсан, дўстим,  
Наҳот, етар сенга ёвузлик кучи?!  
Йўқ, сени ўлдирди шоирнинг ўзи.

1965

### **ИШҚ-ВАФОДАН СЎЗЛАГАНЛАРИМ,**

Етур сенга оху фиғоним.  
Ёдга тушар бўзлаганларим,  
Мен оламдан ўтганда, жоним.

Қалтирарсан ажиб сезгидан,  
Ҳар бир сўзим – ошкор жаҳоним.  
Жудо бўлдинг буюк севгидан,  
Мен оламдан ўтганда, жоним.

Сен қошимдан кета олмассан,  
Кўзларингда турарман ёниб.  
Севгимни рад эта олмассан,  
Мен оламдан ўтганда, жоним.

1965

## МУҲАББАТ

1. Шундай изтиробда севган юрагим,  
Муҳаббат дастидан йўқ мажол имкон.  
Ҳорғин-адо кўзларимга қарагин,  
Билурман, шунчаки ўртанмас виждон.

Оғир, севганимдан рашким ҳам оғир,  
Ул ғойиб илмдан олгайман сабоқ.  
Ахир ноҳақ эди, Отелло, ахир,  
Севгилим, шафқатсиз муҳаббатга боқ!

Содиқ Дездемона, эй жигарпора,  
Нечун бўғизланди муқаддас туйғу,  
Нечун қатл этилди севги бечора?!

Қасдинг борми менда, эй сўнгсиз қайғу,  
Дунё — дунё эмас, дунё — бу яра?!  
Наҳот, бу жароҳат собитдир мангу.

2. Севгилим, севгилим, жавоб бер ахир,  
Совуқ жисмим ичра алаҳсирар жон.  
Ўйнаб қилич солар бошимга тақдир,  
Домига тортмоқда сўқир ломакон.

Ҳолбуки, айланар олам ақлимда,  
Унинг рангларига бўялмиш жигар.  
Беш қўлим сингари таниш иқлимда  
Ишончсиз яшамак оғир нақадар.

Не хаёл ташланур ўксик ёдимга,  
Ёдимнинг кўзини кесиб кирар тун.  
О, ким ҳам етарди менинг додимга!

На ер сарматлари, на сарват, на дин,  
Инонмоғим учун одам зотига,  
Мен сенга инонмоқ истайман олдин.

3. Йўқ, йўқ, керак эмас илоҳий ҳусн,  
Майли, пешонангда ёнмасин даҳо.  
Фақат инсон бўлгин садоқатда сен,  
Менинг вафодорим бўллогин танҳо.

Гоҳида ўшандоқ тентак хаёллар,  
Сендан воз кечмакка қистайди ҳаргиз.  
Қайлардан келарлар машъум саволлар,  
Қандайин яшарман, севгилим, сенсиз.

Сенсиз дунё менга нимадир, гулим,  
Ҳар не унут бўлар, ҳар неки эзгу.  
Қонимни музлатар тирилган ўлим.

На севинч, на кўз ёш, на ушбу сезги,  
Бу чексиз оламда ягона йўлим —  
Ёлғиз инонганим сенсан-ку, севгим.

4. Севгилим, мен сенга инондим нечун,  
Сени ўзгалардан ўзга, деб билдим,  
Қора гирдоб қаърига мен йиқилдим,  
Оқар дарё бўлиб йиғлайман бу кун.

Фалакнинг чароғи ёнди-да, сўнди,  
Кўзимнинг имони — дарёлар кечар.  
Қотди ақлим, қаттол қисмат қон ичар,  
Мақтул муҳаббатга макон йўқ энди.

Хайр, хайр, хайр энди. Бўғилар нафас.  
Табиат, мадал бер, етмас ўз кучим.  
Нечун алдадинг сен, тушуниб бўлмас?

Севгилим, ҳеч кимни севмасман нечун,  
Осмон йироқ, юлдузи йўқ, ой кулмас.  
Ҳамма нарса кулгилидир мен учун.

5. Мен кимни суйибман... Ёлбориб толдим —  
Ўзгарар табиат, дунё ўзгарар.  
Балки мен ўзга бахт йўлида қолдим,  
Лекин олиб кетди сени ўзгалар.

Ахир ўзга эди сенинг аҳдинг, эй,  
 «Ахир ўткинчидир ҳаттоки абад».  
 Нечун ўзга эди сенинг бахтинг эй?  
 «Лекин ўзга эрур буюк муҳаббат!»

Яшин уриб кетган дарахтдек тўниб,  
 Поёнсиз бўшлиққа қарайман дилсўз.  
 Сарсон ахтараман юрагим тўлиб.

Қайда у садоқат, поклик деган сўз?!  
 Ҳайҳот! Хиёнатнинг еtimi бўлиб  
 Фақат йиғлаб қолди икки қора кўз.

6. Афсус-надоматнинг бордир-ку чеки,  
 Сенинг гуноҳингни ювсин кўз ёшим,  
 Айни жасоратдир ҳар қандай севги,  
 Сенга оқ йўл тилар менинг бардошим.

Бу шундай ҳаётдир, бу шундай дунё,  
 Эга чиқавермас ҳар ким аҳдига.  
 Онасан, омон бўл, соғ бўл доимо,  
 Маъсум болаларнинг маъюс бахтига.

Лов-лов ёнаётир қуёш-ул нажот,  
 Осмон чорлаётир, чорлар юксак тоғ.  
 Шундай юрагимда товушсиз фарёд.

Мен сенга инонмоқ истайман, эвоҳ,  
 Барча кўргуликка кўниккан ҳаёт.  
 Буюк муҳаббат деб аталган Аллоҳ.

1977

**ШЕЪР ЙЎЛИ МУШКУЛ НАҚАДАР,**  
 Қалтис дордан боради шоир.  
 Агар қалқиб кетмаса лангар,  
 Куйлаб берар қалбига доир.

Гүё фалак бошидан йироқ,  
Гүё учган тубанда овоз.  
Дор — арқонга чиқмасли бироқ  
Йиқилишин ўйласа дорбоз.

1968

**МАНА, ЧАҚМОҚ ЧАҚДИ НОГАҲОН,**  
Зимистон тун чоки сўкилар.  
Шундай яқин кўринар осмон,  
Яшинлар ёғдуси тўкилар.

Ўт ичида поёнсиз жаҳон,  
Не изларман оташлар ора?!  
Чақмоқ чақиб юпатар осмон:  
— Бунда сену ва мен бечора.

1964

**КЎЗИМГА ТЎҚИНАР МАЛОЛАТ, ТУМОН,**  
Чексизлик қўйнида яланғоч сукут.  
Руҳимда муаллақ, жимлик безабон —  
Неки ўтган бўлса, барчасин унут.

Зарба гали сенда, майли, кўрай мен.  
Овоз бер, қайдасан, ўлмас тоқатим,  
Ё сукунат кафанига ўрай мен.  
О, саодат, йўқ, менинг саодатим.

Фақат бордир бунда соқов сукунат,  
Саодатин излаб чиққан бир шоир —  
Мен қачон бағрингга етгайман, фақат,

Ёрил тош, эй, ёрил тош, ёрил, ахир,  
Ўлимнинг қошида ёрил, айт, бақир,  
Чақмоқларга айлан энди сукунат!

1976

## ВАН ГОГ

И.Х.

Буюк севги рангин излаб юарди,  
 Ёзар мовийликка рангин қасида.  
 Бироқ ҳайрат ичра қалқир юраги,  
 Эзгулик, ёвузлик чегарасида.

Ҳеч нарсасиз, лекин меҳри зиёда,  
 Излар тирикликнинг сирли бўёгин.  
 Бунча ғариб... разиллар кўп дунёда?!  
 Кесиб берсамикан қолган қулоғин.

Қариндош-уруғу дўсту ёр, хотин,  
 Уни англамади кибор оломон,  
 Юраги билгисиз зардобга тўлди.

Шаънига хиёнат қилишдан олдин  
 Билмоқчи бўлди у, бу қандай замон?  
 Юрагин рангини кўрмоқчи бўлди.

1977

## ЁМҒИР ЁҒИБ ЧИҚДИ ТУН БЎЙИ,

Тонг оқарди, тинмади ёмғир.  
 Бузилгандек осмоннинг уйи –  
 Ерга қараб йиғлайди оғир.

Мен хонамга киргайман алҳол,  
 Юрагимда кўҳна андуҳлар.  
 Деразамга урилар шамол,  
 Қайдасан сен? Қайда ул руҳлар?..

1969

# КҮЗЛАР


1978

---

*Онам Сакина Исабекка бағишлайман.*

Фақат кўзлар ҳали ҳайқира олур.

**Рене ШАР**



**СЕНИ ЎЙЛАБ ЖОН-ҲОЛИМ ОҒРИР,**

Сени ўйлаб қондир ўйларим.  
Манзилим ҳам йироқ ва оғир,  
Тиф устидан борар йўлларим.

Телба – оташ деб мени пинҳон,  
Ўйлама сен, менинг юлдузим.  
Сени ўйлай олдим-ку, инон,  
Ўзимни ҳам ўйларман ўзим.

1966

**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ**

Учқур отим оғир-оғир ҳансира,  
Ола кўзларига олам қоронғу.  
Мендан тилсизгина бир нарса сўрар,  
Ёлбориб фикримга термулади у.

Ажал, бошимизда кезма сарсари,  
Йўлимизни кесма, эй ёвуз шамол!  
Узоқ-узоқлардан келамиз ҳориб,  
Манзил ҳам ярқираб кўринди алҳол.

У манзил бағрида сўнги йўқ сирлар,  
Ташна дунё ётар ҳали ўксиниб,  
Ўқчир отим ва тишлари гижирлар,

Оҳиста тупроққа босар кўксини,  
Унинг изтироби мени гижимлар,  
Унинг кўзларига кўмдим ўзимни.

1965

**ЁРУҒЛИКНИ ЎҒИРЛАБ СЕКИН,**

Теваракни қуршади туман.  
Эрмак қилиб тун чўкди, лекин  
Эшик очиб чиқмадинг-ку сан?

Дейдиларки, кўзинг афсуни  
Бало эмиш, сеҳр этармиш,  
Кимки кўрса бир қарра сени,  
Оёқ етганича кетармиш.

Совуқни кўр, юзни чимчилар,  
Масхараман унга бу замон.  
Ўйларимга келиб санчилар,  
Ой эмас ул, у — қотил камон.

Бунда ҳар не эрмаклар мени,  
Қоронғидир ахир жаҳоним.  
Ҳеч бўлмаса очгил дарчани,  
Дарпардани оча қол, жоним.

1967

### ЁШЛИК ЗАНГОР ФАСЛ. КЕЧДИ. САРҒАРДИ.

Тўкилди у. Шафқат билмас баргрезон.  
Қора совуқларга отиб юборди,  
Шамоллар пойида синмоқда хазон.  
Ёшлик зангор фасл. Кечди. Сарғарди.

Ҳарна ўтди, мендан ўтди, омон бўл,  
Қанча фарёд қилмай қайтариб бўлмас.  
Ҳар қалай, олдинда бордир сўнгги йўл,  
Токи етгунингча хотирот ўлмас.  
Ҳарна ўтди, мендан ўтди, омон бўл.

Видо табассумли олам, ёшлигим,  
Кўзларимда қотган жолам, ёшлигим,  
Кўкларга етмаган нолам, ёшлигим,  
Сувга чўкиб кетган болам, ёшлигим,  
Видо табассумли олам, ёшлигим.

1977

**БИР ЛАҲЗА ДОСТОНИ**

Мен ўзимни йўқотдим тамом,  
Мен ўзимни йўқотдим шу зум.  
Қаёнларда, айтинг, бу замон,  
Қаёнларда қолибдир — ўзим?

Бир кимсанинг қошида балки,  
Титраб турар шаъм каби ғариб.  
Кўчаларда тентирар ёки  
Додлаб юрар мени ахтариб.

Шундай сарсон, шундай саргардон,  
Юрагида лаҳзалик қайғу.  
Қай одамнинг кўзига нолон,  
Нажот тилаб термуларкин у.

Бир лаҳзалик эрур бу ситам,  
Лаҳзагина йиғлайди кўзим —  
Япроқ каби оёқ остида  
Хазон бўлган, эй, менинг ўзим.

Лаҳзагина юбормас қўйиб,  
Кимдир занжир билан боғлабди.  
Кимдир: «Сенга ўзлик нима?», деб  
Ўлдирмоққа мени чоғлабди...

Мен ўзимни йўқотдим тамом,  
Мен ўзимни йўқотдим бир зум.  
Қаёнларда, айтинг, бу замон,  
Қаёнларда қолдим мен ўзим?

**БУЛ ХАФА КУНЛАР КЕЧАР,**

Кувгай уни офтоб.

Бул кеча пардек учар,

Қўйнида мажхул сароб.

Бул хафа кеча кечар,

Кечар, кўнгилдан алам.

Ул ўзи заҳар ичар —

Аламсиз қолгай олам.

Бул хафа кеча кечар,

Кечар гафлат уйқудан.

Уйқу билмаган кеча,

Порлар яна туйғудан.

Бул човук кеча кечар.

1961

**АЛДОВ**

Алда мени, севгилим, алдаб яшаш осон,

Марди майдон, деб айт, саховатли, деб айтгин.

Хаттоки зўр шоир, деб ҳам айтавер, майли,

О, йўқдан бор қилурсан, деб айтгин, ишонтир,

Майлига, дунёда тенгинг йўқ деб айта қол!

Алда мени, севгилим, алдаб яшаш осон,

Дунёда энг гўзал сенсан, дейман-ку мен ҳам,

Дунёда энг шафқатли сенсан дейман, сен, сен,

Дейман-ку дунёда сенсан энг вафоли ёр,

Дейман-ку, йўқ нарсаларни талаб қилмассан.

Алда мени, алдайвер. Алдаб яшаш осон?!

1977

**ЁШЛИК**

Юрагингда, сенинг қўлингда  
Тоза чечак каби ўйнадим.  
Ёшлигим, мен сенинг йўлингда,  
Севинтирдим. Сени қийнадим.

Наҳот хафа кунларинг ўтган,  
Ўзинг бердингми бебошликни?  
Лекин мени отмадинг ўтга,  
Нақадар яхшисан, ёшлигим!

Бир дард бўлиб, бир севинч бўлиб,  
Ва бир донишманд бўлиб гоҳ,  
Кўзларингга қараб юргин, деб  
Этганинг бор, ёшлигим, огоҳ.  
Фақат сен учгил нафасимдан,  
Сендан баҳра топсин бу олам.  
Айтилмаган сўзларим сендан,  
Қилинмаган заҳматларим ҳам.

Мен билан бўл доимо бирга,  
Айри тутма мени, ёшлигим.  
Тоза сақлай бутун умрга,  
Бутун умрим, қора қошлигим.

Юрагингда, сенинг қўлингда  
Тоза чечак каби ўйнадим.  
Ёшлигим, мен сенинг йўлингда,  
Севинтирдим, сени қийнадим.

1963

*Толиб ЙЎЛДОШГА*

**ҲАЁТ ЖОМИ ИЧРА ОҚАМИЗ,**  
Гоҳи хурсанд, гоҳида вайрон.  
Теваракка ҳайрон боқамиз,  
Теваракни қолдириб ҳайрон.

1970

**МАЪНО ҶҶИ КЎЗИМДАН,**

Мен ёниб муҳаббатда,  
Гар адашсам сўзимдан,  
Қошингда хижолатда,  
Маъно ҶҶи кўзимдан.

Сен жабрга устасан,  
Аммо мен ортиқ моҳир,  
Севаман ва истасам,  
Тарк этмакка ҳам қодир.  
Мен – муҳаббат, мен – ситам.

Чангал ясаб бошимда,  
Сени олиб қолғайман.  
Ғамгин бир қарошимда  
Ўз наҳримга солғайман,  
Чўкарсан кўз ёшимда.

1962

**МАНА ШУНДОҚ КЕЧАР КУНЛАРИМ:**

Фалакларга учгайман ўктам,  
Лол қолдирар ул афсунларим,  
Таажжубга солар мени ғам.

Ҳамма нарса хурсанд ва кулар,  
Бир шодмонлик келадир ичдан.  
Ҳамма нарса севиниб куйлар,  
Яралгандек олам севинчдан.

Излаганим ёлғиз муҳаббат,  
Саболарга шеърлар куйлайман,  
Тоқатимга тилайман тоқат,  
Оҳ Ватаним, сени ўйлайман...

Кунлар бўлар ўзгарур дунё,  
Мантиқсиздай манзил сари йўл.  
Ер – туйғусиз осмондир гўё,  
Осмон – қаҳри музлаб қолган қўл.

Кўчаларда юргайман сарсон,  
 Адашган ит сингари увол.  
 Гўё кимса ҳол сўрмас мендан,  
 Жўраларим сўрамаслар ҳол.

Кўзларимга кундуз қоронғу,  
 Воз кечаман баъзи дўстлардан.  
 Сўзлар – турган-битгани оғу.  
 Беркинаман ҳар хил сўзлардан...

О, кунларим кўпдир олдинда,  
 Етиб келар энг сўнгги нафас.  
 У пайт биров она тилимда  
 Бошим узра сўзлаб турса, бас!

У пайт ҳайф кетмас кунларим,  
 Фалакларга учгайман ўктам,  
 Лол қолдирар ул афсунларим,  
 Таажжубга солар эски ғам.

1965

### **ЁДИНГДАМИ, СЕВГИЛИМ, БИР КУН**

Чиқиб келдим йўлингга.  
 Бинафшалар тердим сен учун  
 Ва узатдим қўлингга.

Яна ўшал йўлдан борурман,  
 Нигорондир бу кўзим.  
 Хаёлимни қонга қорурман,  
 Сен йўқсан-ку... Бир ўзим...

Хув, ёшлигим қолган жойларда  
 Изгайман мен ёниб.  
 Айт, излайин сени қайлардан,  
 Қайдан топайин, жоним?

1967

**БИР ЁНИ БАЛАНД ТОҒ, МУДРАЙДИ БЕСАС,**

Бир ёни сўнгсиз қир – ухлайди уйқу.  
Ўртада бир қабр – кўзга ташланмас,  
Хайқириб уйғотар дунёларни у.

1966

**ИЗЛАЙСАНМИ СЕН-ДА БИР ПАНОҲ,**

Ҳеч тинарми бу куй, бу оғриқ.  
Эҳтимолки бекордир, эвоҳ,  
Ўртанишинг бу қадар, бағрим?!

Керак эмас балки ёнишинг,  
Қайгуларинг керак эмасдир?  
Ҳаётингнинг бутун ёзмиши  
Бир нафасдир, эҳ, бир нафасдир.

Ўйчан кеча, тун ичра танҳо,  
Рауф Парфи, қолдик икковлон.  
Биз меҳрга тўймадик асло,  
Бир ёруғлик излаймиз ҳамон.

Шунча абгор қилгани етар,  
Биз ёнардик, ёнардик яна.  
Ёруғлик, деб бошига етар  
Ёруғликни севган парвона.

Раҳм-шафқат бўлмас шоирга,  
Туркий дунё босар юзидан,  
Парвонадек учсин қаерга,  
Қаерларга қочсин ўзидан.

Ҳар нарсадан айри, бенасиб,  
Шўрлик қисмат юклари оғир.  
Келар осмон дардлари босиб,  
Бу чексизлик эмас, бу оғриқ.

Афсуски йиқилди парвона,  
Қанотидан айрилди ўшал...

Йўқ, ҳажрида куйгай у, яна  
Қанот бўлгай қайси бир гўзал.

Бир зум каби ёшлик ҳам ўтди,  
Бир зум севги вафо қилмади.  
Кутганимиз кўпдир ҳаётдан,  
Келмади. Келмади. Келмади.

Садоқатда дўстлик аҳдига,  
Бахтларнинг йўлида толмадик.  
Ва лекин биз севги бахтига,  
Рауф, Рауф, йўқ, етолмадик.

Ўйчан кеча, тун ичра танҳо,  
Армон билан қолдик икковлон.  
Биз меҳрга тўймадик асло,  
Яна, яна истаймиз ҳамон.

1965

### **ОЙЛАР ЎТДИ ВА ЙИЛЛАР ЎТДИ,**

Лекин сендан бўлмади хабар.  
Ёлғиз сени мен ёлғиз кутдим,  
Кута бериб хун бўлди жигар.

Мана охир сен-да намоён,  
Муҳаббатим, кўзим, исматим.  
Ўнгми, тушми ё ширин армон?  
Бирдан ярақлади қисматим.

Сен ўша-ку, хаёлда кўрган,  
Ўша нигоҳ, ошно табассум.  
Ўша оҳу кўзлар тиг урган,  
Ва юракка бошлаган ҳужум.

Сенга жуда ғалат туюлар  
Балки севгинг билан ёнганим.  
Менга оғу каби қуюлар  
Шундай буюк ишқдан тонганинг.

Ойлар ўтди ва йиллар ўтди,  
Юрак эса ишонч ва ғашда.  
Қанчадирки, ўтган вақт, кутдим,  
Сени кутдим куйиб оташда.

1962

## КЎЗЛАРИМНИНГ ОСМОНЛАРИДА

Фақат ўзинг, фақат сен ўзинг.  
Ойдан, юлдузлардан нарида,  
Кўзим ичра сенинг юлдузинг.

Тушларимда учиб юрардим,  
Мен-ла бирга озод қушларим.  
Сен тушми, деб сендан сўрардим,  
Алдамчидир барча тушларим.

Мени кутмас энди ул боғлар,  
Мени кутмас қалам қошлигим.  
Тушда қолди ул масрур чоғлар,  
Эҳ, хувиллаб қолган ёшлигим.

Шафқат недир – қовжироқ тақир,  
Мен йўлсизман – бесару сомон.  
Ботмоқдадир қуёш ҳам ахир,  
Ҳансирар-да, бўғриқар осмон.

Бу ерларга беҳуда келдим,  
Сувга чўккан чўғдек сўзларим.  
Гўзалликнинг мен қули эдим,  
Сен Аллоҳсан, менинг гўзалим.

Қайдасан сен, бу кун беҳуда  
Ҳасрат билан кўйингда ёндим.  
Ёлғиз сенинг меҳрингдан жудо,  
Қон ютилган саҳрода қолдим.

Даъват этмас, шундоқ алвидо,  
Талқон бўлур тамаллар тоши –

Сўнаётган офтоб нурида –  
Менинг кирсиз ўн тўққиз ёшим.

Томоғимда қотган сўзларим,  
Сочилинг, самога сочилинг.  
Мана, тонг. Тонгларнинг гўзали,  
Тонг оқарди. Тонг – сочим менинг.

Хайр сенга, отилган оҳу,  
Дунёларга видо айтурман.  
Элитмоқда чўнг қудрат – уйқу,  
Тушларимга яна қайтурман.

1970

### **НИГОҲИНГ КҮРИНУР, КЎЗЛАРИНГ...**

Эримасин ерда ётган қор.  
Қор устида сенинг изларинг,  
Қор остида мудраган баҳор.

Чаман-чаман очилган гуллар,  
Баҳор қўшиқ айтармиш қорга.  
Қўшиқ айтиб дарё шовуллар,  
Таъзим ила гўзал баҳорга.

Порлаб турар баҳор – кўзларинг,  
Баҳор юзларингда барқарор.  
Ўчмасин ҳеч сенинг изларинг,  
Йўқса нечун менга бу баҳор?!

1964

### **ЮЛДУЗЛАР БУНЧА ҲАМ БЕҲИСОБ,**

Юр, юлдузим, юлдуз санаймиз.  
Юр, шу сўлғин ўтларга қараб  
Жўнаймиз, истасанг жўнаймиз.

Чорлаб турар мовий бир диёр,  
Даъват этар қаҳқашон йўли.

У даргоҳда ранг бор, олов бор,  
Танҳогина сен йўқсан, гулим.

Унда қурган базм коинот,  
Чирой унда тантана қилур.  
У ерда сен кўрмаган ҳаёт,  
Ғоят ажиб бўлиб кўринур.

Оловларнинг беланчагида  
Ҳув, даҳлсиз кўкка учайлик.  
Ўйламайлик ташвиш ҳақида,  
Ерлик ташвишлардан кечайлик.

Бир тирик жон топилмас унда,  
Жабрдийда эллар бўлмайди.  
Йўқ, дафъатан бир қора кунда  
Юрак-бағринг қонга тўлмайди.

Юлдузлар бунча ҳам беҳисоб,  
Юр, юлдузим, юлдуз санаймиз.  
Юр, шу сўлгин ўтларга қараб  
Жўнаймиз, истасанг жўнаймиз.

1964

### **МУНЧА ҒАМГИН БЎЛМАСА ЎЙЛАР,**

Ҳижрон мунча бўлмаса узоқ.  
Мени ўйла, соғиниб ўйла,  
Ёлғиз мени ўйла интизор,  
Мунча ғамгин бўлмаса ўйлар.

Ҳижрон мунча бўлмаса узоқ,  
Ҳолбуки, бир қадам ўртада.  
Орамизни ким бузди ўзи,  
Инонким, беҳуда ўртади,  
Ҳижрон мунча бўлмаса узоқ.

Мени ўйла, соғиниб ўйла,  
Айтсалар-да севги узилган.

Ишончсизлик ҳукми туфайли,  
Хафа бўлма мендан, ўзингдан,  
Мени ўйла, соғиниб ўйла.

Ёлғиз мени ўйла интизор,  
Ўйларингда мен яшай якка,  
Чунки севги аталган азоб  
Қодир эмас ҳеч яшамакка —  
Ёлғиз мени ўйла интизор.

Мунча ғамгин бўлмаса ўйлар,  
Қасди борми менда, билмадим,  
Ҳар бир олган нафас ҳам йиғлар,  
Сен оғир нафассан, дилбарим,  
Мунча ғамгин бўлмаса ўйлар.

1963

### **БИР КУН ЙЎЛГА ОТЛАНСАМ ТАНҲО,**

Бу ерларда не кечар ҳолинг.  
Кўча пойлаб ҳар субҳи сабо,  
Алланарса туяр хаёлинг.

Менинг ҳолим учун сен йиғлаб,  
Жудоликка бўлурсан иқрор.  
Балки мени келар, деб ўйлаб,  
Дарбозага боқурсан бекор.

На чора бор, айрилиқ оғир,  
Кетар бўлсам, бошласа йўлим,  
Унда жоним... бир куни ахир,  
Мени сенга топширар ўлим...

1967



Шоирнинг отаси Парфи  
Муҳаммад Амин (1893-1955)

Мен сувман, хали ҳеч ким ичмаган,  
Кутган китобман мен,  
Хали ҳеч ким ўқимаган.



“Кўзларимга тўлиб қолган нимадир...  
Мунча ғамгин бўлмаса ўйлар”.



“Кетди Нозим. Келар Нозим овози...  
Садо кенгликлари теран боқар менга  
Нозим ҳикмат сўзлари ила”.



Рауф Парфи устоз шоирлар  
Шукрулло ва Туроб Тўла билан.



*“Буюк ваътиқоддир бу даҳр аро йул”*  
Абдулла Ориф билан Рауф Парфи.



*“Овозингни ўпарман гуллар...”*  
Рауф Парфи мухлислари даврасида.



*“Юрагин рангини кўрмоқчи бўлди”.*  
Рассом Исфандиёр Хайдар ўзи чизган Р. Парфи  
портрети билан.



*Уйқудан уйғонган китоблар-ку бу...*  
Рauf Парфи кутубхонасида.



*Ўтмишларнинг ёди қолсин.  
Фурсат ҳам, умр ҳам, суҳбат — ганимат.  
Рауф Парфи ва адабиётшунос Нўъмон Рахимжонов.*



*Нигоҳлар сўзлайди. Олис сафарларга шайланган кўзлар.*  
Рауф Парфи ижодкорлар (чапдан) Дадахон Нурий, Усмон Азим, Саломат  
Вафо, Гавхар Норматова билан.



*Парчалаймиз қўлдаги “кишанларни”.*  
Рауф Парфи ва ҳамхона курсдоши Ҳайдар Усмон.



Рауф Парфи ётоқхона курилишида. Талабадошлар (чапдан, 1-каторда) - Гавхар Файзиева, Раъно Абдуллаева, (2-каторда) Маҳкам Хажаяв, Ҳайдар Бозоров, Дилором Давлатова, Ҳайдар Усмонов.



Рауф Парфининг қизи Севинч (чапдан биринчи),  
Муножот жиянлари (ўнгдан биринчи) билан.

*Аммо кун ботмоқда, кун ботмоқда ахир.*  
Асқад МУХТОР

**БУ КУН КЕЧДИ. ҚУЮЛДИ ОҚШОМ,**  
Мен ҳақимни олурман тундан.  
Тун – ажойиб фикрга ўхшар,  
Хотиралар қолмишдир кундан.

Кун айланди, менинг бошимда,  
Одамларнинг фикри айланди,  
Кўрганларим ич-у тошимда,  
Ҳукм-фармонимга бойланди.

Ҳеч ким мени хафа қилмади,  
Ҳеч ким хурсанд қилмади мени.  
Юрагимни кимдир билмади,  
Кимдир кўтармади кўнглимни.

Бу кун кечди. Бир ҳасрат қолди.  
Бир қувончим қолди орқада.  
Кўз ўнгимдан бу кун йўқолди,  
Қуёш кетди уни орқалаб.

Бу кун кечди тилини тишлаб,  
На хурсандман, на хафа ундан.  
Бу кун кечди. Қуюлди оқшом,  
Мен ҳақимни олурман тундан.

1964

**БИНАФША, ИСМИНГИЗ УМИДЛИ,**  
Нафосат тўла – Бинафша.  
Яна бир йил, оҳ, бир йил ўтди,  
Эй умр, сен бунчалар шошма.

Юракларнинг шавқи, кулгуси  
Акс этади арғувон майда.

Бинафша, меҳрибоним, дўстим,  
Букун хафа бўлмангиз мандан.

Хафа бўлманг юракдан кулсам,  
Хафа бўлманг йиғласам тошиб.  
Пойингизга келиб йиқилсам,  
Хафа бўлманг мандан, қуёшим.

Чунки шодликларим, Сиз – танҳо,  
Аламларим, сизсиз менинг.  
Сиз тилсимот каби бир дунё,  
Сиз дунёси – Сизни кўрганнинг.

Бинафша, исмингиз умидли,  
Ноумиддир юрагим ҳамон.  
Кўкда булут, кўксим булутли,  
Туманларга беланган ҳаво...

1964

### **БУКУН МЕНИНГ ЮРАГИМ БЎМ-БЎШ,**

На видоси, на-да тилаги.  
Ҳеч бир нарса жалб этмас уни,  
Бу кун бўм-бўш менинг юрагим.

Ҳолбуки, мен оҳанг истардим,  
Муסיқа эди-ку ҳар япроқ.  
Шеър ҳажрида ёнардим кеча,  
Бу кун бирор қофия ҳам йўқ.

Шундайин, сўррайган, бемаъно,  
Юлдузларнинг нури санчилар.  
Қандай эди, эсламоқ маҳол  
Афсоналар айтган кечалар.

Бу кун менинг юрагим бўм-бўш.

1964

**НИКОЛАЙ РУБЦОВ ХОТИРАСИГА**

Қор остида кўклам, тун қўйнида тонг,  
Ўлим ҳақидаги ўйлардир — ҳаёт.  
Кўзларимни юрсам,  
Кўрингай бир нуқта,  
Қизариб борар тобора.

Сокин, огир шеърлар ёзмак бўламан шаънингга,  
Ютиб юбораман кўзларимни чайнаб.  
Туфлаб ташламак бўламан қофиясини,  
Оғриқни енгиб,  
Сокин, огир шеърлар ёзмак бўламан.

Ҳеч бир кимса айта билмас сен айтмай кетган қўшиқни,  
Тушунса-чи буни, қотиллар, тушунса-чи ахир.  
Поёни йўқ Рус кўксида бўзлаб порлар,  
Русия, ўзингни асра, асрагил —  
Сенинг бир мисра шеъринг энди абадий.

1977

**СИРА КЎНИКА ОЛМАЙДИ ОНАМ ШАҲАРГА**

Келганда ҳам бирор нарсага урилиб кетмай, деган-  
дек бир жойда жим ўтираверади. Кўчаларни, дўконлар-  
ни, бозорларни айланиб келинг, десам, қўй, ўғлим,  
тил билмасам, дейди. Қишлоққа онамни кўргани борган-  
нимда хурсанд бўлади-ю тез-тез «Сен тенгилар... сен  
тенгилар» — дея афсус ила бош чайқайверади. Бечора  
онамнинг доимо мента қаттиқ раҳми келиб қараб тури-  
ши вужудимни аччиқ жизиллатади.

1978

## ФАФУР ҒУЛОМ ВА ТУРСУНАЛИНИНГ ВАРРАГИ

Ҳар куни болакай варрак учирар.  
Варракнинг ипига қулоғин тутиб,  
Тинглайдир бўшлиқни нафасин ютиб,  
Ҳар куни болакай варрак учирар.

Лекин унинг тушларига бир маҳал  
Ғафур Ғулом кирган эмиш, ажабо:  
– Варрак ўйнаб юрибсанми ҳали ҳам?  
У – сенинг юрагинг, дер эмиш бобо.

Ҳавони тўлдириб учадир варрак,  
Гоҳ куйиб учадир уфқдан нари,  
Гоҳ қоплаб оладир зулумот қаъри,  
Ҳавони тўлдириб учадир варрак.

Яна унинг тушларига бир куни,  
Ғафур Ғулом кирган эмиш, ажабо,  
Ушлаганмиш варрагининг ипини,  
Унга ўйчан сўзлаб турармиш бобо:

Вақтидир, қуй, учсин юрагинг, ўғлим,  
Куйиб юбор, сўнг армонга ботмасин.  
Учсин! Майли, тўссин шамоллар йўлин,  
Сенинг кўкрагингда фақат ётмасин.

Ҳавони тўлдириб учадир варрак...  
Гоҳ куйиб учадир уфқдан нари,  
Гоҳ қоплаб оладир зулумот қаъри,  
Варрак қанотида яланғоч юрак.

**ИҚТИСОД**

Иқтисод бу! Ҳар ким ҳам билур, албат,  
Ахир тежам бўлса, тинч бўлур бу жон.  
Фақат тежалмаса эди муҳаббат,  
Ҳақиқат тежалмаса эди ҳеч қачон.

1977

**У ДЕНГИЗНИ СЕВАДИ. ДЕНГИЗ  
УНИ СЕВМАЙДИ.**

У тушида ҳам ўнгида ҳам денгизни кўради. Тўлқин-  
лари, гирдоблари, тўфонлари билан сўнгсиз ва зангори  
денгиз томон талпинади унинг юраги. У денгизни сева-  
ди. Денгиз уни севмайди. Денгиз: “У мени эмас, у менда  
қирғоқ сари интилишни севади”, — деб ўйлайди. Ден-  
гиз уни севмайди.

1979

**ТАНБЕҲ**

(Ҳазил)

Барча танбеҳ бермакка шайдир,  
Гоҳ мулойим, гоҳида тошиб:  
— Қадамларинг бежо ўхшайди,  
Йўлларингдан кетма адашиб.

Танбеҳ бериш яхши, албатта,  
Кўзни юмиб, пешона қашиб.  
Гап топилар агар ҳаётда  
Олган бўлсанг бир оз адашиб.

1977

## ВЕРЛЕН

У ҳайбатли кўзга айланди,  
Ундан оқиб чиқади ўзи.  
Қувиб борар қизил-яшил кўйлак кийган  
Ҳавони, қувиб борар.

Темирбетон қўллари билан  
Қаттиқ тақиллатар ҳаприқиб,  
Юрагининг почта қутиси  
Осилган дарбозасини:

— Ким бор?  
Кирмадими шу ёққа,  
Қизил-яшил кўйлак кийган  
Ҳаво?!

Теваракка жовдираб боқар,  
Теваракка боқар мушаккал.  
Уялар,  
Яланғоч.

У — тор эмас,  
У — товушдир, эҳтимол,  
У ҳасрат ҳам эмасдир, ҳатто,  
У — ярадир аниқ.

# ҚАЙТИШ

1981

---

*Жондан азиз фарзандларим —  
Шухрат, Муқаддас, Мунोजот  
ва Севинчга бағишлайман.*



**МАҚТОВ**

Мақтов кимга ёқмас, кўнглинг тўлдиар,  
Мақтов — ширин оғу ширин ўлдиар.

1977

**ҲОЙ, БОЛА-БОЛА, ҲОЙ БОЛА,**

Бас қил, шодлик рубобин.

Мана, Дунё бир пиёла

Тутар сенга шаробин.

Ҳой, бола-бола, ҳой бола,

Ҳеч қўрқмасдан уни ол.

Бир пиёла, бир пиёла,

Дунё гами ича қол.

1963

**ОСМОН НАҚ БОШИМНИНГ УСТИДА ТУРАР,**

Ичаётган чойимга булутлар қунар.

Қалдирғочлар бағрини ерларга урар,

Дарахтлар синар, офтоб сўнар,

Мени ташлаб, қайга кетдинг, дўстим?

1977

**ҲИЖРАТ**

«...Ҳитлер... Ялмоғиз Ҳитлер,

Шошилинг... Шошилинг...»

Жўнат-жўнат,

Вокзал. Ҳижрат.

Вагонларга ортилди халқ;

Гўё тонна-тонна гўшт,

Эшиклар ёпилди тақа-тақ,

Пўшт.

Поезд чопар,

Кунлар кечди,

Кунлар заҳар ичди,  
Қон кечди.

Поезд чопар зулматни ёриб,  
Гўдаклар чирқиллайди,  
чоллар ўлтирар ғариб,  
Кўзлар тўла, вагон тўла қайғулар.  
Йўллар,  
Пўлат излар устида  
ҳасрат ортган, ғазаб ортган  
поезд гувиллар.

Қалашиб ётибди  
Ўтин янглиғ оломон,  
гўё папирос қолдиғи,  
тутун янглиғ оломон.

Боласини аллалар жувон,  
митти қўллар излайди мамма,  
нима қилсин, мунглуғ аёлнинг  
кўкрагида сути йўқ, аммо.

Болалар ҳайрон,  
Ҳайрон, машғум тақдирга,  
ўлаётган гўдакка қарар,  
ўлаётган кампирга.

Поезд – кимнингдир бағрига отилган ўқ,  
Кунлар кечди.  
Кунлар заҳар ичди, қон кечди.  
Йўқ...! Йўқ!..

Туширилди тонна-тонна гўшт,  
Зимдан дедиларки эҳтиёт бўлинг: Пўшт,  
Нега бу ҳақорат! Нима гап!  
Нега йиртилмас даҳшатдан кирза этик каби қалб.

Қани, айт, худо, айт, доҳий,  
 Бутун бир элатнинг недир гуноҳи,  
 Нима бўлмоқда ахир,  
 шу гўзал тупроқда ҳам.

Бу темир одамларни ёнингга чақир,  
 Ҳақиқат номидан гапир,  
 Қалқ, доҳий, қалқ!  
 Ўнта ёвуз,  
 Юзта сотқин бўлмоғи мумкин.

Лекин сотқин бўлмас бутун халқ,  
 Кунлар кечди,  
 Кунлар заҳар ичди, қон кечди,  
 Зимдан дедиларки: Булар ёмон.

Булар сотқин,  
 Буларни севмангиз, ўйлаб беринг нон,  
 Бу гапга инондимми аммо  
 Сталинга инонгандай эл.  
 44 йил.  
 Кунлар кечди...

1964

### **СЕВГИЛИМНИНГ ПОРЛОҚ КЎЗЛАРИНИ КЎРМОҚДАМАН КЎЗГУДА,**

Қўлларида кўғирчоғи – жингалаксоч мунчоқ  
 кўзли қизалоқ. Паришон. Авайлар, қучар бепарво  
 болалиги – Оқариб кетди оқ кўзгунинг ранги.  
 Қандай бардош ила қараб турибман мен, ҳеч ким,  
 ҳеч нарса эмасман, ахир, кўзгунинг қаршисида.  
 Сен жингалак соч, мунчоқ кўзли қизалоқ, биласанми,  
 нелар бўлиб ўтди, биласанми, нелар  
 кутар олдинда. Сен бўлсанг ҳар кимга, ҳар  
 нарсага шундай ишонасанки...

1978

**СЕН УХЛАБ ЁТИБСАН**

Ширин тушлар кўриб,  
Зарра-зарра тупроқлар — олтин,  
Ширин тушлар.  
Қирғоққа денгиз қалқир олдин,  
Сўнг нафасинг қалқар.  
Шу ёруғ дунёга  
Жуда ҳам ўхшаш олмалар,  
Афсоналар айтар булутлар  
Мусаффо.  
Аллалар айтмоқда бошингда  
Она — тупроқ ҳақида ҳаво.  
Сен ухлаб ётибсан  
Йиғирма бир ёшингда.  
Хув,  
Тош деворли уйингни  
Танидингни, эй шоввоз?  
У ерда сен уч ой яшадинг,  
Уч ой, холос.  
Шуни ҳам онангинг қорнида.  
Отанг сени кўрмаган,  
“Қора хат” олган онанг,  
Отанг жангда ҳалок бўлган,  
Виждон билан  
Армон билан, асабий.  
Нега чўчидинг?  
Нега кўрқиб-кўрқиб оласан нафас,  
Поезд гилдираклари вазнидек  
Вазмин нафасинг,  
Тўлғонасан,  
Гўёки визиллаб ўқлар учмоқда.  
Юмуқ кўзларингни беркитдинг —  
Гўё узоқ йўлда,  
Қоронғу вагон ичра  
Нафаслар ўчмоқда.  
Сен тушунмайсан,  
Сен тўрт ойлик фақат,  
тўрт ойлик гўдак.

тўрт ойлик одам.  
 Онанг сени қийнайди,  
 Эркин-эркин нафас олмоққа  
 Қўймайди.  
 Онанг сени унутган,  
 Ёшинг саккиз ойга етганда,  
 Оёқлари ичидан юлиб  
 сени шу тупроққа ирғитган.  
 Онанг жинни бўлган  
 ваҳшатдан,  
 ноҳақликдан жинни бўлган  
 муштипар онанг.  
 Сен ухлаб ётибсан,  
 Бошинг узра учмоқда, инон,  
 муборак тақдир.  
 Бир ҳайкал.  
 Орзуларинг сингари гўзал,  
 Қрим. Танидингми?  
 Ана, узатмоқда қўл,  
 Ол, азизим, ол,  
 Муқаддас Ватанингни!  
 Сен бўлсанг ухлаб ётибсан,  
 Уйғон! Тушундингми?!  
 Бас қил йиғирма бир йилга  
 чўзилган босириқ тушларингни.

1964

## ИТЛАР

*(«Туш» достонидан парча)*

Қайт, Бўйноқ, қайт, Тўрткўз...  
 Ҳой, одам борми?.. Қайт!  
 Рауф, сен бу итларга  
 Не ёмонлик қилган эдинг, айт!

Тишлари гижирлар,  
 Кўзлари ёнар, қизили қизилга, оқлари оққа,  
 Ҳурпайиб ташланар,  
 Олдимдан бир узиб олмоққа.

Эҳтиёт бўл,  
Бу – жоҳил,  
Кулоғи кесик,  
Даҳани тешиқ.

– Бу – муттаҳам,  
Қари,  
Эзилган,  
Думи кесилган.

Бу сим бўйлаб югурар, елар,  
Қаттиқроқ увиллар,  
Кўнгли тўқ,  
Боғлиқ эканин билар.

Текинхўрмисан, сен, жини суймайди,  
Ўғримисан, сен,  
Кўчадан ўтгани  
Қўймайди.

Нечун, сен итларга ёқмайсан,  
Эҳтимол, тузукроқ боқмайсан,  
Кулоқ қоқмайсан,  
Бўйнига нишонлар тақмайсан.  
Эҳ шўрлик, қолдинг не кунларга,  
Кўксингни  
Синдириб  
Отгил уларга.

Чандиқли, заҳарли юрагинг отгил,  
Сўнгра уларнинг ҳолига  
Юмаланиб-юмаланиб  
Қотгил.

Ҳаммаси тил тортмай  
Ўлар-ку!  
Фаройиб ҳангома  
Бўлар-ку!

Йўқ, йўқ! Қайт, Бўйноқ қайт, Тўрткўз!..  
 Ҳой, одам борми? Қайт!  
 Рауф, сен бу итларга  
 Не ёмонлик қилган эдинг, айт!

1975

### СОЯ

*Мен энди қўрқмайман уйғонгил, эй дил,  
 Бир карра ўлганман, қайта йўқ ўлим.*

### ШУКРУЛЛО

Ортимдан эргашар билгисиз соя,  
 Қора рўё каби судралар совуқ.  
 Йўқдир паноҳ менга, йўқдир ҳимоя,  
 Бемажол изма-из келар ул ёвуқ.

Гоҳ газаб-ла боқар, гоҳо қутуриб,  
 Ҳасратдан қорайган унинг юзлари.  
 Ундан қочиб бўлмас қутулиб,  
 Юрагим устидан ўтар излари.

Бани одам учун ноёб, беқиёс,  
 О, виждон шеваси, мукаррам туйғу.  
 Лекин мен тупроққа отдимми бехос —  
 Балким қамчиланган виждонимдир у?

Ишқим осмонида танҳо оққушдир —  
 Қўлдан учиб кетди ёқиб қисматим.  
 Бутун ваъдалари ёлғондир, пучдир —  
 У балким хўрланган илк муҳаббатим.

Муҳаббат, сен менга вафо қилмадинг,  
 Севги саҳросида осий, мосуво.  
 Мен сени билардим, мени билмадинг,  
 Балким у соямас, сенсан, бевафо?

Ҳей, фарзанд доғи, ҳей... аччиқ жолалар,  
 Ота-онангиздан хато ўтди-ку...

Йўқ, йўқ, хато қилманг, сизлар, болалар! —  
Шўрлик болаларнинг соясидир у?..

Кимни алдадим мен, кимни сотибман,  
Кимнинг ҳаётига чаплаб қўйдим доғ?  
Мен кимнинг наҳс кўрпасида ётибман —  
Балким у сотилган имоним, эй воҳ?!

Тилим ҳақиқатдан тонди бир замон,  
Қочди кўзларимдан тийраклик, уйқу.  
Кечира олмасман сени ҳеч қачон,  
Сен балким кўркувсан, шабпарак кўркув!

Эй соя, келавер пайти етгандир,  
Гўё тугаётган каби ҳаётим.  
Эҳтимол, умримнинг ярми ўтгандир,  
Эҳтимол, ярмига қолганман ботиб.

Кор қилмас афсунинг, етмагай кучинг,  
Садақа чақадай отгайман йўлга.  
Айт, соя, изғирсан пойимда нечун,  
Сен кимсан, нимасан, эй мавҳум кўлка?!

Ортимдан эргашар билгисиз соя,  
Пинжингда бордир аъмолу асос.  
Йўқдир паноҳ менга, йўқдир ҳимоя,  
Дўстлар, у қасосдир, муқаддас қасос.

1977

**ДОЛҒАЛАРНИНГ ШОШҚИН ОДИМИ,**  
Шиддат ила юзмоқда кемам,  
У томонда бахтим қолдими,  
Бахтсизлигим қолдими, билмам?

Йўлни дарға шамоллар олди,  
Мана, судраб борар кемамни.  
У томонда нималар қолди,  
Бу томонда не кутар мани?..

1973

**МОВИЙ ОСМОН ЭТАКЛАРИДА**

Ухлаб ётар йиқилган булут.  
Танҳоликда эртақларидан  
Айрилмиш ул, бағрида сукут.

Бахтли эди кезиб фалакда —  
Ахир, тўйиб-тўйиб йиғларди.  
Руҳи бўм-бўш, бўшлиқ юракда,  
Оҳ, йиқилган булут ухларди...

1977

*Э.д.р.***ҚАБРИНГНИ ЗИЁРАТ ҚИЛГАЛИ КЕЛДИМ,**

Узун йўл босиб,  
Елкамдан босиб ўтар бу йўл,  
Бу йўл еру осмон йўлидир, дўстим.

Санчилар кўзимга шамолнинг игнаси,  
Юлар офтобнинг сочларини  
Еру осмон йўлида  
Куйиб кетган булутлар.  
Қалдирғочлар учар чирқираб,  
Чучмомалар очилибди,  
Очилибди лолақизғалдоқлар,  
Сенинг чўкиб қолган қабринг устида.

1976

**ХАТО ҚИЛДИМ, СЕВГИЛИМ,**

Хато қилдим беомон,  
Йўқ энди борар йўлим.  
Боғимда сўлди гулим,  
Бағримга тўлди хазон.

Хато қилдим, севгилим,  
Хато қилдим билмасдан.  
Қани, ютилса тилим,  
Қалтираб турар қўлим,  
Жигаримни юлмасдан.

Хато қилдим, севгилим,  
Хато қилдим билмасдан.  
Мен суйиб хато қилдим,  
Мен куйиб хато қилдим,  
Ўлиб хато қилмасман.

Хато қилдим, севгилим.

1978

### **ТУН ЯҚИН, ДАРАХТЛАР ЖУНЖИКАР БЕҲОЛ,**

Бир кун ўтган эдик бу ердан шошиб.  
Ёмғир ҳиди келар, тентирар шамол,  
Бир ўзим борурман сенсиз, адашиб.

Бир ўзим, сен йўқсан энди йўлимда,  
Серзавқ давраларда юрарсан ўйнаб.  
Аччиқ шеър силқийди яра кўнглимдан,  
Қадимий сўзларни терарман қийнаб.

Бахтиёр эдик-ку, бир жону бир тан,  
Наҳот кўз очмасдан ҳаммаси ўтди.  
Биз буюк эдик-ку севгимиз билан,  
Эски жафоларнинг “оҳ”лари тутди.

Учиб кетмоқдасан қайларга қараб,  
Мен эса эслайман севги кунларин.  
Бир бола бурчакда турар дилдираб,  
Куксида ўтмаган сўлгин гуллари.

Мен урён ўтларнинг устида чопдим,  
Қара, қуймоқда-ку етим севгимиз.  
Бу ёруғ оламда мен сени топдим,  
Сенинг излаганинг мен эмас, эсиз.

Ёдингдами, бир кун. Эслагим келмас,  
Янги зарба топиб қўйибсан. Надир?  
Сенинг ҳаётингда мен якка эмас,  
Э воҳ охирги ҳам эмасман ахир.

О, майли, ўйланма, қайгурма зинҳор,  
Бахт-иқбол ёр бўлсин кўркам, муносиб.  
Бироқ сен “оҳ” чексанг агарда бир бор,  
Мен яна келурман қалбимни босиб.

Сирли қўшиқ айтар руҳимнинг қуши,  
Абадий бир наво сингари само.  
Сен билан кечган у дамларнинг туши  
Ялтираб чақирар, имлар, ҳар замон.

Ўпиб хаёлингни қонайди дардим,  
Йиғлар хотирамнинг ғариб боғлари.  
Сени тушларимдан сўраб ахтардим,  
Қайтариб бўлмас ҳеч ўша чоғларни.

1977

### ШЕЪРИЯТ

Дилу жон ўртанар, дил ором излар,  
Илҳомнинг пичоғи санчилар буткул.  
Ловуллаб ёнмоқда ойлар, юлдузлар,  
Орзумнинг қуёши бўлмоқдадур кул.

Ром этмас ҳеч нарса. Саҳродир кўнгил.  
Осмонларга фақат афсона сўзлар.  
Маломат тошида очилган бир гул,  
Дам ўтмас кулар ул, дам ўтмас бўзлар.

Инжиган севгига йўқдир тасалло,  
Лол боқдим қуёшнинг сўник кўзига.  
Олисда “ялт” этган ой йўқ, юлдуз йўқ.

Руҳимда энг сўнгги илинж бор, аммо,  
Оҳ, қандай қарайман унинг юзига,  
Менда мажол йўқдир, менда бир сўз йўқ.

1978

**ЛАТОНИЯ**

*Латония. Рига. Улдис Берзинш учун.*

*Тош кўчада чопиб борарди кўзёш.*

**Янис РОКПЕЛНИС**

- 1. ДЕНГИЗ ЧУЧУК ЭМАС, БИЛАМАН.**
- 2. ҚАЛДИРАТАР ТЕМИРЛАРИНИ, ДЕНГИЗ –**  
Бу оғули, суюқ осмон.
- 3. ҚАЙДАДИР КЎРГАНДИМ МЕН СЕНИ, ДАРАХТ,**  
Исиб кетди кўзим, омонмисан, ҳей.  
Суюб эркалади қўлларимни у.
- 4. НЕКИ ЁЗМАЙ БУНДАЙ ЭМАС, ДЕР ҚЎЛИМ.**  
Бундай эмас, дейди кўзим, юрагим.  
Аччиқ шамолларга сотдим ўзимни.  
Шамоллар ўқисин танимни тешиб.
- 5. ЭНДИ КИШАНЛАРДАН ОЗОД БЎЛ, ЕЧИН.**  
Бу гиёҳ бадани бунчалар гўзал?  
Сенинг ерларингни, ўрмонларингни,  
Сенинг сувларингни ўпаман. Хайр.  
Бирга ўлажакмиз энди иккимиз.
- 6. РИЧ, АЖОЙИБ КУЧУКСАН ҲЕЙ, РИЧ,**  
Рич, кўзларинг нақадар тиниқ.  
Рич, юнгларинг майин нақадар,  
Кутишларинг бунча жарангдор.  
Бир нарса айт ўзинг ҳақингда?  
Мен билмайман, сен ҳам билмассан.
- 7. СЕН-ЛА КЎРИШМОҒИМ КЕРАК АЛБАТТА,**  
Не учун? Билмайман. Албатта керак.  
Тахминан мен сенга –  
Дунё қоронғу,  
Дунё бир бедарддир –  
каби сўзларни  
Айтмоғим учун сен кераксан менга.

**8. ЭДУАРД ВЕЙДЕНБАУМДАН**

Газанда чангали ичиндан урён  
 Борурман ғамларим ила туну кун.  
 Сўлдирди умримнинг гулин бу замон  
 Аччиқ қаҳратоннинг еллари шошқин.  
 Атроф туман йўли, қаршилар совуқ.  
 Зимистон қаърига чўкмишдир ҳаёт.  
 Асло омонлик йўқ, инсонга бахт йўқ  
 Бу чексиз, бешумор очунда, ҳайҳот.

**9. ЖУНЖИКИБ КЕТЯПМАН, НЕГАДИР СОВУҚ.**

Менга ҳам уйқу йўқ, совуққа ҳам йўқ.  
 Совуқ, кел, бир чопқиллашайлик, қани.

**II**

Кўзларинг сўқирми, тун, нима бўлди?  
 Бу ҳолда бировни босиб оласан.  
 Мана, гугурт, ёндириб ол кўзингни.

**III**

Бугун яна сени эсладим, дўстим.  
 Марҳум дўстим, сендан сўрайман такрор,  
 Ким аввалроқ ўлди, менми ёки сен?!

**10. СЎНГГИ ЯПРОҚ**

*(Леонс Бриедисдан)*

*Молдован шоири Виталий Тулник хотирасига*

Ичиб ўтирардик заранг остида.  
 Шитоб келаётган қишнинг удуми.  
 Қўлингдан ўтарди менга оҳиста.  
 Ютган нафасимни юлқар беомон,  
 Муз қотган саҳарнинг чуқур қултуми...  
 Биз томон учарди сариқ баргрэзон.

Боқиб нафосатга жилмайдинг, бироқ,  
 Сенинг бор қудратинг шу эди, шоир,  
 Зеро, қолган эди энг сўнгги япроқ.  
 У ҳам учиб ўтди ёнингдан охир.

**11. ШАЛВИРАБ ЎЛТИРМА, ТУР ЎРНИНГДАН, ТУР.**

Тур, ўзингни кўтариб бор у ерга.  
Нақ қарсиллаб синиб кетар бу курси.

**II**

Қайдан келди бу ёпишқоқ танбаллик.  
Ўтган кунги балиқданмикан ёки  
Ахлат пақириданмикан. Эҳтимол.

**III**

Бир-бирига урар оғир тошларни,  
Хода ташир бир бошсиз одам,  
Ғамирлаб қоронғу юрагим ичра.

**IV**

Барчада нимадир бор, ахир. Бор. Бор.  
Ҳеч нарса йўқ менда эса, ҳеч нарса.

**12. ИНДУЛИС РАНКА ҚЎЛЛАРИ**

Шакланиб  
упар тошлар  
Индулис Ранка қўлларини.  
Қадимий музқотган бу бошлар  
Қуёшнинг сояси тинглар, камалак ранги,  
Ахтара-ахтара ва чатнаб инграр тошлар,

Ёмғир япроқлари зарбида сокин  
Тош тилида бир ажиб шивирлашлар,  
Тангримиз шул қўллардан кечиб?!  
Шул она-Ватанни ташлаб?!

**13. КЎҲНА – ЁШ ШОИР**

*Леон Бриедисга*

Тузалмас дардга чўккан тарих оғли  
Буюк оғриқ берган шоирга тақдир.  
Сўнгсиз дардга чўккан шеърят ёди.

Жангдан қайтган Ватан яраси оғрир.  
Қонталаш тирноқли-илдизли ўрмон.  
Қизил осмон ястаниб олмиш ҳарёқ.

Нечун қондир увиллаб турган бўрон?  
Совуқ жимирайди уйқусиз дарё.  
Туманларда қон ранги, нечун?

Бўзарган ул қуёш аста сўлмоқда.  
Изғирин йўлидир вужуди бутун —  
У кўҳна ёш шоир яна ўлмоқда...

Фақат шоир ҳақли бахтсиз бўлмоқда...

#### 14. ЭДУАРД ВЕЙДЕНБАУМ

*Асло омонлик йўқ, инсонга бахт йўқ.  
Э.Вейденбаум*

Денгизга чўкмакда осмоннинг қалби.  
Кўройдин. Елларда аччиқ сукунат.  
Чағалай денгизнинг армони каби  
Чирқиллаб учади гўё сўнгги хат.

Кекса заранг сесканиб ростлар нафас,  
Заъфарон япроқлар узра булдуруқ.  
Кўройдин. Теварак қоронғу қафас...  
Денгиз мовий, осмон чексиз эмас. Йўқ.

Ҳарён сўнгги хатдир, бари сўнгги хат,  
Кўройдин. Бу денгиз. Бу япроқ. Бу қуш...  
Изғир ўзан, сўнгги сўзларин фақат  
Санчар чивгин ичинда қувгин товуш —  
Уйғон, юракларда сўнган муҳаббат,  
Уйғон, эй, озод руҳ, музлаб қолган ўч.

**15. МЕН ҚАЙТИБ БОРМАСМАН АСЛО ЁНИНГГА,**  
Мен сенга бермайман оғриқларимни.  
Сени лаънатлайман, сени севаман.

## 16. СОҚОВ ДЕНГИЗ

*(Ян Райнисдан)*

Қор қуюни ичиндан денгизни ахтаргайман,  
Унинг тирик шовқинин тингламоғим шарт букун.  
Қорли дунё зулмати, денгиз, сенинг ўртигинг,  
Ҳасратимни опичлаб қошингга келдим яна.

Йироқлардан эшитдим оғир, теран нафасинг,  
Тасалли бер, чўнг денгиз, соқов денгиз, сўнгги бор.  
Қорли дунё эпкини тутмиш менинг бўғзимдан,  
Хилқат музи атрофни қуршамишдир беомон.

Теварак оппоқ кафан, қайда зангор тириклик,  
Сенинг мовий кўзингга мил тортар қора қисмат.  
Қайда мағрур шовқининг, нечун жимсан, эй денгиз,  
Нечун сенинг юзингда яхлаган аччиқ ниқоб.

Билурман, бордир ахир меҳрибон сингилларинг,  
Мангулик ғулув ичра озоддир кишанлардан.  
Оқарди умрим менинг, сен эса ҳамон тилсиз,  
Қайга боргум ёлбориб? Кимга керакман энди?

**17. ТАШЛА, ТАШЛАБ КЕТГИЛ БОЛАЛАРИНГНИ,**  
Ташла хотинингни, онангни ташла.  
Сен шоир Сандрар эмассан гарчи,  
Ташлаб кет, барибир, ташла, сен ахир

Барини жонингдан ортиқ севардинг.

## 18. УЛДИС

*(У. Берзиншдан)*

Отландилар йигитлар, отландилар жанг томон, ҳаммаси  
Марди майдон елкасида улдиси, бир деҳқон борар бали, яшил  
арча кесгали улдиси қўлтиғида, тилларингни бўшат, хув,  
Қани, ўрмон бўйлаб қув, ўсиб ётган улдиснинг қошидаги  
том узра ўлтирибди бир қушча.

Яна мовий улдисга тўла-тўла буғдойзораро кимдир судраркан  
аробасин сўкинар қандай улдиссан ўзи,

Яна десам жўражон, худо берган бурда нон тепасида талашар  
ётар икки навжувон кескир эди улдисни гўнг тепага отдилар.  
Мана қишлоқ мозори ҳар бир хочнинг тагида  
улдис олар оромин.

Яна, қаранг учовлон уй қўндирар беёлгон бири пахса устида  
бири хари остида, бири ҳовли белида, ойболтаси қўлида  
улдисни силлиқларди.

Яна жуҳуд атторчи қаршидан келар экан бақирарди  
болакай, бир улдис бир донаси.

Йўл устида майхона, майхонада девона хўжасинга  
ёлборар бешта улдис қўя қол.

Ёнига келиб аста сўрадим отинг надир  
йигитча деди Улдис.

## 19. (КНУТС СКУЕНИЕКСДАН)

**НАҚАДАР СОКИН ТУН. ТЕКИС ИШЛАР ҚОН,**

Турғунлик, мушкулот ювилган арчиб.

Нақадар хотиржам юрак бу замон,

Ой сузар, йўл бошлар сув узра очик.

Босиб юлдузларни ўз саватида

Есанг олма каби. На-да алдоқ тун.

Қобирға ортида, мия қатида

Беркиниб олгандир кўрқув, алам-кин.

Ҳар касга яхшидир, шундайин роҳат,  
 Гуё уз-ўзингга тилаган каби,  
 Ҳолбуки, бу ҳолат бир неча соат,  
 Токи чатнагунча кул-тонг асаби.

Нақадар ёлғон тун. Қон сўзлар ҳали.  
 Мен эмас, бу бураб қўйилган ғаддор.  
 Ажаб тун, кўзимнинг мовий бахмали.  
 Унга инонмасак дунёда не бор?!

## 20. УЛДИС БЕРЗИНШ СЎЗЛАРНИ ҚАТТИҚ СЕВАР.

Тутган каби ниначининг думидан, сўзларни ушлаб олар  
 авайлаб.

Жаранглашни, шивирлашни билишлари шарт, мусиқа  
 қўйиб берар, бирга рақс тушар, узун тунлар эртак  
 айтар шуур-ла. О, бобоси тушар ёдига. Аскарый қуш тили  
 соҳиби.

Бош чайқаб, кулар бобоси.

Гоҳ сакраб, гоҳ йиғлаб бир уй бўлиб инглиз, ўзбек, идиш,  
 фаранги, араб ва бошқа, латишча ўрганар сўзлар.  
 Баён Ҳеленаси турар эшикда.

Мижжа қоқтирмаслар унга тун бўйи, сўзлар сочларига,  
 соқолларига кириб юлқинар, кўзларига кирар мил бўлиб,  
 гаров каби кирар эт ва тирноқ орасига сирқираб.

Тонготарда сўзлар қайга отланар, ўғли Антсис билан  
 баробар?

Кузатиб ўйга чўмар яна, ўз сўзларининг ортидан ҳайрон.

Уйғонмаган сўзларни ҳай-ҳайлар энди. Сепмак  
 керак уйқули юзларига юрагининг қонини.

Улдис Берзинш сўзларни қаттиқ сева, ўпар  
 очилаётган қора ғунча-баргларин...

**ЙИРОҚ КЕТДИМ ОНА ЮРТИМДАН,**

Йироқ кетдим оёқ-қўлларимнинг

Эркида.

Тилларимдан тотди бироқ

Менинг туркий Ватаним.

1982

**ШОИР (2)**Шундай кўз ўнгида хиёнат қилган хотини,  
Салтанат — тахтидан мангу қувилган султон.

Роса юз йил томчи сувга ташна бўлган зот.

Сочлари оқарган,

Яраси қонаган овоз.

1980.

**МУКТИБОДҲ<sup>11</sup> ДУОСИ**О Шива!<sup>12</sup> Халоскор Шива, мадад бер,

Токай шундоқ қолур муқаддас бу ер.

Кундуз талвасада, кеча жон узган,

Сўқир вужудларнинг шаҳпарлари йўқ.

Руҳ — ташлаб кетилган уй каби тўзган,

Кўз — туман пинжида сўнаётган чўғ.

Оёқлар қалашган, ўтин тусида

Чарчаган, чополмас муюлишда қув-қув.

Юракнинг энг чуқур қоронғусида

Фор ичра беркинган сингари қўрқув.

Ул бўшлиқ, бемантиқ меҳроб имлоди,

Ундан ўлим ҳиди гуп этиб урар.

Умиднинг, илҳомнинг, гулнинг жаллоди

Қонли қиличини сермаб югурар.

О Шива, халоскор Шива, мадад бер,

Токай шундоқ қолур муқаддас бу ер.

<sup>11</sup> Муктибодҳ Мадҳав (1917-1964) улуг ҳинд шоири.<sup>12</sup> Шива — ҳинд мифологиясида барбод ва бунёдкорлик худоси.

Токи пул, амалдир ҳукми ом чиндан,  
 Ахлоқ есирликда, имон қолгай тул.  
 Нафосат — бир латта этик ичинда,  
 Кўрки, инсонликнинг қиммати бир пул!  
 Қўй йўқдир, пул дея бақирар девор,  
 Пул дея ёқангдан олар хотининг...  
 Деҳлида ким бордир?! У жойда ким бор?!  
 Охири бормидир ахир бу туннинг.

Тили кесилгандек чулдирар биров,  
 Суваб, чалпиб борар босган изини.  
 Унга одам зоти кела билмас дов,  
 Ғайри тилда айтар Ватан сўзини.

Ул сохта бир шоир, қартабон, лаққи,  
 Чўталга онасин қўяр гаровга.  
 Кўксини чангаллаб ялтоқ мунаққид  
 “Даҳо истеъдод” деб кўтарар ғовға.  
 Садоқат миннатини қилар беҳаё  
 Кўлдан қолиб кетган вафодор жалаб.  
 Нафратларим унга, эй булғонч ҳаёт,  
 Мендан не истайдир пичоғин ялаб?!  
 О Шива, халоскор Шива, мадад бер,  
 Токай шундоқ қолур муқаддас бу ер.

Мен шоир, шу ожиз ҳолимда яна,  
 Шеъримни тинглаган девор-да соқов.  
 Шафиқ Сарасвати<sup>13</sup> қилсин тантана,  
 Унда йўқдир амал, унга йўқдир ғов.  
 О, қутлуғ калима, о, мағрур Инсон,  
 Маҳрингга тушмишдир оқ тонг, қаро тун.  
 Инсон орзусидан иборат осмон,  
 Бори замин узра ёймиш қанотин.  
 Ул осмон дарёси Ганг<sup>14</sup> бўлсин кўзгу,

<sup>13</sup> Сарасвати - ҳинд мифологиясида фан ва санъат маъбудаси.

<sup>14</sup> Осмон дарёси Ганг — ҳинд мифологиясида Гангнинг бир ирмоғи осмондан ўтармиш.

Мен ёниб куйладим, яшадим ҳалол.  
 Барчани тенг кўрсам – матлабим эзгу,  
 Миллатим қалбига кирсам бемалол.  
 Сотилган виждонлар, номуслар йиғлар...  
 Кўзимга ҳурликнинг шабнами инди.  
 Фақат ўликлар-ку абадий ухлар,  
 Шеърим, кечаларни кесиб уч энди.

Эркинлик бор алҳол тоғлар ортинда,  
 Юзингни яширма, Аруна,<sup>15</sup> сен ҳам.  
 Қачон тонг отадир менинг юртимда,  
 Қачон адо бўлур ғамга ботган ғам?!  
 О Шива, халоскор Шива, мадад бер,  
 Токай шундоқ қолур муқаддас бу ер.  
 Куёшнинг элчиси турар йўлакда,  
 Ташрифидан бўлмиш чаманлар бунёд.  
 Дунё кўзи ёрар, олов кўйлақда  
 Уйқудан уйғонур тирик бир дунё.

О Шива, халоскор Шива, мадад бер.

1981

*Эртага бошқа кун бўлажак,  
 Худди кечаги кунга ўхшаш.*  
 Роландо Эскардо

**БУГУН ЯШАШ КЕРАК. ҲА. ХУДДИ БУГУН,**  
 Бугун яшаш керак, чирқираб, яшнаб.  
 Йўқ, бошқа чора йўқ, энди. Йўқ энди.  
 Чоранинг бугуни бор, холос: Бугун.  
 Бугун яшаш керак. Худди бугун. Бас.

1981

<sup>15</sup> Аруна - ҳинд мифологиясида тонготар тимсоли.

**ЮРАГИМДАН МАСКАН АХТАРИБ**

Милтирайди, нурланади шам,  
Интиламан юрагим сари,  
Интиламан шуълага ўхшаб.

Ундан ёруғ товуш келади,  
Шамол унда то саҳар, то шом.  
Ўз дардини ўзи билади,  
Милтирайди, нурланади шам.

1965

**ҚЎРҚУВ**

Доимо биргадир, доимо,  
Ўзи билан ўзи ўралашиб қолмас ҳеч.  
Улуғ юракларнинг муваққат ижарачиси —  
У оғироёқ хотини билан яшар  
Сизнинг уйингизда.

1979

**ЖАВОБ**

Қорлар ёғди. Қиздирди офтоб. Недир бахт деб  
сўрадим, бироқ ўзи билан ўзи овра бахтиёрлар  
бермади жавоб. Қорлар босди. Куйдирди офтоб.  
Недир бахт деб сўрадим, бироқ ўзи билан ўзи  
овра бахтсизлар ҳам бермади жавоб.

1978

**ЕТИМ**

Оғзим тўла ҳаёт,  
Бинафшанинг шамоли.  
Мен шўх болакайман,  
Отаси ташлаб кетган,  
Онаси ташлаб кетган.  
Оғзимга тўлиб қолган ҳаёт.

1979

**ЯНА ЖИМЛИК, ЯНА СУКУНАТ,**

Тўлиб кетар ҳеч нарсадан дил,  
 Ҳеч нарсадан бошланади гап,  
 Ҳеч нарсани сўзлар яна тил.

Қичқиради безабон хулё,  
 Сукунатда қийналади жон,  
 Ҳеч нарсани тан олмас, гўё  
 Ҳеч нарсадан бошланган жаҳон.

1967

**КЎКСИМНИНГ ЧАП ТОМОНИ ТИНСИЗ ОҒРИР,**  
 пичоқланар кўзларимга тинчлик бермас у. Кўзларимнинг  
 эса қўллари йўқдир, кўксимга санчилган пичоқни  
 суғуриб олмоққа. Бу пичоқнинг дастаси ҳам йўқ.

1981

**СИНИҚ ОСМОН, БИР ЮЛДУЗ МУДРАР,**

Фамли юлдуз танҳо, бенаво,  
 Қора дунё қўйнига судрар,  
 Кўзларига чанг ютган ҳаво.  
 Синиқ осмон, бир юлдуз мудрар.

Осмон, юзларингни ювиб ол,  
 Бир чақнасин танҳо юлдузим.  
 Ёғил, ёмғир, гувла, эй шамол,  
 Ҳайқир, энди ҳавони бузиб,  
 Осмон, юзларингни ювиб ол.

Тўкилмайдир, ахир тўлмайдир,  
 Туркий дунё чил-чил бўлинган...  
 Танҳо юлдуз нечун кулмайдир,  
 Йиқилиш олдидан қўлимга?

Тўкилмайдир. Дунё тўлмайдир...

1980

**ШУҲРАТ АБДУРАШИД МОЗОРИДА**

Ўлган ўлди. Кетди.

Дўстларингга хиёнат қилганмидинг, дўстим?

Билмадим.

Ўлган ўлди. Кетди.

Сен хотинингга хиёнат қилганмидинг?

Билмадим.

Ўлган ўлди. Кетди.

Ватанингга хиёнат қилганмидинг, сен ахир?!

Билмадим.

Ҳаммасини қилишар

Ўлмаганлар.

Ўлган ўлди. Кетди.

1980

**ЖАСОРАТ**

Кўзларингга ишонмайсан жасорат кўрсатсам бир кун,  
кулиб қўйдинг ҳозир, лабингда порлади истехзо,  
Юзларингда ачиниш рози. Яратаркан мени табиат  
бир қудрат этган эҳсон. Бу менинг Туробим.

Бу – одамлик ҳаққим. Мени суюб қўйди қисмат ва  
улуғ халқим. Керак бўлса вулқон каби отилар  
жасорат. Кўзларингга ишонмайсан кейин...

1965

**НАСИХАТНИ ЧУҚУР ТУШУНИШ**

*(Ҳазил)*

Устознинг муборак ўтиги текин,  
Доим қилар эди у бир насиҳат.  
Дерди, айтганимни қилгину лекин  
Яна қилганимни қилмагин фақат.

Қаттиқ тутиб олдим устоз этагин,  
Насиҳатин камтарликка йўйдим мен.  
Барча айтганини қилдим-ку, лекин  
Эвоҳ, қилганин ҳам қилиб қўйдим мен.

1980

**БУНЧА КЎП СЎЗЛАЙСАН НЕГА? НЕ УЧУН?**

Ахир керак эмас. Ахир беҳуда,  
Ахир керак эмас, шарт эмас ахир,  
Тилларинг ям-яшил япроқ сингари,  
Дарахт эмассан-ку, бас қил, гапирма.

1982

# САБР ДАРАХТИ

1982

---

**Устоз Шукруллога**

---

Дину диёнат йўлида барча қийинчиликларга сабр қилгувчи Инсон учун гўё кўлида ёниб турган лаҳча чўғни ушлаб турган каби замонлар келади.

**“ҲАДИС”ДАН**

Фотиҳлар неки бор бирваракай ямлардилар — динлар, эҳромлар, қабилалар, буддалар — ҳамма-ҳаммаси — пинжларидаги катта қанорлар ичида ғойиб бўларди. Улар йўлларида учраган жамики нарсани тупроқ билан тенг қилиб босиб ўтардилар. Аммо ваҳший оломон изида этикларидан, соқолларидан, дубулғаларидан ёруғтошлар каби тўкиб борарди нурланаётган сўзларни, ўзимизда қолаётган порлоқ... тилни. Биз ютқиздик... Биз ютуқнинг устидан чиқиб қолдик. Улар бизнинг олтинларимизни тортиб олдилар ва бизга олтинлар қолдирдилар... Улар бизнинг боримизни тортиб олдилар ва бизга барини қолдирдилар... Улар қолдирдилар бизга сўзларни.

**Пабло НЕРУДА**

## ГЎЁКИ МЕН ҲАММА НАРСАНИ ДАФЪАТАН ТОП- ГАНДЕКМАН ҚАЙТАДАН,

Дафъатан мукофот сингари эски тортган аламлар ҳақи.  
Эҳтимол, ҳамма нарсани йўқотгандирман, дафъатан  
ҳамма нарсани топганим замон.

1982

### СУНБУЛА

1. Тўкилиш олдида гулим. Эҳтимол,  
Сенга боқиб кўнглим уйи бузилди.  
Хомуш тортиб, жунжикиб қўйди шамол,  
Бир узим узумнинг юзлари сўлди.

Совуқ осмон юзида изғир кўзим,  
Хотирамнинг тасбеҳлари тизилди.  
Қайғулиман, қонга қоришган сўзим,  
Тасбеҳимнинг чайир ипи узилди.

Қайдандир бу нидо, ҳазин ва карахт?!  
Нечун кетмас қора қарғалар нари?  
Қаранг, ингиллаган итларга қаранг.

Сирли энтикади яланғоч дарахт,  
Бари унутилиш истайди, бари...  
Сунбуланинг симлари кескир, таранг.

2. Қўй, бўлди. Гапирма. Кечирма мени.  
Кўзингдаги тошни ғичирлатма, бас.  
Қуйилмоқда кундузнинг аччиқ туни,  
Ичиб ташламасам мен уни бўлмас.

Тўхта. Бас қил. Гапирма. Бўлди.  
Ўзим гуноҳқорман. Мендан — бу кўрлик...  
Зангор япроқларнинг бағрида шўрлик  
Кеча шовуллаган шамоллар ўлди.

Бир сўз тополмайман сенга, севгилим,  
Сўзлар, сўзлар қолур бўғзимда қотиб.  
Билмайман нақадар севаман сени.

Бу пайт фалакларга соврилар кулим,  
Ерга тўкиламан сени йўқотиб,  
Шивирлаб шамоллар марсиясини.

3. Тўлғонган сочларинг қора илондир,  
Вужудимга ташлар англанмас қўрқув.  
Очилган бағримнинг дарди нолондир —  
Сенинг кўзларингдек теран, қоронғу.

Илон сочларингни шамол ўйнайдир,  
Узилган барг каби қалтирайдир жон.  
Эзилган юракни эзиб тўймайдир,  
Гулим, кўзларингга беркинган жаҳон.

Фимирлар кечанинг қоп-қора тани,  
Сочларинг илони танимни ёқар.  
Бағримни эзишга яна шайланиб,

Дарё бўлиб сенинг кўзларинг боқар...  
Узайиб, жимирлаб сувга айланиб  
Дарёга лим тўлиб жасадим оқар.

1980

### **УЙҚУ КЕЛМАЙДИ. ҲЕЧ НАРСАГА БОРМАЙДИ ҚЎЛИМ. МАЖОЛ ЙЎҚ,**

тинсиз хура қўшнимнинг ити, йиғлар, балки хастадир,  
соғингандир бирор кимсани, балки занжирдан бўша-  
тишни эсидан чиқаргандир эгаси. Мажол йўқ менда,  
Ўша итга айланиб қолишни истайман шу пайт.

1979

**ТЎХТА, ДЕЙМАН**

хайбатли бўшлиққа боқиб,  
Тўхта, тўхта, дейман, холос.  
Тилимда ўзга сўз  
Ўлган.

1982

**МИКЕЛАНЖЕЛО СЕВГИСИ**

*Севгим, мен нақадар севаман сени.*

**МИКЕЛАНЖЕЛО**

1. Муқаддас тош, менинг севгим, андуҳим,  
Радди бало бўлур бу ишқ ханжари.  
Дунёни тўлдириб учадир руҳим.  
Сен қайси маконда? Манзилдан нари?!

Уфққа бош урар денгиз девори,  
Юракда исённинг иссиқ хунлари.  
Жимираш шафқати ёлғон ғамхорим,  
Келур оқчорлоқнинг аччиқ унлари.

Денгиз, оқчорлоққа тилайман бардош,  
Унга лочин шиддатини бер, қани,  
Бағринга олмай тур, қаноти синган...

Саодат бағишла, эй, муқаддас тош,  
Бу чексиз оғриқдан халос эт мани.  
Менга илҳом керак, мангулик сенга.

2. Ичимдаги ёвга қараб тураман,  
Йиллар ўтган сайин у ҳам беқайғу...  
Мангуликнинг ҳассасига ураман,  
Тақдирнинг ёлғончи шевасидир бу!

Қиш қуёши кезар хаёлга чўмиб,  
Ёлғизлик йўлида ёлғиздир ўзи,

Ўзи яратгандир, кетмас кўз юмиб,  
Ҳар нарсани кўрар осмоннинг кўзи.

Тул қолган кимсадек осмон азали,  
Мозор — дунё узра қилар ибодат.  
Мен ҳам унинг каби кўп бор тутилдим.

Ё йиқилмас, ёки кулмас тузалиб,  
Ер — ё ҳаёт, ё мамотдан иборат...  
Инсонни севдим мен. Инсонни билдим.

3. Билингиз, қуролим севгимдир фақат,  
Унинг ўқларидан бўлдим бахтиёр.  
Неки қаҳру ғазаб, макру қабоҳат,  
Севгимнинг йўлида мағлуб, тор-мор.

Борлиқ ёнса, қуёш айланса кулга,  
Юлдузларни тугма каби юлсалар.  
Менинг буюк севгим, бир бора кулгин,  
Қаҳқаҳанг йўқликни даҳшатга солар.

Аллоҳнинг ишига ҳайрон қоламан  
Қонли товушларнинг ранги: Ўлди, ос...  
Ўтларнинг ичинда куйиб толаман.

Ичим ёнар, ҳар нафасим — эҳтирос,  
Фиръавнга сигинмайман, оломон,  
Аллоҳга сиғинаман, севгимга холос.

1979

### **ДЎСТИМ, МЕНГА ДОИМО ОЧИҚ ЮЗ БИЛАН БОҚАР ЭДИНГ-КУ,**

алдамас эдинг-ку, риёкорлик қилмас эдинг-ку.  
Нима бўлди сенга, нима бўлди ахир.  
Нечун менга ўзингнинг  
шахсий касаллигингга қарагандек қарайсан.  
Нима бўлди сенга?

1970

**МЕН ЎЗ ГАВДАМГА БОҚИБ**

Ҳайратга тушдим букун.

Бу гавда ичинда

Мозорлар кўп

Нақадар.

1982

**ҲУЖЖАТ**

Керак. Варақ-варақ қоғоз, сенинг инсонлигинг ҳали оз,  
 Варақ-вараққоғоз, керак. Шарт. Ортиқча бир матоҳ  
 доимо сен билан, доимо. Керак. Кераак. Вассалом.  
 Ҳаёт – ҳужжат. Ҳужжат?! Ҳаёт яшар қўйнига ҳужжат солиб,  
 қайга кетай сендан  
 бош олиб, энди. Чекил, варақ-варақ “керак”. Чекил,  
 кўзларимдан ҳар қандай қоғоз. Менда “Эрк” деб аталган  
 бир ҳужжат бор, холос. Марҳамат. Эркнинг ҳужжати  
 солинган ҳужжат.

1965

**АЛЕКСАНДР БЛОК**

*Билурман, хун ҳақи, ҳалокат ҳақи,*

*Барибир мен сени қутлайман ҳаёт.*

**А.БЛОК**

1. Қора булутларин ўйнар осмон,  
 Олис юлдузларнинг сирли шуъласи.  
 Туманли соҳилдан ундар бегумон  
 Бу сўлгин шамларнинг игналик саси.

Ташналик сасидир, бу – туш, бу – олам,  
 Кимдир тишлаб олган оловни унда.  
 О Рус, сен – ёрим, сен – синглим, сен – Онам,  
 Қандай олиб чиқай, мен сени тундан?

Сира қувиб бўлмас бу қонли тушни,  
 Куйдиргувчи юлдуз сапчир дафъатан,  
 Ҳеч синмас руҳ ичра осмоннинг ҳусни.

Томоққа тиқилган күзёшим – Ватан.  
Ўт ичиндан термакдаман товушни,  
Куйиб бўлган нарса куймас қайтадан.

2. Мадор йўқ, қанот йўқ. Тамом. Чарчадим,  
Чўқир жигаримни бу ўтрук, ёлғон.  
Бу таъна қадимий, бу сўзлар қадим,  
Бу совуқ сайёддир кўҳна палаҳмон.

Ёлғиз менми ахир?! Дард бор, ҳамдард йўқ.  
Бу ёлғон дунёда мен ёлғиз эмас.  
Нақадар тиниқдир, зангоридир кўк,  
Нақадар шириндир, узундир нафас.

Русия! Йиғлама, кўз ёшингни сот,  
Сўйилган ой кезар, у менинг хуним.  
Сен билурсан, холос. Бошқа ҳеч бир зот.

Жисмим совуб борар сўнмоқда уним.  
Гирдоб қўйнида мен, қўлингни узат...  
Хайр! Бу кун менинг охирги куним.

3. Қайда, қайда қолди ўзгир ғалаён?!  
Наҳот унинг синмас қиличи синди.  
Титра, чексиз уммон, сен мудроқ жаҳон,  
Темир дарбозангни тепарман энди.

Қара, қўлларим қон, тирноқларим қон,  
Тургил, гафлатингни ётмагил босиб.  
Эшикни очсанг-чи, эй, ялқов посбон,  
Қаршингда мана, мен – жаҳон садоси.

Ваҳмзор жаҳонсен, қалбимни ёқиб,  
Шеърият қаърига шўнғирман ношод.  
Русия, Русия, севиб, ютоқиб,

Шўрлик, омон бўл, деб топиндим бедод.  
Билурман, хун ҳақи, ҳалокат ҳақи,  
Барибир, мен сени қутлайман, ҳаёт.

**МЕН НОЧОР ВА МЕҲРИБОН**

Кимсаларни кўрдим.  
 Кўрдим голиб жаллодларни.  
 Кўр эмасман,  
 Кўрдим.

1982

**ЎЛТИРИБМАН ЖАР ЁҚАСИДА...**

Ҳеч нарса ёдимда йўқ,  
 Олган нафасим ила юзма-юз.  
 Ҳеч кимни эсламайман ортиқ,  
 Сендан бўлак.  
 Бўғзимга тиқилиб тирнар  
 Куйиб кетган юракнинг ҳиди.

1982

**БИР КИШИНING ЎЛИМ ОЛДИДАН  
ЎҒЛИГА АЙТГАНЛАРИ**

1. Шоир бўлолмайсан, энди бу аниқ,  
 Мумкин эди олим бўлишинг балки,  
 Ҳеч бўлмаса бой бўлгин ахир.  
 Бу шафқатсиз дунёда, ўғлим,  
 Фарзандларинг учун яшамоғинг шарт.

2. Имкон йўқ менда кўриб турибсан,  
 Яшамакка – вужуд сотқинлик қилди.  
 Ўлим – ҳар кимнинг муқаддас насибасидир.  
 Ўлим имкони бор сенда ёлғиз –  
 Ҳақиқатни айтиш имкони.

1980

**ЁНИНГДАН ЎТАМАН – БУ СЎНГГИ САФАР,**

Ўтиб кетмоқдаман сенга тўймасдан.  
 Шу гаплар, шу гаплар рост бўлса агар,  
 Нега жим турибсан, ахир сўймасдан?

Шу гаплар рост бўлса, ёлғизим, йиғлаб,  
 Сенга ўлим тилаб қолар эдим мен.

Йўқ, йўқ, мозорингни ўпиб, тимдалаб  
Қайта тирилтириб олар эдим мен.

Ростин айт, мен озлик қилдимми сенга?!  
Айт, бир юрак озми? Мана! Тўйдим-ку!  
Ўжар севгим билан тегдим жонингга,  
Кечир, рашким билан қийнаб қўйдим-ку.

Кечир энди, менинг қуёшим ботди,  
Сенга инонмадим. Сен мендан тондинг.  
Бир тубан номингни лойларга отди,  
Разил кимсаларга нечун инондинг?!

Имон борми дердим, ёниб, сиғиниб  
Порлоқ тимсолингга, севгилим, бироқ  
Ташлаб кетмоқликни ўргандик кўпроқ,  
Кел, видолашайлик энди соғиниб.

Менга оғир ичмоқ сенинг кўз ёшинг,  
Бошингда ғамларнинг тошлари синди.  
Кўриб турибман-ку, тош бўлсин бошинг,  
Кел, жимгина видолашайлик энди.

Бу ёруғ дунёда вафо қани? Кел.  
Сенга инонмадим – мен телба, ғариб.  
Қайта олиб бориб кўмайин, айтгил,  
Юрагимнинг жасадини кўтариб.

То вола юрагим шан либос кийсин,  
Токи бир яйрасин сўнгги бор бу жон.  
Сенинг кўксинг узра бир ухлаб тўйсин...  
Йўқ, ўзгача севолмасман ҳеч қачон.

Ҳеч бир мозор қабул қилмас, йўллар берк,  
Бугун юрагимнинг саслари тинди.  
Севгилим, сўнгги бор, сўнгги изн бер,  
Кел, жимгина видолашайлик энди.

## ЎРТАДА

(Ҳазил)

Ўртада қозон-товоқ, ўртада оту эшак, ўртада қошу қовоқ, ўртада ёстиқ-тўшак. Ўртада ному нишон, оқ-қора-дир ўртада. Хулласи, икки жаҳон, ҳар балодир ўртада. Ўртада жабдуқ-юган, ўртада якраг палос. Ўртада “сев-ги” деган бир бало йўқдир, холос.

1982

## МУНОЖОТ

Бағримда гилдиарар темирчил ҳаёт. Изғитқи чивғинда чидамдир бошим. Фақат сен уйқучан томирим уйғот, қизимнинг қўлига куч бер Куёшим. Бағрида лаҳча чўғ айланади

Ер, кулинчим, севинчим куюк кўзёшим.  
Фақат сен қизғонма, бир кафт меҳр бер, илинжим,  
сигинчим – буюк  
Куёшим.

1982

*Ҳофиз дўстимга***МЕН ЁЛҒИЗМАН, ФУЛУВ, ҲАЯЖОН,**

Ҳасрати кўксимга қуюлар.  
Кўз ўнгимда бу ёруғ жаҳон  
Мунгли қўшиқ каби туюлар.

Йироқларда гулдираб оғир  
Шивирлайди баҳор товуши.  
Аччиқ шамол санчиғи. Ёмғир.  
Замин ойдинликнинг ҳовучи.

Атиргулнинг қўллари синган,  
Ёмғир ёғар, оғрир чуқур из.  
Ҳаяжоннинг тили кесилган.  
Мен ёлғизман. Овозим ёлғиз.

1980

**УЗОҚЛАРДА ИТЛАР ҲУРАДИ,**

Узоқларда шовуллар сувлар,

Узоқларда хайр-хўшлашиб

Кетиб борар

Менинг гавдам.

1982

**ҲЕЧ НАРСА БЕҲУДА ЭМАС БУ ОН:**

Ботиб кетажаги қуёшнинг аниқ,

Япроқларнинг шивир-шивири нолон,

Қоронғунинг аччиқ ҳидлари тиниқ,

Сирқираган оғриқ товуши, инон.

1981

**СЎЗЛАР**

Тун қўйнида бўшлиқнинг қўллари кўксимни қисаркан, руҳим таслим бўлмайдир-да, олға интилар, қаршимда бир оқ бино пайдо бўлар, оқ бинода қалин ва оқ кўрпаларига ўраниб-чирманиб қатор сўриларда ухлаб ётган сўзларни кўраман. Сўзларни ушлаб кўраман, тишлаб кўраман.

Яна тун қўйнида бўшлиқнинг темир қўллари кўксимни қисаркан: — Ёрдам беринг, ухлаб ётаверманг, — дея ҳайқираман. Шундай уйғотаман қадимий Сўзларни — Туркистонимни.

1979

**ЛУТФИХОНИМ. «УЙҒОН, БОЛАМ»**

(1943)

Ёлғиз сен ухлайсан, ёлғизим болам,  
 Майсалар шивирлар, ҳайқиради тоғ.  
 Шовуллар дарёлар, далалар уйғоқ,  
 Қасамга ботирар туби йўқ олам.

Умиднинг кўзи кўр, аччиқдир фиरोқ,  
 Ахир мен аламман – чинқирар алам.  
 Бу ғолиб туркуда бўлмиш эди жам,  
 Она юртим, элим, топталган тупроқ.

Уйғон, уйғон, болам, уйғонгил, эй дил,  
 Уйғондан иборат уйғотлик дунё.  
 Инон, сени ўйлаб кетмакдаман, бил.

Сенгадир, жон болам, мушкулот, ғавғо,  
 Уйғон, уйғон, дея инграйди наво,  
 Сенга бу Ватандир, сенга Туркий тил.

1981

**ОҒРИҚ**

1. О, илҳом, ахтардим сени дунёда,  
 Қисмат елкасида югурдим, елдим.  
 Гоҳ шавқ қанотида, гоҳ пиёда  
 Юкиниб мен сенга сифиниб келдим.

Мен сени соғиндим ҳаддан зиёда,  
 Ғамли хотирангга бистарим тўлди.  
 Бу узгин уммонда, бу аҳгар боғда  
 Сирпандим. Мен қаттиқ чирпандим. Сўлдим.

Ўткинчи ғамлардан танамда титроқ,  
 Ростми шу? Шеър туғар эмиш аламлар?..  
 Гоҳ хўрлаб, тишлаб ўтдилар бироқ.

Сен билан кечган, эй, илоҳий дамлар  
 Балким илҳомингни судради кўпроқ,  
 Шон-шухрат буржида ёнган санамлар.

2. Соҳир юрагингни чақмоқ урди-ку,  
Ортиқ кулфатларга доимо шайсан.  
Кўзингда қотган нур порлаб турди-ку,  
Сен ахир – Туркистон – ёниб яшайсан.

Тугатиб бўлмас ҳеч бу дардни ичиб,  
Ёрилган ярадан чечаклар ўсди.  
Юрагингнинг йиртиқ кўйлагин ечиб,  
Бағринга босарсан – бормисан, дўстим?

Дунёни шопирар ёлғонга, чинга,  
Биров роҳат қилар эзғиб, кулдириб,  
Изтироб уруғин сепар ичинга.

Ҳай дейсан, не топар мени ўлдириб,  
Қарайсан, кўзингга нурни тўлдириб,  
Бали, қабогингнинг улуғ кучига.

3. Ҳеч нарса юпатмас, шоир, ҳеч нарса,  
Ғариб бахтиёрлик энди юпатар.  
Юлиб вужудимни, титиб ахтарсам,  
Дунёвий аламнинг тошлари ётар.

Ҳар ким ўз қалбига ўзидир хоқон,  
Барибир, мен сени севиб сизларман.  
Эҳтимол ноҳақман, эҳтимол ҳақман –  
Муқаддас Туркистон сўзин изларман.

Сўз менинг кўксимга санчилар, ҳайҳот!..  
Шовулла, гуркира, ҳаёт нафаси.  
Руҳга имон бергил, эй қодир ҳаёт,

Қизғонма самовий сеҳрнинг сасин..  
Юрак деб аталган оғриқ бу – нажот,  
Кўкрак қафасимиз – нажот қалъаси.

### СИЁВУШ ФАРЁДИ

Судрар оёғимдан қаро ер қаъри,  
Муз тоғлари ўсар кўзим ёшидан.  
Дарди йўқдир кўк юзининг, йўқ бағри —  
Инсон юракларин қаҳр тошидан.

Наҳот парчаланмас, бу тошлар синмас,  
Кимсан, ўзлигингдан қил мени огоҳ.  
Силоҳлар, занжирлар олами тинмас,  
Қаён оқмоқдасан, эй, олампаноҳ?

Тўхта, Сиёвушман, унутдинг наҳот?  
Қонларга ботдим-ку, ёндим, қирилдим,  
Сендан, Дамованддан тиладим нажот.

Кўз очиб очунга қайта урилдим,  
Тўхта, Сиёвушман, мен яна —ҳаёт,  
Қайта ўлиш учун қайта тирилдим.

1982

### ВАТАН ҲАҚИДА БЕРНД ИЕНТШГА МАКТУБИМ

Ватан ҳақида сенга, Бернд,  
Шу мактубни ёзаётган пайтим  
Ташқарида қор ёғмоқда эзгин-эзгин,  
Оппоқ-оппоқ, лўппи-лўппи. Неларни ёғар қор?

Тахайюл ёғар. Тахайюл отига минган осмон.  
Бернд, бундай яшаш ахир, кўп қийиндир балким.  
Бернд, балким хасталаган бизни бемаврид  
Йигирманчи аср, деб номланган оғриқ.

Ўтинаман, баландпарвоз сўзлар, деб ўйлама тагин,  
Эҳтимол, ечиб ташлашимиз керақдир қора рўмолини  
дардли хотиротнинг  
мунглуғ бошидан.

Хотирамнинг ичинда парчаланур, арраланур, кесилур,  
Ўзбегим, тожигим, қозоғим, қирғизим, туркманим,  
уйғурим, озорим — турким.

Хотирамнинг ичинда сўйилган Туркистон.  
Мен шундай тушунаман Ватанни.

Эҳтимол, бизни орзулар оҳангида алдаётганлар  
Тўғрисида ўйлашимиз керакдир кўпроқ.  
Қор ёғмоқдадир, ҳофизам арқоғига ёзилмоқдадир —  
Шашмақом, менинг Ватанимнинг тимсоли бўлиб.

Мен шундай тушунаман Ватанни.  
Қор эса ёғмоқда.  
Унутиш мумкин бўлмаган нарсаларни  
Бирданига ёғмоқда.

Освенсимни унутиб бўлса наҳот?!  
Ҳар сафар гайриинсоний ўкираман Армин Мюллер  
«Освенсим»ни ўқиганимда.  
Ёдингдадир унда:

Тўрт қирра қувурлардан  
Шамолларга бўккан тутунлар ўрлар,  
Сариқ чанг сингари  
Ёлишар тутун.

Дарахтлар шохида собит, ўлик қор.  
Қор, қор. Инсон товушларига тўлиқ қор.  
Сочларга тўла тутун. Суяклар чанги.  
Бас, қор. Лекин ёғмоқдадир у эзгин-эзгин.

Аччиқ бир шеър бўғзимга келиб тиқилди,  
Кўзларимга сачради Бехер шеърининг қони,  
Тўсиб қўйди қорларни,  
Кўзларимнинг деворида эса ёлғиз шафақ ўртиги.  
Олмония, сен ул қора кунларда,  
Қаерларда эдинг, кимларга бош эдинг?  
Кимларга қисматингни топшириб қўйдинг?  
Мен шундай тушунаман Ватанни.

Унутишга арзир бахт, шон-шуҳрат, бошқа...  
 Унутилмас нарса фақат фожеъ Ватандир.  
 Унутганларнинг ҳар қандай ишида саҳв бўлгай  
 Хато бўлгай доимо...

Улар қоғоз юзига пул ёзадилар...  
 Улар она тилин унутадилар тахтачасининг ёнида...  
 Улар алдоқдан, шарбатдан, қип-қизил гўштдан  
 Қасру иморатлар қурадилар бемалол...

Синаб кўрадилар иродаларин, бардошларин, чидамларин,  
 Гарчанд жирканч, аянч кўринади ўз ҳаётлари,  
 Уларни қийнайди, ҳатто,  
 Виждон азоби.

Баъзан истаб қоладилар  
 Темир йўлга бошларини қўйиб ётмакни,  
 Ёки бир япон фильмидаги каби ўз бошларин ўзлари  
 Қилич билан секин, роҳатланиб кесиб ташламакни.

Ёхуд самурайлар каби ўз қоринларини бутун ҳолида  
 сўйиб олмакни.

Лекин бундай қилмасликка куч бор уларда,  
 жасорат бор.

Бундан баттарини кўрганлар улар,  
 Виждон қийноғини кўрганлар ахир...

Шу пайт Ватан кўз ўнгимда бўлар намоён,  
 Қор ёғмоқда.

Нега қор қоп-қора? Қор ёғмоқда,  
 Бундай қорни биринчи бор кўришимдир балки, Бернд.

Гўё мен зулматнинг ичинда кетаётирман,  
 Қўлларимда ёғду сочмайдиган қора машғала.  
 Гўё зулмат Борлиққа айланган,  
 Худди Байрон айтган сингари.

Қор ёғмоқда. Тахайюл ёғар.  
 Унинг карвон-карвон булутларини қўлларим-ла

Ушлаб кўраман.  
Улар милён-милён шаҳид номидан сўзлар.

Бу – буюк миллат эди. Бу – буюк давлат эди.  
Дунёнинг севикли Ватани эди...  
Йўқ энди. Йўқ энди. Йўқ энди.  
Мен шундай тушунаман Ватанни, Бернд.

Деразамнинг нариги томонида эса ҳамон  
Қор ёғмоқда,  
Оппоқ-оппоқ, лўппи-лўппи,  
Узун-узун қор.

1973

### ТЕЛБАЛАРЧА ҚАРАЙМАН, ГОҶО

Не қиларим билмайин абгор.  
Босиб келар ҳасратли дунё,  
Бекор бўлур шодлигим, бекор.

Мен кўланка эрурман фақат,  
Юраман-ку, йўқ эмиш изим.  
Бўлмагандек азалдан ҳаёт,  
Кўрмагандек ҳеч нарса кўзим.

Томиримда ғимирлар-ку қон,  
Ҳайқирурман, сўрарман шафқат.  
Керак эмас менга ҳеч қачон,  
Шодликларга ўралган ҳасрат.

Дунё, ўзинг ёрлақа мени,  
Ай, Туркистон, ёрлақа ўзинг,  
Бергил, менга бергил, қайғунгни,  
Бутунича бера қол, кўзим.

Телбаларча қарайман гоҶо,  
Не қиларим билмайин абгор.  
Босиб келар бу ҳасратли дунё,  
Бекор менинг шодлигим, бекор.

1965

## ТУРКИСТОН ЁДИ

Нақадар узундир, оғирдир бу йўл,  
Далалар ястаниб ётар кўк каби.  
Тиглар хотирамни осмон – чеки йўқ,  
Тизгинсиз бу шиддат кенглик асаби.

Бу кенгликда ўйлар мени гижимлар,  
Ул сўз қофиясин судраб келади.  
Қанча қочсанг, шунча қилгай ҳужумлар,  
Ўқ сингари хотирамни тилади.

Теграмда зич ҳаво – она Туркистон,  
Ёргай томиримни, кўр ҳаяжоним.  
Бу майдон ичинда мен тўкмаган қон,  
Менинг уни дея аяган жоним.

Яна йироқларга чорлайди мозий,  
“Ватан” тушунчаси келар етаклаб  
Айрилган, хўрланган улус овозин.  
Шоирнинг бешиги айтар эртактар.

Яссавий мақбари мунғаймиш мағрур.  
Товушга айланди ҳар бир гишт ранги.  
«Дунё менинг деганлар...» Нидо келур.  
«Каркас қушдек...» Қадим сўзлар жаранги.

«Ёлғон даъво қилганлар...» Сўзлар шоир.  
«Оқни қаро қилганлар...» Айтинг, кимлар?!  
Мақбара бошимга йиқилар ҳозир.  
Яна товуш: «Ҳаром еган ҳокимлар...»

Парчин-парчин бўлди ёдим симлари,  
Симлар – кўзларимга мил тортган чизгу.  
Ўтган улуғларни эслайман барин,  
Хотирот мозори – Туркистон мангу.

Кеча содиқ ўғлинг ўтди дунёдан,  
Сахий инсон эди, у Шоир эди.

Санчилиб яшайди бир умр ёдда,  
Кетаётиб, мен йиглаб бўлдим, деди.

Йигла, энди кўзим, сен-да йиглаб ол,  
Тўйсин кўз ёшинга бу туркий ситам.  
Тўйсин, Ватан ёди чидар бемалол,  
О, сабр дарахти – қутлуғ Туркистон.

Нақадар узундир, оғирдир бу йўл.

1981

### **ХАЙР, ДАДА, БИЗ ЭНДИ КЎРИША ОЛ- МАЙМИЗ ЁРУҒ ДУНЁДА.**

Биламанки, сиз тупроқда,  
Биламанки, сиз қалбимнинг  
бағрида очилган япроқда.  
Биламанки, мумкин эмас сизни  
бир бор кўрмоқ,  
бахтини тута билмай кўкракда ер ўпмоқ.

Армоним қолди, холос.  
Туркистонимга – армонимга сиғинаман,  
Сизни соғинаман.  
Биламанки, мумкин эмас.

1962

### **ТАВФИҚ ФИКРАТ КИТОБИГА ЁЗУВ**

*Нечун йўлнинг сўнгида жарлик.*

**Т.ФИКРАТ**

Мен ухлайман, мен ухлайман,  
Рўёларга ботаман.  
Тушларимда мен йиғлайман,  
Булутни уйғотаман.

Боқмам ерлик наволарга,  
Билмам қачон қайтаман.  
Мен дардимни ҳаволарга,  
Шамолларга айтаман.

Мен ухлайман, мен ухлайман,  
 Аста юмгайман кўзим.  
 Тушларимда мен йиғлайман,  
 Сен кулиб тур, юлдузим.

1972

## АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЧЎЛПОН

*Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?*  
**ЧЎЛПОН**

1. Она тилим, сен руҳимнинг қаноти,  
 Абут турк нафаси, Олтой чечаги.  
 Хун давридан омон қолди Фиротинг,  
 Кутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.

Ўрхун бўйларида тошга айландинг,  
 Кўкларга санчилдинг. Турон бўлдинг Сен.  
 Мангулик сафарга қачон шайландинг?  
 Қачон бу аламга – кучга тўлдинг сен?

Порлоқ осмонингда қузғунлар учди,  
 Эвоҳ, ёғийларинг солди яғмони.  
 Ёғийларинг жигар қонингни ичди.

Жигар-қон жаранги тутди жаҳонни,  
 Онасен. Кечирдинг, қонидан кечдинг,  
 Бироқ кечирмадинг асло ёлғонни.

2. Дунё оқ эмасдир, йўқ, қора бардош,  
 Куйиб ёдимиздан кечканлар айтсин.  
 Сўзларида заҳар, кўзларида тош,  
 Элидан, тилидан кечганлар айтсин.

Тунлар босиб келар дунё ҳасрати,  
 Кунлар гизли туғён, босиб келар шеър.  
 Нечук қисмат эрур шоир қисмати?!  
 Тушларимни бузар ҳазрат Алишер.

Йиллар баҳоримни учирди чалқиб,  
Музларга кўчирди ўтлуқ ёзимни.  
Ахтардим муҳитда хас каби қалқиб —

Мен ўз Юлдузимни ўз Куёшимни...  
Юлдуз-сен. Куёш-сен. Сен-она халқим,  
Сен учун синдирдим синмас созимни.

3. Оҳ, шоир қисмати ярқироқ, гулгун,  
Завқларга тўлар у. Бир сўзни излар.  
Дунёда ҳеч бир зот билмас не учун,  
Айрича кулар у, айрича бўзлар.

Йўлсизлик йўлдоши, толеи нигун,  
Ҳеч қачон тўярми ахир ёвузлар.  
Бу — халқ душмани, деб тутсалар бир кун,  
Барибир, у халқнинг номидан сўзлар.

Бошида қора қиш, оппоқ баҳорлар,  
Юраги яриму бутун иймони,  
Талотум оламини шивирлаб чорлар.

Тани омонатдир, нақд эрур жони,  
Кўкрак қафасида ловуллаб порлар,  
Буюк муҳаббатнинг қонли нишони.

1974, 1983

### ОМОН АЗИЗ. «КАНДАКОРЛАР»

Ўлтиришар икки жунунваш,  
Икки жаҳон билмаган жаҳон —  
Икки шоир маъюс, хаёлкаш,  
Ўрталикда олов — Туркистон.

Мангу ёнар лаҳзалик оташ,  
Қотиб қолган хаёл бепоён:  
Асрий ҳасрат, юракдаги тош,  
Бир лаҳзалик шодлик намоён.

Титрар олам бир паришонҳол,  
Тўрт тарафда зулматдир ғариб,  
Тўрт тарафни гўё босмиш ёв.

Келажакка ёғдирар савол,  
Гўё тунда имкон ахтариб,  
Чорлар мисда музлаган олов.

1974

## ШАМОЛЛАР

Шамоллар бошимда айланур, дарахтлар тебранур шамолларда, дарахтларнинг меваси ларзон, сояси ларзон. Хусусан дарахтлар... Дор: ювилган кийимлар осилсин, томошо кўрсатсин дорбозлар. Чўян — ошхонада қозон. Дарё: нур. Темир: автомат бармоқ. Қабристон: гулзордир. Бошимда айланур шамоллар. Бошимда одамларнинг, ватанларнинг шамоллар шаклида ҳайқирган овози. Мен бепарво бўла билмасман, Эй, «бахтли» диёрнинг, эй, бепарвоси. Қалбимни асримнинг томирига уларман. Майли, ошсин қон босим, шарт портласин кардиограмма. Кўзларимнинг деворига қараб ўларман.

Сендан аямасман умримни, асрим. Бу умрим нимадир?! О, она Туркистон, бир варақ қоғоз каби ўзимни йиртмасам... Нарсалар нарса эмас мен учун. Нарсаларда бор менинг ўчим, кесилган дарахтлар — тўнғакдир кесилгучи бошларга. Дор: Энг гўзал фикрлар осилган. Чўян: осколка. Қайларга қуюлар бу дарё, бу дарё тинарми?.. Ёки яна қайтадан бизнинг ибтидоимиз бошланажакми? Бу темир: Ғг эмас, таркиби қон, таркиби: қон ва шахидлар қабрига ҳусни — гажакдир. Қуёш фожеъ хотира, асрдош! Йўллар. Икки одам йўл ўртасида бир-бирига боқар, сирдош. Суҳбат қуришар улар. Иккови ҳам кетди бир томон, лекин хайрлашиб олишди асли.

Нарсаларга нарсадай қарай билмасам, ёлғиз сен сабаб шамоллар онаси, ҳей асрим. Деразамни очади бўрон, бўрон очар эшикларни. Менга бир дам бермайди ором кўрганларим, эшитганларим.

Бошимда айланар шамоллар яна.

1965

# ҚУТЛУФ ТУРКИСТОН

1991

---

---

Эй толиб, сен ахтарган йўл Маккага эмас,  
Туркистонга олиб боради.

**ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ**

Туркистон — икки дунё эшигидир.

**МАҒЖОН ЖУМАБОЙ**

**ШАМОЛ, СОЧЛАРИМНИ ТАРАМА,**

Оқарса оқарсин азобдан.  
 Қисмат, ҳайрон бўлиб қарама,  
 Ахир айирмадинг қаҳру ғазабдан.

Кетмакдаман энди. Тонг отар,  
 Алвидо, эй Турон диёри.  
 Кетмакдаман, ахир, биродар,  
 Дунё қолур, дунё губори...

Олдинда кўринур баҳорлар,  
 Бу – туркий Дунёнинг баҳори,  
 Пичоқлар бўғзимга етганда,

Қалтираб тўкмасман ёшимни.  
 Ҳеч нарса йўқ менинг елкамда,  
 Мен сенга бахш этдим бошимни.

1976

**ЧЕКСИЗ-ЧЕКСИЗ ДАҚИҚАЛАРДАН ИБОРАТДИР**

менинг чорак асрлик умрим.  
 Бу қандай иморатдир бунёд этган кўлим.  
 Гап бошқа, устоз, бошқа.  
 Эй умрим, ҳаққимдир ахир бир соатнинг ўзида бир мазмун,  
 Нозимнинг дардлари каби узун,  
 ишончлари каби ғолиб яшашга.  
 Эллик ёшли бефарзанд кишининг  
 «Бир ўғлим бўлса эди»,  
 «бир қизим бўлса эди» – фикрларидай оғир,  
 ёшликнинг ширин армонлари каби олғир,  
 айна орзуларда,  
 айна қайғуларда,  
 айна севинчларда,  
 айна Туркистонда яшамоқ, устоз.  
 Шундай бўлмаса агар,  
 нега керак бу келбат,  
 бу овоз. Шунчаки дарахтдай ўсмоқми,  
 шунчаки дарёдай оқмоқми дарбадар,

У пайт кўзим очиқ, лекин асли кўрмасди,  
 у пайт юрак урар, лекин асли урмасди.  
 У пайт дарахт — дарахт, дарё — дарё,  
 Юсуф — Квазимодо.

Мен-ку истамасман ўлимни, бироқ ҳар соатда,  
 ҳар дақиқада бу ёруғ дунёнинг ҳар томонидан  
 ҳукм этмоқдалар ўлимга мени.

Мен — Юлиус Фучик, дорга тортилди бошим.  
 Тўйчи Эрийгит ўғли — отим менинг — кўксимда со-  
 виган кўрғошин. Ботган кўзларимда жаллодларнинг  
 суврати қотган.

Вьетнамлик бир гўдакман мен — бағри яра,  
 кўлсиз, оёқсиз ва бошсиз ётган. Мен ҳали ҳам турма  
 панжаси ора сўнгсиз ва озод осмонларга қарайман.  
 Қарайман қуёшга.

Мен ҳаёт истайман, гап бошқа, устоз, бошқа...

1965

## БИТИКТОШ

*Азизхон ҚАЙЮМГА*

Фирдавсий бир замон айтгани каби,  
 Ҳар не ўткинчидир фанонинг ўзи.  
 Фақат икки нарса қолур абадий —  
 Ботирнинг шавкати, дононинг сўзи.

Аждодлар Ватан, деб жон фидо қилган,  
 Беҳуда гап сотиб юрмаган улар.  
 Мана, минг йилларни опичлаб келган  
 Битиктош она-Ер ҳақида куйлар.

Вақт қуюнида не давру даврон,  
 Бу — тошга айланган эркдир, бардошдир.  
 Бу — Турк юрт аталган муқаддас армон.

Унга қарайману бир ҳис туяман.  
 Бу юртим тимсоли мангулик тошдир...  
 Юрагим тошига шеърим ўяман.

1972

## ШЕЪРИЯТ

*Сени танимаган шўрликлар аянч.*

**Асқад МУХТОР**

Энг аввал, Одам Ато, Момо Ҳаводан олдин  
 ҳорғин кишиларнинг руҳида бўлдинг бунёд,  
 бунёд бўлдинг Ер ва Дунё аталган Юртда.  
 Сен бор эдинг ҳаётбахш сувда,  
 учар шамолда, иссиқ тупроқда,  
 сен бор эдинг Прометей келтирмаган ўтда.  
 Кейин даврлар, асрлар.  
 Атом асри кейин...  
 Дунёни қайта қурмоқ,  
 ишончга ишонтирмоқ мумкин бўлмасди сени билмасдан.  
 Сени таниганнинг қўлларига дармон бердинг,  
 кўзларига нур.  
 Бош отганда улуғ жангда ўлимга мағрур — ўлими гўзал эди  
 сени таниганнинг. Ўлим — мангу яшамак каби туюлди у дам...  
 Лекин ёқа йиртди, сени унутди, талвасада бақирди,  
 Сени танимасдан увол ўтди оламдан.  
 Ўзи танҳо қолиб кетди қузғунларга ширин емак бўлиб  
 бир бурда.  
 Шу оддий сув мавжида,  
 заррин япроқларнинг кўксида Навоий туғилар, суронларда  
 Нозимнинг овози.  
 Гардандан гирдоб каби қуюлар — Элюар,  
 вужудимнинг ҳар бир ҳужайрасида сўзларнинг содиқ  
 қўшини — Туркистон, Туркистон, Туркистон...  
 Туркийнинг дунёвий қўшиғи.  
 Йўқ, ҳали йўқ.  
 Шоир экватор бўйлаб сенинг юрагингдан отилган ўқ.  
 Юксак орзулари бордир шоирнинг, шоирларда бўлар  
 фақат эзгу ният.  
 Қалам — қалам эмас, бонгта зарб ила урилгувчи чўқмор,  
 ундан таралгувчи садо ва акс садо сен, Шеърият.  
 Зарб! Оқ қоғоз узра, гўё ёруғ жаҳон узра урилар қалам.  
 Зарб! Титрар жаҳон, жуда ёмон, ер титрар, она-ер титрар.

Зарб! Қасрлар, тахтлар ёвузликлар шаклида йиқилди.  
Шоир кулди.

Аллоҳни тан олмаган коммунистик Башарият таниб  
олсин илоҳий, деб сени, Шеърят.

1964

### АГАР

Агар шундай бўлса, агар шундайин,  
Ҳаммаси тушунарли, ҳа, ҳаммаси,  
Ҳаммаси икки карра икки, яъни тўрт.  
Агар шундай бўлса, агар, дарвоқе,

Ҳаёт мураккаб, деб ўйлаймиз, ҳайрон,  
Гавжум – одам тўла бўшлиққа қараб.  
Оқ, қора, қизил, заъфар харита –  
Она Туркистонга бош қўйиб маъюс.

Бу ҳаёт мураккаб, деймиз тик боқиб,  
Юлдузлардек ҳадсиз ҳаёт кўзига.  
Хусусан, ҳаёт кўп мураккаб деймиз,  
Ўз-ўзимиз бузиб қўйгандан кейин.

Гарчанд ҳамма нарса тушунарлидир...  
Барибир бир фикр берингиз менга,  
Оддий «ассалому алайкум» каби,  
«Саломат юрибсизми, она?» дегандек.

«Ўғлим, қаерларда қолдинг сен, тавба?»  
«Уй олдингми? Неча хоналик, иним?»  
«Устинг бут, мояна қанча?» сингари,  
Одатий, кундалик гап монанд фикр.

Ва яна бир фикр берингиз менга,  
Токи тоғ-тошлоқда кезайин сарсон.  
Саҳрони, харсангни сўзлатмак учун,  
Пахта каби юмшоқ сўзласин тошлар.

Ҳаммаси тушунарли, ҳа, ҳаммаси,  
 Агар шундай бўлса, агар. Дарвоқе...  
 Йиртқичлар қайтсин ўз болалигига...  
 Наҳотки, биз қайта билмаймиз, наҳот...

Ҳаммаси тушунарли, ҳа, ҳаммаси,  
 Тушунарли, агарда шундай бўлса.  
 Осмонларга бош уриб ўлмак, қизиқ,  
 Чунки бошинг етмайди. Тушунарли.

Ўйлашиб бир фикр берингиз менга,  
 Токи артмакка шошсинлар одамлар  
 Майса япроқларнинг шабнам ёшларин,  
 Ботаётган кунга қараб йиғлашсин...

1969

### ХАРИТА

Кўзларимга нур сингари сингиб кетар  
 Юрагимнинг суврати — харита.  
 Етар.

Мен ҳали кўрмаган ороллар,  
 Мен ҳали билмаган ерлар, денгизлар,  
 Қонларимда ором олар,  
 Қонларимни бузар.

Бунда кўринмайдир бир чайла,  
 Унда бақираётган бир одам...  
 Қалқир, қалқир ҳар бир ҳужайра  
 Кўзимга сачраган ярадан.

Шу парча қоғозни босиб,  
 Ким қалбимни ғижимлаб отар?!  
 Харита — Туркистон — нафасим,  
 Кўзимнинг иссиғи — харита.

1962

## БАХТ ВА ТАШВИШ

Онам САКИНА ИСАБЕККА

Бахт деб сен чеккан ташвишга ўғлинг арзирми, уза биларманми бир замон узиш мумкин бўлмаган қарзимни?! Ташвиш – қўрғошин каби оғир, Ватан каби, Бахт каби оғир, шунча ёшга келиб, шамолдай елиб, нима фойдам тегди, нима ахир? Барибир, хафа эмассан мендан, тўғрими? Мени деб ташвиш ютасан, мени дунё чоғлаб бошингдан дунёни баланд тутасан, қизғонасан тўпори ўғлингни. Бир машъум зарб ила тўхташи мумкин тақдирлар умри. Истамайсан ваҳший вулқон ила тўсилиб қолсин қуёш. Шундандир қуёшлар қайнови қонингда, шундандир кўзларингда баъзан ёш. Ҳа, дилларнинг доғи бор, умрларнинг адоғи бор бегумон. Аммо Хиросима даҳшати билан бир куни, бир зумда оламдан ўтишимни истамайсан, онажон. Мени бахтим деганинг, менинг бахтим эканинг. Бироқ қийнар ташвиш – бахтиёрлик каби жиддий иш. Сени хижолат этганим, сени маломат этганим – дунёдан бош олиб кетганим. Майли, ҳаммаси олдинда, чекмаган заҳматим, битмаган хатим, олмаган нафасим олдинда, ташвишимни оқларман. Бахтимни ардоқларман, қайта туғилган ўғилдай.

1964

## КЎЗЛАР

1. Маъюс эди сенинг кўзларинг ғоят,  
Гўё йўлсиз ўрмон баргларин тўкиб,  
Қора ёрқинликда шивирлар оят,  
Кўзларингни тинглаяпман энтикиб.

Айрича кўрингай ҳар касга дунё,  
Борлиқнинг савдоли ишларин ўйлар.  
Пирпираб ёнарди юлдузлар, гўё  
Рухнинг мангулигин ёндирар улар...

Занжирми Шарқ қизининг қўлларинда,  
Бир куч топилмасми, кишан синмасми,  
Туркистон, Туркистон энди кулмасми?

Маломат, тутқунлик мангу, ўлмасми?  
Бир совуқ мазорларми йўлларинда,  
Эркинликнинг порлоқ нури инмасми?!

2. Йўлсиз ўрмон оғочлари шовуллар,  
Кўҳна жароҳатга туз сепар ўрмон.  
Тепамда юрғун ой — ғариба увлар,  
Гизли хаёл инграр, холос, беармон.

Кўзларинг қаърида синиқ бир нола,  
Балким қафас ичра уйғонган наво.  
Балким тошлоқларда қон ютган лола,  
Йўқ, ҳавоси сўриб олинган ҳаво.

Йўқ, сен эй, адашган кемани чорла,  
Ойнинг оқ сочларин севиб тарагил.  
Кошки сувга чўксам. Чўкмасман. Сен бор..

Кошки ўтда куйсам. Куймасман. Сен бор.  
Сен борсан. Сен борсан. Офтобим, порла,  
Кўзларингда ёниб битай, севгилим.

3. Нечун, яна, кўзим, кулмайсан нечун,  
Нечун сен ёзмайсан инжа қанотинг.  
Яна тортмакдами ўшал мудҳиш тун,  
Уфқда ўчдими, эй қуёш, отинг?

Очгил кўзларингни. Нашъа соч. Борлиқ  
Оқ эрклик ичрадир, ҳар нарса оқ. Оқ.  
Севгилим, бу сенинг кўзингга боғлиқ —  
Шодлик. Нур тошқини. Бир чаман. Бир боғ.

Булар бари сўзлар-ку, ахир, сўзлар  
Қайларга йиқилар бир кун, беомон  
Кўзинг осмонидан учган юлдузлар.

Кўзингнинг қаърида юкинар, излар  
Ёруғ соҳилларни асрдийда жон...  
Мангулик осмони — бу теран кўзлар.

1977

**ДАРЁ КАБИ ДОИМО УЙҒОҚ,**  
Интилишим тоғ қадар баланд.  
Олис йўлга отландим, бироқ  
Меҳрим билан, муҳаббат билан,  
Эй, кўнглимга тугилган Ватан.

Хотиралар сўзлар ҳар бир тош,  
Эсдаликлар ёғади осмон.  
Тирикликнинг шоҳиди Куёш  
Эсламакдан тинмайди ҳамон.  
Оҳ Туркистон, Она Туркистон.

Чақиради тоғлар, дарёлар,  
Яна йўлга чорлайди мени.  
Мени чорлаб қуёшлар ёнар —  
Ўрганадир ёниш илмини,  
Чақиради тоғлар, дарёлар.

Ҳали олдда қанчалар доvon —  
Ўтгунимча то уни босиб,  
Сўзла, наҳот битадир дармон,  
Кўзларимнинг тутар зиёси?!  
Ҳали олдда қанчалар доvon...

Оҳ Туркистон, энг ширин бўса  
Каби лабларимда уриндинг.  
Мен олисга отланар бўлсам,  
Юракларим бўлиб кўриндинг.  
Оҳ Туркистон, Она Туркистон.

Дарё каби доимо уйғоқ,  
 Интилишим тоғ қадар баланд.  
 Олис йўлга отландим, бироқ  
 Сенга бўлган садоқат билан,  
 Эй, кўнглимга йўғрилган Ватан.

1967

## СЎЗЛАР (2)

Дарак гап – Инсон.  
 Ундов гап – Инсон!  
 Сўроқ гап – Инсон?  
 Яшамакни ўргатар сўзлар.  
 Баъзан кўксимизда ташиган жонни  
 ташламакни ўргатар сўзлар.  
 Сўзлар керак, Бош ҳарфларда яралган.  
 Бош Ҳарфлардан яралган сўзлар.  
 Болари сўздони бир ажиб,  
 сўзлардир пешонада тўпланган ажин,  
 қўлларимиз фикрчан сўзлардир.  
 Ҳаддан зиёд гўзал сўздир – Турон.  
 – «Ассалому алайкум» – бу тонглар отиши.  
 «Ва алайкум ассалом», «Яхшимисиз» – бу йўл.  
 «Хайрли тун» – бу Куёшнинг ботиши.  
 Йўлдаги киши, жуда ажойиб жумлага ўхшайди.  
 Олижаноб сўзларга ўхшайди – Ер шари.  
 Яшамакни ўргатар сўзлар.

1963

## УСМОН НОСИР

Шеърият, йўлларида сенинг,  
Эҳ, кимлар зору зор кезмаган.  
Эҳ, кимлар чок этиб куксини,  
Қалбини гижимлаб эзмаган.

Мен билурман сени, шеърият,  
Юрагимнинг сенсан улфати.  
Лекин эй воҳ, шу эдими, айт,  
Шу эдими шоир қисмати?

У Лайло атаган шеърият,  
Мажнунингни нечун ташладинг?  
Шу эдими ошиққа қисмат,  
Муқаддас кўзларни ёшладинг!

Хато йўлга кирган бўлса ул,  
Нега сен тутмадинг қўлидан?  
Шундай кетди яна бир ўғил,  
Сақлаб қололмадинг ўлимдан.

Она Шеърият, ўйлайсанми,  
Қўйдинг-ку шоирни қақшатиб.  
У қурбони бўлди дейсанми,  
Сўқир замонанинг ваҳшатин?..

Қандай аянч, бу надир ахир,  
Кечирмасман сени ҳеч қачон.  
Вужудимни гижимлар оғир  
Руҳим ичра яланғоч виждон.

Наҳот мумкин эмасди, наҳот,  
Лол турганда дунё қаршингда,  
Қийнашганда оҳанглар ноҳақ,  
Бир қадам тушмадинг аршингдан...

Ён шеърият, тутунга айлан,  
 Ён, Туркистон, тамом бўл, жигар,  
 Ўз, шеърини ул ўзи билан  
 Ёндиргани рост бўлса агар!

Шеърият, йўлларингда сенинг,  
 Эҳ, кимлар зору зор кезмаган.  
 Эҳ кимлар чок этиб кўксини,  
 Қалбини гижимлаб эзмаган.

1965

### ОНА ТИЛИМ

1. Абут-Турк тарихдан балки бир ҳикмат,  
 Бироқ сен борсан-ку Турон элинда.  
 Шоир, Сўз айтмакка сен шошма фақат  
 Улуғ Алишернинг қутлуғ тилинда.

Ул олис қуёшдир, куйиниб ёнар,  
 Олис хотиротдир ўчмас фалакда.  
 Ҳақдан, Ҳақиқатдан кўринг ким тонар?  
 Дунёвий аламнинг тийғи юракда.

“Ватан” деб аталган бешик, онажон,  
 Мен учун ёпилган эшик, онажон.  
 Мен сокин солланиб илғаб борарман,

“Ватан” деб аталган тобут кўйнида.  
 Чувалган булутни қордек қорарман,  
 Руҳимнинг панжаси чақмоқ бўйнида.

2. Ҳеч зот уза билмас узилган жонни,  
 Ҳақиқатни уза билмас ҳеч қачон.  
 Элим, она тилим, руҳимнинг қони,  
 Бир имдод сўрайман сендан, онажон.

Чаёнзор йўлидир борар йўлларим,  
 Таним ёнмакдадир ишқсиз очунда.

Кўкларга тўқинар сўнгак қўлларим,  
Оёқларим менинг тупроқ ичинда.

Барчанинг бошида бирдек беомон,  
Манҳус замонларнинг ўлик шамоли.  
Бузгун йигирманчи аср аъмоли.

Менинг она тилим, мунис, меҳрибон,  
Сен Туркий Дунёнинг голиб хаёли —  
Сени ёзажакман, тирилган жаҳон.

3. Улуғ Туркистоним, олтин далалар,  
Офтоб сочқи сочар бош узра балқиб.  
У сенинг тилингда айтар аллалар,  
Қоним, она тилим, оҳ, она халқим.

Навоий байтига ўхшайди йўллар,  
Бу тошлар Ҳамзанинг қотили, ҳайҳот!  
Наҳотки умрбод ўртаса ўйлар,  
Умрбод занжирбанд этса хотирот?!

Занжирбандман, она тилим, Она сўзингга,  
Кундайин сўларман, ойдаи тўларман,  
Мил каби тортарман сени кўзимга.

Мен ғариб бандангман. Бир Сўз тиларман.  
Бошимни қўярман сенинг изингга,  
Қудсия анфосин сўйлаб ўларман.

1965, 1977, 1997.

## ОҲАНГ

Сен оҳанг, эй ғамли оҳанг,  
Танимасдим, билмасдим олдин.  
Томиримда хун талашур жанг,  
Шунча ғамни қардан олдинг?

Билмасмидим, ёруғ дунёда  
Шунча алам, шунча изтироб.  
Қайғуларда туйғулар ёнди,  
Заҳарми симирди хотирот?!

Ёмғир гўё дийда ёшидан,  
Нечун яраланди тушунча?  
Аламларга тимсол ўхшайди  
Тонг чоғида очилган ғунча.

Дилгир-дилгир юлдузлар ёнар,  
Ой ўзини отади ҳозир.  
Менинг ўйчан, меҳрибон онам —  
Ер шаридан олинган тасвир.

Йўқ, сен оҳанг эмассан. Ёлғон,  
Сен қалбимда эшилган нидо.  
Сен ҳам менга ўхшаган Инсон,  
Сен ҳам дунё, шу Туркий Дунё.

1963

**БУТУН УМР ЎЙЛАР БАНД ЭТАР,**  
Биздан айри тушмас бир замон.  
Ўйлар — Турон, ширин Ватандир,  
Ўйларимиз бир аччиқ жаҳон.

1965

**ЯНА ҚАЙТИБ КЕЛДИМ. ЧАНГ ТҮЗГАН**

Йўлимизни соғиндим, она.  
Том устида майсалар ўсган  
Уйимизни соғиндим, она.

Азиз даргоҳ остонасида  
Сизни қалбим билан қучайин.  
Тўйиб-тўйиб сопол косада  
Муздек қудуқ сувин ичайин.

Ҳар бир нарса яқиндир менга,  
Ҳар бир нарса менга қадрдон.  
Қараб қолдингизми йўлимга  
Иссиқ нонлар узиб тандирдан?

Койимангиз мени бу сафар,  
Унутди деб уйни, даламни,  
Не чора бор, дил ёнса агар,  
Дил соғинса туркий оламни.

О, қишлоқнинг мунис чиройи,  
Аччиқ пиёз тўғрайин ўзим.  
Дил соғиниб йиғлади доим,  
Ҳозир, майли, йиғласин кўзим.

Тарғилланиб бормоқда осмон,  
Оппоқ ҳидга тўлмоқда бағрим.  
Айтингиз-чи, борми соғ-омон,  
Шаҳло кўзли менинг тарғилим?

Оғушимда зангори сезги,  
Кипригимда суюқ ҳаяжон.  
Кўзларимда юмалоқ севги,  
Саломатман мен ҳам, онажон.

Қайтиб келдим яна. Чанг тўзган  
Йўлимизни соғиндим, она.  
Том устида майсалар ўсган  
Уйимизни соғиндим, она.

**ХАЙРОН, МАҒЛУБ БУ КОИНОТ,**  
 Ұйнар гуллар, ұйнар насим.  
 Айтинг, кимга этмиш насиб,  
 Бу кимнингдир ширин ҳаёт,  
 Хайрон, мағлуб бу коинот?

Майли, ҳали бор имтиҳон,  
 Хув, олдинда буюк орзу.  
 Уфқ ёриб кетмакда у,  
 Хув олдинда Улуғ Турон,  
 Майли, ҳали бор имтиҳон.

Садолар бер, бахтли жаҳон,  
 Унда йўқми ёвуз ўлим?  
 Сарбон, қани кетдик, сарбон,  
 Турон томон карвон йўлим,  
 Ассалом, эй бахтли жаҳон.

1965

### «ЧЎЛИ ИРОҚ»

Уфқ ёнар. Уфқ. Уф-ф!  
 Карвон борар қумликда. Қум... Қум...  
 Туяларда ҳазин қўнғироқ:  
 Чўли Ироқ, чўли Ироқ.  
 Тун... Кун... Тун...

Поёни йўқ мунгли бу саҳро  
 Узра хурмо  
 Ўсадир танҳо.  
 Хурмо ости ложувард булоқ,  
 Чўли Ироқ, Чўли Ироқ.

Юрак чапак чалади чанқоқ.  
 Беҳуда севинар карвон.  
 Карвон учун  
 Энг ширин армон —  
 Улуғ Турон —

Ўша булоқ...  
Қуриган бироқ,  
Чўли Ироқ, чўли Ироқ.  
Йўли йироқ — кўп ёмон...  
Тун... Кун... Тун...

1965

**МЕН ЎТКИНЧИ, МЕН ФАҚАТ МЕҲМОН,**  
Даргоҳингда, эй туркий тилим.  
Менга бир шеър керак, эй мезбон,  
Ёзилмаган шеър эрур дилим.

Айтгил, нечун бунчалар қизиқ  
Эски жаҳон, бу эски жаҳон?  
Бир шеър керак нон каби иссиқ,  
Менга бир шеър керак, эй мезбон.

Мен ғарибман ва сен беомон,  
Сен Қуёшсан, мен сўнган чироқ,  
Қийнамагил мени, онажон,

Сен — абадий, мен — лаҳза, бироқ  
Итоат эт менга шул замон  
Ё айлагил телбани тупроқ.

1964

### САМАРҚАНД ОСМОНИДА

Кезар бўлдим фазоларда ман  
Оқ тўлқинлар уммони ичра.  
Юрагимда қайғу — шодумон,  
Айланурман Самарқанд узра.

Кўз ўнгимда қадимий жаҳон,  
Асрларни бузар ҳаёлим.  
Осмонида шунча ҳаяжон,  
Тушганимда не кечар ҳолим?

Фалакларда муаллақ турдим,  
Мени сўнгсиз хаёл этмиш банд.  
Сенинг буюк ўтмишинг кўрдим,  
Келгусингни кўрдим, Самарқанд.

Тарих айтар, аста жаранглар  
Даҳмаларда қадрдон калом.  
Зиё сочар самовий ранглар,  
Минорларда абадий илҳом.

Клавихо каби боқурман,  
Бошинг узра келдим-ку алҳол.  
Асрлик тош янглиғ қотурман,  
Шоҳизинда қошида беҳол.

Ошиқман-ку, мен учун басдир,  
Атамассан менга қаҳрингни.  
Лекин барча ошиқ эмасдир,  
Сен уларга очма бағрингни.

Карвон-карвон келиб кетдилар,  
Ҳаммасини бағрингга олдинг.  
Шамол каби елиб кетдилар,  
Фақатгина сен мангу қолдинг.

Илҳом излаб келди бирови,  
Биров сенга қилинди сургун.  
Ким дўст эди, ким эди ёвинг,  
Барчасини айтолмам бугун.

Ер талашиб келдилар ахир,  
Ваҳший тўда айюҳаннос уриб.  
Ҳаммасидан хабардор тарих,  
Мен не дейин осмонда туриб.

Бўлган-ку кўп қиёмат-қойим,  
Қийин эрур ахтармоқ қиёс.  
Туркистонни ўйлармиз доим,  
Келажакка буюк эҳтирос.

Тушлар кўриб ухларсан, гўё  
Тушларингда қадимий қисмат.  
Эй Самарқанд, эй кўҳна Дунё,  
Сен уйғониб кетмагил фақат.

Кўпдир шаҳар деганнинг оти,  
Имкон бўлса кўрарман бир-бир.  
Бироқ танҳо эрур ҳаётим,  
Танҳо эрур Самарқанд ахир.

Бахти кулган элни кўргайман,  
Хароб бўлган бўстон жойида,  
Таъзим бажо қилиб тургайман  
Кўктангрининг қутлуғ пойида.

Кезар бўлдим фазоларда ман  
Оқ тўлқинлар уммони ичра.  
Юрагимда қайғу — шодумон,  
Айланурман Самарқанд узра.

1967

### ТАЛПИНАДИ ШУНДАЙ КУЛАДИ

Кўм-кўк ўрмон ва тиниқ дарё.  
Дарё узра ой ҳам қулади,  
Ер ҳуснига бўлиб маҳлиё.

Талпинади яшил далалар —  
Совутади асов отини.  
Қуёш ширин ўйларга толар,  
Бугун ёзар гул ижодини.

Совуқ юракларга ўт қалаб,  
Ўзи бериб ўзига баҳо,  
Мангуликнинг нағмаси ила  
Талпинади Туронда баҳор.

1962

**ДИЛГИР МУСИҚА ОҚАРДИ,**

У пайт сўзсиз ва паришон  
 Бир-биримизга боқардик.  
 Сени алдамайман... Ишон...  
 Дилгир мусиқа оқарди.

У пайт кўзинг эди — маъно,  
 Сохта туюларди сўзлар.  
 Орзуларим каби наво —  
 Сенинг каби мислсиз гўзал.  
 У пайт кўзинг эди — маъно.

Оқшом. Туркистон ва ёмғир,  
 Сен ёнимда. Сен... ёнимда...  
 Аста тўхтар бу куй офир.  
 Куй бўлиб қолдинг ёдимда.  
 Оқшом. Туркистон ва ёмғир.

1963

**ЮРАК**

Гўё барибирдир яхши ва ёмон,  
 Юрак, сенга борар кўчалар очиқ.  
 Сачраб ёнарсану бўлмассан тамом,  
 Ўткинчи ғамларга аччиқма-аччиқ.

Юрак, йўлларида турганман такрор,  
 Роса сайраганман сенинг тўғрингда.  
 Ким билар, ақлимга келдинг неча бор,  
 Неча бор сўзладим сенинг йўғингда.

Балки алдаганман ваҳима ютиб,  
 Сен-да ташвишларга солгансан балким.  
 Бугун-чи, дегайман ўзимни тутиб:  
 Сен ҳақсан барибир, менинг юрагим.

Шул осмон остида кезгаймиз ҳали,  
 Мантиқ ахтаргаймиз изғиб изма-из.  
 Даркор бўла қолсанг йиқилгил, майли,  
 Фақат йиқилмасин шўрлик дунёмиз.

Майлига, ҳайқирай иймоним ҳаққи,  
Кўкларга термулиб солайин уввос.  
Мен фақат Туркистон аталган ёрқин,  
Бир бутун Ватанни истайман, холос.

Гарчи тутқинман-ку эркин сеҳрингга,  
Унда собит турар мақсуд – манзилим.  
Қолиб кетмасайдим сенинг меҳрингдан,  
Қолиб кетмасайдим йўлда узилиб.

Ажойиб диёрсан, қалбим, на чора  
Шодлик ва ҳасратнинг маскани санда.  
Овоз бер, куйингни эшитиб зора,  
Эслаб қўярлар-ку ҳеч бўлмаганда.

Айтгил, куйларманми бир кун, юрагим,  
Айтгил, куйларманми боқмай ўзимга.  
Сени жарроҳ каби совуққон ва жим  
Юлиб қўярманми қоғоз юзига.

У пайт алдамасдинг кўзимга боқиб,  
Шодумон дардингни айтардинг буткул.  
Унгача илҳомлар келмагай оқиб,  
Унгача дунёни англамак мушкул.

1967

### БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ

Фамли фонтан, ҳамон йиғлайсан,  
Ҳасратларда бўлмайсан адо.  
Эҳтимол, кимнидир йўқлайсан,  
Кимлардандир бўлгансан жудо.

Неча-неча малак қошингда,  
Тўкиб солган қонли ёшини.  
Сен йиғлайсан балки ушандан,  
Фамли фонтан, эгиб бошингни.

Кўнгил учун ахир кулмайсан,  
Сен ҳамон йиғлайсан, бечора.  
Кўрганингни айта билмайсан,  
Бир гап айта олсайдинг зора.

Шу зангори осмон остида  
Хаёлотдек бепоён олам.  
Нуқта каби олам устида  
«Крим» деган бир мамлакат ҳам.

Қаҳрли, бешафқат гаройлар...  
Ўзинг гувоҳ, кўз ёшинг гувоҳ.  
Кечди аср, йиллар ва ойлар,  
Нелар кечди бошингдан, эй воҳ.  
Кўкка етди сабр дарахти,  
Йиғла, Крим, йиғла, Тангри Кўк.  
Не бўлмоқда инсонлар, айтинг,  
Крим бору қримликлар йўқ.

Айтинг, менга қайда адолат,  
Қайда, айтинг, инсоний ҳуқуқ.  
Бу на ҳолдир, қандайин ҳолат,  
Крим бору қримликлар йўқ...

Фамли фонтан, ҳамон йиғлайсан,  
Ҳасратларда бўлмайсан адо.  
Эҳтимол, кимнидир йўқлайсан,  
Кимлардандир кутасан садо.

1965

**УЙФОНАР ТУРКИСТОН, УЙФОНАР ДУНЁ,**

Порлоқ умидларга тўлиб кун ботар.

Бахт сингари олис юлдузлар, гўё

Азал гўзалликнинг шаъмини ёқар.

Кўнглим осмон янглиғ. Ёришди осмон,

Келур от ўйнатиб Халоскор Сарбоз.

Ёрқин саҳарларда сен, Руҳим, омон

Юксак-юксакларга қилавер парвоз.

Эй Само, эй Замин, эй Инсон — Қодир,

Гуллар, чечакларга тўлсин ойдин йўл.

Нафосатга ахир чидамли одам.

Бу кун сен бошқасан, Дунё бошқадир,

Сен-да ҳур туғилдинг. Бир сўзла. Бир ўл,

Ва билгил қайларда сарсондир Алам.

1962

**АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОНГА МУҲАММАС**

Юзлашдинг балоларга, аламлар ичра кўзлашдинг,

Ўзинг куйдинг, ўзинг ёндинг, ўзгалар ҳаққи ўзлашдинг,

Бу қул бозоринда изғиб қумрилар каби бўзлашдинг,

Кўнгил, сен бунчалар нега кишанлар бирла дўстлашдинг,

На фарёдинг, на додинг бор, нечун сен бунча сустлашдинг?

Кўзимга хоки Туроним, озодлик гарди инмасми?

Бу кунлардан умид йўқми? Йўлларинг қаро тунмасми?

Хазон бўлган баҳор сенми, нишон ҳурликдан унмасми?

Ҳақорат дилни оғритмас, тубанлик мангу тинмасми?

Кишанлар парчаланмасми, қиличлар энди синмасми?

Аллоҳ-Аллоҳ, йиғлаюрсан, булутдек бағри сўзонсан,

Мунавварсан, мукаррамсан, рисолат туғида шонсан,

Сен Каъбамсан — Туркистонсан, хунимсан, сен ахир қонсан,

Тириксан, ўлмагансан, сен-да одам, сен-да Инсонсан,

Бўйин эгма, кишан кийма, ки сен ҳам ҳур туғулғонсан.

1983

## УСМОН НОСИРГА МУХАММАС

Қачон келдим, қаён кетдим, йўлимга темир тўр этдинг,  
Юрак сенми, фалак сенми, зоримга бунча зўр этдинг,  
Соқов девор уза ёздим, қўлимни қонли бўр этдинг,  
Юрак, сенсан менинг созим, тилимни найга жўр этдинг,  
Юрак, сенсан ишқибозим, кўзимга ойни беркитдинг.

Доруломон замон ўлмас, қутилмас санги гумроҳдан,  
Бу сотқинлар ҳамон бордир, аюргай мангу тупроқдан.  
Бўғзимда қотди жоним, ҳей, қотилни тўхтат бўғмоқдан,  
Сенга тор келди бу кўкрак, севинчинг тошди қирғоқдан,  
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи сени таржима қилмоқдан.

Оёғим йўқ, қўлим йўқдир, йиқитгайман бу дорингни,  
Юрак сенсан, тавоб этгум ювиб дарду ғуборингни,  
Кўрарсен бир куни бўзлаб ўшал туркий диёрингни,  
Сен, эй сен, ўйноқи дилбар, зафардан изла ёрингни,  
Тўлиб қайна, тошиб ўйна, тириксан, куйла борингни.

Алвидо, дил, агар дунё ғараз бўлса, мараз бўлса,  
Алвидо, тил, қани ҳурлик, қани эркин нафас бўлса,  
Алвидо, эл, итоат эт Ватан рамзи қафас бўлса,  
Итоат эт, агар сендан Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан сен, ёрил, майли, тамом ўлсам.

1985

Ассалому алайкум, дорнинг оғочи.  
«Кунтуғмиш»дан  
**АКИФ БАФИРГА**

**КҮНГЛИМ ҚОРОНҒУДИР, ТЕВАРАК ТУТУН,**  
Ёлғиз бошим узра увиллар шамол.  
Кўзларимни ғажир аллақандай тун,  
Сен кимсан, нимасан, сен кимнинг божи?  
Ақлимни гижимлар яланғоч савол,  
Ассалому алайкум, дорнинг оғочи.

Туркийлар, айтингиз бизда нима бор,  
Бизда бор мутеълик, қуллик, озорлар,  
Бизда бор қўллардан кетган ихтиёр,  
Манҳус кимсаларнинг талон-тарожи.  
Хайқириб ётибди буюк мазорлар —  
Ассалому алайкум, дорнинг оғочи.

Туркийлар, айтингиз бизда нима йўқ,  
Бизда йўқ иттифоқ, бизда йўқ бирлик,  
Оёқ остиндадир инсоний ҳуқуқ,  
Бу туркий оламнинг қутлуғ меърожи.  
Оёқ остиндадир муқаддас ҳурлик,  
Ассалому алайкум, дорнинг оғочи.

Ёвузлар кучларин тўплаб шайланар,  
Ичи тўла ғазаб, қўлларида тиғ,  
Замонлар айланар, осмон айланар,  
Она Туркистондир туркларнинг тожи.  
Айтингиз, қандайин яшаймиз ортиқ,  
Ассалому алайкум, дорнинг оғочи.

Нон сўраб келганга жонингни бердинг,  
Сендадир матонат, сендадир тоқат,  
Қон сўраб келганга шонингни бердинг,  
Юртингни бердинг сен қаттол хирожи,  
Ўлдирсанг ўзингни ўлдирдинг фақат,  
Ассалому алайкум, дорнинг оғочи.

Магар оҳинг билан оламини тўлдир,  
 Тингламас Аллоҳинг нолаларингни.  
 Ваҳки, отангни от, онангни ўлдир,  
 Эй, қора дунёнинг қора муҳтожи,  
 Бўғизла толесиз болаларингни,  
 Ассалому алайкум, дорнинг оғочи.

1988

**ЭЙ СИЗ, ТҮЙГАНЛАР,**  
 Эй Сиз, башанг оломон.  
 Юзингизга сепаман сўзларимни...  
 Ҳа! Ҳеч нарса йўқ менда, ҳеч нарса.

Хотин – йўқ,  
 Фарзанд – йўқ,  
 Дўст – йўқ,  
 Ватан – йўқ.

Йўқотганларимнинг алами-заҳри,  
 Кўксимдаги санчиқ олами –  
 Шеъриятдан бошқа  
 Ҳеч нарса, ҳеч нарса, ҳеч нарса.

1987

**ЎЗИНГНИ АЯМА БОРАЁТГАН ИЛДИЗ,**  
 Юлғичлар йўлда тутиб урсалар-да,  
 Қора совуқ юла кетган япроқларнинг юзига.  
 Шохларингни бўшатсалар-да қоқиб шамолларда ўғрилар.  
 Кўзларингга суқсалар-да палидлар  
 Ҳаром қўлларини,  
 Оғриқнинг ўзигача санчсалар-да пичоқларини,  
 Ҳайиб ўз исмларин.  
 Ўзингни аяма бораётган Илдиз,  
 бораётган Ҳасрат,  
 бораётган Ватан,  
 Она Туркистон.

1988

# САКИНА

1995

---

*Онам Сакина Исабекнинг  
маънос хотирасига ҳасрат ила*



**ПОЧТА. ТЕЛЕГРАФ. ТЕЛЕФОН. КИРДИМ.**

Зўрға олиб келдим оёқларимни,  
Танбал, эринчак бир вужудки бу, эҳ,  
Оёғим маъюсликнинг оёғидир.

Гоҳ шундай бўлурки, миямда ғашлик,  
Ўзим бир челак қон, сув ва бошқалар,  
На Вьетнам, на Исроил, на АҚШ,  
Дунё ўз йўлига, мен ўз йўлимга.

Шоҳкурсига ташлаб қўйдим ўзимни,  
Юмшоқ шилимшиқ шоҳкурсига чўкиб,  
Кута бошладим рағбатномалар,  
Дўстларимнинг ёзмаган мактубларин.

Бошин аранг тутар оғир устунлар,  
Залда уймалашган жонларга қараб.  
Бу ер говурига беларво, беҳис  
Почта қутилари туришар узун.

Қопқоқли оғзини очару ёпар,  
Бу ерда елим ва сиёҳ ҳидлари.  
Бу ерда қоғозлар бўлмоқда исроф,  
Гарчи воқиф эрурлар ҳар нарсадан.

Эй, бечора варақ, қафасга тушдинг,  
Телефончи қизнинг овози чиқар.  
Жаранглар совуқ: “Фалон Фалончиев,  
Жавоб бермаётир... Алло, Фаргона...”

Туркистон?! Олтинчи хонага киринг...  
Бу ерда сўррайиб турманг, азизим”.  
Омонат кассасин қулоғи тирбанд,  
Ўликнинг оғзидек очиқ дарича.

Биров пул қўйишга шошар, бахтиёр,  
Биров олар сўнги сўмин паришон.

Менинг унга раҳмим келмайди. Ажаб,  
Бу ерда ўйин тушар шодлик ва ғам.

Оёқларин кериб оҳанг пуркайди,  
Тахталар. Қандиллар жўр бўлар шошқин,  
Булғаниб маст ҳолда ёзғичлар ётар,  
Ғижим қоғозларга боқишиб ҳайрон.

Телефон хонанинг бирида кулгу,  
Бирида кулгунинг тескарисидир.  
Бунда сувратлар ҳам қандайдир дардли,  
Тўғриси, дардларнинг шаклидир булар.

Гоҳ шундай бўлурки миямда ғашлик,  
Бурчакда оқ, жиддий туфдонлар фақат,  
Туфукларин сочиб турар илжайиб.  
Нофелет, Фаргелет, Атчоп. Кетаман.

1969

**МУАЛЛАҚ ҚЎЛЛАРДЕК БУЛУТЛАР,**  
Қўйган каби кундага бошни,  
Ташна саҳро ёмғирни кутар.

Дунёлар ўтларга қорилган,  
Англамайдир бу қайноқ тошни,  
Бу саҳро қонталаш, ёрилган.

Сабрсиз, бу саҳро сабрсиз,  
Қайга кўмсин бу чексиз лошни  
Қабрсиз, бу саҳро, қабрсиз.

Пуфлар куйиб кетган қуёшни.

1962

## СЕН АЙТ, БУ КУН СЕНИНГ АЙТГАНИНГ АЙТГАН

Узун каломингдан увушади жон.  
 Юлдузлар ҳаддига кимлар ҳам етган.  
 Сўзнинг ҳисобига етибмиз қачон?  
 Сўзлардан дераза, сўзлардан эшик.  
 Сўзинг остонадир, кошона сўзинг.  
 Сен айт, миннатдормиз, бошимиз эгик.  
 Сўзлар салтанатин султони ўзинг.  
 Кимдир бузди сўзни, кимлар ўнглади.  
 Ким сўзнинг жаллоди, кимлар қурбони.  
 Олислар тинглади, яқин тинглади.  
 Қўйнимизга тўлди Сўзлар хирмони.  
 Бошимизга қўниб, Сўзлар инглади.  
 Кўнглимизга ботди Сўзнинг ҳижрони.

1971

## ҚАДИМИЙ ТУРКИЙЛАРДАН

Чиқмасми қуёш балқиб,  
 Боқмасми қодир худо.  
 Алвидо, она халқим,  
 Алвидо, эй алвидо.

Пўлатхонни ўлдирди  
 Оқпошшо жаллодлари.  
 Еру кўкни тўлдирди  
 Ўзбекнинг фарёдлари.

Ўзбекмомо авлоди,  
 Ўзота ўғлонлари,  
 Рост бўлди юрак доди,  
 Қонларга тўлғонлари.

Денгизи қуриб битди,  
 Дарёлари оқмасми,  
 Наҳот, бизни ер ютди,  
 Қодир худо боқмасми?

Туркистонни бўлдилар,  
Парчаланди бемажол.  
Устимиздан кулдилар  
Ул ёвузлар бемалол.

Чиқмасми Куёш балқиб.

1981

## САЙЁД НАВО

### 1.

Бас, эй маккор, ғайри иймон истамам,  
Бори фитна, бори ёлғон истамам,  
Менга онсиз икки жаҳон истамам,  
Инсонманам, ўзга унвон истамам.

### 2.

Кезиб шоир тинглагай фарёдлар,  
Шоир тили ўз элидан додлар,  
Боғ — боғбони йўқ, на эл — элбони йўқ  
Бори ўғри, бори каззоб жаллодлар.

### 3.

Онга гуноҳ, онга шафқатдурур, ё раб,  
Онга зиён, онга рағбатдурур, ё раб,  
Онга қайғу, онга раҳматдурур, ё раб,  
Онга бунёд, онга ғоратдурур, ё раб.

### 4.

Куйди очун, мен учун фарёд қил,  
Тутқунманам, сен мени озод қил.  
Исодин кечадурмен дейил Сендан,  
Ўзни қутқар ва Сайёдни ёд қил.

### 5.

Маним мулким, маним сўзим — жавҳарим,  
Сўзимнинг шуъласи ёнган ахгарим.  
Инонмаки ўлмас бу мулкни йитиб,  
Дардки мулким, дарди олам меҳварим.

## 6.

Бу фалак бедодидин ўртанди дил,  
 Ёри агёр шеvasига қонди дил,  
 Не наво қилди, вале Сайёд Наво,  
 Ёнди Одам, ёнди Олам, ёнди дил.

1982

**ЁНАЁТГАН АЁЛ**

Тентирар Касофат, голиб Аҳраман,  
 Ҳақорат жар солар бунда бемалол.  
 Қаён кетмақдасан ёниб, қаҳрамон,  
 Қаён кетмақдасан, эй ёнғин — Аёл.

Кўксингда Ҳарорат сўниб бўлдими,  
 Кўзингда сўнги шам ўчдими, наҳот?  
 Тўхта! Қолган — қолди. Ўлган — ўлдими?  
 Тўхта. Куйма, дейман. Бу куйган — ҳаёт.

Ёнаётган Аёл, шафқат қил, уйғон,  
 Ёнаётган Аёл. Ҳурмуз — паноҳинг,  
 Болангга қарагил, у — тирик тугён.

Тирик Жасоратдир, тирик Аллоҳинг,  
 Қани, туркийларинг, Туронинг қани?!  
 Ёнаётган Аёл, ёндир Дунёни.

1988

**УХЛАМА СЕН, ҲАҚИҚАТ,**

Чидам билан бориб қайт,  
 Оқ бўлсин босган изинг,  
 Суйиб айтгин, туйиб айт,  
 Ловуллаб турсин сўзинг.  
 Куйиб айтгин, тўйиб айт,  
 Ухламагин сен ўзинг,  
 Ухламагин сен фақат.

Мудроқ кўрқоқ жонларни,  
 Уйқудаги муваққат  
 Басирларни уйғотгин,  
 Норасо маконларни,  
 Қасрларни уйғотгин.  
 Уйғотгин замонларни,  
 Асирларни уйғотгин,  
 Ухламагин сен фақат.

Чидам билан бориб қайт,  
 Элни тўплаб, уйғотгин,  
 Заҳар хўплаб, уйғотгин.  
 Сўзларингнинг Куёши  
 Аччиқ ёшга айлансин,  
 Ботирларнинг кўз ёши  
 Бир кун тошга айлансин...

Ухламагин сен фақат.

1987

### **ОСМОН ЎЗГАРИБ КЕТДИ,**

Бўзариб кетди осмон Бугун.  
 Ҳеч нарсани англамай қолди,  
 булутларми бу, тўзонларми бу  
 кўзларига кираётган.

Ғимирлаб қолди ҳамма нарса осмоннинг тагида.

Хушомад қила бошладилар майсалар,

Шамоллар, Булутлар, чанглар,

Яна аллақандай нарсалар.

Осмон депсиниб ўзгариб кетди,

Бўзариб кетди осмон Бугун.

Ўзлигини унутди осмон...

Ўзининг борлигини ҳис қилди бир вақт.

Барибирлик ўрнашиб олди унинг чексизлигига.

Шунинг учун ҳам хўмрайиб туришлик энди

Шарт эмаслигин тушунди.

Мана сенга, мана сенга, мана Сенга, деди.

Худди пастларда ивирсиб юрган одамларга ўхшаб.

1981

**СЎНМАС РУҲИМИЗДА МАТОНАТ АСЛО,**

Аждодлар парафи абадий яшар.  
Мукаррам зиёсан, эй туркий Дунё,  
Қўллагил, Аллоҳим, қўллагил, Башар.  
Сўнмас руҳимизда матонат асло.

Ёлғиз Аллоҳимиз, чорлар Истиқлол,  
Муборак сиймолар, ботирлар чорлар.  
Ёлғиз паноҳимиз, чорлар Истиқлол,  
Жаҳонга, Инсонга муҳаббат порлар,  
Ёлғиз Аллоҳимиз, чорлар Истиқлол.

Уйғон, турк Дунёси, муқаддас Турон,  
Куёш, бошимиздан сочгил қутлуғ нур.  
Асл Турк юрти бу, қадим, навқирон,  
Темур умиди бу, Туркистон мағрур,  
Уйғон, турк Дунёси, муқаддас Турон.

1990

**ЙЎЛОВЧИ**

Хаёлимдан олтин қафас тўқидим.  
*Абдуҳамид Чўлпон*

1. Сўзнинг гулханида руҳим исинди,  
Ул юлдуз, ойларнинг сўзин ўқирдим.  
Лабларим ёрилди, тишларим синди,  
Хаёлимдан олтин қафас тўқирдим.

Иймон қайда? Билмас қаттол жувонмарг.  
Дам кўкка боқадир, дам ерга боқар.

Аламзор қўйнида эзилган бир барг,  
Сўнги унут сўзин дарёси оқар.

Ундан-да сўрайман, Шеърият надир?!  
Лаззатга фарқ ботиб Кунга қарайман.  
Ҳеч тузалмас яра, у Сўздир ахир.

Илиндим, энди мен нега ярайман?  
Даврлар қаърида инграйдир башар.  
Айтадир: – Шоир йўқ, шеърият яшар!

2. Сатрлар сангида шоир ниҳондир,  
Учратдим тушимда, қўлим узатдим.  
Лаънат пучмоғига кўксим нишондир,  
Ҳовлиқма созимни қайта тузатдим.

Илгари чалинган сеҳргар қўшиқ,  
Дор остидан учиб, танимга қайтдим.  
Азон овозига овозим қўшиб,  
Сочилган соч каби сўзимни айтдим.

Учиб ўтган турнамидир, ғозмидир,  
Лола руҳлар қўлкасими хорасиз.  
Ҳовуч-ҳовуч ичганим овозмидир,

Чорасизлик чора бўлмиш чорасиз.  
“Дард” сўзин қонида тийрар милён кўз.  
Адашган йўлчини йўллагил, эй Сўз.

3. Суруниб-уруниб охир йиқилдим,  
Умримни ёлғонга, чинга кўмдим мен.  
Лойимни булғадим, йиғлаб тиқилдим,  
Ҳукм қилдим ўзимни. Оҳ, сўндим мен.

Иқрорман. Мен бандаман гуноҳкор,  
Дард тўла бошимда хиёнат йўқдир.  
Агар юрак ёриб қилсам ошкор –  
Сўзларим зулмга отилган ўқдир.

Улар ким!? Мен Сўзни севдим. Мен – хароб,  
Лойиқманми Сўзга, билмадим, нетай?  
Ҳорғин йўловчиман, манзил-да сароб.

Итдек изғидим мен. Мен энди кетай.  
Деворга бошимни уриб бўзладим,  
Аллоҳга сифиниб, бўзлаб сўзладим.

**1. ЧАҒАЛАЙИМ, МЕҲМОН ЧАҒАЛАЙ,**

Бу юртга қайдан келдинг.

Нечун келдинг, қурбон чағалай?

2. Сен ўйлаган омад йўқ,

Сен сўйлаган қомат йўқ,

Сен бўйлаган бир мард йўқ.

3. Чағалайим, сени суйганлар ёлғон,

Сени деб куйганлар ёлғон,

Сенга тўйганлар ёлғон, Чағалай.

4. Тошингни тайирдилар,

Қошингни қайирдилар,

Сени мендан айирдилар, Чағалай.

5. Унут бўлган Чағалайим,

Унутилган қонли дунё бу.

Дунё нажот излайдир.

6. Чағалайим, у дунёда

Сен ёлғиз, мен-да ёлғиз.

Ёлғиз Аллоҳим, ёлғиз.

1994

**1. МАНА ЗАҲАР, ҲОЗИР ИЧАМАН,**

Кетаман мен сизнинг ҳаётингиздан.

“Севаман”, деб сизни алдадим.

2. Мен йиғладим тушимда,

Тўйиб-тўйиб йиғладим.

Ёнингизга энди бормайман.

3. Мен — ғолибман Буюк — лашкарман,

Босиб олдим севги юртини,

Ўзимнинг қалбимни ўчирдим.

4. Май бер менга, ачкиқ шароб бер.  
Дўсти ғариб, хуш қол бу кеча.  
Юлдузларга сени топширдим.

5. Юлдузларнинг раҳми келади,  
Ой мўлтираб қарайди менга,  
Юзларимни силайди оғоч.

1994

**1. СОЧИМНИ ЮЛАДИ ИЗҒИРИН,**  
Қорлар пичирлайди бошимда,  
Кўзимга санчилур исмингиз.

2. Ичимдан дунёлар кечди,  
Ичимда титрайди заминлар.  
Ойлар куйди, портлади Қуёш.

3. Бахтсиз шаҳар юпун ухлайди,  
Чанглар ютиб ухлар бояқиш,  
Кир-чир, сочлари тўзғиган бола.

4. Сўз мени таъқиб қилар,  
Чирқиратар ўйиб кўксимни,  
Сен кимнинг божисан, эй Сўз?

5. Хайр, қўлларини силкитар булут,  
Мийиғида кулиб қўяр ой.  
Шивирлар Илаш Тўйчи деган шоир.

1994

**1. МЕН СИЗНИ СЕВАМАН, АЛЛОҲ КЕЧИРСИН,**

Мен сизни севиб ўлганман.

Кечирингиз ўлган одамни.

2. Мен сувман — ҳали ҳеч ким ичмаган,

Куйган китобман мен —

Ҳали ҳеч ким ўқимаган.

3. Ишонч йўқ ҳеч кимга. Бу қандай Дунё?

Яшаб яшолмайсан — бу қизиқ.

Ташлаб ташламайсан, ундан қизиқроқ.

4. Уйқунинг дарёсида чўмилдим,

Ётаман уйқунинг саҳросида,

Мен қандай боламан? Бало — ман!

5. Йиллар кўзимга сачради,

Жигаримга ўт қўйди ойлар.

Кунларимни санадим сенсиз.

1994

**1. ШАМОЛГА ОСИЛИБ ЯШАДИМ,**

Мингга кирдим, чириди жисмим,

Сўнгаларим оқарди қақшаб.

2. Дунёсига қўйдим қўлимни,

Оёғимни босдим юзига.

Кўзларимни юмди бу дунё.

3. Бир пиёла май бер, азизим,

Бағрим ёниб битди, кул бўлдим.

Чивғинларга сотдим ўзимни.

4. Қорларга қўмилди боғларим,

Тоғларимга чўкди осмон.

Сен йўқсан. Сен йўқсан? Сен йўқсан!

5. Балки мен Мажнунман,  
Балки сиз — Лайло,  
Балки мен маҳқумман, балки сиз — жаллод.

1994

**1. АЙТИНГ, НИМА ҚИЛАЙ,**  
Қандай яшайин?  
Нима қилиб қўйдим ўзимни?

2. Кўчаларда итдек санғидим.  
Фингшидим ўтган-кетганга,  
Боғлаб олинг итингизни.

3. Кўзимга бир юлдуз йиқилди,  
Эриди, айланди бир тошга,  
Тешиб ўтди кафтимни.

4. Эҳ, қандайин кун эди, билмам,  
Тошойнага урилиб синди  
Учиб-учиб юрган мусича.

5. Саҳроларнинг подшоси қани?  
Қани вишиллаган ёвуз илонлар?  
Наҳотки бир ўзим қолдим саҳрода?

1994

**1. СОАТ СИНДИ, СОАТЛАР СИНДИ,**  
Вақтнинг исканжасида  
Ўлиб кетди соатсоз бевақт.

2. Сиз — менинг номусимсиз,  
Пичоғимсиз — бўғзимда қотган,  
Ичилмаган қонимсиз менинг.

3. Йўл кўп, йўллар кўп дунёда,  
Ҳар бир йўлдан кўринар лекин  
Сўнги йўл.

4. Бир нарса дедимми сизга?  
 Севаман, деб айтдимми?  
 Лаънатлайман ўзимни ўзим.
5. “Сени оқ қилдим!” деди дунё,  
 Оқардим, оқариб кетдим.  
 Оқиб келдим оёғингизга.

1994

**1. ҲЕЧ КИМГА ИШОНМАНГ. ҲАММАСИ ЁЛҒОН,**  
 Ҳеч қачон ишонманг Сиз менга,  
 Мен барибир севаман ахир.

2. Ўзимни кечирмайман, ё Худо,  
 Сизни кечираман ер ўлиб.  
 Мен Сизни ўзимга бермасман.

3. Фамлар чўқди менинг қалбимга,  
 Фамлар менинг дўсту ёримдир.  
 Бу ғам ичра сиз йўқсиз, холос.

4. Исфандиёр, дўстим, бас энди,  
 Мен сизларни ташлаб кетаман,  
 Мен сигмайман энди дунёга.

5. Мен ҳеч ким эмасман — Амирман,  
 Жиннистоннинг соҳибқирони.  
 Ҳукмимни тинглашур ҳанграшиб.

1994

**1. МЕНИ ҲАЙДАНГ, МЕНИ ЙЎЛАТМАНГ,**  
 Ойга қараб увлаган,  
 Кутурган итман, ахир.

2. Эй воҳ, энди нима қиламиз?  
 Бу йўлнинг боши йўқ, охири ҳам йўқ.  
 Музликларда қолдик дилдираб.

3. Лўлини эшагини суғориб,  
Пулини ол, деган, эй шоир.  
Муравват бор эканми лўлида?
4. Минг йил кимни изладингиз,  
Минг йил сизни изладимми мен?  
Бир зумда йўқотмак учунми?
5. Ҳеч бир инсон англамас бизни,  
Итдек тепиб ўтар киборлар,  
Эҳ, улар, нақадар бахтсиздир улар.

1994

### **1. ҚУРБОНЛИККА МЕНИ СЎЙДИЛАР.**

- Ассалому алайкум, севимли жаллодим.  
Энди мен учун жаллодим яшар.
2. Сизни танимайман, сизни билмайман,  
Сиз менинг йўқотган олтиним,  
Бахтсизлигим — Сиз менинг.
  3. Алдадилар мени беомон,  
Севиб алдадилар севганларим.  
Ўлдирдилар севиб-севиб.
  4. Сиз қачон келдингиз дунёга,  
Дунё қачон сизни яратди.  
Ҳеч нарса йўқ. Сиз бор ва мен бор.
  5. Бу ким? Пешонаси шўр бола,  
Жавоб беринг унга, ўйнасин,  
Бахтли бўлсин, марҳамат қилинг.

1994

**1. МЕН БИЛМАЙМАН ЁШИМ НЕЧАДИР?**

Ҳозир сўнги нафасдир балким.  
Хайрлашиб олайлик. Мен – йўқ.

2. Мен қақшаб йиғладим, чирпандим,  
Учиб тушдим ерга фалақдан.  
Хайрлашмак учун сиз билан.

3. Хайр энди, хайр меҳрибон,  
Сизни топган оним йўқотдим.  
Бир сўз қолди менда:– Хайр.

4. Ҳей, кўзингизни очинг,  
Нега жим турибсиз остоналарда  
Фариблар дунёси, қуллар дунёси.

5. Тонггача суҳбат қурдим дарахтлар билан,  
Тушларимни сувларга айтдим.  
Кел, йўқолиб кетма, дедилар.

1994

**ХИЁНАТ**

1. Тонг қачон отади. Йилдан узун тун.  
Наҳсга ботиб шаҳар ухлайди.  
Булғанган дарахтлар, кўкарган сувлар.

2. Бунча уятсизсан, эй Шаҳар?  
...ёлғоннинг хотини...  
...ёлғоннинг эри...

3. Мен синовдан ўтдим,  
Синдирдим бардошимни,  
Раҳмат сенга, бевафо.

4. Ай бечора, ай бузуқ аёл,  
Ўзингни алдайсан бунчалар?  
Бунча тоза, бунчалар ҳақсан.

5. Қариган гул, беланги хоним,  
Теваракка писта улашар,  
Тирсагимни чимдир тарсиллаб.
6. Сен кимсан менга, билмам, бевафо?  
Энди онам бўлдингми менинг?  
Синглим бўлдингми энди?!
7. Фичирлар эшикнинг занжири,  
Пичирлар дарчанинг қафаси,  
Совуқ қимирлади ўз кўрпам.
8. Бунча ғариб бўлмаса бу кошона?  
Бунча хунук бу гўзал хоним?  
Нечун ҳеч ким ахлатга отмас?
9. Мен итдек соғиндим бировни,  
Занжирини узган итман мен,  
Бировнинг хотинин нега соғиндим?
10. Ерга ботиб кетди осмон,  
Бир жонзот қолмади гуноҳдан.  
Уятдан чинқириб юборди Қуёш.
11. Мен сенинг терингга кирдим,  
Тупроқ тортдим ўзимга ўзим.  
Қайдан келдим? Не учун келдим?
12. Юзимга лой суртди мегажин,  
Бир ит ириллади танамда.  
Кўрпамга эгилди бегона аёл.
13. Нима қилдим сенга, бевафо?  
Нима учун типирчилайсан  
Жасадимнинг устида. Бас қил!
14. Тонг оқарди. Шаҳар уйғонди.  
Тобутлари ўтди лопиллаб.  
Марсиялар айтди деворлар.

15. Мен қақшаб йиғладим, чирпандим,  
Учиб тушдим ерга фалақдан,  
Хайрлашмак учун сиз билан.

1994

*Уйғондим. Деразам зулмати ўчди.*  
*Уйғондим. Мўъжиза. Мўъжизадир шул.*  
**Робиндранатх ТҲАКУР**

### **ШОИР, МЕН УЙҒОНДИМ. ДОВДИРАБ ТУРДИМ,**

Кўзимда тушимнинг қўрқинч суврати.  
Ўчирдим сувратни фалакка бурдим,  
Қани Унинг Сўзи? Қани Қудрати?!

Қани менинг тилим? Тингласа биров.  
Бахтдан тўйиб кетган соқов оломон.  
Олтиндан кишани, кумушдан буров,  
Бўғзида олқиш-олқиш, омон-омон.

Ниҳоят уйғондим. Уйқуда олам.  
Кўрпасини йиртиб ингради хотин.  
Мендан бир тўғрам нон тилади болам.

Қандайин туганди бу маҳшар, бу тун?  
Мен уйғондим. Салом-ассалом.  
Қайтиб келдим, эй ваъдаси ёлғон кун.

2001

### **ТҲАКУРГА ИҚТИБОС**

Суйганларинг ташлаб кетсалар,  
Ҳеч гап эмас, қайғурма зинҳор.  
Армонларинг қонлар ютсалар,  
Балчиқларда ётсанг хору зор.  
Ҳеч гап эмас, қайғурма зинҳор.

Сўлғин куннинг, ойнинг ҳузунни,  
Олис йўлда совуқ куз туни,

Зулмат ичра ёлғиз ва ночор,  
Аччиқ селлар қақшатса сени,  
Ҳеч гап эмас, қайғурма зинҳор.

Товушингни тинглаб қушлар ҳам,  
Ҳайвонлар ҳам келсалар, агар  
Келмас бўлса дўсту биродар,  
Яқинларинг келмаса бир бор,  
Ҳеч гап эмас, қайғурма зинҳор.

Ўқлар учар, чинглар шамширлар,  
Атрофингда соқов бир девор.  
Боғлаб олса сени занжирлар.  
Йўқ бўлсанг-да йўқликда агар,  
Бор бўл, дўстим, қайғурма зинҳор.

1993

### **1. ИНОНДИМ ШАМОЛЛАРГА, ЁМҒИР- ЛАРГА ИНОНДИМ,**

Чақмоқларга инондим. Ёндим.  
Телбаларча инондим мен Қуёшга.  
Деразамдан кириб келди руҳлар.  
Зулмат билан, зулм билан сирлашдим.

2. Қирқ йил қораладим қоғозни,  
Бошимни оққа бўядим қирқ йил.  
Қўлимда қўл,  
Оёғимда оёқ қолмади,  
Кўзим оқиб тушди изингга.

3. Лой ичиндан кўзларимни излайман,  
Излайман шамолларда руҳимни,  
Ёмғирлардан ҳайбатли, Сирли Тош бўлдим.  
Чақмоқларни юлиб отдим ўзимнинг  
Зулматимга, гўзал зулмимга.

2003

## ҲАЗИЛ

*О, дўстим, бизлар-чи нимани кўрдик,  
Эликка шунчаки лаллайиб кирдик.  
Абдулла ОРИФ*

Олтмишда бировлар олим бўлгонмиш,  
Олим бўлмоғони золим бўлгонмиш.  
Уқувсиз лодони миршаб бўлибдир,  
Боши тўлмаса-да ҳамён тўлибдир.  
Шоирлар бу ёшда доврўғ таратмиш,  
Ўзи туғмаса-да, асар яратмиш.  
Биз-чи, биз не қилдик, биқсиб, олайиб?  
Олтмишга ҳам кириб чиқдик лаллайиб.

2001

## ALBERTIDAN

Буларнинг барини дунё биледи.

Буларни арракаш такрорлар доим.  
Буларни чархчи ҳам қўшиқ қилади.  
Бу сир бўлса ҳаммол келиб мулойим  
Дукондорнинг қулоғига илади.

Қадоқчи ҳам бу гапларни қўллайди,  
Бир гўрковга ҳеч уқтириб бўлмайди –  
Ахир ўликлар ҳам, дейди хабардор...

Фақат сен беҳабар, билмайсан, ғаддор?!

1991

**У ДУНЁГА, ОНАМГА МАКТУБ***Ўзгалар умрини яшамак оғир.***ИОАН ХРИСТО ЛУЧИЙ**

1. Соғиндим, афу эт, сенсан аламим.  
Хат ёзмадим, аммо сифиндим, она.  
Гўё қоғоз узра синган қаламим,  
Қадимий хонтахта менга бегона.

Кўзгудан боқадир мунгли бир сиймо,  
Хотирамни санчиб чатнар изларинг.  
Юзимни силайдир нигоҳинг, иймон —  
Ул сенинг кўзларинг, сенинг сўзларинг.

Кўзларинг тубинда кўҳна мусибат,  
Менинг севинчларим, менинг оҳларим,  
Гўё унутилган, битмаган суҳбат,

Балки ул дардларим, ул гуноҳларим.  
Мени жунжиктирар, шовуллар фақат  
Қорларга кўмилган яшил боғларим.

2. Кўзгунинг кўзинда шамол ухлайдир,  
Онажон, қайдасан, жаннатми жойинг?  
Иссиқ нафасингдан бағрим йиғлайдир,  
Куйгил пиёлангдан совиган чойинг.

Мен — ким? Нени билдим-билмадим, нетонг,  
Ҳали йироқдир билгисиз йўлим.  
Дунёвий аламини ютмаган бу онг,  
Башарий қаламни тутмаган қўлим.

Қайга бордим, қайлардан қайтдим,  
Сен таъна қилмадинг, миннат қилмадинг.  
Кимларни тингладим, кимга не айтдим,

Жаҳон шовурини кўзга илмадинг,  
Сенга етиб борди паришон байтим.  
Сен менинг шеъримдан, раҳмат, кулмадинг.

3. Сенинг кўзларингда хилқатни туйдим,  
 Яшамак санъатин солдим қўйнимга,  
 Оломонни эмас, Аллоҳни суйдим,  
 Сўзларингдан тумор осдим бўйнимга.

Мана, энди неча замонлар кечди,  
 Кимса билмас шеърим, чалинмас кўзга.  
 Сен томон руҳимнинг шивири учди,  
 Букун бари ўзга, барчаси ўзга.

Соғинчдан, оғриқдан ўртанди дилим.  
 Юрагим чоғланди, боғланди тилим.  
 Юрдим. Одим олдим. Қадам ташладим.

Алам қилар экан гоҳида бироқ,  
 Ўзимнинг умримни мен оз яшадим,  
 Ўзгалар ҳаётин яшадим кўпроқ.

2001

### **“АЁ, ҲОФИЗ, АЙ ТУРКИСТОН БУЛБУЛИ”**

Айт, булбул, бормидир она масканинг?  
 Ростмидир, ёлғонми ўшал чўпчак ҳам?  
 Ғоят содда эрур каломинг санинг,  
 Куйлаганинг куйми холос ёки ғам?

Борингда бормидир инжа бир нажот?  
 Ҳофизда Ишқ, Алам, қўлдан кетган Эрк.  
 Бағрига сиғдирар сени одамзот,  
 Ҳофизни босишга бағирлари берк.

Сен учунми, ай Туркистон булбули,  
 Темир қафас тўқир пастлар, нокаслар?  
 Кўкдан ваҳий келди – қўшиқ Фиротинг,

Сочилсин Туронга эркин нафаслар,  
 Очилсин қўлларнинг ҳақиқат гули.  
 Уч, Ишқ, Алам бўлсин қанотинг.

1984 (1994)

# ИЙМОН АСИРИ

2003

Ҳар кимдаки иймони йўқ, ондин  
Одамийлиғ келмак имкони йўқ,  
**АЛИШЕР НАВОИЙ**

Ай тутқунлар, ай эзилган, ай қийналган йўқсул эллар,  
Ай умидсиз, ай чизилган дор остиға... оппоқ диллар.  
**АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН**

Ватансиз Сўз йўқдир. Ҳар бир инсон Сўз махзани ва Сўзнинг султони дир. Ҳатто, инсон Аллоҳга ибодат вақтида ҳам сирли бир умид билан унинг овозини тинглашга чоғланаркан, аввало ўзининг Сўзида ўзини эшитади. Сўз бизнинг вужудимиздадир. Биздан йироқлашиб ва яна бизга қайтиб, туғилганимиздан то ўлимимизга қадар миннатсиз хизмат қилади. Сўз борлиқнинг руҳини, коинотнинг чексизлигини билдириб туради ва бу ҳол ҳали-ҳозирча бизнинг билишларимиздан ташқари, биз фақат буни Сўзнинг сеҳридан, деб хаёл қиламиз. Шу билан бир вақтда Сўз ҳар қачон шахсиятимизнинг айна тамғаланган фотонусхасидир.

Ўлим қўрқуви остинда жонини асраган, ўз фикрларини яшириб яшаган одам – охир-оқибат аллақандай ахлоқан чавақланган жонзотга айланади.

Оқсоч тарих ичинда чуқурлашиб қонларимизни музлатувчи, ҳақиқат изловчиларнинг тиллари суғурилган, оғизлари тикилган мудҳиш манзараларни тирилтиришимиз шарт эмасдир, балки. Бизнинг асрга келиб бу жараён жўнлаштирилди. Шоирларни шунчаки йўқотадиган бўлдилар. Шоир эмасларни ҳам.

Озод сўзнинг бадали – ҳаётдир. Шундай эди. Букун ҳам шундай.

Инсон табиатан ҳақиқатга доимо ташна, ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатиш учун эмас, албатта, гарчи биз ҳақиқат сўзини жасорат, деб қабул қилсак-да.

Шоир – ўзгача яшай олмайди.

Чингиз АЙТМАТОВ

## ҚОРА ДЕВОР

1. Қандайин сирдир бу, бу қандай тушдир,  
Бу қандай уйқудир, уйғонган уйқу.  
Кўзларимдан қора қузғунлар учди  
Мудҳиш қора девор ортида, ёху!

Қора девор қаъри, сотқинлар юрти,  
Тилсиз, ватансизлар ватани қолди.  
Санқиган жасад-ла телбариб юрдим,  
Ақлимга рўёлар калолат солди.

Заҳарга айландим, оғочдек синдим,  
Қайта ўлдим, руҳим қайтмади танга.  
Ҳазрат Султонимга синграб сиғиндим.

Аллоҳим, мадад бер. Бир сўз бер менга.  
Жонимнинг парвозин бергил, соғиндим.  
Ишқ бер! Қайтар мени ёруғ Ватанга.

2. Кўрдим юзингизни, чатнади олам,  
Бузғунзор кўйнида унган соф гулим.  
Мажруҳлар юртида хўрланган онам,  
Зўрланган қонсинглим, мангу севгилим.

Тупроққа йиқилдим, кўкка осилдим,  
Минг йил изладимми? Топдимми? Қачон?  
Сўриб тўйдиларми сизни, қонсинглим?  
Эзиб бездиларми сиздан, онажон?

Ерга чўккан осмонларни кузатдим,  
Чопилган оёғим билан чопдим мен,  
Кесилган қўлимни сизга узатдим.

Бу дунё гулларга тўлди. Қотдим мен.  
Сўқир кўзларимни нур-ла безатдим,  
Меҳрибоним, қоним, Сизни топдим мен.

3. Меҳрибоним, изингиздан бораман,  
Шивирлайдир шеърим. Бу қайси оят?  
Бу дунёда қирқ Мажнуннинг бири мен,  
Ўлимга чап бериб келдим, ниҳоят.

Юрагим зиндони. Бир яланғоч дор.  
Солланиб турадир фақат мен учун.  
Бунда бир муҳаббат заҳри қотил бор.  
Бу зиндонда бир Лайло бор, бир Мажнун.

Меҳрибоним, хуним. Мен Сизни топдим.  
Қоним бердим бу сирли хаёлларга.  
Суйдим юрагимни, кўксимни чопдим,

Ай, совурдим ул совуқ шамолларга,  
Хукм қилдим ўзимни. Тонг чоғи отдим.  
Нуқта қўйдим жавобсиз саволларга.

4. Надир бу? Тилим лол, вужуд валангар,  
Кўргали кўзим йўқ, кўзим ўйилғон.  
Бир шарпа илғамас, қулоқларим кар.  
Билдим, Сиздан бошқа барчаси ёлғон.

Эй воҳ. Қора девор сирти оқланган,  
Бўйнимга чирмашган иблисни қувдим.  
Кавсар чашмасида минг йил покланган  
Тош билан қадимий танимни ювдим.

Бир қудрат нашъаси тентир изимда.  
Хилқатни англаган зотдек хомушман.  
Етти водий айланадир изимда.

Бори ёлғон, мен — саробман, мен — тушман,  
Йўқ, мен — қушман, чала сўйилган қушман,  
Айтилмаган бир Сўзим бор бўғзимда.

5. Алданган, чархланган қалб билан ўтдим,  
Ёру дўстлар бошим узра йиғилди.

Хукм кутган каби мен Сизни кутдим.  
Унутдим ўзимни, ўзим туғилдим.

Кўзимнинг жариди ул Қора девор,  
У тараф қоронғу, ҳар нарса йўқдир,  
У тараф заҳардир, ханжардир, ўқдир.  
Кеча йўқ. Буқун йўқ. Эрта йўқ. Сиз бор.

Тирикликдан кечдим, ўлимдан кечдим.  
“Осмон” деганлари менинг фиғоним,  
Дунё заҳарини бир ўзим ичдим.

Ёнди тун чароғим, кулди жаҳоним,  
Мен қанот боғладим, кўкларга учдим,  
Ассалом, севгили Инсоним, қоним.

6. Танамдан чиқдим-да мен Ерга эндим,  
Менга бари аён. Тириклар кўрмас.  
Эй сиз, кўр оломон, мен руҳман, дедим,  
Улар кўрмас мени, ҳолимни сўрмас.

Бани одам овчи, одамни овлар,  
Тишлаб тўймас, ғажиб тўймас, бедаво.  
Ночор майитларнинг чўнтагин ковлар,  
Пинжида хиёнат, қабоҳат, ғавғо.

Сўзимга тўлди соғинч, сўзим-да ёлғиз,  
Кўзимга тўлди ёлғиз Аллоҳ жамоли.  
Белги берди фалак. Номаълум бир из.

Жисмимни синдирди – ажал шамоли.  
Тобутимни қучиб йиғладингиз, Сиз,  
Нечун, Дунёнинг энг Гўзал Аёли?!

**АБДУРАУФ ФИТРАТ**

*Нега сени чулғаб олди бунча тиконлар?*

*Нега чиқди юрагингдан юзга бу қонлар?*

**Абдурауф ФИТРАТ**

1. Ажаб мудҳиш қора тун кафан тутар,  
Бир замон тинмайдир изғирар шамол.  
Дарё кўпирадир, одамни ютар,  
Ул гўзалдир, ул — ирганчдир, ул — хаёл.

Риёзат қамчиси каби савайдир,  
Алкан ёмғир бузғун танизоримни.  
Улуғ Туркистонни кимлар севмайдир?!  
Фиръавнлар севмас менинг боримни.

Фироқнинг нағмасин чалар най синиқ...  
Исрофнинг ичиндан силқир бу наво,  
Таралар, хув, чўккан тоғлардан тиниқ:

Риёлар, ришватлар... Заҳарли ҳаво.  
Азон товушини тинглайман оғир.  
Туркистон. Қора тун. Шамол ва ёмғир.

2. Айтадир ой дардин булут қўйнида,  
Булутлар ҳурпайган, на-да хорадир.  
Дорлари муҳаққақ азлом бўйнида,  
Унутилган, хўрланган халқ борадир.

Раҳм қилди менга манфур жаҳолат,  
Алам ортган карвон борар мунғайиб.  
Уринадир, суринадир, бу ҳолат  
Фақат пайдо бўлар ва бирдан ғойиб.

Фасиқалар кўринар сочлари олов,  
Ивирсир гумроҳлар кўзи-қўли қон...  
Туркистон, Туркистон, мукаррам ялов...

Рад этдимми сени, қолдимми бежон?  
Амалим шаъмлари сўндими, Она?  
Тилагим юлдузи тўйдими, Она?

3. Айрилиқ шамшири бошимда синди,  
Борлигим чопилди, ичдим қонимни,  
Дунё тарихини ўқиб юкиндим,  
Уйқудан уйғотдим Туркистонимни.

Ризқимизни ахир кимларга бердик,  
Ахир, одам эдик, муҳтож, нотавон.  
Улар хирмон-хирмон, биз нушхурт тердик.  
Фарёдимиз етиб бормас ҳеч қачон.

Фалокат устига фалокат тутди,  
Интиқом, интиқом, дедим, югурдим...  
Туркистон, Туркистон, Туркистон ўтди —

Разолат қабринда бош эгиб турдим.  
Ай, улуғ тоғларим, ай, шонли Турон,  
Токай уйғонмассан, ай, қонли Турон!

1994

## ЕР ФАРЗАНДИ

*Ҳабиб Абдуллоҳ хотирасига*

1. Бу кун тушларимга кирган эмишсан,  
Муаллақ, узаниб турар қўлларим.  
Бунчалар йироқда, бунчалар осмон —  
Унинг йўлларида қолди йўлларим.

Қалқиниб уйғотар она-Ер мени,  
Яна ўтлар сочар ўйларим бироқ.  
Ахир биларди ул тупроқ илмини,  
Ахир биларди ул, сўқирми тупроқ?

Ёнарди қаҳқашон ичра мунаввар,  
Лекин телба хаёл босар шу заҳот.  
Уни ер қаърига қўймасак агар,

Наҳот тепамизда ёнмасди, наҳот?  
Наҳотки бу тупроқ қонталаш, аҳгар,  
Тошқотган аламлар, музлаган фарёд.

2. Ёдимга келдилар алвидо дамлар,  
Унинг хок-пойини қилурман тавоф.  
Кўчани тўлдириб борар одамлар,  
Кўзларда саволлар, тамом, бежавоб.

Олдиндан билгандек сўрардим бот-бот,  
Раъно, олиб боргил отанг қошига.  
Не қулфат ин қилди бошларга, ҳайҳот,  
Не мусибат тушди Ватан бошига.

Юрагига ютиб Туркистон юкин,  
Секин олиб ўтди. Кўнди тақдирга.  
Мангулик масканга узатдик секин.

Сўнг бора эгилдик муқаддас ерга,  
Бир дунё қолдирди дунёга, лекин  
Бир дунё кетарди у билан бирга.

3. Фалакда кўринди бир замон, бир кеч.  
Такрор кўрарманми, айта олмасман.  
У қайтиб келмагай бу дунёга ҳеч,  
Мен унинг қошига қайта олмасман.

Умр деганлари бу қадар арзон,  
Умр деганлари шарафми, синглим,  
Шул тупроқ устинда мен кездим сарсон,  
Шул тупроқ қаърига тупроқдек сингдим.

Ҳеч қачон тарк этмас шундайин армон,  
Ҳаётда кўришмак бўлмади насиб...  
Кутармидим сендан энг олий фармон,

Туркўгли, дермидинг бағрингга босиб.  
Кўксимда оғриқлар... Эй, булук Инсон,  
Аскар бўлар эдим сенга муносиб...

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС**

Йил ўтуб, йиллар ўтуб тобора лойга ботамиз,  
Иблисинг супрасинда ваҳдад майини тотамиз.  
Ономиз балки гумроҳ, балки сўқирдир отамиз,  
Кўр, бизим аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамиз,  
Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.

Бизга ор бўлди наҳот, ёраб, Ватанни куйламак,  
Зору зору бу замин етти фалакни ўйламак,  
Қизимизга ўргатуб, “суф” деб жаҳонни бўйламак,  
Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,  
На худонинг буйруғи бўлғон улум ўрготамиз.

Ўлтирур эл хонавайрон, ботган қуёшга кўз тикиб,  
Кулфату сомон йиғиб қолмиш яна бўстон экиб,  
Нечалар нарвондадур, нечалар йитмиш кўз тегиб,  
Ҳамда ҳар кун такяларда наша, қўкнори чекиб,  
Баччага кокул солиб оҳ-воҳ ила ўйнотамиз.

Не баломиз биз ўзи, тўрдамиз, айвондамиз,  
Не касофат феъли бу — қурдамиз, тайвондамиз,  
Беназир паррандамиз, қўрдамиз, ҳайвондамиз.  
Қоримиз, боёнмиз, балки бу вақт аҳвондамиз,  
Ногаҳон кўрсак агар бир бесоқолни қотамиз.

Қайдин эй сен такаббур, кўксимни миҳлаб ўйгувчи,  
Ай ялоқхўри бало, ичиб қонимни тўйгувчи,  
Бормикан олам аро кўнгилга малҳам қўйгувчи,  
Ўртадин чиқса агар миллатни яхши суйгувчи,  
Биз ани даҳрий санаб, тўфонча бирла отамиз.

Ақраболар — кўз очик, дунёи дун фоний билинг,  
Эл учун, Аллоҳ учун жонни тилинг, танни тилинг,  
Келингиз, ул кун ўтди, куллик, асирликни силинг,  
Келингиз ёшлар, зиёлилар бу кун ғайрат қилинг,  
Ухлағонларни агар Қодир эсак уйғотамиз.

1916 (1994)

## ОНА ТУРКИСТОН

*Абдулла Қодирий хотирасига*

1. Хотирамнинг қаъри-қаърида тарих,  
Доим сўзлаб турар эзгин ҳикоя.  
Тутқун қуш сингари қолурман ғариб,  
Руҳимга булутлар ташлайдир соя.

Бот-бот хаёлимдан чекинди мубҳам,  
Фикримдан юлқинди Ватан қораси.  
Олиса милтираб сўнаётган шаъм,  
Кўҳна ҳасратимнинг машъум яраси.

Кишанбанд қилинар қўлларим гўё,  
Тупроққа қориша бошлайди таним.  
Шу қадар юраги тормидир дунё.

Наҳот фарзандига – ўзига ғаним.  
Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо  
Нечун сифдирмади, нечун Ватаним?!

2. Кўрингиз тарихни, эй туркий халқим,  
Кўзимда эртанинг севинчи, холос.  
Ул Турондир, Туркистондир? У балким  
Ичимни кемирган қадимий қасос.

Кўрингиз тарихни. Кўз олдим парда.  
Қўлимдан учмоқда бу ер, бу Ватан...  
Ошно тутинардим пўлат ханжарга...  
Жанг майдони сари отилардим ман...

Ватан, айланарман бир кескир тошга,  
Қошинга ўқ каби учиб борарман...  
Наҳот тил бошқадир, наҳот дил бошқа?!

Йўқ! Фармон кутарман, энг сўнгги фармон,  
Шакланиб қарарман қалққан қуёшга.  
Барибир, қасос деб ёнарман ҳамон.

3. Умр деганлари ўтмакда шошқин,  
Тилла баргларини элаб йўлимга.  
Сенинг мангулигинг беради таскин,  
Эрта узилгувчи менинг умримга.

Ў, она Туркистон, куйлайман ёниб,  
Дунё журъатини бердинг қўлимга.  
Мен энди англадим Туркий Дунёни,  
Мана, мен тайёрман энди ўлимга.

Эй менинг заҳматкаш, эй қутлуғ халқим,  
Бергил, фақат куйиб куйламак ҳаққин.  
Ортиқ масъул этар топилган бу Бахт.

«Ишқ сўзидан куйди булбул маскани»,  
Тил билан куйланмас она Ватаним,  
Мен сени куйламак истайман фақат.

1967

## ЁНҒИН

(1812)

Юзма-юз, кўзма-кўз, изма-из изғир,  
Ёвуз ёв, қаттол ёв қонга қонмоқда.  
Бу зулмат ўтлари, бу ёнғин надири?  
Москва ёнмоқда, ахир ёнмоқда.

Охири, бир куни интиқом бордир,  
Кимлар жон узмоқда, кимлар тонмоқда.  
Ҳақиқат хоч узра, қайда ул қодир,  
Москва ёнмоқда, ахир ёнмоқда.

Москва, Москва қутлуғ, шўрлик ер.  
Буғриққан қўшбургут қанотида қон.  
Билгисиз, анланмас, эй ғариб жаҳон.

Бандангга тўзим бер, ер бер, иймон бер...  
Айтинг, ким сўзлайдир бу кун ҳам ёлғон?!  
Москва ёнмоқда, ёнмоқда ахир.

1981

**МТ. МАРСИЯ ТАЖРИБАЛАРИ****1-тажриба****МАМАТНИНГ ҚУТУРГАН ИТИ УЧУН МАРСИЯ**

Нишони йўқ, оддий, сассиқ ит эди,  
Шалтоғини бир куни ямлаб еди.  
Шаҳарлик бир итни у йўлдан урди...  
Оқди кўзи, қўли синди, қутурди.

Нола қилди. Тепиб ўтди итдошлар,  
Аччиқ сувин сепиб ўтди итдошлар.  
Боқмас ҳеч ит қутурган ит ҳолига,  
Осилдилар шилта бўлган ёлига...

Афсус! Итхонаси, боғи бор эди,  
Бир итдек яшашга чоғи бор эди.  
Ўйнаши от. Эшак эди поччаси,  
Қандай яшар бир қўрғон итваччаси.

Хуруж қилди итюрракнинг санчиғи —  
Вафо қилмас ҳеч бировнинг курсоғи...  
Охири шул. Қутурган ит отилди.

Боғи-роғи, итялоғи сотилди.  
Кафан қилмай, тепиб-тепиб кўмдилар,  
Сўнг бор увлаб иткин ғамга чўмдилар.

1995

**2-тажриба****ХУДБИНГА МАРСИЯ**

Ҳеч кимга инонмадим ёруғ дунёда,  
Инонмадим отамга, онамга инонмадим.  
Боламга инонмадим, мен — ўзим...  
Ҳеч кимни севмадим, ҳеч кимни.  
Бошқасини тилга олмадим, ҳатто.

Мени туғаркан онам ўлди.  
 Янада қаттиқ ўзимни севдим.  
 Мен ёлғиз яшадим ўзимнинг  
 Ўлимимни кутиб етмиш йил.  
 Мозоримда бир тўйиб йиғламоқ учун.

1983

### 3-тажриба

#### ЎТКИРНИНГ ҚУЁНИ УЧУН МАРСИЯ

Катта боғнинг ташида, Сабза хиёбонида,  
 Қуёнтўра зор йиғлар. Қуёнпошша ёнида...  
 Чорасиз ошиқларни тилла тўрга солдилар,  
 Жонларини авайлаб, манзилга йўл олдилар.

Тўрт хонали уй қурди қуёнларга онаси.  
 Тўй берди ҳашаматли, босди эл, ишхонаси.  
 Тилла тароқ қўлида куёв сочин тарарди.  
 Атрофига аланглаб келин пастдан қарарди.

Ул кеча инқиллади Қуёнпошша берилиб,  
 Нима бўлди деб қўйди Қуёнтўра керилиб –  
 Мен билмасам, менимча, бирон нарса еб қўйди,  
 Қуёнтўра икки бор, нима бўлди, деб қўйди.

Ўнинчи тун келиннинг тутиб қолди тўлғоғи,  
 Кўзлари мўлтирарди, шалпангларди қулоғи.  
 Ўн биринчи тунида Қуёнхон сўлиб қолди.  
 Қуёнтўра ишқида тонг маҳал ўлиб қолди.  
 Қуёнтўра зор йиғлаб, зўр бир мотам тутарди,  
 Инсофингиз борми, деб бошқасини кутарди.

1995

**ШШТ. ШУУРСИЗ ШЕЪР ТАЖРИБАЛАРИ**

*Биз одам эмасмиз, биз пингвинлармиз.*

**Морис КАРЕН**

**1-тажриба.****МАТБУОТНИНГ КАТТАСИГА**

Жангари матбаачи дермишлар сани,  
Ўзингга қулмишсан, ўзингга хоқон.  
Озод Сўз – Ҳақиқат, Ҳақнинг махзани,  
Охир парчаланур бу ғул, бу ёлғон.

Ёлғоннинг тийғида ўйлаб қадам бос,  
Кимларни ялайсан, кимни чопасан?  
Ўзингни алдайсан, қорнингни, холос,  
Ҳақиқатни чилғиб нима топасан?!

Мен-ку бир фақирман, ҳамма қатори,  
Дудуқ шоирингман, Аллоҳ ошиғи.  
Синиқ бир қаламдир қўлимда бори,

Сенинг қўлларингда кимнинг қошиғи?  
Дилимда озорим, тилимда торим,  
Сўзим осмонида иймон қўшиғи.

24.06.2001

**2-тажриба.****БИР МУАРРИХГА**

*Мен ўзи Аҳмадми ва ёки бошқа.*

**АҲМАД АЪЗАМ**

Оғзингга тупурган шайтони лайин,  
Пул деса ўзингни томдан отасан.  
Кимларга қаҳқорсан, кимларга майин,  
Тарихни чийлайсан, иймон сотасан.

Мушукдек суйкайчан, итдек қопагон,  
 Бурнинг остидадир юҳонафс жарлик.  
 Сени аллалаган қадимий ёлгон,  
 Санъатинг алдоқдир, касбинг ўжарлик.

Кўриб кетди Азроил ҳам атайин,  
 Енгил оёқсану гоят сурбетсан.  
 Сенга ўптиргандир Восвос манглайин.

Ортиқча тирноқсан, ортиқча этсан,  
 Сен ҳали кучуксан, ҳаваскор итсан,  
 Аммо қутуришинг муқаррар, тайин.

26. 06. 2001

3-тажриба.

### БИР ТУФУРИШ

Бир шоввоз бир ўйин ўйлаб топибдир,  
 Тўрт ёққа кўз юмиб югурмак эмиш.  
 Дўстининг юзига тупурмак эмиш,  
 Шоввоз бола газет томон чопибдир.

Жуда машҳур бўлибдир ушбу ўйин...  
 Биздек ўйнар эмиш шўрлар, чўкчалар...  
 Қош қоқиб ўйнармиш ҳатто чўчқалар,  
 Туялар ўйнармиш чўзганча бўйин.

Ёғлиқ ўйин эмиш сирли, ялтироқ,  
 Кўпларнинг кетибдир юраги, томи.  
 Бу ўйин довруғи учибдир йироқ.

Бормиш яна бу юмушнинг давоми...  
 Ўйиннинг маъноси йўқ экан, бироқ  
 Бир туфуриш экан, шунчаки номи.

27.06.2001

**4-тажриба.****СОТТИ ҚҶЙДИ, ШҶРЛИК АЙҶОҚ**

Сотти Қўйди, шўрлик айғоқ, қайғурма,  
 Қўйнимда ҳеч нарса йўқдир, кўнгил тўқ.  
 Бошимни деворга беҳуда урма,  
 Сен ахтарган бало ахир менда йўқ.

Соқолимни юлма, ёқамдан олма,  
 Пусиб оғу солма, чўнтагим йиртиқ.  
 Ўқ-мўқингни тикма, йўлингдан қолма,  
 Ўзингнинг эшингни ўз мешингга тик.

Оқни қора дейсан, тиллани темир,  
 Ноҳақсан! Сарқитни ош деб урасан.  
 Кармисан? Кўрмисан? Нимасан, ахир?

Қаққайиб бошимда тоқай турасан?  
 Кимсан?! Ялоғи ҳеч тўлмаган сагим?!  
 Аммо қонга тўлди менинг юрагим?

13.11.2001

**5-тажриба.****БОШ СЕНЗҶРГА ҚАЙҶУЛИ СҶНЕТ**

Сени ардоқларди Шўро замони,  
 Таажжуб, омадинг юришди бу кун.  
 Сўзнинг тиллосини, сўзнинг сомонин  
 Тергайсан матнлар устида беун.

Мақсудинг не эди, не кунга қолдинг,  
 Неларни ўйладинг қоровулбобо?  
 Бир шеър ёзмадинг сен, кечикдинг, толдинг,  
 Афсус, илму фандан бўлдинг мосуво.

Ҷеч ким кўкрагингга тақмади нишон,  
 Барча ҳайрон ўтди чексиз сабрингга.  
 Сен Эркин, Сўз – Эркин. Қалбингга ишон!

Бир кимса етарми сенинг қадрингга?  
Учинчи қабатга етдинг паришон,  
Аста кириб кетдинг ғариб қабрингга.

25.06.2001

### АДАШГАН РУҲ

1. Куёшнинг ёғдуси қорадир,  
Юлдузлар музлардир тўкилган.  
Бу дарё узанган ярадир,  
Дарахтлар эгилган, букилган.

Юлдузлар музлардир тўкилган,  
Тошлардек қотмишдир тумонлар.  
Ерларга тиканлар экилган,  
Экилган ёлғонлар, гумонлар.

Бу дарё узанган ярадир,  
Ҳасратдир тинмаган ҳеч қачон.  
Жимирлаб қайларга борадир,  
Борадир безабон, бемакон.  
Дарахтлар эгилган, букилган,  
Ер тишлаб ётибдир япроқлар.  
Тошларга михланган, чекилган  
Лочинлар, каптарлар, чорлоқлар.

Куёшнинг ёғдуси қорадир,  
Куёшнинг сочини ўргайман.  
Наҳотки энг сўнги чорадир,  
Адашган Руҳни мен кўргайман.

2. Тошлардек қотмишдир тумонлар,  
Булутлар фалакнинг оҳлари.  
Кечмакда Эронлар, Туронлар,  
Тубанда қоронғу чоҳлари.

Булутлар фалакнинг оҳлари,  
Ингроғи, сингроғи учадир.

Тубанда мусибат тоғлари.  
Қора қон ичиндан кечадир.

Кечмакда эронлар, туронлар,  
Судралиб, пайпаслаб, итариб.  
Кечмакда бўронлар, суронлар,  
Энг гўзал, энг бағал, энг ғариб.

Тубанда қоронғу чоғлари,  
Қаърига чақирар, ялтирар.  
Итлари, отлари, зоғлари,  
Харсангга айланар, қалтирар.

Тошлардек котмишдир тумонлар,  
Билгисиз очуннинг асари.  
Тубанда гуноҳлар, иймонлар,  
Адашган Рух кезар сарсари.

3. Ерларга тиканлар экилган,  
Тошларга, харсангга санчилар.  
Туркистон туғлари тикилган,  
Бетлашган жони бор янчилар.

Тошларга, харсангга санчилар —  
Чеки йўқ йўқликнинг ноласи.  
Дийдалар томчилар, қамчилар,  
Сабрнинг — Одамнинг боласи.

Туркистон туғлари тикилган,  
Ватансиз касларнинг йўли берк.  
Зорланган, зўрланган, тўкилган,  
Эркидан айрилган Кутлуғ Эрк.

Бетлашган жони бор янчилар,  
Туёқлар остида бўзлайдир.  
Жангчилар, пулчилар, танчилар,  
Ёғийлар ёлғонни сўзлайдир.

Ерларга тиканлар экилган,  
Дов учун, ов учун, гов учун.  
Туркистон туғлари тикилган  
Ёв учун, ёв учун, ёв учун.

4. Экилган ёлғонлар, гумонлар,  
Тарихнинг темирдан девори.  
Аккадлар, сумарлар, юнонлар,  
Билингиз, бу Турон диёри.

Тарихнинг темирдан девори,  
“Йилт” этган бир зиё кўринмас.  
Мозийнинг кўмилган мозори.  
Атрофда тирик жон уринмас.

Аккадлар, сумарлар, юнонлар,  
Туркийлар, наҳотки кечмишдир.  
Кетмишдир, йитмишдир жаҳонлар,  
Йўқликнинг захрини ичмишдир?!

Билингиз, бу Турон диёри,  
Қонлари кўкларга сочилган.  
Йўқ эрки, йўқ дўсти, Ҳақ ёри,  
Боблари кенгликка очилган.

Экилган ёлғонлар, гумонлар,  
Бергайдир машаққат мевасин.  
Бу тунлар, бу кунлар, бу тонглар,  
Мен ва Сен, Мен ва Сен, Мен ва Сен.

5. Ҳасратдир тинмаган ҳеч қачон,  
Манглайга ёзилмиш бу оят.  
Муҳаққаҳ ёзмишдан ким қочғон,  
Ким кўрган? Ким билган ниҳоят.

Манглайга ёзилмиш бу оят,  
Ҳукмдир, муҳрдир, ўчмасдир.  
Зулматда йўқ эрур ҳидоят,  
Зимистон ранглари кўчмасдир.

Муҳаққаҳ ёзмишдан ким қочгон?  
Борини забтига олажак.  
Тириклик тилсимин ким очгон?!  
Қулфига ким калит солажак?

Ким кўрган? Ким билган ниҳоят?  
Қорайиб ялтирар ложувард.  
Шоирда бормидир риоят,  
Кўзида, сўзида сўнгсиз дард.

Ҳасратдир тинмаган ҳеч қачон,  
“Йилт” этган зиёдан йўқ асар.  
Ул мавжуд, номавжуд, жон-бежон,  
Адашган Рух кезар сарбасар.

1991

### **МЕНИ ТАЪҚИБ ҚИЛАР “ШОИР” ДЕГАН НОМ,**

Чиқмаган шеъримга садақа олдим.

Асло тарк этмади қурмағур илҳом,

Неки ундан ўтди, худога солдим.

Қирқ йил шеър ёздим. Эй воҳ, бўлмади,

Роса йигирма йил югурдим, елдим,

Аммо топилмади бирор мард ношир.

Ҳаёт жоми тўлди. Кўнгил тўлмади.

Кўксимни йиртдим мен, бағримни тилдим,

Ай Сен, ай, олтмишни тепган ёш шоир.

Юзимни, оғзимни ёпди соқоллар,

Сомонлари тешиб чиқди теримни.

Маймунлар йиғлади, қулди шоқоллар,

Сичқонлар еб кетди охир шеъримни.

25. 09. 2000

## СИЁВУШ

*Эй қора юракли бойқуш, сенга қолғон  
Вайронани қутламак учун келдим.*

**Абдурауф ФИТРАТ**

(«Абулфайзхон»)

1. Эй сен, сўқир қувваъ, эй сен, чиркин тахт,  
Туғдирган тухмингнинг оқини ичдинг.  
Мақтулнинг, олтуннинг фарёди бир бахт,  
Қутурган нафсингнинг занжирин ечдинг.

Маъбадлар тобламиш ўзига башар,  
Онларин ичинда энг шуми шайтон,  
Ўлиқлар устинда машварат, ҳашар,  
Тоғкелбат ўғлонлар майити майдон.

Ирфоннинг қўлларин, қанотин кесдинг,  
Ёвуз саодатсен, ёнглишқон қўлка.  
Остингда ётқонни бағрингда эздинг,  
Тепангга минганни ирғитдинг кўкка.  
Борлиқни талатдинг, вабо таратдинг,  
Яратганни писқиб ўзинг яратдинг.

2. Тириклик синчини, авом тинчини,  
Синдирдинг – кўксимнинг синиқларини.  
Эрларнинг сиртини, аёл ичини  
Булғотдинг – сувларнинг тиниқларини.

Қаламдан ўч олдинг, Сўзини ўйдинг,  
Сенинг қўлингдами ойнинг ажали?!  
Отанинг тийғи-ла ўғилни сўйдинг,  
Санчилди отага ўғил ханжари.

Эртўнғадан тортиб то Раҳим тўнка,  
Ҳаром хоин, варам сотқин туғилмиш.  
Инсоннинг хаёли, ҳиддати тўнган.

Осмон нафас олмас, инсон бўғилмиш,  
Ўзинг тобиндириб, ўзинг сўясан.  
Ҳақиқат этига қачон тўясан?!

3. Нечун юракда тош, кўзларда хузун,  
Нечун?! Хўрланган инсонлар фарёди?  
Нечун? Нечун, ёлгоннинг умри узун?  
Нечун? Тирилмасми ўтканлар ёди?

Нечун иймонини сотиб яшайдир,  
Нечун қуллигидан беҳабар ҳар қул,  
Нечун зулм яшар, зулм яшайдир?!  
Ҳақсиз оломоннинг тириклиги шул.

Инсонни таҳқирлаш йўллари кўпдир,  
Бошинда палахмон, жигарида ўқ.  
Ютгани оғудир, топгани чўпдир.

Наҳот, иймон ўчган, топталган ҳуқуқ,  
Наҳот, бу миллатнинг қаҳрамони йўқ,  
Наҳот, бу миллатнинг шоири йўқдир?!

4. Офтоб нурин ютар зулмат аҳкоми,  
Шоқолдек увлайсан, итдек хурасан.  
Эй бойқуш қафаси, аждаҳо коми,  
Дунёни дунёга тоқай урасан.

Инсонлик фитрати уйғонгунча тур,  
Ич ҳақнинг қонини юҳо жомида.  
Чорасиз ҳақиқат, ул илоҳий нур,  
Абад қолиб кетмас ваҳшат домида.

Қачон уйғонадир халоскор даҳо?  
Бир жаҳон қуёшга чулғаниб келур!..  
Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,

Ки ўтлар сочар қаҳр ҳангомида,  
Унинг коми бирла тирилмак эрур  
Маош айламак аждаҳо комида<sup>16</sup>.

3.09.2001

---

<sup>16</sup>Сўнги тўрт сатр Алишер Навоий қитъасидан.

## СЕНСИЗ

1. Совуқ. Атроф темир. Кўлимни очдим,  
Елкамда чатнади қайноқ кўрғошин...  
Вайрона қаъридан кўкларга қочдим —  
Арзонга олдилар Мажнуннинг бошин.

Раҳмсиз оломон, сизга не керак?  
Англадим, жисмимни, руҳимни боғлар.  
Ваҳий келди менга, чирпанди юрак,  
Акс-садо берди муқаддас тоғлар.

Фароғат зирваси. Олам — билгисиз,  
Охири сен келдинг. Хаёлга толдинг.  
Водий огушида сўзсиз, белгисиз,  
Аста одимлар-ла кўздан йўқолдинг.  
Фақат қайга кетдинг, қайларда қолдинг,  
Оҳ, қандай яшайман сенсиз — севгисиз.

2. Соҳилда бир ўзим. Денгиз қоронғу.  
Елкансиз кеманинг ичинда шубҳам.  
Ваҳима шивири, бўғзимда оғу,  
Ақлим бир фалокат сезадир мубҳам.

Ранги ўчган осмон хунук ғулдирад,  
Аччиқ чирқирайдир номаълум бир қуш.  
Ва ёнимда қонли булоқ чулдирад,  
Атиргуллар, сенинг гуллариңг беҳуш.

Феруза, зумуррад гуллариңг пайҳон.  
Оҳ, тушдиңг кемадан. Карнай чалдилар,  
Ва кўзга кўринмас қўллар шу замон  
Ағдардилар мени, кишан солдилар.

Фарёдим ичимда, отма гулингни...  
Отма, ёлғизликдан бахтли қулингни.

3. Сўлдирма гулингни, илоҳим, ёнсин,  
Еру осмон кўрсин кўз юммай бедор.

Вақт – улуғ ҳакам. Руҳинг уйғонсин.  
Асрий умидим – Сен. Сен борсан. Сен – бор.

Ровийлар не учун? Ҳақ ва Ҳақиқат!  
Асирлик занжирин парчалаб ташла.  
Вужудингни ёқсин аламли фикрат,  
Аён ҳақиқатга, ҳақ йўлга бошла.

Фурсат ўтмақдадир. Вақт бу – беомон,  
Омонат дунёда омонат одам –  
Виждон шеваси бор, меҳроби иймон –  
Асл инсонларин чорлайди бу дам.

Фалакка санчилиб қолган кўзим бор,  
Оловлар, чаманлар ичра ўзим бор.

1994

*Тирик ўликзорга сен учун келди.*

**Робиндранатҳ ТҲАКУР**

### **ШОИР. ИЛҲОМНИНГ БИР ҚҶЛИДА ХАНЖАР.**

Бир қўлида порлар зумуррад, маржон.  
Қоқар вужудингнинг эшигин, очар,  
У сендан мурувват кутмас ҳеч қачон.

Кўзларингнинг дарчасини очадир,  
Танинга тўлдирар анланмас ғулув.  
Сени фалакларга тортиб учадир,  
Борлиқни сен бирла ютмак истар у.

Ўлимнинг қоронғу қаъридан келар,  
Юрагингга кирар сувайдо каби.  
Сенинг журъатингни Аллоҳдан тилар,  
Сенинг жасоратинг – унинг матлаби.

Ярим дунё унга керакмас фақат,  
Бутун коинотни забт этмоғи шарт.

9. 05. 2003.

## ТАНГРИ СОҒИНЧИ

1. Бир замон фалакнинг кўзлари сўнди,  
Аста қора кийди мудраган жаҳон.  
Руҳимнинг асрлик муллари синди,  
Нимадир бўғзимни кесди беомон.

Отилдим, номаълум, қоронғу нигоҳ,  
Биров қулоғимга совуқ шивирлар.  
Азиз бир товушни эсладим ногоҳ,  
Рангин овоздир бу, гўзал ғимирлар.

Нақадар гўзалдир бу чиркин товуш.  
Оҳанг вужудимни чирмади буткул.  
Бўғилдим, инградим, титрадим беҳуш,

Ожиз баданимга суйканди бир гул.  
Надир бу?! Қўлимда қора лоладир,  
Ул кўздан ғойибдир. Тирик ноладир.

2. Бош эгди қоялар, тоғлар чўкдилар,  
Ахир қисмат парчин, хилқат бешумор.  
Ромиллар, даҳолар борин тўкдилар —  
Наҳот, мангулик йўқ, фано манзил бор.

Оғир-оғир одимлайдир бу карвон,  
Буюклар омонат, пастлар омонат.  
Афсуслар омондир, хиёнат омон,  
Радди бало бўлгур каслар омонат.

Нечун бошим узра қора шамоллар,  
Осмонда игнадек нур йўқдир, нечун?  
Балки судрар мени мудҳиш хаёллар.

Очғил кўзларингни, эй сўнгсиз очун,  
Нақадар ғарибсан, борми бир сўзинг?  
Учиб кел, малагим, мадад бер ўзинг.

3. Эй, дил, ором надир? Кечдинг дунёдан,  
Кўзинг қонли, бағринг сомон — янчилдинг.

Сен қўрқмадинг ҳақиқатдан, бу ёвдан,  
Хиёнатнинг ботқоғига санчилдинг.

Тангри тоғдан ваҳий келди, қайрилдим,  
Олтинларга – темирларга босдилар.  
Мен билмадим, сен билмадинг, айрилдим,  
Оёғимдан ҳақ дорига осдилар.

Изғирин Турондан, тўфонлар Чиндан  
Ёмғирли ёлғизлик, ғубор ичиндан,  
Муножотлар қилдим, қақшаб сиғиндим.

Шафтолиранг олам найза учинда...  
Дунёлари ёлғон, мен ўлдим чиндан...  
Улуғ Тангрим, сени аччиқ соғиндим.

1994

**КЎЗИМДА ФИЛДИРАР ХЎРЛАНГАН ХИЛҚАТ,**  
Иймон асирлари кечар кўзимдан.  
Нафасим бўғзимга тиқилди, фақат  
Қаноат топмадим топган сўзимдан.

Аввал Калом эди, қайда у Қудрат?  
Қайда ҳақиқатнинг халоскор қўли?  
Токай осмон каби тургайлар мудраб?  
Аросат йўлими шоирнинг йўли?

Иймон асирлари бир карвон бўлиб  
Қаён йўртмақдадир ғул, занжир судраб?  
Алданиш саҳроси, пушаймон чўли,

Фано водийсида босриққан суврат,  
Зўрланган жонларнинг чувалган сири.  
Меним-да китобим – иймон асири.

11.06.2003

## МУНАЖЖИМ

*Сен менинг эркимсан, менинг қафасим.*  
**Асқад МУХТОР**

1. Маъсума бинафша япроқларида  
 Ўзинг юз кўрсатдинг. Маъсум боқурсан.  
 Телба юрагимнинг сўқмоқларида  
 Азобимнинг чақмоқларин чақурсан.

Баҳорнинг ўткинчи, гизли сирлари  
 Аниқ нишон олур, ўчар нафасим.  
 Ростин айт, ёлғон де бу гаплар бари,  
 Менинг эрким сенсан, менинг қафасим.

Ўғри уриб қуйган қулбам сочилган,  
 Тақдирнинг ўйини чексиз нақадар.  
 Аммо йўлларимда бир боғ очилган

Бахтдан бахтсизликдан бермоқда хабар.  
 Ажалнинг ўроғи мангу осилган  
 Ранжу маломатдан асрар бу мақбар.

2. Мунажжим кўкларга термулар ҳайрон,  
 Ўлмас Ҳақиқатнинг каломин айтар.  
 Таскин излар йиғлаб, вужуди вайрон,  
 Аламзор боғига эзилиб қайтар.

Беҳуда, дунёнинг кибру ҳавоси.  
 Ачинмакка арзимайдир шайтанат.  
 Разил олимларга, сотқин, ҳаёсиз,  
 Маддоҳ шоирларга тўлган салтанат.

Ўртада талошдир кечмиш ва бу кун  
 Тупроқ сочар, инграр, қўлтиғида тиг.  
 Ахир ҳақиқат бор, валвала нечун?

Бунча осмон йироқ, бунча ер қаттиқ?!  
 Ақлу ҳушдан айро, вола мунажжим,  
 Рад бўлмиш оламдан кўзин юмди жим.

3. Муҳаббат не ўзи? Надир садоқат?  
Ўзингдан минг бора сўрарсан ўзинг.  
Титраб тоқатингга тиларсан тоқат,  
Айтурсан хилқатга илоҳий Сўзинг.

Бу дунё барчадан қолур бегумон,  
Армон саҳроси бу, алам чўли бу.  
Руҳингни сўндирма, Аллоҳга инон,  
Мадал бер ўзингга, иймон йўли бу.

Ўлим каби ҳақдир бу – муҳаббат, бас,  
Танҳо сени дея дунёлар кездим.  
Айирма Борлиқдан мени бир нафас

Буздим танизорим, кўзимни эздим.  
Ёрилди фалакда офтобим, моҳим.  
Рақибимга омонлик бер, Аллоҳим,

1994

### ТАВБА

1. Додимни эшитгил, қодир Аллоҳим,  
Ишқ сенсан, ошиқ ҳам сен, мен қулингман.  
Лойиқман қаҳрингга, дўзахим-боғим,  
Омонат деворман, ўтман, қулингман.

Рубъи маскун ичра сайёд, ўзим сайд,  
Ортиқ мадорим йўқ, воқифсан ахир.  
Манглайда ёзилган фармонингни айт,  
Даъват қил, гуноҳкор бандангни чақир.

Иймон бер руҳимга, жисмимга жон бер,  
Лойимни қориштир, поклаб бер менга.  
Ожиз томиримга покиза қон бер,  
Равшан қил, қорамни оқлаб бер менга.

Охират илмидан қил мени огоҳ,  
Муродим шаъмини сўндирма, Аллоҳ.

2. Мозийга урилиб синар овозим,  
Умр ўтиб борар бенаф, бенаво,  
Наҳотки бу – қўлим? Бу – менинг созим?  
Аллоҳдан сўрайман: – Нечун бу жафо?!

Жами жудоликлар жонимга етди,  
Ол, дейман, Аллоҳим, омонатингни.  
“Тавба қил”, – деди Ул, бир Китоб тутди –  
Муродинг мустажо, мингил отингни,

Уммонлар йўлингда, жангал йўлингда,  
Номаълум ҳар жойда қурилган доринг.  
Оламнинг калити сенинг қўлингда,  
Жафо ҳабибингдир, хиёнат – ёринг».

Аллоҳим, лаҳза – мен, сен эрса мангу,  
Таскин берганингми, шафқатингми бу?!

3. Семурғ қушим, подшо қушим, хуш келдинг,  
Етти гумбаз, етти водий сарвари.  
Васлинг неъматидан баҳравар қилдинг,  
Интизор жонингман, йўлсиз, сарсари.

Нола айлаб Семурғ деди: – Эй, бедор,  
Чорлар сени Бируборим. Бор. Ишон!  
Сен фано водийси, Ҳақ қошига бор,  
Еру осмон чўкмакдадир бенишон,

Ваҳший дунё, қонхўр дунё қутурди,  
Инсон фарёдига тўлди коинот.  
Набийлар, доҳийлар, шоирлар турди,  
Чора, чора, дея сўрдилар нажот...

Аллоҳим, билурсан қай сори кетдим,  
Аллоҳим... мен ўлдим... Мен Сенга етдим...

**ИЙМОН АСИРЛАРИ ҚУЁШГА БОҚАР,**

Озод саболарга осилиб нолон.

Умиднинг ногирон шамларин ёқар,

Осмон сукутдадир, сокиндир ҳамон.

Бирор мужда йўқдир кезган булутдан,

Наҳот қутқарувчи бир халоскор йўқ?

Кўзимнинг соққаси портлар сукутдан,

Сокиндир фиръавн, сукут – сотқин ўқ.

Пирлар, авлиёлар, нечун сокинсиз?

Нечун ул жаллоддир, нечун бул тутқун?

Мен кимман? Ул кимдир? Сиз кимсиз?

Кимнинг аробасин судраймиз бу кун?

Иймоннинг бағрида ахир эркинмиз.

Эркин виждон берган Бирубор нечун?

2.06.2003

**ТЎҲМАТ – 1985**

*Машъум “Лефертово” турмасининг тутқуни,  
дўстим ТОШТЕМИР ҚАҲРАМОН ўғлига*

*Эй ажал, жонимни тез олғил фақат,  
Ёлғонга қул эмиш, ё раб, ҳақиқат.*

**ШЕКСПИР**

1. Ай тўҳмат! Айри тил, судранган илон,

Танимга чирманиб йиртар бўғзимни.

Тўҳмат чангалида бир пулдир иймон,

Чалпир ўзлигимни, ҳаққон сўзимни.

Ёвуз шайтанатнинг чиркин аъмоли,

Наҳот бир миллатнинг бошига етар.

Наҳот чекинмасдир вабо шамоли,

Наҳотки ўзбекнинг Борлиги битар?

Кишанлар, занжирлар шовқини тинмас,

Наҳотки тескари айланмас борлиқ.

Коинот меҳвари бузилмас, синмас,  
Алданган Ақлнинг маҳрими зорлиқ?

Бу аянч поданинг чўбони қайда?  
Ўлимга шайланган қўйларни ҳайда!

2. Ўн эмас, юз эмас, ўн минг чорасиз,  
Бўйнида тўхматнинг мараз нишони.  
Эзилиб, тизилиб қайга борасиз,  
Қайларга йўртасиз, қуллар карвони?!

Келгинди, босқинчи, исқирт қартабон,  
Юртимни қонларга ботирди, ё раб.  
Ботирлар, шоирлар бўксиб юзтубан,  
Кўзларин чирт юмиб ўтирса, ё раб.

Бу қонли ўйинни Аллоҳ кўрмасми?  
Қутлуғ Туркистоним, имдодинг йўқми?  
Сотқинлар кармасми? Хоин кўрмасми?  
Дунёни бузғувчи фарёдинг йўқми?  
Муқаддас Туроним, сесканиб тўлғон,  
Қўлларингни узат, чирпаниб уйғон!

3. Тўхмат балосидан қутқар, Уқубат!  
Ватаним бошида мазаллат рўмол.  
Тўхмат тутқуниман! Исмим менинг тўхмат!  
Бу тавқи тамғани кўкрагимдан ол.

Жаллодлар даврони, тўхмат замони,  
Тўйдирдинг! Фунчани эзғиб сўлдирдинг.  
Қарғишлар, фиғонлар тутди самони,  
Ўлдирдинг инсонни! Қусқиб ўлдирдинг!

Золим, қон ичарсен, охир қон тутар,  
Тўмарис меши бор, қондирар ўчин.  
Уйғон, уйғон, элим, бошингни кўтар,

Ҳақ учун, муборак Ҳақиқат учун,  
Фақат сен ҳақдирсан! Замонлар ўтар.  
Етар! Кўксингга ур қасос қиличин!

4. Милқда мангумидир заҳарли тикон?  
 Аввал Ёлғонмидир, сўнгра Қутлуғ Сўз?  
 Қўли узун экан, йўли кўп экан,  
 Умри узоқ экан ёлғоннинг, афсус.

Совуқ ёлғонзорнинг мозори очиқ,  
 Хўрланган қисматлар чирқираб ётар.  
 Бу қайюр вабонинг шамоли аччиқ,  
 Кўзинг ачишдим, Авлиё Ота?

Ҳақиқат каъбаси! Тингла додимни,  
 Исо Масиҳ, уйғон, додимга еткил.  
 Оқла суягимни, оқла зотимни,  
 Ҳақ бирлан бирга бўл! Ё мутлақ — Битгил!  
 Ўзбек илдининг оҳидир — оҳим,  
 Сендан бўлак суянчим йўқ, Аллоҳим!

1985

**СЕН ШОИР — ЧОРЛАЙСАН ОСМОН ҲУРЛАРИН,**  
 Ойнинг сочларини суйиб тарайсан.  
 Кўзларингга ютиб Куннинг нурларин  
 Болаликнинг кўзлари-ла қарайсан.

Сен букун Манфред, банди ва банда,  
 Сен учдинг мусиқор оғзини боғлаб.  
 Чеккил, чексизликнинг чегаси сенда,  
 Кул! Ҳайқир, танингни ўтларга доғлаб,

Бошинг узра Румий дарвишу табиб,  
 Қошингда Навоий, сен — Бобо Тоҳир.  
 Сен — шоир мангусан охират каби.

Шеърят ибтидо, шеърят — охир,  
 Изтиробдан ўлмас шоирнинг қалби.  
 Шоирнинг онаси Изтироб ахир.

27.12.2003.

**АЙ ИЙМОН АСИРИ, ВИЖДОН ТУТҚУНИ,**

Қисматда бор экан бу ваҳшат, зўрлик.  
 Кўзингда умиднинг сўлгин учқуни.  
 Кўксингда инончнинг имдоди шўрлик.

Кечалар босриқдинг тушда, рўёда,  
 Кундузлар бошингда синди калтаклар.  
 Ҳақ билур, сен ҳақсан ҳақсиз дунёда,  
 Сендан хабар олсин ҳурлар, малаклар.

Сенинг юрагингни коинот билсин,  
 Сенга кулиб боқсин осмоннинг кўзи,  
 Қаттол Аҳраманнинг бағрини тилсин.

Сабр-тоқат берсин Ҳақиқат сўзи,  
 Озод дунёларнинг хабари келсин,  
 Қошингга бир келсин Биру Бор ўзи.

3. 06. 2003

**ТОШТЕМИР ҚАҲРАМОН ЎҒЛИ ШЕЪРЛАРИДАН***Leporte**Русия, Лефертово турмаси.*

24.02.1986

1. Ё раб! Бу қандай юрт, қандай оломон?  
 Мансабдорин асло тушуниб бўлмас.  
 У мазлум томонми ё зolim томон,  
 У тирик инсонми ё мангу ўлмас.

Қорни биқсиб тўлар, ҳеч кўзи тўлмас,  
 Ўзининг қўлини ўзи кесади.  
 Юракдан йиғламас ва лекин кулмас,  
 Тошларга қоқса-да яшнаб ўсади.

Тепада ким бўлса, унга барибир.  
 Эланиб, суйканиб етар пойига.  
 У шундай бепарво, дажжол, бесабр,

Биров назар қилмас ҳаййу ҳойига.  
 Охир насиб қилар бир қулоч қабр.  
 Пичоқ тиқиб ётар ётган жойига.

2. Ё раб! Ким хору зор, ким омон-омон?!  
Ул ўзин алдайдир, ўзини сотар.  
Билмас Ҳақ қайдадир, нимадир ёлғон?  
Куллуқ қила туриб, зимдан тош отар.

Шўрлик инсон, ай шўрлик юртим,  
Сен учун жигарим адо бўлмоқда.  
Мен йиртқич шоқоллар комида юрдим,  
Менинг арслонларим нечун ўлмоқда?

Бошимда чарх сурар бўронлар, қорлар,  
Бир умр изғиса қарғалар, наҳот,  
Қайларга қочдилар лочин, шунқорлар?

Ивиган хас каби сирғалар наҳот?  
Наҳот унут бўлса иймон, виқорлар?  
Ўлиб битса қўрқмас дарғалар наҳот?

4. Ё раб! Ўғри, каззоб маҳридир бозор.  
Аёлинг тул бўлди, фарзандинг етим,  
Падаринг қул бўлди, волиданг мозор,  
Эй менинг номусим, эй менинг юртим.

Бу юртнинг даҳоси, паноҳи қани?  
Қайда пусиб ётар алдамчи каслар,  
Қайда у озодлик, эркин нафаслар,  
Қачон уйғонадир мардлар Ватани?

Сахро. Карвон борар. Айрилди ҳушим,  
Бошимга эгилди соғлар, носоғлар.  
Симёғочда хониш қилар оқ қушим.

Турмани тўлдирди болалик чоғлар.  
Ёдимга санчилди қадимий тушим,  
Ёдимни ёритди ул ғариб боғлар.

5. Ё раб! Кўзингни оч! Ҳиддат суринди,  
Қиёмат қутурди, бўкирди ёбон,

Яланғоч ёбонда бир инс кўринди,  
Бу сенми, Аҳраман, ёвуз қаҳрамон.

Сариқ алвастилар бўлди намоён,  
Ўлим рақси авжга минди, шафқат йўқ.  
Сен қонхўр қузғунсан, кирдоринг аён,  
Сен эй ўлаксахўр, эй ирганч махлуқ!

Кўксимни эзгилаб, босиб турган ким?  
Кимдир, ўликзордан излаган нажот?  
Хайр! Тишларимда гижирлаган қум,

Хайр! Шивирлаган, синграган баёт.  
Хайр! Бурдаланган, чирпанган халқим,  
Хайр! Шеъриятга кўмилган ҳаёт.

1986

### ТҲАКУРНИНГ ОХИРГИ ШЕЪРИ

(07.05.1941)

*Айролиқ кунидир туғилган куним.*

**Робиндранатх ТҲАКУР**

1. Соҳир Сарасвати! Надир бу ақлим,  
Надир тану надир дилу надир жон?  
Бу қандай қаҳқашон? Бу қайси иқлим?  
Алдандимми туғилиб? Ростми ёлғон?  
Эй менинг паришон, эй шўрлик халқим,  
Ўзинг қачон туғиласан, сен, қачон?!

Қорайиб тиркашар ўз музтар кўлкам,  
Изиллар сўзимнинг маъюс жаранги.  
Визиллар музларга бурканган кўклам,  
Очиқ поёнларнинг баёнсиз ранги.

Совуқ қоронғунинг оппоқ садоси,  
Бўғзимда бўғилар мусиқам, уним.  
Ажр саҳаридир, ҳажр саҳроси,  
Алвидо кунимдир туғилган куним.

2. Ай сен она халқим! Лойларга ботдим,  
Тилла ҳаловатнинг гилофидан чиқ!  
Сўйилган сағримга захролуд қотдим,  
Камолот сўқмоғи нақадар аччиқ.

Тириклар! Ёндирманг эски маъвони,  
Сувларга ботирманг. Тириклик битар.  
Ҳавони қизғанманг, озод ҳавони.  
Тупроқни булғатманг. О, Шива, етар!

Ерга қўйинг мени. Онамдир тупроқ,  
Тобиниб ўпайин онамнинг изин,  
Онамнинг юзини, ой юзида доғ.

Яшин беринг менга, чатнайин ўзим,  
Менга денгиз беринг, дарёлар урфоқ,  
Нафас беринг менга, берингиз Сўзим.

3. Изғирдим саргардон мен сизни излаб,  
Товонимни тешди Срабон, ёмғир.  
Ўзимни лаънатлаб, сизимни сизлаб  
Ўлмаи туриб ўлдим, сиз учун ахир.

Ёниб айтдим, чексизликнинг чеки бор,  
Чексизликнинг чекларига етармен.  
Мендан рози бўлинг, тириклар, дўст-ёр,  
Бир чимдим меҳрингиз олиб кетармен.

Менинг соғинганим қайларга кетди?  
Тамом! Бор-йўғини совуриб бўлдим,  
Ўлимим соғинган додига етди.

Агар мен Коинот бўлсам, Мен – тўлдим.  
Хайр! Хайр энди! Биз кетдик? Ул кетди?  
Мен букун туғилдим. Мен букун ўлдим.

4. Ўзимни топканда сизни қидирдим,  
Унутдим ўзимни, қучдим еримни.  
Мен сизга бир дунё дунё қолдирдим,  
Мен сизга қолдирдим қонли шеъримни.

Сафарим олдидан яна ўйладим,  
 Начора? Қарзларим кўп эди, эсиз.  
 Йама<sup>17</sup>нинг руҳига сокин сўйладим.  
 Уёқларда қандай яшайман сизсиз.

Ўғри ташлаб кетган бир тутун молим,  
 Мен ортиб кўчмасман. Сизга бу тутун.  
 Сизсиз у ёқларда не кечар ҳолим.

Сизсиз бор нарса йўқ. Томирда тутун.  
 Юзингизда кўрдим Аллоҳ жамолин.  
 Охирги сафарим. Мен туғилган кун.

27.09.2003

### ALANIYA

Кўз ёшим юлдузлар каби сочилсин,  
 Фалакда ёрилсин бу фандур – наво.  
 Бу ўлик жонларнинг кўзи очилсин,  
 Менинг фарёдимдан тирилсин дунё.

### КЎСТА ҲЕТОҒУРИ

1. Ай Зулм зумраси, ёвуз, ўлик тож,  
 Ай Ёлғон ялоғи, ай сўқир сарват.  
 Ай Сен мискин Иймон, ай сен шўрлик Хоч,  
 Тур, уйғон, ай Хурмуз, чалқинди Чарват.

Ҳайҳот! Мутлақ Ақл чорасиз бу тонг,  
 Бу саҳар коинот кўксини ёрди,  
 Қаҳқашон симларин узиб урди бонг,  
 Йўқ! Йўқ! Мумкин эмас! Бир имкон бордир.

Бир илинж шарпаси бордир? О, агар,  
 Агар синов бўлса – Ҳақ имтиҳони –  
 Хилқатнинг кўзига санчилди ханжар,

---

<sup>17</sup> Ҳинд асотирларида: Сарасвати – фан ва санъат илоҳаси.  
 Шива – бунёд ва барбод маъбуди. Срабон – тинимсиз ёмғир  
 ёғадиган ой. Йама – у дунё, ўлим маъбуди.

Фалакка сачради гўдаклар қони,  
Менинг юрагимда тирилди ажал.  
Йўқликка топширдим борлиқ дунёни.

2. Сотқин жонин сотар, танини сотар.  
Уйқу ичинда Шарқ, мудрайдир Мағриб.  
Аҳраман лашкари нажасга ботар —  
Она-Ватанингни бермас қайтариб.

Яна уфқ ёнар, яна тонг отар,  
Наҳот ой кезгайдир кунни ахтариб?  
Қўйнингга қўлларин тиқиб уинатар.  
Қақир қўрчоқбоздир, чиқмиш мағари.

Ваҳшат фарзандларин қўяр гаровга,  
Сўз бермас, Эрк бермас, Ҳаво бермайдир.  
Сунар бесарларга саргардон, совға.

Чиркин чўнтагига чорлаб чирмайдир,  
Судрайдир жонлиқни кишанга, говга,  
Сағрингда яланғоч қилич сермайдир.

3. Эй жафокаш Инсон, ожизсан бунча?  
Йўқ, сен мавжудоднинг қисмисан ахир,  
Инсонсан, Аллоҳнинг исмисан ахир,  
Сен-сен, токи маҳшар қаъри ютгунча.

Замин ўйинчоқдир зулм дастинда,  
Қўрчоқбоз ҳукминда муслиму тарсо,  
Сағирлар сингари санқирмиз сарсон,  
Меҳрсиз, мурувватсиз оғриқ даштинда.

Зулм оч офатдир, зулм ғар, ғариб,  
Нон сўрайдир, жон сўрайдир, сўрар қон.  
Ҳамон интизордир Тафаккур, Тарих,

Тантана қилурми хўрланган Инсон?!  
Сабр ила сайёра сўнди сарғариб,  
Ё раб! Қачон келур ул айём? Қачон?!

4. Етим Алания, йиғлама Баслох,  
Тошларга юкунма, ўтларга юкун.  
Сен кимга ёмонлик соғиндинг? Асло!  
Кимларнинг божини тўларсан букун?

Итларга қопилдинг, лойга қотилдинг,  
Кимнинг чангалида қолдинг чирқираб.  
Тарикдай сочилдинг, йитдинг, отилдинг,  
Зардўштий сингради қуёшга қараб.

Эй воҳ! Қаноатнинг қаноти синди,  
Сабрлар сарилди, тортиқди тоқат,  
Аччиқ йиғларимдан қаранфул инди, —

Қутлуғ мазорингга йиқилдим фақат,  
Мард бўл, Алания йиғлама энди,  
Сен борсан — Аллоҳ бор, бордир Ҳақиқат!

03.09.2004.

#### **КЎЗИМНИНГ ҒОРИДА ПАРЧИНЛАНГАН КЎК,**

Булутлар, тўлқинлар, ҳиддат сочилган.  
Сенинг чиройингда гард йўқ, губор йўқ —  
Алданган гулларнинг бағри очилган.

Сен-да сочилгансан, очилиб гулим,  
Сен балки мен учун яшарсан энди.  
Сен ёлғизсан бу дунёда, севгилим,  
Чексиз чидамимнинг синчлари синди.

Мункайган чўққидан сўрайман Сени,  
Қариган баҳордан Сени сўрайман.  
Топгил, дейман Менинг Буюк Севгимни.

Ер тишлаб сўрайман, сўнг бор кўрай ман.  
Чақинлар чўлакка чақир жисмингни,  
Кўкнинг синиғига Сени ўрайман.

11.11.2002

# “МАКТАБ ДАФТАРИ” ДАН

---

---



**“МУДРАР, МУДРАР ҚАЛИН ТЕРАКЗОР”,**

Тунги еллар билан паришон,  
Висолингга сени интизор,  
Теракзорда кутаман ҳамон.

Оҳ, келмадинг нега эртароқ,  
Дилбар, ойни уялтирган қош.  
Нега ахир кечроқ порладинг,  
Юрагимга нур берган қуёш!..

*13.12.1958.*

**ЭСДАЛИК**

Сен яшагин гуллар ичида,  
Иқболингга чиққанда қуёш,  
Ашулалар айтгин у ерда  
Кўзларингга олма сира ёш.

Кенг осмонга кўз ташла бир зум,  
Қара, қандай оппоқ, беғубор.  
Кўзларингда кўк тиниқлиги  
Ва гулбаҳор хусни барқарор.

*5.11.1955.*

**МЕН ШОИР ЭМАСМАН, АММО ҚАЛБИМДА**

Бир ажиб ҳиссиёт тўлқин уради.  
Шу юрак ҳислари қистайди мени,  
Оппоқ қоғозларга қалам суради.

*27.07.1957.*

**ОЛИСЛАРГА ТИКИЛАМАН МЕН,**  
Хаёлларим сўнгсиз ниҳоят.  
Кўзларимда ёнади шодлик,  
Юрагимда янги ҳикоят.

Бахтлиманки, ошно табиат,  
Болалигим ажойиб ва соз.  
Сабо елиб бахтимдан куйлар,  
Булбуллари ҳамлард, жўровоз.

*23.06.1956.*

**ГҶЗАЛ ОЙГА БОҚИБ КЕЧАСИ,**  
Қаердасан, сени сўрардим;  
Очилганда гуллар гунчаси,  
Суратингни унда кўрардим...

*27.08.1956.*

### ГУЛ

Муҳаббат ва юракнинг рамзи,  
Хаёлларнинг интизори гул.  
Дейманки, бу севгининг расми  
Севгилимга бўлгуси мақбул...

*20.08.1956.*

### НЕГА СЕВМАЙ?

Нега севмай, мовий кўзларинг  
Дилга берса умид ва ҳаёт?  
Нега севмай, ёниқ бир ҳисга  
“Муҳаббат” деб Сен қўйганда от?

*13.10.1956.*

### КУЗ ТОНГИ

Тонг ота бошлар астагина,  
Куз қуёши нурын сочади.  
Олтинсимон боғлар кўриниб,  
Олисларда кўнглим очади.

Тонг ота бошлар астагина,  
Пахтазорда ёрилар кўсак.  
Оҳ, пахталар — гуллардан чаман,  
Нафасларга тор келар кўкрак.

Қувноқ қизлар айтиб ашула,  
Пахтазорга ҳусн таратар.  
Ҳаёт қайнар, ҳаёт тинмайди,  
Юракларда иш завқи ортар.

Қувноқ қизлар тўлдирар этак,  
Шошиб қолар уста тарозбон;  
Ҳар бирининг юзида шодлик —  
Қаршисида улкан бир хирмон...

### ТЕРИМЧИ ҚИЗ

Ҳали кўкдан қуёш боқмасдан,  
Далаларга таралмасдан нур;  
Жадаллаб кетдинг, теримчи қиз,  
Юзларингда табассум, гурур.  
Ё севгилинг сени кутарми,  
Пахтазорда бўлиб интизор?  
Ё кутарми олтин пахталар,  
Этагингни тўлдирай, деб зор?

111

**SAKINA**

1. Сайланма  
 2. Сайланма  
 3. Сайланма  
 4. Сайланма  
 5. Сайланма  
 6. Сайланма  
 7. Сайланма  
 8. Сайланма  
 9. Сайланма  
 10. Сайланма  
 11. Сайланма  
 12. Сайланма  
 13. Сайланма  
 14. Сайланма  
 15. Сайланма  
 16. Сайланма  
 17. Сайланма  
 18. Сайланма

1. Сайланма  
 2. Сайланма  
 3. Сайланма  
 4. Сайланма  
 5. Сайланма  
 6. Сайланма  
 7. Сайланма  
 8. Сайланма  
 9. Сайланма  
 10. Сайланма  
 11. Сайланма  
 12. Сайланма  
 13. Сайланма  
 14. Сайланма  
 15. Сайланма  
 16. Сайланма  
 17. Сайланма  
 18. Сайланма

Шоирнинг дастхати. “Сакина” сайланмаси мундарижасининг илк саҳифалари.

Доктор Норман  
Кавказская  
Реп. Ред.  
И. С. С. П.  
30

ОНА ТИЛИМ

Оттеб беттавлар олти эвлар,  
Оттеб соччи сочар бон узра бешар,  
У ошманг тилигда айтар ашлар,  
Оттебдек ардода эй Она тилим.

Мен арча урдашчига тох бар элтурман  
Тох туши элтурман оттеб элтурман  
Оши билим учун оттеб хайтарман  
Сени билимни оттеб хайтарман.

Гуй қасмет хен бешар бешар  
Шунака оттеб биле хайтарман хайтарман  
Бон не кутулманлар мен сени эй,  
Бу не талотулар айтар бар хайтарман.

Нахоти умиди урдаш уйлар  
Урдаш хайтарман эйла хайтарман!  
Нахоти билимни урдаш уйлар  
Бу талотулар айтарман оттеб хайтарман...

Асгутурман урдаш уйлар  
Бирок бон хайтарман урдаш уйлар...  
Вотт шир айтарман ош мен билим  
Ушр айтарман кутурман уйлар

Бу ош кутурман кутурман бон  
Оши билимни урдаш уйлар  
У менон тугилган ош мен айтарман  
У ош мен кутурман билимни уйлар

↓

30

Селези абайилов эй турки тилим  
Сенда мен булгай ифтихари  
Аш қасмет мен билим биле мен  
Хайтарман биле ошлар бон

Кара Иштарманча бон билим  
Бирок биле бон бон бон...  
Эн мен билим биле бон хайтарман  
Менинг хайтарман ушр бон

Оттеб беттавлар олти эвлар  
Оттеб соччи сочар бон узра бешар  
У ошманг тилигда айтар ашлар  
Оттебдек ардода эй мен бон билим.

1915 (1927)  
5

“Она тилим” шеърининг биринчи варианты.

Она тилим

1. Орттоб дурдундур суртти даштар,  
 Орттоб суртти суртти баш урга баштар,  
 У симилиг даштарга аягы аягы,  
~~У симилиг даштарга аягы аягы~~  
 Заманга баштар. Она тилим, Она тилим,  
 Миле урга даштарга аягы аягы аягы,  
 Гош урга аягы аягы аягы аягы,  
 Сени баштар дурдундур суртти даштар,  
 Сени баштар аягы аягы аягы аягы.

3. Какты урга аягы аягы аягы,  
 4. Урга аягы аягы аягы аягы,  
 1. Какты баштар аягы аягы аягы.

2. Бу даштар Халканын аягы, аягы...

Она тилим дурдундур. Солончон дурдундур.

“Она тилим” шеърининг иккинчи варианты.





5 вариант

140 Бүтүнчү б. м. р. р. р.

Она тилим | Келин дээр дур бу, сата далайга

1. Келин ~~мелем дур~~ сата далайга,  
Ортод огу согар бу урга туга,  
Э симиэ билимде катар, олакур,  
Ачыл, ачылга, к. бу катар.

Калови айта ухи-пу-пу,  
Бу томлар катарында катар,  
Калатки уарбар урга бу катар,  
Ачылбар катарында катар.

- 2 | Фмо катарында катарында,
- 1 | Катарында катарында,
- Мен дурбу уга катарында,
- Катарында катарында,
- 4 Келин олод урга катарында,
- 3 Келин дурбу уга катарында.

- 1 Келин дурбу уга катарында,
- 2 Келин дурбу уга катарында,
- 1 Келин дурбу уга катарында,
- 4 Келин дурбу уга катарында,
- 3 Келин дурбу уга катарында,
- 5 Келин дурбу уга катарында.

Катарында катарында, она сунатса,  
Фмо катарында катарында,  
Келин дурбу уга катарында,  
Келин дурбу уга катарында,  
Келин дурбу уга катарында,  
Келин дурбу уга катарында.

“Она тилим” шеърининг бешинчи варианты.

Она тилим

6 вариант

1. Дур Турсунтан бу ошма далам,  
Сатил авы сизер бу дур тилим,  
У саним тилимге айбар аламан,  
Ковмо, ака тилим, аи Ола калма.

Калмай байбери улкери илмир,  
Бу тошмир хазанни айна, калма...  
Казитки урбу урбаса дулар,  
Урбуу затирбанду Ака койрбу?

Затирбандим, ака тилим, ака тилим,  
Фило вориниу аилкилим дураак,  
Сем бураккала дула калма.

Мине бор бораккалам, мине бор ак тилим,  
Боракка килеми алам? калма...  
Мини тилим? Калма ала бу бу айдурам.

2. Айтмак таттигди бала рибат,  
Борак бу бораккалу Турки дилим.  
Шоур, бу айтмак сеп калма рибат,  
Бор Акбаракка булу тилим.  
У, ала буракка килеми бу.  
Ола койрбу дур ул ил дилимге,  
Калма Хазанга ала дилим, ака тилим?  
Буракка ала дилим рибат.

Боракка: Билеке буракка Бован  
Мини тилимге ала дилимге ул ил тилимге  
Буракка ала дилимге ала тилимге.  
Тамгилит, Абдуракка дилим тилим,  
Мини ака тилим, мине тилимге  
Сем бураккала Турки дилимге.

1  
2  
3  
4  
5  
6

“Она тилим” шеърининг олтинчи варианты.

7-й вариант

II

Алар көчүрүлүп берер угулар,  
Танла тилектерин угуу сүзүдө.  
Күндөгү угуулар сүзүсүз угулар.

III

Эмгектен башка эч нерсе кылар эмес  
Күндөгү угуулар сүзүсүз угулар. 5  
Мен 4.5 саатка эмгектен угулар 3  
Башка жерде эмес угулар. 4

I

3. Жер, ора тилим угулар эмес,  
4. Саат, ора тилим угулар эмес, бир кезде угулар  
1. Не эм угу тилим угулар эмес  
2. Чечкенди угу тилим угулар эмес.

1. Баран жер угу тилим угулар эмес,  
2. Мен угу тилим угулар эмес, угулар эмес.

“Она тилим” шеърининг еттинчи варианты.

Ona tili

1. Ойи Туранин элти динлар,  
 Ўралиб келиб келиб келиб келиб  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб,  
 Қонил, она тилим, ва она қонил.  
 Набили бахтига динлари ишлар,  
 Бу тиллар ҳаққини хотир, қилди.  
 Наҳотки қилдиб ертаси диллар,  
 Ширин динлардан эли қилди.

Ҳаққини қилдиб она тилим, она тилим,  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб

Ona tili

Мен сени қилдиб келиб келиб келиб

Болганим қилдиб келиб келиб келиб,  
 Мен қилдиб келиб келиб келиб келиб

2. Ақибатда Тўрқондан билиб келиб келиб,  
 Бирок сени берган-ки Турон қилди,  
 Наҳот, бу ақибатда сени қилди қилди,  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб.

Уо ақибатда қилдиб келиб келиб келиб,  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб,  
 Наҳот, бу ақибатда сени қилди қилди,  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб.

Бирок сени берган-ки Турон қилди,  
 Наҳот, бу ақибатда сени қилди қилди,  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб,  
 Наҳот, бу ақибатда сени қилди қилди,  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб.

3. Ойи Туранин элти динлар,  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб,  
 Қонил, она тилим, ва она қонил.  
 Набили бахтига динлари ишлар,  
 Бу тиллар ҳаққини хотир, қилди.  
 Наҳотки қилдиб ертаси диллар,  
 Ширин динлардан эли қилди.

Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб,  
 Наҳот, бу ақибатда сени қилди қилди,  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб.

1945/1947

Ona tili  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб,  
 Наҳот, бу ақибатда сени қилди қилди,  
 Ҳасан тилида айта келиб келиб келиб.

“Она тилим” шеърининг саккизинчи варианты.

2. In. 1950

1950-1951

Das ...

1. Uygur ...  
Buras ...  
Uygur ...  
Kulak ...  
Kulak ...  
Kulak ...

...  
...  
...  
...  
...

2. Uygur ...  
Buras ...  
Uygur ...  
Kulak ...

...  
...  
...  
...  
...  
...  
...  
...  
...

-345-

...  
...  
...

...  
...  
...  
...

...  
...  
...

...  
...  
...

1968 (1951)

“Она тилим” шеърининг тўққизинчи варианты.

Walyman

Rauf Rof. O'taza

(2)

Aha tili

1. Uluq Turanining iltis dolalar,  
Aflak sâiqi sâcaa kas uku balqis,  
U suni tili du ayta allalar,  
Qonun, ana tili, sh, ana xalqin.

Nastiq bog'iga voyaydi yollar,  
Bu tazlar Hamzanin yalib, haybat  
Nahâtki uwr kad otasa aylar,  
Uwr kad kang. kad otia ustirat re  
Zanir baidnon, ana tiliq An Suvira.  
Fân vadiyoda men xanan Bilayman.  
Men sem yâzar men oyel koxing.

Yullarman yollarina ulayman,  
Bâsimni qoyarman suni izia.  
Men jari baidnon Bir bir tilayman.

2. Hlut-türe la'ixida talas bir hiinat,  
Baxiq son barsan-ku Turan olinda.  
Suz, Sor aytmaxa son sasma pagat.  
Uluq Aliserni qutlug tiliada  
U a lis quyashdor kuyinib yanar,  
Ales xâterâtdur oqmar falocda.  
Hagda, Hagiqtda ayta kim tano?  
Banyariy alamni tiyga yuruxda.

Vatan deb otaljan loxuc anacan,  
Men usun yâpilotan esuc anacan  
Men sâxin sallamb tincab Baraxan

Vatan deb otaljan talat osonda,  
Qanday talatni o'zida qonman  
Rahimni paxasi 'Cahniq Conida

0  
Rauf Rof  
Ehtiyot

3. Keç eət uşa bilmas, uşğın caam,  
Haqiqatın uşa bilmas haqqıdan.

Əlim, ana tili, ruhumu qan,  
Bir imdad tilayın sənün, anacım.

Çayınzər yoldadır kərəz yollakım,  
Təmün yänməkdədir 1962 əfunda,  
Koxlarga toqınar sənəz qoltarım  
Əyüq lətim mənün tufay əfında.

Bərçanın beşidə bərçün kəməni,  
Nəxus zaman lərinü ölx şənət,  
Bucəfın yığırmanı, azı a'məli.

Mənün ana tili, mənün, məhrətim  
Tairinin, Aladnin fəilə & xayələ -  
Sənün yə kəsənən, tərildən cəhər.

1965 (1997)

Rəfi

12.5.97

“Она тилим” шеърининг ўнинчи варианты.

КЕЛ, ЭЙ МАҲБУБАМ,  
Ташриф эт, гузал.  
Яшна қаршимда бу дам,  
Йўлларингга зар.

Қора булутлар  
Тўлмай уфққа.  
Муҳаббатинг ўти-ла  
Порла маъшуқам.

Севгилим, сўйла  
Жавоб бер, қўзим,  
Қаердасан гул ила,  
Қоши қундузим?

О, дилрабо, қайт,  
Рашк этсин баҳор.  
Севги қўшиғини айт,  
Қалбим, марҳабо!

1959.

### МАРТ ОҚШОМИ

Тебранади аста узун тол,  
Товушсиз сув оқар остида.  
Ўз тўнига ўраниб хушҳол,  
Куртак ухлар баҳор пўстида.  
Оппоқ паға булутли само  
Шу дам қолди марварид сочиб,  
Маржонларга ювилди сочим.  
Шивир-шивир суюмли наво.

Ёмғир тинди. Олам бошқача,  
Оқшом гўзал эди ва ойдин,  
Толлар йиғлар, тўкилар чакка,  
Тўкилади зиё ҳам ойдин.  
Оқшом сўйлар ўз тили ила;  
Оғочлар сирли ғичирлайди,  
“Эртагача” деб пичирлайди,  
Шаббодалар бетимни силаб.

9.03.1959.

**БАҒИШЛОВ***Дўстим Н...га*

Созим учиб бориб ёнингга,  
 Кечир бир дақиқа этар банд.  
 Таниш ўша товушим Сенга,  
 Ёқмаса ҳам, эҳтимол, гарчанд.  
 Гул-чечаклар териб тутмадим.  
 Сен бошқача тушунма буни!  
 Далаларда йўқ экан. Дўстим,  
 Ма, ожиз шеър – қабул эт шуни.  
 Мен дўстликнинг ҳайкалига деб,  
 Ҳурмат, садоқатга деб эваз.  
 Қизил гап, сўзларга бердим зеб,  
 Олиб қочди ногаҳон Пегас...

Ҳайҳот! Мозий излари хира,  
 Юм-юм йиғлар шеър аҳллари,  
 Дор остига борар Нодира,  
 Одамзоднинг шер ақллари...  
 Сен келасан эсимга шу пайт,  
 Илҳом кулган, дўстим, бебаҳо,  
 Юксак фикрларга тўла байт,  
 Тутқизасан қўлимга гоҳо.  
 Вайсаб қолсам кечир, сен ёлғиз,  
 Хаёлпараст эмасман, зотан  
 Романтиклар сонсиз-саноқсиз,  
 Шоирларга тўладир Ватан!

*8.03.1959***БАҲОРГА**

Суюмли гулбаҳор,  
 Меҳримнинг гуллари бу қишда ўсди.  
 Ўрмон гўзал, ҳозир танҳо шитирлар,  
 Дил қўпдан орзиқиб сени хотирлар  
 Шошиб келяпсанми илҳомкор дўстим...

*11.03.1959.*

## ҚОЯ

*(М. Ю. Лермонтовдан)*

Олгинсимон булутлар тунар  
Юксак қоя кўкxида бир дам.  
Ложувард кўк узра шод-хуррам,  
Тагин саҳар йўлга уринар.  
Қари қоя устида лекин,  
Ажинларда қолар нам изи,  
Танҳо хаёл сураркан ўзи,  
У йиглайди саҳрода секин.

*(Ф. И. Тютчевдан)***АЗОБЛАРДА ЁНИБ ВА МИСКИН**

Талпинади қалбим сен томон.  
Хотиралар кечасида тин,  
Нигоҳингни қўмсайман ҳамон.  
Унутилмас мулойим образ,  
Мен-ла бирга ҳар зум ёнимда,  
Лекин толе муяссар эмас —  
Юлдузларга тун осмонида...

12.03.1959.

*(Ф. И. Тютчевдан)***ИШОНМАГИЛ ШОИРГА ҲЕЧ ҲАМ,**

Даргоҳингга чақирма, гўзал.  
Шоирона муҳаббатидан  
Қўрқ, юракдан эмасдир сўзлар.  
Сира мафтун этмайди уни  
Латофатли ёшгина қалбинг;  
Яширмайсан ишқ алангасини  
Ва қизларга муносиб майлинг...

**ИСТАК***(Н. П. Огаревдан)*

Тиниқ лаблар, ёрқин кўзларинг  
 Қаршисида бир бор олсам дам;  
 Сен – толеим, ёш соҳибжамол,  
 Сен яшайсан истак, ҳиссимда.  
 Қиш кечаси олис бунча ҳам,  
 Истар эдим Сен билан якка  
 Суҳбатлашсам жим-жит хонада,  
 Неки ошно бўлса юракка.  
 Оппоқ, оппоқ қўлларингни ман  
 Лабларимга боссам, моҳитоб,  
 Оппоқ, оппоқ қўлларингни ман  
 Кўз ёшлар-ла ҳўлласам шу тоб.

13.03.1959.

*(Гётедан)***ЮКСАК ТОҒ ТЕПАЛАРИ**

Уҳлар қоронғу тунда.  
 Сукутли водийлари  
 Ёрқин ҳислар-ла бунда.  
 Чангимайди пастда йўл  
 Ва япроқлар титрамас...  
 Тўхта, тўхта, ором ол,  
 Эҳ, йўловчи, бир нафас.

**А.О. СМИРНОВАГА***(М.Ю. Лермонтовдан )*

Сўзларим кўп сизга ва лекин,  
 Истайманки тинглайин фақат.  
 Сиз қарайсиз жиддий ҳамда тин,  
 Мени эса босар хижолат.

Нима қилгум?... Ширасиз нутқ-ла  
 Фикрингизни этолмайман банд...  
 Хўп кулгили туюлар эди,  
 Бўлмаганда шундай пинҳон дард.

## НОМАЪЛУМ АСКАР ҚАБРИ

*(М. Исаковскийдан)*

Қайга борма, қаердан қайтма,  
Лекин бунда бир зум тўхтагил  
Ва мўътабар қабр бошида  
Юрак муҳаббати-ла эгил.

Ким бўлсанг ҳам: балиқчи, шахтёр,  
Балки олим ёки бир чўпон –  
Мангу эсла: шу ерда ётар  
Дўстинг сенинг, яқин, қадрдон.

Сен учун ва мен учун ўртоқ  
Душманларни у мажақлади:  
Аямади жангда ўзини  
Ватанини аммо сақлади.

## ...ГА

Гўё яшнаб, порпираб ёнган,  
Ва бир маҳал сўниб қолган шам...  
Йўқ, йўқ, юрак у томон чопмас  
Хаёлимга учиб келмас ҳам!  
Сиз қаршимда гулгун намоён,  
Тағин ишқдан тутқизиб “гултож”,  
Нега қалбим тинчгина ором  
Уйқусига излайсиз илож?  
Нима ўтган бўлса умримда,  
Бари рўё ва бетасалло.  
Бахтиёрман: мағрур, паришон  
Барча ўйдан олисда танҳо.  
Содда онам ўз орзусида  
Шошиб-пишиб кўраркан тадбир,  
Лекин бедор тушкун руҳимга  
Барвақт оғу қуймади тақдир.  
Уйғонарми мангулик уйқу? –  
Эсга солманг, ҳайҳот, у дамни,

Унутай Мен, хунук муаммо  
 Бағишлаган ўша одамни.  
 О, сўзламанг, унутай, Дўстим,  
 Кечмиш ҳаётим иллатини...!  
 Инсон ишқи, дунё бахш этган —  
 Ва ҳайвоний муҳаббатини.

21.03.1959.

### ЁҒИН КЕЧАСИ

Кутаману қуршар ҳаяжон,  
 Бошимга минг фикр қуйилар,  
 Гўё ирмоқ жилдирашлари  
 Мунгли қўшиқ каби туюлар.  
 Ҳам гулдираб-гулдираб ғамгин,  
 Фигон чекар кўклам товуши,  
 Шитир-шитир ёмғир савайди,  
 Кўзёшларга тўлар ҳовучим.  
 Мен ҳамон кутаман, эгним ҳўл,  
 Аммо сендан бўлмади дарак;  
 Оҳ! Сен келсанг олам яшнарди,  
 Ва ўзга ҳис этарди юрак.

23.03.1959.

### ДЎСТИМ ҲОЛМУСОГА

*Сўлган гулдан асалари бол эммайди.*

**ШУҲРАТ**

Қанотли хаёллар билан, жон жўрам,  
 Кўпдан орзумандмиз бир-биримизга.  
 Начора ўтдию кетди бу йил ҳам,  
 Кезмадик эрк бериб ҳур ҳиссимизга.  
 Мен ҳозир қишлоқда. Дала ям-яшил.  
 Бу ерда илҳомкор ҳар кун, ҳар минут,  
 Кўклам қуёшининг шуъласи асл! —  
 Тепамда оқади кумуш оқ булут.  
 Ялпиз ҳидларига тўла арғувон,

Латиф оқшомига мутлақ боғиндим,  
Лекин сайр этган ошно икковлон  
Гўзал парк тунини, ўртоқ, соғиндим.  
Эзгу ўйларимнинг оловида бот  
Ёнаман, куяман, кул бўлмай фақат!..  
Яна баҳс этармизми ишқ ва ҳаёт,  
Порлоқ бахтиёрлик ҳақида бир вақт?

26.03.1959.

### ЖОЗИБАЛИ БЎЛАР ЭРТАГА

Кундуз ўйга чўмар. Тун яқин,  
Осмон янглиғ оқшом шарпасиз.  
Олис уфқ четида ёрқин  
Кўкнинг қизил шоҳи пардаси,

Жозибали бўлар эртага,  
Қуёш сочларини тарайди —  
Поёни йўқ мусаффо само  
Олтин кўзи ила қарайди,

Далаларда эсар шаббода,  
Нозик эгилади чучмома,  
Яшил ялпиз баргида майин  
Маржон шудринг жимгина томар.

Жозибали бўлар эртага,  
Севги фасли асл ва белоғ,  
Кумуш ҳаволарга ўраниб,  
Гўзаллиги билан яшнар тоғ.

27.03.1959.

**КУНИ БЎЙИ МЕН БИЛАН КЕЗИБ**

Қуёш уйкуга кетгунча,  
Мен ўйлайман Сени, азизим,  
Хаёлинг-ла соатлар кечар.

Қуйилади оқшом ҳам аста,  
Юлдузларга кўмилар борлиқ,  
Энди лекин нигоҳинг истаб,  
Ва дарбадар эмасман ортиқ —

Чунки ўзинг келдинг ёнимга,  
Тим қора сочларингни ёзиб,  
Оппоқ нурли қўлларинг ила  
Юрагимга ишқингни ёзиб...

30.03.1959.

*Чунон ғариқи маям, аз гили ман,  
Агар гуле бадар ёяд шароб азў бичакад.*  
**МУҲАММАД АЛИ ШҮЮНИЙ**

*Таржимаси:*

*Соқий, майга ғарқ бўлдим, гар тупроғимда  
Гул унса, шароб томғуси япроғидан.*  
П.Т.

**ЧАШМА**

*Х. Салоҳга*

Аста-аста шилдираб мени имларкан ирмоқ,  
Қувиб кетдим ортидан сўқмоқларда алашиб,  
Лабларим чанқоқ ташна —  
Қаршимда тиниқ чашма.  
Худди ҳаёт сингари тўлқинлари қайнашиб,  
Суюмли қўшиқларни тинимсиз илҳомларда  
Қуйлар эди беармон, бахтиёр олтин рубоб.  
Лекин чашма остида,  
Мавжларнинг ҳам пастида,  
Марварид доналари кўрдим ётар беҳисоб...

6.06.1959.

## Х.МУСОҒА

Жим-жит ва содда  
 Хонамга танҳо  
 Ўртоқ бебаҳо,  
 Келдинг, юрагимга шодлик бахш этдинг,  
 Яна ширин орзулар ҳақда баҳс этдинг.  
 Сақлагандим сенга ўйлар мавжини,  
 Мен — дўст Мажнуни.  
 Миннатдорман мангулик эй, асл дўстим,  
 Раҳмат! — Шоирона қўлимни чўздим.  
 Шундай айрилишиб кетдик нечамиз —  
 “Давай” ичамиз.  
 Анвар, Женя, Эмиль учун ол майни,  
 Дўстгинам, бахт ва соғлик тилаб майли!

8.06.1959.

**ИҚРОРИМНИ ТИНГЛА МАҒРУР ҚИЗ.**

Тўғри Сенга шайдо бўлганим,  
 Соя каби кезаркан ҳаргиз —  
 Севгилардан ёниш ўргандим.  
 Кўзларингмас ёки сарвиқад,  
 Сўзларингмас ёки гунча лаб,  
 Ишон! Мағрурлигингдир фақат  
 Муҳаббат — у, меҳримга сабаб.

14.06.1959.

**ОДДИЙ УМРИМ — СЕВАМАН ШОДЛИКЛАРНИ, ҚАЙГУНИ,**

Ва ширин ўй-хаёллар тарк этганда уйқуни.  
 Ишонинг, истамайман, бошимга қўнсин шуҳрат,  
 Хоҳлайман тинч ва мазмундор бўлсин ҳар вақт.

20.04.1959.

**ҚИШЛОҚ**

Содда фазилатинг суяман, қишлоқ,  
Ўтлоқларга чопган ирмоқда жозиб,  
Табиат чиройи яшнар бегумон,  
Ширин илҳомимнинг завқини ёзиб,  
Содда фазилатинг туяман, қишлоқ!

**ОЛ ТОНГНИ КУЙЛАЙМАН, БАХТ АЙЁМИНИ,**  
Ювилмишдир шу тонг билан толеим,  
Баҳор диёрида аччиқ ёшлар унутдим,  
Ҳаққимдир куйламоқ севинчлар меним.

Ихлосмандман Сизга саррин шаббода,  
Бошқача жилвагарсиз бу тонг эса,  
О, байроқлар ёшлик каби жўшқинсиз —  
Ўйноқи елларга армуғон бўса.

Майли, олиб борсин саломимизни  
Олис юртда эрк — деган мазлумларга,  
Эллар бормаса ҳам еллар боргуси  
Дилларни тўлдирсин ҳур мазмунларга.

Баҳор, баҳор — наврўзи гул байрами,  
Шодлик, табассумлар яшнаган айём.  
Байроқларга тўла Ватаним,  
Ассалом!

## ИЗОҲЛАР

Ушбу сайланма мундарижасини Рауф Парфининг ўзи тузган; Шоир томонидан тартиб берилган мазкур “Сайланма” номи қўлёзма вариантыда “Сакина” деб номланган эди, у “Иймон асири” (2003) шеърлар мажмуаси қўлёзмасининг 164-177-саҳифаларида кўрсатиб ўтилган.

Сайланмага киритилган шеърлар турли йилларда чоп этилган тўпламлари ҳамда “Она Туркистон” (1993), “Қутлуғ Туркистон” (2002), “Иймон асири” (2003) мажмуаларидаги аслиятга қиёсланди; ҳар уч китобнинг қўлёзмаларига Рауф Парфининг ўзи сўнг бор нигоҳдан ўтказган асл манба сифатида таянилди. Изоҳлар тузишда ҳам ана шу уч мажмуа қўлёзмасига суянилди.

Рауф Парфи ҳар бир шеърнинг бадиияти хусусида қаттиқ меҳнат қиларди; тобга етказмагунча кўнгли тинчимасди. Фикрий таҳрирлар, тузатишлар, ўзгартиришлар китоб босилиб чиққунга қадар давом этарди. Дастлабки етти китоб шўро даврида эълон қилинган. Кўп шеърлардан Р. Парфининг кўнгли тўламасди. Шу боис аксар асарларини қайта-қайта нигоҳидан ўтказган, “лойини” обдон пишитиб, кейин ушбу мажмуага жамлаган эди.

Илк китоблари “Карвон йўли”, “Акс садо” босилиб чиққанига ҳам қирқ йилдан ортиқ муддат кечибди. Шеърлар бир китобдан иккинчисига кўчиб ўтганда муайян ўзгаришларга учраган. Шу маънода, шеърларнинг дастлабки нашрдаги ҳолати билан “Қайтиш”, “Сабр дарахти” сингари нисбатан салмоқли мажмуалар ҳамда “Она Туркистон”, “Қутлуғ Туркистон”, “Иймон асири” тўпламларидаги фарқли жиҳатлар, вариантлар ўзаро чоғиштирилди. Хусусан биргина “Она тилим” шеърининг ўн вариантыдаги бадиий фикр такомили, сўзни зарғарона тарашлашдаги шоир маҳоратини кузатишга интилдик. Ва ниҳоят, сўнгги уч тўпламдаги аслиятни тиклаш-

га, ўзгаришларни акс эттиришга ҳаракат қилдик. Шу маънода текстологик кузатишлар изоҳларнинг асосини ташкил этди. Шунингдек, сайланмада тарихий шахслар, шоир-ёзувчилар, санъаткор, рассом, илм-фан намоёндалари, мамлакатлар, жой номлари кўплаб учрайди. Шулар қатори англаш қийин бўлган арабий, форсий, қадимги туркий сўзларга ҳам бир қадар тушунча беришга эришилди.

Буларнинг бари яхлит олганда, Рауф Парфининг сўз устида нечоғлик тер тўқканлигини, бадиий тафаккур тадрижини, бадиият қирраларини ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш имконини беради. Шунингдек икки, уч, тўрт вариантдан иборат шеърлар ҳам сайланмада анчагина. Улардаги маъно жилоларини ўрганиш, қирраларини қайд этиш изоҳдан кўзланган асосий муддао бўлди.

Сайланма шоирнинг “Бағишлов” шеъри билан очи-лиши бежиз эмас. 1966 йили ёзилган ушбу шеър 1978 йилда чоп этилган “Кўзлар” мажмуасидан илк бор ўрин олган (3-4-бетлар), “Онам Сакина Иса қизига бағиш-лайман” деган эпитафия билан бошланган эди. Шеър 1986 йилда нашр қилинган “Сабр дарахти” китобидан ҳам жой эгаллаганди (14-16-бетлар); 1993 йил шоир тартиб берган, бизга номаълум сабабларга кўра чоп этилмай қолган қўлёзма ҳолатидаги икки жилдлик “Сайланма”-нинг биринчиси “Она Туркистон” деб аталади. У ҳам “Бағишлов” шеъри билан очилади.

“Сайланма”нинг ички тизими “Она Туркистон” асо-сида тузилди. Хусусан, уч юз тўқсон тўрт (394) саҳифа-дан иборат ушбу жилд “Карвон йўли”, “Акс садо”, “Тасвир”, “Хотирот”, “Кўзлар”, “Қайтиш”, “Сабр да-рахти”, “Она Туркистон” тўпламлари номи билан юри-тилган бўлимлардан ташкил топган.

“Бағишлов” шеъри бешта саккизлик, яъни қирқ сатр-дан иборат. Шеърнинг “Кўзлар” мажмуасидаги вариан-тида учинчи саккизликда “Одамдан ўтганда заррача алам” сатри бор; у “Бировдан ўтганда заррача алам” тарзида, “Ёшлигим, сен учун йиғламасдим мен...” мис-раси “Туркистон сен учун йиғламасдим мен...” тариқа-

сида, “Ёшлигим, ёшлигим, сен унда фақат” сатри “Туркистон, Туркистон, сен унда фақат” ҳолатида, “Кўнгил, тўкилмасин заррача илҳом” мисраси “Кўнгил, тўкилмасин ерларга илҳом” деб ўзгартирилган.

Шеър хотимасидаги сўнги “Дўстим, дилда не бор сўзлайман сенга...” сатри “Сабр дарахти” (1986) ҳамда “Она Туркистон” (1993) мажмуаларида ҳам фикрни кучайтириш маъносида такрорланиб келади.

\* \* \*

1968 йили умумий “ТОНГ” номи билан чоп этилган мажмуадан самарқандлик шоир Суръат Ориповнинг “Бойчечак” ҳамда Рауф Парфининг “КАРВОН ЙЎЛИ” шеърӣ китоблари ўрин олган. Мажмуанинг 5-64 саҳифаларидаги 34 шеър Суръат Орипов қаламига мансуб. Кейинги 65-113 бетлардаги 31 шеър эса Рауф Парфига тегишли. Хусусан, улар қуйидаги асарлардир: “Тонглар...”, “Сўзлар”, “Шовуллайди шамол...”, “Ойи, ойи...”, “Шивирлайди...”, “Луис Моран”, “Бахт ва ташвиш”, “Ёмғир ёғар”, “Ёз кечаси”, “Япроқларда шамол ўйнар”, “Ҳаётга тўймаган кўзларим”, “Нимадир у...”, “Тонг отмоқда”, “Бутун кеча...”, “Қандай гўзал...”, “Дилгир...”, “Ҳаёт уммонида...”, “Мудрар...”, “Толпинани...”, “Мен ўткинчи...”, “Боқчасарой фонтани”, “Аёл ибодати”, “Йўқ, шоир деб қарама...”, “Ширин ухлар...”, “Ҳасратлари...”, “Сув остида...”, “Мен кимнидир...”, “Бир қушча...”, “Юрак...”, “Эслайсанми...”, “Тоғда...”.

Рауф Парфи шеърнинг чинакам заҳматкаши эди. Шеърга шунчалар кўп ва хўб сайқал берардики, бу меҳнатга кўп йиллик умрини сарф этганлигини ўзи ҳам пайқамас, аниқроғи, аҳамият бермасди. Шеърни юксак дидига жавоб берадиган ҳолатга етказмагунча қайта-қайта назардан ўтказаверар эди. Бу қадар оламгир заҳмат Рауф Парфи учун чой ичиб нон ейишдек оддий, одатий, кундалик юмушдек бир эҳтиёжга, заруратга айланган эди.

**“КАРВОН ЙЎЛИ”**. Биринчи китоб рукнида берилган 31 шеърнинг ўнтаси “Карвон йўли”га киритилмаган, шоир дафтарларида қолиб кетган ва лекин, кейинчалик кўнгил чиғиригидан ўтказилган асарлардир. (“Қор ҳиди димоқда урилди”, “Нима қилиб қўйдинг, қуёш”, “Шивирлайди оёғимда яшаб ўтган хазонлар”, “Мен сенинг кўзларингга қарайман”, “Тонг саҳардан ўлтирибсан дарё бўйида”, “Ер ўз ўқидан айрилар, инон”, “Кўзларингга тўлиб қолган нимадир”, “Бунча югурасан, еласан”, “Мен ўзимдан ўзим куламан”, “Куйган дарахт бўйнига осилар”). Фақат “Мен ўзимдан ўзим куламан” учлигига 1969 йил санаси қўйилган. Улар хронологик жойлашиш тартибигагина эмас, муҳими, шоирнинг бадиий-эстетик тафаккуридаги эврилишлар табиатини ёритишига кўра ҳам нуфузли.

*“Шивирлайди оёғимда яшаб ўтган хазонлар”*. Саккиз сатрли шеърга “Онам Сакина Иса қизига бағишлайман” деган эпиграф қўйилган. Иккинчи сатр китобда “Кўзларимга қилич янглиғ тортилмоқда мезонлар” тарзида берилган эди. Ҳозирги ҳолатда эса Рауф Парфининг қайта таҳриридан сўнг “Кўзларимга игна янглиғ санчилмоқда мезонлар” дея ўзгартириш киритилган.

*“Луис Моран”* — сарлавҳада бир рақами кўрсатилган бўлиб, иқтибосда “Луис Моран “Эквадор коммунисти” дея изоҳ берилган.

*“Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар”* — китобдаги вариантыда шеър ўн олти сатрдан иборат эди.

Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар,  
Дам шовулар, дам бўлар аста.  
Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар,  
Шодлик билмай, ҳасрат билмасдан,

сатрлари тушириб қолдирилган.

*“Қандай гўзал, қандай ложувард”* шеъри ўн олти сатрли. Ўн бешинчи мисрадаги (“Кўз тутмангиз бу кун йўлимга”) “бу кун” сўзи “энди” дея ўзгартирилган.

“Турк аёли ибодати”. Қирқ сатрдан иборат шеър китобда “Аёл ибодати” деб берилган. Китобда тўртинчи тўртликнинг учинчи “Одил ҳақ, унинг ҳам ёлғизи қайтар” сатри “Турк дунёси, унинг ёлғизин қайтар” тарзида таҳрир этилган. Бешинчи тўртликнинг сўнгги “Борми сенда, айтгил, заррача шафқат?..” сатридаги “айтгил” сўзи ўрнида аввал “Худо” ифодаси берилган эди. Шоир қайта таҳрир жараёнида фикрни янада кучайтирувчи “айтгил” даъвати билан алмаштирган.

Олтинчи тўртликда “Жавоб бер, эй сотқин, эй жаллод, гапир!” сатридаги “сотқин” ифодаси “ғойиб” сўзи билан алмаштирилган, натижада маъно тиниқлиги ортган, кучайган. Кейинги мисралардаги “Худо”, “Унинг”, “Қайтадир” сўзлари ҳам ўзгартирилган. Фикрни қуюқлаштиришга, ифодани тиниқлаштиришга хизмат қилувчи ифодалар ҳисобига бойитилган.

Жавоб бер, эй ғойиб, эй жаллод, гапир,  
 Борлиқ тек, аёлга қарай олмас тик.  
 Она ҳузуридан йўқолар ахир,  
 Қайтадир судралиб сояси эгик.

Қиёсласак, “сотқин”-“ғойиб”, “Худо”-“Борлиқ”, “Унинг”-“Она”, “Қайтадир”-“Қайтадир” сатрларидаги маъно янада теранлашган.

Еттинчи тўртликнинг сўнгги “Шу кун Худоликни олмишдир аёл” сатри ўрнига киритилган “Шу кун фариштага айланган аёл” тарзидаги ислоҳда ҳам шоир маҳорати яққол кўзга ташланади. Ахир, “Худолик”дан кўра “фаришталик” мақоми аёл учун кўпроқ мос ва жозибали.

“Шу куни ёрқинроқ порлади қуёш” сатри билан бошланувчи саккизинчи тўртликнинг қолган мисралари шоирнинг кейинги нигоҳида қатъий, фикрий ўзгаришларга учраган.

Шу куни қайтадан туғилди дунё.  
 Ортиқ ер юзига бўлиб қолди бош,  
 Шу муштипар аёл — ердаги худо,—

мисраларига шоир қуйидагича таҳрир киритган:

...Қайтадан туғилди бу кўк, бу воҳа.  
Ортиқ ер юзига бўлиб қолди бош,  
Улуғ турк аёли қутлуғ илоҳа...

Тўққизинчи тўртликнинг биринчи “Қани, муҳаббатдан топганлар, келинг” мисрасидаги “топганлар” ўрнида “тонганлар” сўзи қўлланганки, маъно янада бўрттирилган. Сўнгги ўнинчи “Келингиз жам бўлиб сажда қилмоққа” тўртлигининг уч сатри китобда қуйидагича эди:

Муқаддас даргоҳда тинглангиз фармон.  
Одамлар, топининг туриб оёққа “  
Ердаги энг буюк худога бу он!

Рауф Парфи ушбу мисраларни қуйидагича ўзгартирган:

Муқаддас пойида тинглангиз буйруқ.  
Туркийлар, топининг туриб оёққа!  
Ўзга меҳроб йўқдир, ўзга қасам йўқ.

“*Мен кимнидир кутгайман маҳзун*” шеъридаги “кутгайман” сўзи “кутаман” тарзида ўзгартирилган.

“*Эслайсанми изғирин кеча*” шеъри учинчи тўртлигидаги “Изсиз эди ўша кун кеча” сатрида “кун”-“тун” билан алмаштирилган.

“*Фунчалар пуштиранг ва заъфар*” шеъри тўпламда тўрт сатр ҳолатида берилган. Шоирнинг қайта нигоҳидан ўтгач, унга яна тўрт сатр қўшилган:

Қалбимнинг бағрида бир жаҳон  
Фаройиб эртақлар айтади.  
Мен қайтиб келмасман ҳеч қачон,  
Фунчалар албатта қайтади.

“*Ёмғир ҳам тинмади узун кун*” шеъри йигирма сатрдан иборат. Учинчи тўртликнинг сўнгги сатри рефрен

тариқасида такрорланган эди: “Шамолга чиқсайди очилиб”. Қайта таҳрирда у “Қоронғунинг бағрини тилиб” тарзида ўзгартирилган. Шеърнинг охириги тўртлигидан “Ёмғир ҳам тинмади узун кун” сатри сақланган; қолган мисралари тушириб қолдирилган:

...Жувон ҳам узун кун тинмади.  
Кўзига уйқулар қўнмади,  
Ёмғир ҳам тинмади узун кун.

“Кундуз ўйга чўмар, тун яқин” шеъри ўн олти сатрдан ташкил топган. Иккинчи тўртликнинг охири “Жозиба-ли бўлар эртага” сатри ўрнига “Кенгликларнинг мовий эртагин” мисраси жой олган. Кейинги банддаги:

Нозик эгилади чучмома,  
Яшил ялпиз баргидан шода,—  
сатрларига:

Эгилади нозик чучмома,  
Ялпизларнинг баргидан шода,—

тариқасида фикрий таҳрир киритилган. Натижада сатрлар равлони, фикр тиниқлиги таъминланган, сўзларнинг эмоционал таъсир кучи ҳам ортган. “Кумуш ҳаволарга ўранган” сатри “Кумуш ҳаволардан ўртиги” тарзида ўзгаришга учраган.

“АКС САДО” (1970) тўпламидан ўн тўққизта шеъри ўрин олган. (“Фунчалар пуштиранг ва заъфар”, “Ёмғир ҳам тинмади узун кун”, “Деразамга урилади қор”, “Ёмғир эмас, марварид ёғар”, “Ҳасратлари дунёнинг кўпдир”, “Мудрар ярим кеча уйқуда”, “Шеърят”, “Тонг отмоқда”, “Тарғилланиб бормоқда осмон”, “Термуламан олис уфққа”, “Кундуз ўйга чўмар, тун яқин”, “Жуда бахтли эдинг у билан”, “Дафтардан бир варақ боқади кулиб”, “Катта жойда ишлар деб, ўғлим”, “Оппоқ булут изғир саросар”, “Чексиз-чексиз дақиқалардан иборатдир”, “Чироқ”, “Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал”, “Жигарбандим, кўзим йўлингда”).

Шоир бу гал ҳам аввалги мажмуасидаги таомилга содиқ қолган. Хусусан, мажмуа номини ҳамда чоп этилган йилини сақлаб қолган ҳолда янги шеърлар ҳисоби-га тўлдирган. Мундарижани бойитган. Булар “Нима десам экан сенга, шамол”, “Сен келмассан, келмассан энди”, “Товушларнинг рангига қаранг”, “Дафъатан ёмғир ёғар”, “Мен сизни севаманми”, “Бир ақлли-ей мана бу қурмағур”, “Кўзимга нечун тўр ташладингиз”, “Остонада ётар дўстимнинг ити”, “Жигар бағримга тўлди ушбу сўзлар”, “Йўқлик бир армондир...”, “Тўхта, виждон қаёққа кетаяпсан”, “Воҳ, жоним...”, “Оҳ, Туркистон кўзим йўлингда”, “Осмон шу қадар тоза” номли 1970 йилгача ёзган, дафтарларидан олинган, қайта таҳрирда жилолантирилган шеърлардир.

*“Дафтардан бир варақ боқади кулиб”* шеъри китобда ўн икки сатрдан иборат эди. У қайта таҳрир жараёнида сонетга айлантирилган. Яъни, охириги банди фикрий таҳрир ҳисобига ўн тўрт сатрга келтирилган. Шеърнинг “Янада ёрқинроқ ёнмоқда чироқ” сатридаги “ёрқинроқ” сифати “буруқсаб” сўзи билан алмаштирилган. “Сен ўчиб кетгансан ахир ўйимдан” сатри қуйидаги мисралар билан тўлдирилган:

Қорайиб ёнарсен зулмат йўлинда,  
Юрагимда ёниб битган севгилим.  
Ўчган хотиралар ўнгу сўлимда.

*“Оппоқ булут изғир саросар”* шеърининг иккинчи тўртлиги учинчи сатридаги “нақадарлик” сўзи “нақадар, оҳ” тариқасида алмаштирилган.

*“Чироқ. Чироқ ёнар бўзариб”* шеърининг “Севинчингиз каби ёнар у” сатридаги “севинчингиз” сўзи ўрнига “Туркистоним” киритилган.

*“Дарё мавжлариға ёзилмиш ғазал”* шеъри китобда ўн икки сатрдан иборат эди. Ҳозирги ҳолатда ўн тўрт сатрга келтирилиб, сонетга айлантирилган. “Қамишлар шитирлар дарё томонда” сатридаги “шитирлар” ифодаси “шивирлар” сўзи билан ўзгартирилган.

Бир тирик нафосат айрилиб жондан,  
Кимгадир эланар, этар илтижо.

сатрлари куйидагича таҳрир қилинган:

Бир тирик нафосат борлиқ, жаҳонда  
Кимгадир эгилар, қилар илтижо.

Китобдаги вариантида шеърнинг охирги банди куйидаги мисралар билан якунланар эди:

Бу қадар гўзаллик қайси очунда,  
Бу қайси китобдир, кимнинг дафтари.  
Кимнинг аламидир қилич учинда?

Қалтираб порлайди бу чироқ ғариб,  
Бир қушга сайрайди руҳим ичинда,  
Бир қушча йиғлайди мени ахтариб.

*“Қорларга қоришди осмон”* шеъри китобда “Рассом” сарлавҳаси билан берилган.

*“Саболарда ўйнайди наво”* шеърида “Шундай куйлармикан юрагим” сатрида сўзлар ўрни алмашган: “Куйлармикан шундай юрагим”.

*“Хайр сенга, яхши қол энди”* шеъридаги

Бир кун кўриб мени кўчада,  
Ана у деб қўлингни чўзгин,—

сатридаги “мени” сўзи “сени” билан, “қўлингни чўзгин” ифодаси “қўлимни чўзгум” билан алмаштирилган. “Айрилмоқдан қўрқмайсан мендан” ўрнини “Кўриб қолсанг ундан ҳам ёмон” сатри эгаллаган. Охирги тўртликдаги “Шул қоронғу кеч” бирикмаси “Шул қоп-қора кеч” ўрнини олган.

*“Йўқ! Кўришмаймиз, хайр энди”* шеърида “Ўрталикда машъум бир туман” сатридаги “ўртада бор”-“ўрталикда” билан алмаштирилган. “Шўрлик севги топмади омон” сатри “Шўрлик янглиш севги” ўрнига киритилган.

“*Ойбек хотирасига*” шеърининг дастлабки номи “Ойбек хотираси” деб аталган.

“**ТАСВИР**” (1973) мажмуаси қирқ икки шеърдан таркиб топган. Сайланмага киритилган шеърларнинг бир қисми ушбу нашрдан олинган; қолганлари шоир дафтарида йиллар давомида қайта ишланавериб чарланган асарлардир. (“Қорайиб кетди кўксимдаги қорлар”, “Қорларга қориши осмон”, “Умрини совурдинг, деб”, “Дилимда бир сўз бор эди”, “Сукут сақлар бир дарахт салобат тўкиб”, “Ўтмишларнинг ёди қолсин”, “Оғир тун. Қурир тинка”, “Ҳа ва йўқдан иборатдир қисқалик”, “Ташқарида шовуллар шамол”, “Севинч, бирор марта қайгурганмисан”, “Сувлар, не деб жилдирайсиз”, “Узоқдан чироқлар кўринар”, “Хаёл олиб кетар йироқларга”, “Чарс-чарс ёнавер нимжон олов”, “Дарахт шохларида силкинар”).

“*Абдуллажон марсияси*”нинг “Тобутлари темирдан” сатридаги “тобутлари” сўзи “қароргоҳи” ўрнини олган.

Абдуллажон ким ўзи? Рауф Парфи шогирди, шоир Аъзам Ўктам билан суҳбатида (“Ҳақ йўли албатта бир ўтилгуси”, “Муштум” ж, 1990, ноябр, 22-сон, 6-7-бетлар) бу саволга қуйидаги жавоб берган: “Абдуллажон — тоғамнинг ўғли. Тоғам эрта ўлиб кеган. Болачақа қолиб кетган. Шунда дадам раҳматлик Абдуллажонни бизникига олиб келганлар. Олти ёшдан бирга ўсганмиз. Мактабни битириб, мен ўқишга кирдим, у ҳайдовчилик қила бошлади. Кўп ўтмай уни армияга олишди. Уч йил хизмат қилинарди унда. Қайтишига озгина қолганда дилгром келди. Абдуллажон вафо этибди. “Олиб кетинглар!” деб хабар беришган. Мен йўлга тушдим. Кетаётганимда сочларим қоп-қора эди. Бордим. Гаплашдим. “Совуқдан ўлган”, дейишди. Текширувдан ўтказишним билмабман. Тобутни тайёра олмас экан: поездга чиқадиган бўлдик. Қутида мурда борлиги билинмасин, деб каттароқ темир қути ясашди. Бир ҳафта деганда Тошкентга етиб келдим. Вагонда Абдуллажон икковимиз холос. Айрим сатрлар ўшанда туғилган.

— Тошкентда сизни кутиб олганлар тобутни қўйиб, сизни қучоқлаб йиғлайверишган, дейишади.

— Чунки сочим оппоқ оқариб кетган экан-да. Мен билмаганман”.

Абдуллажон нозик дидли, рассомликдан ҳам хабари бор эди. Р.Парфининг “Мақтаб дафтари”дан туркумидаги шеърлар руҳига мос суратлар чизган.

“*Ойдинлик*” шеърининг иккинчи тўртлигидаги “Ғуж-ғуж юлдуз, ой ҳали” сатрига “Ғуж-ғуж юлдуз, ой кезар холи” тарзида таҳрир киритилган.

“*Вьетнам ҳақида қўшиқ*” шеърига Жанубий Вьетнам шоири Чанг Хайнинг қуйидаги сатрлари эпиграф қилиб олинган:

Ўз йўллари бордир оҳунинг,  
 Чангалзорлар аро чопади  
 Зангори ўтлоқ томон.  
 Йўлбарснинг ўз излари бордир,  
 Чирқираган гўдакка чанг солмоқ учун  
 Қишлоқ сари борур биқиниб.  
 Душманнинг ўз йўллари бордир,  
 Бостириб келадир бизнинг тоғу тошларга  
 Сочмоқ учун зулм, истибдод захрин.

“*Айланиб тушар қор йўлимга*” шеърининг “Ёшдай оқиб кетма севгилим” сатрида “севгилим” сўзи “севиклик” тарзида ислоҳ этилган.

“*Учинчи дўст*” шеърининг “...Қонли суврат, қонли най, бошқа... Унга барибир” сатридаги “най” сўзи “май” деб ўзгартирилган.

Шеърга эпиграф сифатида “М.Б.” ҳарфлар келтирилган. У Р.Парфининг дўсти, шоир, носир, драматург, таржимон, публицист Машраб Бобоевга (1941–2003) аталган.

Машраб Бобоевнинг “Онамга хат”, “Баҳор кайфияти”, “Кечки троллейбус”, “Гурунг”, “Бағишлов”, “Олисдаги чироқ”, “Пахта менинг — бахтим менинг”, “Сўз”, “Мен билган сир”, Қани менинг юлдузим”, “Номсиз юлдузлар” сингари ўнлаб китоблари босилиб чиққан. Яна,

“Ўттиз ёшлилар”, “Ер томири”, “Тошкентдан келган меҳмон”, “Гурунг”, “Тунис президенти”, (“Мушкул савдо”), “Бизнинг ҳовли” (“Олмазор”), “Ўз уйингдасан”, “Қани менинг юлдузим?”. “Суянч тоғлари” каби саҳна асарларининг ҳам муаллифи.

“Бетховен” шеъри эпиграфига “В.С” дейилган.

“Бир шеъримнинг, қаранг, боши йўқ” шеърини “ҳазил” деб атаган эди. “Сайланма” да ана шу ифода тушириб қолдирилган.

“Пабло Неруда ўлимига” шеъри. Пабло Неруда шахс ва шоир сифатида Р.Парфи ихлос-этиқод қўйган сўз санъаткорларидан. Унинг ўлимига бағишлаб марсия ёзган. “Сабр дарахти” мажмуасига П. Неруданинг кўркем фикри эпиграф қилиб олинган.

Пабло Неруда (1904-1967) — чилилик шоир, жамоат арбоби. Узоқ йиллар Чилининг бир қатор Лотин Америкаси мамлакатларидаги мухтор элчиси бўлган. Асл исми Нефтали Рикардо Рейес Басуальто. “Узумзорлар ва шабадалар”, “Ашъёлар ҳақида қасидалар”, “Муҳаббат ҳақида юз сонет”, “Чили тошлари”, “Маросим кўшиқлари”, “Қора орол қасирғалари”, “Улуғ башарий кўшиқ” каби ўнлаб мажмуалари шоирга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Тахайюлли тафаккур асосига қурилган лирик-фалсафий асарларида инсон шаъни ва сарвати, ҳаёт ва тириклик ҳосияти, шахс эрки ва Ватан хуррияти сингари боқий масалаларга бадиий-фалсафий йўсинда жавоб изланади.

“Автобус деразасидан қараб кетсанг” шеърида “Айниқса гийбат тўқиса дўстларинг...” сатридан кейинги қуйидаги мисралар тушириб қолдирилган.

Ана, бир уйда  
Милтираб бир чироқ ёнди.  
Ёш каби тупроққа томди.

“Қанчалар йироқларга қочар қисматлар” сатридаги “қанчалар” сўзи ҳам шоирнинг қайта таҳририда ортиқча деб топилган.

“Уфқ яраланган алвон. Тўлғонар” шеъри саккиз сатрдан иборат эди. Шоир уни тубдан қайта ишлаб, сонетга айлантирган.

Видолашув пайти гамгин кўринар,  
Йироқ-йироқларда тизилган карвон,—

сатрлари қуйидаги фикрий таҳрирга учраган:

Видолашув пайти қанча чулғанар,  
Ўз қонига чўкар карвон бенишон.

Сўнгра мазкур олти сатр келтирилади:

Қуёшнинг алвидо шамлари ёнар,  
Кечар кўзларимдан бу ёруғ жаҳон.  
Қайдан мен? Нечун мен? Вужудим қонар,  
Қачон келдим? Нечун? Ўтгайман қачон?  
Кечар дунё, кечар карвон сингари.  
Уфқ. Фалакларга санчилган оҳим.

“Хувиллаган уйда сиқилар юрак” сатридаги “сиқилар” ифодаси “қисилар” деб тиниқлаштирилган. Саккизликнинг тўртинчи сатри “Хорғин кўзларимга чўкмиш туманлар” эди; шоир қаламидан қайта жонланиб, маънодорлик касб этган: “Кўзларимга чўкмиш хорғин туманлар”.

“Деразамдан боқар зулумот” шеъри биринчи тўртлигидаги сўнги сатр “Оқиб тилар фикримни ёмғир” эди. Уни “Оқиб фикримни тилар ёмғир” тарзида ўзгартиради; натижада фикр янада тиниқлашган.

“Она, менинг ҳаққим кўп” шеърида айрим сўзларга таҳрир киритилган: “Баъзан кўринасан ўғлингда” сатридаги “кўринасан”-“кўринасиз”, “олмайсан”-“олмайсиз”, “Ва сендан” мисрасидаги “сендан”-“сиздан” тарикасида ўзгаришга учраган. Натижада шарқона лутф, ҳурмат ҳисси янада кучайган.

“Карло Каладзе диёрида” шеъри шоирнинг Кавказ-

га, хусусан Гуржистонга сафари таассуротлари асосида яратилган. Карло Каладзе (1904-1967) — гуржи шоири, драматурги. “Шарқнинг даъвати”, “Дарял”, “Чавандоз қўшиғи”, “Хертвисис тонглари”, “Месхитиликлар”, “Орзуимдаги қиз”, “Днепр бўйи куйлари”, “Курадаги уй”, “Бир кеча хангомаси” каби мажмуалари эътибор қозонган. Шеърини ва сахна асарлари гуржи бадиий маданияти тараққиётида салмоқли ўрин тутди.

Қадим аждодларимиз Хитойни Чин Мочин, Латвияни Латония, Грузияни Гуржистон, деб атаган. Р. Парфи шеърда аждодлар йуриғини тутди. Кавказни Кавкасион тарзида ифодалайди.

*Зирва* — тоғнинг энг юқори ери, қулла, чўққи.

Шеърдаги “Туманларни кесиб кесиб учар вола қуш” сатрида *вола* ифодаси ҳайратда қолган, мафтун маъносида қўлланилган.

“*Карло Каладзе диёрида*” шеърда “Йўқ улар ғаразгўй бўлмаган ахир” сатрида “ахир”-“охир”, “Титрар осмон-фалак, титрар Кўҳи Қоф” сатридаги “осмон-фалак” “еру осмон”, “Ажиб ер ҳақида қўшиқ айтарман” мисрасидаги “ажиб”-“кўқда” тариқасида ўзгартирилган.

Қутлуғ тупроғингга қадамим босдим,  
Қутлуғ тупроғингни куйларман қониб,

куйидаги мисралар билан тўлдирилган ва тўрт сатр ҳолатига келтирилган:

Йўқ, мен Гуржистонни сева олмасдим,  
Бағримда турмаса Туркистон ёниб.

“*Бирга туғилдик-ку, юрагим*” шеърда “Юрагим, исмингни унутма” сатридаги “исмингни”-“номингни” тариқасида алмаштирилган.

“*Ясатиб қўйибди сенга бир дунё*” шеърда “Яна ҳам кетайлик йироқ-йироққа” сатридаги “яна ҳам кетайлик”-“янада кетармиз” тариқасида, “Зангор тўлқинларда отайлик қулоч” мисрасидаги “отайлик”-“отармиз”, “У

ерга қора тун йўламас асло” сатридаги “қора тун”-”қаро куч” тарзида ўзгаришга учраган.

Белини қамишдан боғлабди қуёш,  
Жон бериб бизларга хизмат қилмоққа,—

сатрлари

У ерда тун йўқдир, абадий  
Нурларин сочадир она тупроққа,—

тариқасида таҳрир қилинган.

Қарагил, нақадар тиниқдир осмон,  
Унинг ҳузурига юргил борайлик,—

мисраси “Ундан-да гўзалдир, ундан гаройиб” шаклида тиниқлаштирилган. Муҳими, кечинманинг сурати чи-зилаётир ва яна бадиий туйғунинг ҳарир нафислиги ортган. Шеърнинг охириги бандидаги икки сатр қуйида-гича эди:

Қани қўлларингни қўлимга қўйчи,  
Менинг юрагимга кетайлик бирга.

Уни шоир мазкур мисралар ҳисобига янада тўлдир-ган. Фикрнинг тиғизлиги ва қуюқлигини таъминлаган.

Балки шоирдирман, бир ошиқ, куйчи,  
Сени севмак учун тушганман ерга.  
Қани, қўлларингни қўлимга қўй-чи,  
Менинг юрагимга кетайлик бирга.

“Ҳижратда она алласи” шеърига берилган изоҳ “Қай-тиш” китобидан ўрин олган “Ҳижрат” асари билан бирга. Шеърнинг юзага келиш тарихи ҳақида Р. Парфининг ўзи қуйидагиларни қайд этганди: — “Дорилфунунда ўқирдик. Ичимизда биттагина қрим-татар бор. Айдар Осмон. Доим жиддий. Бир жойларга бориб келади. Ти-нимсиз юради. Кейин билсам, ўша ҳаракат бошланган экан. Узимизникилар Ватан нима, уйғониш, қаршилиқ

нима - ўйлаб ҳам кўрмасди. 1963 йилдан эътиборан қрим-татарлар намоишига чиқа бошланди, ҳукуматга фикрини билдира бошлашди. Мен ҳам уларга қўшилдим. Ватан учун, инсоний ҳақ-ҳуқуқ учун тинмай курашишни шу халқдан ўргандим. Майлисларга бораман. Гаплашамиз. Катта дафтар бор эди. “Қрим-татарлари ўз ватанларига қайтишлари керак”, деб хисоблаганлар имзо чекиб беришарди. Рўйхатнинг бошида Сахаров, кейин Шостакович, Евтушенколар бор эди. Ўзбек шоир-ёзувчиларидан мен эдим, холос. Бу пайтда мен “Қрим хаёллари” деган туркум ёзган эдим. Йигирмата шеър. Қўлёзма холида тарқалган, шулардан учтаси омон қолган: “Боғчасарой чашмаси”, “Ҳижратда қримли она алласи”, “Ҳижрат”. Қолганлари йўқолиб кетган. Ўшанда мени “Қрим-татар шоири” дейишарди. Акаларимиз, дўстларимизга айтаман: оғзаки маъқуллашади, лекин имзо чекишмайди. Кўрқинчли пайтлар эди. Жуда маҳфий суратда ишлардик. Қўлга тушган қамаларди. Сталинчилик ёлғон экан-да. Бутун бошли миллатни “сотқин” деб юртидан қувса — бу нима деган гап?

Яна бизга олиб келишган. Нима, бизнинг юрт сургун қилинадиган жойми? Бу бизнинг нафсониятимизга тегмайдими? Инсонларни ҳақоратлаш, еридан, тилидан, динидан, ажратиш яна қаерда бор? Иван Грозний дегани бор-ку? Ўша олимларини тўплаб, Орол денгизини қандай йўқотиш масаласини муҳокама қилган экан. Чунки унинг шундоқ ёқасида буюк Хоразм давлати бор эди. «Токи Хоразм давлати бор экан, ўрисга тинчлик бўлмайди» деган у. Кўряписизми, илтизлар қаердан келяпти. Халқларга: “Сен қолоқсан, сен — сотқинсан, ўрис эса — улуғ деб уқтириб, уларни бир-бирига гиж-гижлаб қўйиш жуда қадимдан бошланган. Қрим-татар халқи ана шунинг жабрини тортди. Ўзбеклар тортмадими? Бутун бошли турк миллатини парчалаб ташлашдику. Бундай шароитда, заҳарлар остида кучли адиб, кучли олим ва шоир етишмайди. Меҳнат қиладиган тилсиз қўллар туғилаверади. Қрим-татарлари ўша пайтда мана шуларнинг ҳаммасига қарши чиқишган. Шу боисдан мен улар орасида бўлганман”. (“Халқ йўли албатта бир ўтилгуси” суҳбати.)

*Масканат* – бечоралик, фақирлик, мискинли

*Доругир* – уруш, кураш, жанг, тўқнашиш

*Нофармон* – бинафшаранг

*Музтариб* – изтиробда қолган, ҳаяжондаги тинчини йўқотган

“*Ечише Чаренц хотирасига*” – шеъри оташин арман шоири ва носири Ечише Чаренц (асл исми Согоманян, 1897-1937) га бағишланган.

Илк итоби “*Фамгин – сўлгин қиз қўшиғи*” (1914) деб аталади. “*Кўм-кўк кўзли Ватан*”, “*Дантеона афсона*” поэмалари, “*Камалак*” туркуми, “*Сома*”, “*Оломон ғалаёнлари*” мажмуалари шоирга катта шуҳрат келтирди. “*Чаренцнома*”, “*Барчага, барчага, барчага*”, “*Темир одам*”, “*Тонг отар*”, “*Йўллар китоби*” асарларида шахс эрки ва миллат ҳуррияти масалалари ижтимоий-фалсафий йўсинда бадиий тадқиқ этилган. “*Наири мамалакати*” номли сатирик романида “*Дашнақцутюн*” партиясининг сиёсий найранглари аччиқ истеҳзо билан кулгили акс эттирилган.

“*Ечише Чаренц хотирасига*” шеърининг сўнгги

Барибир... Ёндирдинг, Ёндирдинг!

Мен ахир, мен ахир, ўч эдим ўтга...—

сатрларидаги “ёндирдинг”, “мен ахир” таъкидлари тушириб қолдирилган.

“*Исикава Такубоку*” шеърининг сарлавҳаси “*Исикава Такубоку хотирасига*” деб ўзгартирилган.

“*Шоир*” шеъри Р.Парфи ижодида иккита. Биринчиси 1970 йилда ёзилган бўлиб, эпиграфида “Абдуллага” эди; эндиликда “Абдулла Орифга” дейилган. Қайта таҳрир жараёнида шеърга у қадар кўп ўзгаришлар киритилмаган. 1- ва 2-тўртликнинг илк “О, она табиат, маъюс онажон” мисрасидаги “табиат”-“Туркистон”, “Ёнгин чангалида турибман ахир” сатридаги “турибман”-“турибсан”, “Ҳамнишин тутинган оддий қаламга” сатридаги “оддий”-“қора”, “фикр сочаётган оламга” мисрасидаги “оламга”-“туркий оламга” тариқасида ўзгаришларга учраган.

“ХОТИРОТ” китобига (1975) шоирнинг эллик иккита шеъри киритилган. Шулар орасидан “Янги тонг”, “Айла-ниб тушар қор йўлимга”, “Оғушига олар кундузни”, “Учинчи дўст”, “Бетховен”, “Бир шеъримнинг, қаранг, боши йўқ”, “Рондел”, “Пабло Неруда ўлимига”, “Бир сўз бор”, “Сени менга бетоб, дедилар”, “Автобус деразасидан қараб кетсанг”, “Уфқ яраланган алвон. Тўлғонар”, “Хувиллаган уйда қисилар юрак”, “Деразамдан боқар зулумот”, “Она, менинг ҳаққим кўп”, “Паға-паға оппоқ қор ёғар”, “Балки ўчган эдим ёдингдан”, “Карло Калалзе диёрида”, “Бирга туғилдик-ку, юрагим”, “Ясатиб кўйибди сенга бир дунё”, “Исикава Такубоку”, “Шоир”, “Шабнам”, “Ҳижратда она алласи”, “Қайга учмоқдасиз, қайга, булутлар”, “Ечише Чаренц хотирасига”, “Санъаткор”, “Соҳил сари борарди бир чол”, “Бер, рубоб бер менга, дўстгинам”, “Онамга хат”, “Юлдузларга мен ҳам қарайман”, “Эгалари ташлаб кетган уй”, “Виктор Харанинг сўнги кўшиғи” асарларини ушбу сайланмага ажратиб олган. “Хотирот” мажмуасидаги “Дарё каби доимо уйғоқ”, “Шеърият”, “Она тилим”, “Сув остида ялтирайди тош”, “Юрак”, “Ватан ҳақида Бернд Иеншга мактубим”, “Чексиз-чексиз дақиқалардан иборатдир”, “Аввал хаёл эдинг, холос, бир хаёл”, “Бир қушча деразам ёнида”, “Ойи, ойи, айтиб беринг”, “Хоккулар”, “Танка”, “Тагор ва Срабон ёмғирлари”, “Отам хотирасига”, “Мутлақ тўғри вақт”, “Харита”, “Пабло Нерудадан”, “Битик тош” шеърлари киритилмай қолган.

“Сакина” сайланмасидан жой олган мундарижадаги бошқа шеърлар эса 1962-1975 йиллар оралиғида ёзилган, қайта сайқалланган асарлардир.

“Рубоб бергил менга, дўстгинам” шеъри аввалги ҳолатда “Бер, рубоб бер менга, дўстгинам” эди.

“Юлдузларга мен ҳам қарайман” шеъридаги “Юлдузлар чақнаган орзулар” сатрида “чақнаган”-“чатнаган” билан алмаштирилган.

“Эгалари ташлаб кетган уй” шеърида “Кўчмишлар. Юлдузлар қайга кўчибдир” сатрида “кўчибдир”-“учибдир” деб ўзгартирилган.

“Вақт” шеъри илк вариантда сатрлари “синдирилган” ҳолатда — сочма шаклда берилган эди. “Сайланма” учун қайта ишлаш жараёнида у насрдаги назмга айланган. “Ватанликда ва Қуёшликда қурайлик” сатри орасига “О, она Туркистон” хитоби киритилган: “Ватанликда ва Қуёшликда, О, она Туркистон, қурайлик”.

“Оддий касрлар” шеърида “Шу вақт тепасида муаммо-дир... баъзан” сатрида “баъзан” тушириб қолдирилган. “Туркияда юпун бир бола” “Туркистонда юпун бир бола” тарзида, “нонни кесган пичоқ” “нонни кесиб ейдиган пичоқ” тарзида таҳрир қилинган. “Кўзимиз неларни хотирга солмас” сатридаги “кўзимиз”-“кўзларимиз” дея кўплик шаклини олган. “Зотан, ҳар нарсанинг, ҳам кимнинг ўз худоси бор” жумласида “ўз худоси бор” ибораси “ўз меҳроби бор” тарзида алмаштирилган. Кейинги сатрдаги “асримнинг” ўрнига “асримизнинг” дейилган. “Токи юлиб ташласин” сатрига “Вақт оддий касрларни токи олиб ташласин” тарзида фикрий ўзгартиш киритилган. “Лекин ҳали оғрийди ипак билан тикилган ерлар” жумласида “ҳали” — “ҳамон” тарзида янгиланган.

“Нозимнинг садоси” шеърида “менинг дунём” ўрнида “менинг қуёшим: она Туркистон” дейилган. “Ҳасрат янглиғ, жаннат янглиғ менинг дунём” сатрида “жаннат янглиғ” қисқартирилган. “Кетди Нозим” сатридан сўнг шеър қуйидагича яқунланган: “Қолди Нозим садоси. Садонинг акс садоси, акс садонинг акс садоси. Садога ўралашиб борар тобора дунё. Садо кенгликлари теран боқар менга Нозим Ҳикмат кўзлари ила”.

“Байроннинг сўнги сафари” шеърида “Бироқ, қисматимиз бир эмас, эсиз” сатри “Бироқ шоирлигинг, қисматинг тенгсиз” тариқасида ўзгарган. “Дунёни тутажак менинг юрагим” сатридаги “менинг юрагим”-“менинг-да хоким” тариқасида чуқурроқ маъно касб этган.

*Малул* — иллатли, носоз, касал.

*Ҳиддат* — тезлик, ўткирлик, кескинлик, қизғинлик, ғазаб маъносини ҳам англатади.

“Санъат тушунчаси” дастлаб эркин шеър шаклида берилган эди. “Сайланма”да у насрдаги назм шаклини

олган. “Бирининг ўқ товушидан” сатрида “товушдан”-“товушлардан”, “Вужудимиз ҳужраси”-“ҳужралари” тариқасида кўплик маъносини ифодалаётир.

“*Оддий гап*” шеърида “Айтмоқчиманки, гулим йўлларингни тўссин” сатри ўрнига “Айтмоқчиманки, Туркистоним бир бутун бўлсин” деган фикр киритилган. “...гўё бир бош узумни еб битирмак каби” жумласидан кейин “гап” киритилган.

“*Шодлик*” шеърида “Балки малладир”дан кейин “Оёқларидан оқмоқдадир номуси” деган сатр қўшилган. “Шодлик, сени ўйлаб ғамга ботаман” сатридан кейинги “Шодлик, сени мен башариятга улашмоқ, сочмоқ истайман” жумласи қисқартирилган. “Уйғотаман” сўзи “шодлигимни-Туркистонимни” қўшимчаси билан тўлдирилган.

“*Одамнинг боласи*” шеърида учинчи тўртликдаги “инсон”-“одам” деб, “Бош дегани недан ясалган экан” сатрида “недан”-“нимадан” деб ўзгартирилган. “Сўнгра суйдилар, суйдилар, суйдилар” тариқасидаги сўзлар тизими “Сўнг суйдилар, Туркистонни суйдилар” дея ўзгартирилган; аниқлик киритилиб, сўзлар такрори бартараф этилган. “Гарданимда бошланди саргардонлик” сатри “Замон ичра бошланди саргардонлик” дея алмаштирилган. “Дўстлар, мен боримни аямасман ҳеч” сатрида “аямасман” ўрнига “аямадим” дейилган.

“*Ҳамлет*” уч сонетдан иборат. “Шундайин ўртайди қадимий савол” сатри “Бизни ҳам ўртайди қадимий савол” дея ислоҳ этилган.

*Бешумор очун* — сонсиз, саноксиз оламлар.

*Сарматлари* — абадий, давомли кетсиз.

*Мақтул* — қатл этилган ўлдирилган.

*Тўнмоқ* — қовжироқ куйик ҳолатда қолиш.

*Малолат* — малоллик, кўнгилга етган оғирчилик, сиқилишлик, ҳорғинлик.

“*Муҳаббат*” олти сонетдан иборат туркум. Биринчи сонетнинг “Муҳаббат дастидан йўқ менда имкон” сатридаги “менда”-“мажол” деб, “Ҳорғин-ҳорғин кўзларимга қарагин” сатридаги “ҳорғин”-“адо” тариқасида

ўзгаришга учраган. Иккинчи сонет охиридаги “На ер худолари, на сарват, на дин” мисраси “на ер сарматлари, на сарват, на дин” дея таҳрир этилган. Тўртинчи сонетдаги “фалакнинг қуёши...” ибораси “чироғи”, “Сўнган муҳаббатга макон йўқ, энди...” сатридаги “сўнган муҳаббатга...”-“мақтул муҳаббатга” тарзида аниқлик киритилган.

“Шеър йўли мушкул нақадар” шеъридаги “Дор устига чиқмасди бироқ” мисрасидаги “устига” — “арқонга” дея ўзгартирилган.

“Ван Гог” шеъри голландиялик машҳур мусаввирга бағишланган. У Францияга келиб муқим яшаб қолган.

Шеърга “И.Х.” — исм-шарифининг бош ҳарфлари эпиграф қилиб берилган. Рауф Парфи сонетни дўсти, рассом Исфандиёр Ҳайдарга атаётир. Исфандиёр Ҳайдаров 1948 йили Жиззахнинг Бахмал қишлоғида туғилган. 1976 йили Тошкент театр-рассомчилик институтининг ранг- тасвир бўлимида академик Неймат Қўзибоев устахонасида сабоқ олган. 1983 йили “Совет Ўзбекистони санъати” журналининг 2-сонидан эълон қилинган “Тун”, “Саратон”, “Ўзбекистон кузи”, “Шуҳратнинг хотирасига” асарлари учун конкурс ғолиби бўлган. Манзарачи рассом сифатида эътибор қозонган.

“Яхшилик, ёмонлик чегарасида” сатрида “ёмонлик”-“ёвузлик” билан алмаштирилган.

“КЎЗЛАР” (1978) мажмуасининг илк нашридан жами эллик тўққизта шеър жой олган. “Туйғулар” сарлавҳаси остида ўттиз иккита учликлар берилган.

“Чингиз Айтматов” сонети дастлаб “Учқур отим оғир-оғир ҳансирар” сатрлари билан бошланувчи ўн икки сатрли шеър эди. Қайта ишловдан сўнг сонетга айлан-тирилган ва “Чингиз Айтматов” дея сарлавҳа қўйилган. Шеърнинг иккинчи, учинчи тўртлиги икки сатр билан боғлаган ва сонет тусини олган.

У манзил бағрида сўнгги йўқ сирлар,  
Ташна дунё ётар ҳали ўксиниб.

*“Ёруғликни ўғирлар секин” шеърисидаги*

Дейдиларки, сенинг кўзларинг  
Афсунгармиш, сеҳр этармиш,

сатрлари “Дейдиларки. кўзинг афсуни // Бало эмиш, сеҳр этармиш” тариқасида янгича маъно ила зийнатланган.

*“Ёшлик зангор фасл. Кечди, Сарғарди”* шеърисидаги кўзларимда қотган жолам, ёшлигим” сатрида жола ифодаси мажозий кўзёшини англатаётир, хусусан, дўлдек қотган кўз ёшлари.

Шеър “Бул човуқ кеча кечар” сатри билан хотимланади. Човуқ — қичқирӣқ товушига тўлган маъносиди.

*“Ҳаёт жоми ичра оқамиз”* тўртлиги ҳассос, хокисор шоир Толиб Йўлдошга бағишланган. Толиб Йўлдош (1918-2002) қирқдан ортиқ китоблар эълон қилган. “Поллизда”, “Дўмбоқлар”, “Копток нега қочади”, “Куюш билан суҳбат” сингари болалар дунёси тадқиқ этилган, “Ошиқ кўнгил”, “Йиллар ва ўйлар”, “Етуклик” ва ҳ.к. катталар маънавий-интеллектуал дунёси ёритилган мажмуалари ўқувчилар назарида. Айниқса тўртлик, саккизлик сингари шакллардаги, эртак-поэма, эртак жанрларидаги лиро-эпик изланишлари маълум ва машҳур.

*“Бул хафа кунлар кечар”* сатри билан бошланадиган шеърдан “Рондо” сарлавҳаси олиб қўйилган.

*“Маъно ўқи кўзимдан”* шеърисида сўнгги “Сузарсан кўз ёшимда” сатрида “сузарсан”-“чўқарсан” тарзида ўзгарган.

*“Мана шундоқ кечар кунларим”* шеърисидаги “Буюк севги, сени ўйлайман” сатрида “буюк севги” сўзи “Оҳ, Туркистон” билан алмаштирилган.

*“Излайсанми сен-да бир паноҳ”* шеърининг “Биз билардик, билардик яна” мисраси ўрнига “Биз ёнардик, ёнардик яна” сатри киритилган. “Зафар дунё босар юзидан” сатридаги “зафар дунё” ибораси “туркий дунё” билан алмаштирилган. “Қаерларга қочсин ўзидан” сатридан кейин қуйидаги тўрт сатр янгидан ёзилган:

Ҳар нарсадан айри, бенасиб,  
Шўрлик қисмат юклари оғир.  
Келар осмон дардлари босиб,  
Бу чексизлик эмас, бу оғриқ.

Китоб вариантыда шеър “Қанот бўлгай қайси бир гўзал...” сатри билан ниҳояланган эди. Шундан сўнг шеър қуйидаги ўн икки мисра билан давом эттирилган ҳамда яқунланган.

Бир зум каби ёшлик ҳам ўтди,  
Бир зум севги вафо қилмади.  
Кутганимиз кўпдир ҳаётдан,  
Келмади. Келмади. Келмади.

Садоқатда дўстлик аҳдига,  
Бахтларнинг йўлида толмадик.  
Ва лекин биз севги бахтига  
Рауф, Рауф, йўқ, етолмадик.

Ўйчан кеча, тун ичра танҳо,  
Армон билан қолдик икковлон.  
Биз меҳрга тўймадик асло,  
Яна, яна истаймиз ҳамон.

“Ойлар ўтди ва йиллар ўтди” шеърининг охириги “Сени кутдим фақат оташда” мисрасидаги “фақат” ўрнига “ёниб” сўзи киритилган.

*Исмат* – поклик, беғуборлик маъсумлик. “Муҳаббатим, кўзим, исматим” сатрида инжа севги туйғуларининг беғуноҳ маъсумлиги маъносини англатаётир.

“Кўзларимнинг осмонларида” шеърининг “Сен хунхора малак, гўзалим” сатри қуйидагича ўзгарган: “Сен Аллоҳсан, менинг гўзалим”.

“Нигоҳинг кўринур. Кўзларинг...” шеърида “Чаман-чаман очилган гуллар”ида “очилгай”-“очилган” тариқасида таҳрир қилинган.

“Юлдузлар бунча ҳам беҳисоб” шеъридаги “Юр, шу ёниқ ўтларга қараб” сатрида “ёниқ”-“сўлғин” тариқа-

сида, “Йўқ, дафъатан бир қора тунда” сатрида “тунда”-”кунда” дея ҳолат маъноси кучайтирилган.

“Даъват этар қаҳқашон йўли” сатридаги *қаҳқашон* сўзи осмонда узунасига кўринадиган оқ йўл, сомон йўли маъносини ифодалаган.

“*Бунча ғамгин бўлмаса ўйлар*” шеърининг учинчи тўртлигидаги “Шундай ишончсизлик туфайли” сатри қуйидагича фикрий бойитилган: “Ишончсизлик ҳукми туфайли”.

“*Бу кун кечди. Қуюлди оқшом*” шеърида “Кун айланди бошимда таним” мисраси “Кун айланди менинг бошимда” деб, “Мен кун бўйи “ бутун кўрганним”-”Кўрганларим ичу тошимда”, “Ниманидир кимдир айтмади”-”Юрагимни кимдир билмади” тариқасида таҳрирга учраган. Учинчи тўртликнинг биринчи ва иккинчи сатрларидаги “этмади”-”қилмади” деб ўзгартирилган.

“*У денгизни севади...*” “Қайтиш” мажмуасининг 176-бетида мазкур насрий шеърининг олтинчи сатрида қуйидаги мазмун ифодаланеди: “У, мени эмас, у мендаги қирғоқни, қирғоқ сари интилишни севади, “ деб ўйлайди денгиз”. Ушбу фикр, шоир ҳаётлик чоғида ўзи тартиб берган, кўздан кечирган ва лекин, нашр этилмай қолган “Она Туркистон” тўпламининг 226-саҳифасида мавжуд мазмунда берилган: “Денгиз: — У, мени эмас, мендаги қирғоқни, қирғоқ сари интилишни севади, деб ўйлайди.”

“*Верлен*” шеърида “Теваракка боқар мушаккал” сатридаги “мушаккал” сўзи маълум бир шаклга кирган, суратланган, гавдаланган маъносида қўлланилган.

**“ҚАЙТИШ”** (1981) тўпламига бир юз йигирма саккизта шеър киритилган: шундан “Николай Рубцов хотирасига”, “Сира кўника олмади онам шаҳарга”, “У денгизни севади...”, “Соя”, “Осмон нақ бошимнинг устида турар”, “Шеърят” ва ҳ.к. санокли шеърлар ажратиб олинган. Турли дафтарларидан олиниб, кўнгил элагидан ўтказилган намуналар билан тўлдирилган ҳолда “Сайланма”га жамланган.

“Ҳижрат” шеъри 1964 йилда ёзилган. Илк бор “Она Туркистон” (1993) мажмуасига киритилган (232-234-бетлар). Шеърда иккинчи жаҳон уруши йиллари қрим-татар халқи бошига тушган Сталин қатағонининг мудҳиш кунлари, аянчли оқибатлари қаламга олинган. Маълумки, 1944 йили қрим-татар халқи бир кечада ўз она юртидан бадарға қилинган, собиқ “Иттифоқ” деб аталган улкан ҳудуд ичкарасига “ Ўрта Осиё республикаларига, асосан Ўзбекистонга кўчирилган эди. Катта туркий халқ Ҳитлер Германиясига қайишганликда, шўро ҳукуматига хиёнатда айбланган эди. Рауф Парфи шеърининг асосий бадиий-ижтимоий пафоси ана шу адолатсизликка қаратилган. “Ўнта ёвуз, юзта сотқин бўлмоғи мумкин. Лекин сотқин бўлмас бутун халқ!” дея алам, ўкинч билан ҳайқириши боиси шундан.

“Ҳижрат” шеърида Ҳитлер, Ленин, Сталин (1953 йили вафот этган) сингари XX аср биринчи ярмида яшаб ўтган, номи зулм-залолат тимсолига айланган тарихий шахслар ҳам зикр этилган. Шеър, қайсидир жиҳатлари билан шоирни қаноатлантирмаган шекилли, ижтимоий-бадиий руҳини сақлаган ҳолда кейинчалик буткул янги “Ҳижратда она алласи” (1973) номли асарини ёзган. Ушбу шеър “Хотирот” мажмуаси (1975)нинг 52-53-бетидан, “Сабр дарахти” (99-101-бетлар), “Она Туркистон” (143-144-бетлар) мажмуаларидан жой олган.

Шеър эпиграфидаги “Ҳ.У.” “Ҳайдар Усмонга” дея аниқлаштирилган. “Одам ортган поезд борар Шарқ томон” мисрасидаги “поезд”-“қатор”, “Филдираги кўксим уза юрадир” сатридаги “уза”-“узра” тарзида ўзгартирилган.

Рауф Парфи ҳар икки шеърини (“Ҳижрат”, “Ҳижратда она алласи”) талабалигидан қадрдон дўсти, фикрдоши Ҳайдар Усмонга бағишлаган. Биз, тенгқур талабалар ўзимиздан бир неча ёш катта, анчагина кўйлакни йиртган Ҳайдар оғани “Осмон ўғли” деб йўқлардик. Таниқли адиб Ҳайдар Осмон ўғли Қрим вилоятининг Бешқурт-Воқиф қишлоғида туғилган. 1952-56 йилларда

Марғилон педагогика техникумида ўқиди. Олтиариқ туман мактабларида муаллимлик қилди. 1960-65 йиллари ТошДУнинг журналистика бўлимида таҳсил олди. “Амакимдан салом” (1972), “Таниш кўзлар” (1975), “Дўстлар ва йиллар” (1981) ва ҳ.к. ҳикоя, қисса, очерклар китоблари чоп этилган.

1960 йил бошларида ТошДУнинг филология факультети биноси Ҳадрада жойлашганди. Ўқишга қатнаш қулайлиги боисидан бўлса керак, Р.Парфи курсдош биродари Ҳайдар Осмон билан бирга Эски шаҳарнинг Қоратут, Себзор маҳаллаларида ижарада ҳам яшашган. Ўша, ҳамхоналик йилларидан эсдалик сифатида тушилган сувратини Рауф менга совға қилганди.

“Итлар” шеърининг айрим бўлаклари вақтли матбуотда эълон қилинган эса-да, “Туш” достонидан парча тариқасида “Она Туркистон” мажмуасига киритилган (239-240-бетлар).

“Соя” шеърида “Пинжиғида бордир аъмолу асос” сатридаги “Пинжиғида” “Пинжида” деб ўзгартирилган.

*Жола* — асли маъноси дўл, шудринг, шабнам. Маъжозий кўз ёши.

*Шабнарак* — кўршапалак.

“Латония” туркуми илк бор “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида эълон қилинган (1996 йил 8 ноябр, №45). Бу — учликлар, тўртликлар, сонет, насрдаги назмлардан таркиб топган йигирма шеърдан иборат. Рауф Парфи ушбу шеърларни 1982 йили Латвияга сафари чоғида битган. Дарвоқе, туркий аждодларимиз ҳозирги Латвияни Латония деб атаган эканлар. Тирик денгиз билан учрашув, денгизнинг сирли шивирини тинглаб, исёнга мойил қудратини ҳар доим ҳис этиб улғайган латониялик шоирлар билан мулоқот Рауф Парфи ижодида чуқур из қолдирганлиги аниқ. Ижод аҳлининг чет юртларга сафари, тўсатдан бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кетиб қолиши катта ҳодиса. Ёш Гётенинг Италияга сафари, сургундан қайтган Достоевскийнинг Европага кетиб, ўша ёқларда дайдиб юриши улар ижоди-

да катта бир кўтарилиш, жиддий бир босқич бошланганлигининг расмий кўриниши эди.

Зийрак ва софдил ўқувчи учун сир эмаски, 80-йилларга келиб Рауф Парфининг онг-шуури ва кўнглида собиқ қизил империя батамом ва узил-кесил қулаб улгурган эди. Шоир учун Ватан озодлиги орзуси анланган, чуқур идрок этилган реал ҳақиқатга айланганлиги рост. Унинг шу йилларда ёзган шеърлари билан Чўлпоннинг ўз вақтида озодлик чақириғи бўлиб янтраган исёнкор сатрлари орасида тўппа-тўғри боғлиқлик, ўхшашлик бор. Гўё “Озод бўлсин бу ўлка” дегани учун боши кесилган Чўлпон орадан 40-50 йил ўтиб, Рауф Парфи деган “Кўзойнакли, сочи оқ дарвеш” шоир тилидан ўтли истагини изҳор этган.

*Эдуард Вейденбаум* (1867-1892) – Латиш шоири. Рига биқинидаги Цесис қишлоғида дунёга келган. Гимназия таҳсилини тугатгач, 1887 йили Дерптс университетининг ҳуқуқшунослик факультетига кирган. Битирув имтиҳонларини топшириш чоғида бехосдан жони узилган. Ундан юзга яқин, шеър, Гораций, Шиллердан қилинган шеъррий таржималар мерос қолган. Инсон шаъни ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб ёзган эҳтиросли битиклари, ҳурликка, мамлакат озодлигига қаратилган даъватлари XIX асрнинг 90-йилларида ғоят машҳур бўлган. Шеърлари ёзма равишда қўлма-қўл ўтиб ўқилган. Латиш адабиётида эрксеварлик, ватанпарварлик, миллиятчилик йўналишига асос солган. Мазкур ижтимоий-эстетик тамойил Ян Райнис томонидан янада такомиллаштирилди, ривожлантирилди. 1908 йили латиш адиби Э.Трейман-Эваргулис Эдуард Вейденбаум сайланмасини алоҳида китоб ҳолатида нашр эттиргани учун қамоқ жазосига маҳкум этилган.

“*Сўнги япроқ*” шеъри латиш шоири Леонс Бриедис қаламига мансуб. У молдаван шоири Виталий Тулник хотирасига аталган. Леонс Бриедис шеърларида кечинмалар фикрлайди. Ҳис-туйғулар жунбуши эркка интиқ шахснинг кўнгил азмойишларини суратлантиради. Рауф

Парфи руҳиятига яқин фикрчан кечинмаларни ўзбек тилида сўзлатган.

Индулис Ранка шеърларидаги эрка, руҳоний эркинликка ичкин соғинч билан суғорилган туйғулари Рауф Парфи манавиятига мос тушган. Ватан — мустамлакачилар тақими остида ингранади; кўнгилдаги ватан ўзимизники, уни бировга бермайлик; фикр-туйғу бандилиги банданинг ўлими демакдир, деган бадий-фалсафий ғоя латиш шоири И.Ранка шеърларининг мағзини ташкил этади.

*Ян Райнис* — адабий таҳаллуси, асл исми Янис Кришьянович Плиекшанс (1865-1929) — латиш шоири, драматурги, жамоат арбоби. Даугавпилс биқинидаги Грива қишлоқ мактабида ўқиди. Рига шаҳридаги немис гимназиясини тугатгач, Петербург давлат институтининг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олди. Вилен вилоят судида фаолият юритди; номзодлик диссертациясини ёқлади; “Янги оқим” ижтимоий-сиёсий ҳаракатида фаол иштирок эта бошлади. Тезда унинг етакчиларидан бирига айланди. Жамиятни янгилаш, миллиятчилик руҳидаги ватансеварлик ғоялари билан йўғрилган мақолалари учун ҳибсга олинди. Қамоқда Гётенинг “Фауст” асарини латиш тилига таржима қилди. Псков, Вятск, Слободек губерняларида сургунда бўлди. Исёнкор шеърлар қаторида инсон ва табиат, шахс эрки ва миллат ҳуррияти мавзусидаги гўзал фалсафий асарлар ёзди. “Чала ярим идеалист” пьесасини ёзиб тугаллади.

“Олов ва тун зулмати”, “Бўрон эпкинлари” номли саҳна асарлари, “Ибтидо ва интиҳо”, “Унитилмас кимсалар”, “Сукунатга шимилган китоб” каби шеърый мажмуалари, “Олтин тулпор”, “Чаппор уриб эсавер шамол” сингари поэмалари, “Илья Муромец” трагедияси, “Муҳаббат ўлимдан кучли”, “Ит ва мушук” номли фожей саҳна асарлари, “Алвидо, гўзалим”, “Илон қарғиши”, “Кумушранг шугъла”, “Ой фарзанди” ва ҳ.к мажмуалар адибга оламгир шуҳрат келтирди. Асарлари элликка яқин жаҳон тилларига таржима қилинган.

*“Сенинг мовий кўзингга мил тортар қора қисмат”* — ушбу

сатр “Соқов денгиз” шеъридан. Кўзга сурма тортганда қўлла-надиган сурмачўп мил деб юритилади. Учи ингичка, ўткир, ништарга ўхшаган асбоб ҳам мил дейилади.

*Улдис Берзинш* — Латвиядаги туркий алабиётнинг фидойи тарғиботчиси. Шоир, ёзувчи, публицист, таржимон. Ўзбек, қирғиз, туркман, қozoқ, татар ва ҳ.к. туркий тиллар бўйича мутахассис. Рауф Парфининг маслакдош дўсти ва таржимони. Ўзбек тупроғида кўп бор бўлган. Унинг шеърларини Рауф Парфи ўзбекчага ўгирган.

*Кнутс Скуениекс* — латиш шоири, фикрчан кечинмалар мусаввири. Рауф Парфи Латвия сафарига дўсти Улдис Берзинш хонадонида ҳам кўп бор бўлган. “Баён Ҳеленаси турар эшикда” сатрида умр йўлдоши Ҳелена назарда тутилади. “Тонготарда сўзлар қайга отланар, ўғли Антсис билан баробар” сатридаги Антсис исми бола Улдис Берзиншнинг ўғли.

“*Муктибодҳ дуоси*” шеъридаги “сўқир вужудларнинг шаҳпарлари йўқ” сатридаги *шаҳпарлар* сўзи қанотдаги энг узун патлар маъносида қўлланган.

*Имдод* — мадад, кўмак, ёрдам.

“Унга одам зоти келабилмас дов” сатрида “*дов*”- бас келолмаслик маъносини англатади.

*Маҳр* — арабча сўз; куёв томонидан келинга бериладиган пул, мол-ашё;

“Қичқиради безабон хулё” сатридаги хулё абадийлик маъносида.

“*Муктибодҳ дуоси*” шеъри дастлаб “Муктибодҳ” сарлавҳаси остида берилган эди. “Кўпдан қолиб кетган вафодор” сатрига “Кўпдан қолиб кетган вафодор талаб”, “Мендан не истайдир ништарин қалаб” “Мендан не истайдир пичоғин ялаб?!” тарзида фикрий таҳрир киритилган.

“*Шухрат Абдурашид мозорида*” шеъри ҳаётдан эрта кетган, ёрқин истеъдодини тўлиқ намоеён этишга улгурмаган рассом Шухрат Абдурашидовга аталган. У 1950 йил 7 августда Ўш вилояти Аравон туманининг Тепакўрғон қишлоғида туғилган. 1964 йили ўрта мактабнинг 8-синфини тугатиб, Павел Бенъков номидаги республика бидий билим юртига ўқишга кирди.

1968 йили билим юртини аъло баҳоларга якунлаб, таҳсилни Москва Давлат Бадиий институтида давом эттирди. Маҳобатли ранг тасвир бўлимини профессор К.А.Гутеволь раҳбарлигида тугатди. Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси эди. Республика ҳамда бир нечта чет эллар кўргазмалари қатнашчиси. 29 ёшида (1979 йил 19 декабр) вафот этди. Чилонзор Оқтепасидаги Рассомлар уйида бир хонали квартирада оиласи билан яшарди. Кўчани кесиб ўтаётган пайтда машина уриб юборган. Бахтсиз тасодиф фожеали ўлимига сабаб бўлган.

“САБР ДАРАХТИ” мажмуаси Рауф Парфининг эълон қилинган китоблари орасидан энг салмоқлиси. Икки юз ўн олти саҳифадан иборат: Карвон йўли, Акс садо, Тасвир, Хотирот, Кўзлар, Қайтиш, Сабр дарахти бўлимларига киритилган икки юз йиғирма иккита шеър ҳамда “Таржима” бўлимидаги Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда, Геворг Эмин, Воқиф Самад ўғлининг ўзбекчалаштирилган ўн олти шеърдан таркиб топган. “Сабр дарахти” бўлимида берилган ўн олтигагина шеърни “Сайланма”га киритишни маъқул кўрган.

“Дину диёнат йўлида барча қийинчиликларга сабр қилувчи Инсон учун гўё қўлида ёниб турган лаҳча чўғни ушлаб турган каби замонлар келади” мазмунидаги ҳадис эпиграф сифатида келтирилади.

“Сунбула” уч сонетдан иборат. Учинчи сонетнинг сўнгги “Дарёга лим тўлиб вужудим оқар” сатрида “вужудим”-“жасадим” тарзида бир сўз билан алмаштирилган.

“Микеланжело севгиси” уч сонетдан таркиб топган. “Севгимнинг пойида мағлуб, тор-мор” сатрида “пойида”-“йўлида”, “Тангрининг ишига ҳайрон қоламан” мисрасидаги “Тангрининг”-“Аллоҳнинг”, “Севгимга сиғинаман, севгимга холос” мисрасидаги “севгимга”-“Аллоҳга”, “Тангрингга сиғинмайман, оломон” сатридаги “тангрингга”-“фиръавнга” тариқасида ўзгаришларга учраган.

Микеланжело (1475-1564) — италян ҳайкалтароши, рассом, архитектор, шоир. Бир умр шеър ёзган. “Шеърлар” китоби ўлимидан сўнг 1623 йилда нашр

қилинган. Бутун истеъдоди Уйғониш даврининг буюқ гоёлари инсонпарварлик, халқчиллик ривожига хизмат қилди.

*Ўтрук* — ёлғон.

*Палахмон* — сопқон, тошотар. Тош отиш учун ишлатилган жуда қадимий ибтидоий қурол.

*Вала* — берилган, мафтун, хайратда қолган.

*Узгун* — тўлқин, тошқин.

*Ахгар* — қизариб ёниб турган олов; лахча чўғ.

*Бистар* — ўрин-бош, кўрпа-ёстиқ.

*Силоҳ* — қурол-яроғ; кўплиги аслаҳа.

*Бехер* — (1891-1958) — Иоганнес Роберт, немис шоири, жамоат арбоби. “Сонетлар”, “Шеърят ҳимоясида”, “Шеърый тазарру”, “Шеърый йўсин” ва ҳ.к. мажмуалари, айниқса, маълум ва машҳур.

*Саҳв* — хато, янглиш.

“Каркас қушдек ...” — ўлимтик ейдиган, узоқ умр кўриши билан шуҳратланган қуш.

“Ёнингдан ўтаман — бу сўнгги сафар” сатри билан бошланувчи шеърнинг сарлавҳаси “Кел, жимгина видолашайлик энди” эди. “Нега жим турибсан, ахир сўйламасдан” сатридаги “сўйламасдан”-“сўймасдан” тариқасида ўзгартирилган. Ҳижодаги бузилиш тузатилиши баробарида маъно тўлиқлашган, фикрнинг теранлиги ортган.

“Сўзлар” шеъри қўлёмзада “бўшлиқнинг”, ушбу “Сайланма”да “бўшлиқларнинг” деб берилган. “...қатор сўриларда ухлаб ётган сўзларни кўраман” деган гапдан кейинги “Сўзларни ушлаб кўраман. Тишлаб кўраман” жумласи тушириб қолдирилган.

“Лутфихоним. Уйғон болам” шеъри сарлавҳаси остида қавсга олиб берилган (1943) рақам “Сайланма”да олиб қўйилган.

“Оғриқ” — уч сонетдан иборат. Қўлёмзада иккинчи сонетнинг биринчи тўртлиги “Сен ахир тириксан, ёниб яшайсан” сатридаги “тириксан” “Сайланма”га ўтиш пайтида “Туркистон” сўзи билан алмаштирилган.

“Ватан ҳақида Бернд Иентшга мактубим” шеърининг аввалги нашрларида иқтибосда кўрсатилган

“Ҳозирги замон немис шоири (ГДР)” деган эскартма тушириб қолдирилган. “Ўтинаман, баландпарвоз сўзлар, деб ўйлама тагин” сатридан олдинги “Мен шундай тушунаман Ватанни” мисраси қисқарган. Аввалги нашрларда берилмаган қуйидаги сатрлар қўлёзма асосида қайта тикланди: Хотирамнинг ичинда парчаланур, арраланур, кесилур, Ўзбегим, тожигим, қозогим, қирғизим, туркманим, уйғурим, Озорим — турким. Хотирамнинг ичинда сўйилган Туркистон. Мен шундай тушунаман Ватанни.

“Чорқирра трубалардан” сатрига “чорқирра қувурлардан” дея ўзгартиш киритилган. “...Армин Мюллер” исмига бир рақами кўрсатилиб, “Ҳозирги замон немис шоири (ГДР)” деган иқтибос берилган. Қўлёзмада ҳамда “Сайланма” вариантыда тушириб қолдирилган. “Германия, сен ул қора кунларда” мисраси “Германия” “Олмония” ифодаси билан алмашган.

“Телбаларча қарайман гоҳо” шеъридаги “Барча учун ёрлақа ўзинг” сатри “О, Туркистон, ёрлақа ўзинг” деб, “Босиб келар ҳасратли дунё” мисраси “Босиб келар бу туркий дунё” тарзида ўзгаришга учраган.

“Туркистон ёди” шеърига аввалги китобларда “Устоз Миртемир хотирасига” деган эпиграф қўйилган эди. “Қутлуғ Туркистон” мажмуаси қўлёзмасида тушириб қолдирилган.

“Хайр, дада, биз энди” шеъридаги “сени”-“сизни” билан, “сен”-“сиз” билан ўзгартирилган. Натижада, шеърда шарқона одоб, ҳурмат-эҳтиром ҳисси ортган. “...бахтини тута билмай кураклар-ла ер ўпмоқ” сатридаги “кураклар-ла”-“кўкракда” сўзи билан ўзгартирилган. “Армонимга сиғинаман, сени соғинаман” сатрига “Туркистонимга — армонимга сиғинаман, сизни соғинаман” деб таҳрир киритилган.

“Омон Азиз. Кандакорлар” шеърида “Ўрталикда олов сиёҳдон” сатрида “сиёҳдон” сўзи “Туркистон”га ўрнини бўшатиб берган.

“Шамоллар” шеърида “Ҳайқирган овози, ўртоқ” мисрасида “ўртоқ” сўзи қисқарган. “Нима-а-а, бир варақ

қоғоз сингари ўзимни йиртмасам” сатри “Бу умрим нимадир, о, она Туркистон, бир варақ қоғоз сингари ўзимни йиртмасам” тарзида фикрий таҳрир этилган. “Таркиби: жон” бирикмасидаги “жон”-“қон” сўзи билан ўрин алмашган ва янада кўримли, сезимли маънодорлик касб этган.

**“ҚУТЛУФ ТУРКИСТОН” (1991)** Рауф Парфининг ўзи тартиб берган ва лекин нашр этилмай қолган мажмуаси. Бир юз ўттиз етти (137) саҳифадан иборат. Кўлөзманинг биринчи саҳифасида лотин имлосида муаллиф “Рауф Парфи ЎзТурк”, мажмуа номи ҳамда нашр этилажак йили кўрсатилган (“Ижод лунёси” нашриёти, Тошкент, 2002). Тақдим учун ажратилган 3-5-саҳифалар очиқ қолган. 7-134-саҳифаларда тўқсонта шеър берилган. 135-137-саҳифалар мундарижадан иборат. Улар қуйидагилардир: “Талпинади, шундай кулади”, “Уйғонар Туркистон, уйғонар дунё”, “Муаллақ қўллардек булутлар”, “Харита”, “Хайр, дада, сиз билан энди”, “Ёмғир эмас, марварид ёғар”, “Дарак гап. Инсон”, “Оҳанг”, “Дилгир мусиқа оқарди”, “Мен биладан вужудинг бўзлар”, “Мен ўткинчи, мен фақат меҳмон”, “Бахт ва ташвиш”, “Шеърят”, “Она тилим”, “Чингиз Айтматов”, “Ер фарзанди”, “Усмон Носир”, “Боғчасарой фонтани”, “Чўли Ироқ”, “Ҳайрон, мағлуб бу коинот”, “Бутун умр ўйлар банд этар”, “Шамоллар”, “Телбаларча қарайман гоҳо”, “Чексиз-чексиз дақиқалардан”, “Яна қайтиб келдим”, “Она Туркистон”, “Самарқанд осмонида”, “Дарё каби доимо уйғоқ”, “Юрак”, “Почта. Телеграф. Телефон. Кирдим”, “Агар”, “Сен айт”, “Битиктош”, “Тавфиқ Фикрат китобига ёзув”, “Ватан ҳақида Бернд Иентшга мактубим”, “Омон Азиз. Кандакорлар”, “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон”, “Шамол, сочларимни тарама”, “Сўзлар”, “Сунбула”, “Оғриқ”, “Ўзингни аяма бораётган илдиш”, “Муктибодҳ”, “Ёнғин”, “Туркистон ёди”, “Осмон ўзгариб кетди”, “Лутфихоним. Уйғон болам”, “Абдулла Авлоний хотирасига”, “Сиёвуш фарёди”, “Абдулҳамид Чўлпонга мухаммас”, “Усмон Носирга мухам-

мас”, “Тухмат”, “Эй, сиз тўйганлар”, “Ухлама сен, Ҳақиқат”, “Кўнглим қоронғудир, теварак тутун”, “Ёнаётган аёл”, “Биз сумар нишони Абут-турк қони”, “Сўнмас руҳимизда матонат асло”, “Озарбайжон. 1991”, “Адашган руҳ”, “Албертидан”, “Қирқ йил қораладим қоғозни”, “Тавба”, “Мунажжим”, “Абдурауф Фитрат”, “Тҳакурга иқтибос”, “Ҳиёнат”, “Абдулла Қодирий ғазалига мухаммас”, “Марсия тажрибалари. 1-тажриба”, “2-тажриба”, “3-тажриба”, “Қора девор”, “Мени таъқиб қилар”, “Онамга хат”, “Ҳазил”, “Шуурсиз шеър тажрибалари. 1-тажриба”, “2-тажриба”, “3-тажриба”, “4-тажриба”, “5-тажриба”, “Шоир, мен уйғондим”, “Йўловчи”, “Сиёвуш”, “Кўзимнинг қаърида”, “Зангори оғочман”, “Шекспирдан”, “Аввал хаёл эдинг”, “Шоир, илҳомнинг бир қўлида ҳанжар”, “Кўзимда гилдирар хўрланган хилқат”, “Куч-қувват бағишлар эркин шеъримга”.

Китоб қўлёзмасида Ҳофиз Шерозийнинг : “Эй толиб, сен ахтарган йўл Маккага эмас, Туркистонга олиб боради” ҳамда Мағжон Жумабойнинг “Туркистон икки дунё эшигидир” (6-бет) сўзлари эпиграф сифатида келтирилган. Яна устози Абдураҳмон Водилий билан Чўлпондан олинган шеърий парчалар ҳам эпиграф қилиб берилган. (“Тушимми ё ўнгимми, билмадим, халқим ало бўлди. Ҳалокат майлонида Туркистонимдан айрилдим. Абдураҳмон Водилий”, “Гўзал Туркистон, сенга не бўлди? Саҳар вақтинда гулларинг сўлди. Чўлпон”). Лекин уларни қолдиришни шоир лозим топмаган.

*“Шамол, сочларимни тарамма”* — сонетнинг иккинчи тўртлиги учинчи сатрида “ахир” сўзи ўрнига “энди” қўлланган.

*“Чексиз-чексиз дақиқалардан иборатдир”* — насрий шеърда қуйидаги таҳрирлар киритилган: “Мен-ку истамасман ўлимни, ҳар жойда” сатридаги “жойда”-“соатда”, “Мен-Юлиус Фучик — дорга осилди бошим” сатридаги “осилди”-“тортилди”, “Кўксимда жаллодларнинг аянч суврати қотган” сатридаги “кўксимда”-“бот-

ган кўзларимда” билан ўзгартирилган: “аянч” — ўчирилган. “Мен ҳамон турма панжаси ора сўнгсиз ва озод осмонларга қарайман” сатридаги “ҳамон” ўрнига “ҳали ҳам” маъқул кўрилган. “...Айни севинчларда яшамоқ, устоз” сатрида “севинчларда”дан кейин “...айни Туркистонда” сўзи киритилган. Кайфият-кечинмаларни янада тиниқлаштиришга, тўлдиришга эришилган.

“*Битиктош*” шеърининг бағишлови турли нашрларда турлича кўрсатилган: “Хотирот”, “Қайтиш”, “Сабр дарахти” мажмуаларида “Азизхон Қаюмовга”, “Она Туркистон”, “Тавба” тўпламларида эса “Азизхон Қаюмга”. Охириги таҳрирда, яъни “Қутлуғ Туркистон” мажмуасида “Азизхон Қайюмга” деб берилган. “Бу Ватан аталган муқаддас армон” мисрасида “Ватан”-“Турк юрт” деб фикрга аниқлик киритилган.

Рауф Парфи “Ўзбекистон физкультурачиси” газетасидаги таржимонликдан бўшагач, бир муддат ишсиз юрди. Ёрқин истеъдодли ёш шоир шеърларини матбуотда ўқиб кузатиб юрган атоқли адабиётшунос, академик Азизхон Қаюмов Рауф Парфини ўзи раҳбар бўлиб ишлаётган Кинематография Давлат қўмитасига муҳаррирликка таклиф қилади. Шоир бажонидил рози бўлади.

Р.Парфининг Жумҳурият кино қўмитасидаги фаолияти самарали кечди. Қадимги туркий халқлар ёзма маданиятининг тош битиклар шаклидаги нодир намуналарини ўқиб-ўрганишга, шу хусусдаги тадқиқотлар билан танишишга, ўзлаштиришга интилди. Рус қадимшунос олими, туркийлар маънавий-интеллектуал маданиятининг қадимги илдизлари — кўзгуси бўлмиш тош битиклар бўйича теран тадқиқотлар яратган академик С.Е.Малов асарларини қунт билан ўзлаштирди: (С.Е.Малов. Памятники древне-тюркской письменности. Тексты и исследования. Изд. АН, М., “Л., 1951; *шу автор*. Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы. Изд. АН, М., — Л., 1952; *шу автор*. Памятники древне-тюркской письменности Монголии и Киргизии. Изд. АН, М., — Л., 1959).

Азиз Қаюмов қадимги тошбитикларни ҳозирги ўзбек

тилига табдил қилганди; шеърий ва насрий намуналарини “Қадимият обидалари” номи остида нашрга тайёрлаганди. Ана шу китобни Р.Парфи таҳрирдан чиқарганди. “Битиктош”, “Қадимги туркийлардан”, “Биз Сумер нишони Абу-турк қони” сингари шеърлари тош даври маданияти билан танишиши, таъсирланиши, ижодий изланишлар жараёнида туғилган.

“Шеърият” шеъридаги “Вужудимнинг ҳар бир ҳужайрасида Сўзларнинг содиқ қўшини — тинчлик. Владимир, жаҳонни эгалла қўшиғи” сатрлари қуйидаги мазмунда ўзгартирилган: “Вужудимнинг ҳар бир ҳужайрасида Сўзларнинг содиқ қўшини — Туркистон, Туркистон, Туркистон, туркийнинг дунёвий қўшиғи “. “Йўқ, ҳали йўқ, Маяковский...” жумласида “Маяковский — “шоир” сўзи билан алмаштирилган. “Зарб! Черковлар, масжидлар титрар, жуда ёмон, жуда ёмон Аллоҳига ҳам. Зарб!” жумласи тушириб қолдирилган. “Қасрлар, тахтлар, ёвузликлар шаклида йиқилди” сатри билан шеър давом эттирилади.

“Агар” шеърида “Оқ, қора, қизил, заъфар ва бошқа// Чексиз харитага бош қўйиб маъюс” мисралари шоирнинг қайта нигоҳидан кейин қуйидагича мазмун касб этган:

Оқ, қора, қизил, заъфар харита —  
Она Туркистонга бош қўйиб маъюс.

Биринчи тўртликнинг учинчи сатридаги (“Ҳаммаси икки карра икки, яъни тўрт”) “тўрт” сўзи “Қайтиш” (124-бет), “Сабр дарахти” (159-бет), “Она Туркистон” мажмуаларида аслидаги сақланган ҳолда “Қутлуғ Туркистон” (47-бет)да “беш” дея ўзгартирилган.

“Харита” шеърида “Харита-нафасим” сатри “Харита-Туркистон-Нафасим” тариқасида мазмун тўлдирилган.

“Бахт ва ташвиш” шеърида Миртемирдан эпиграф сифатида келтирилган:

Дунёга қайта келурман  
Лекин бошқа ўғил бўлиб.

сатрлари “Қутлуғ Туркистон” мажмуасини тайёрлаш жараёнида тушиб қолган. Унинг ўрнига “Онам Сакина Исабекка” эпиграф қилиб олинган. “Ташвиш — қўрғошин каби оғир” сатридан сўнг “Ватан каби, Туркистон каби” жумласи қўшилган. Кейинги жумла “... Бахт каби оғир” тарзида давом этади.

“Кўзлар” шеъри уч сонетдан ташкил топган. “Кўзлар” (38-бет), “Қайтиш” (165-бет), “Сабр дарахти” (152-бет), “Она Туркистон” (342-бет), мажмуаларида шеър сарлавҳаси “Дилоромнинг кўзлари” дир. Яна Рене Шар (“Унинг кўзлари фақат ҳайқира оларди”) сўзи эпиграф қилиб олинганди. “Она Туркистон”, “Қутлуғ Туркистон” мажмуаларида эпиграф тушириб қолдирилган. Сарлавҳа эса “Кўзлар” шаклида ихчамлаштирилган. Аввалги нашрлардаги “Шарқ қизи, Шарқ қизи, энди кулмасми?!” сатрига “Туркистон, Туркистон, энди кулмасми” мазмунида тузатиш киритилган.

“Дарё каби доимо уйғоқ” шеъри иккинчи бешлигидаги “Онажоним, оҳ Ўзбекистон” сатри “Оҳ, Туркистон, она Туркистон” тарзида ислоҳ этилган. Бешинчи бешликнинг биринчи мисрасидаги “Ўзбекистон, энг ширин бўса” — “Оҳ, Туркистон, энг ширин бўса” тарзида, сўнгги сатридаги “Онажоним, оҳ, Ўзбекистон” — “Оҳ, Туркистон, она Туркистон” деб ўзгартирилган.

“Сўзлар” сарлавҳали асар шоир ижодида иккита. Мазкур шеър биринчиси бўлиб, 1963 йили ёзилган; иккинчиси 1979 йили битилган, ҳар икки шеър ҳам насрдаги назмдир. Шоирнинг аввалги китобларида чоп этилган вариантдаги

Хаддан зиёд гўзал сўздир — Ленин,  
Ассалом — бу тонготар,—

сатрлари “Қутлуғ Туркистон”га кўчиши пайтида қуйидаги таҳрирга учраган:

Хаддан зиёд гўзал сўздир — Турон,  
“Ассалому алайкум” — бу тонготар.

Шеърнинг охириги “Ер шари муқаддас бир китоб” сатри “Ер шари, Турон — Муқаддас Куръон” тарзида ўзгартирилган эди. Қўлёзмадаги қораламани оққа кўчириш пайтида “Олижаноб сўзларга ўхшайди — Ер шари. Яшамакка ўргатар сўзлар” сатрлари қолдирилган. “Ер шари муқаддас бир китоб, Ер шари, Турон — муқаддас Куръон” сатрлари таҳрир жараёнида ўчирилган.

Рауф Парфи қаламига мансуб, 1979 йили ёзилган “Сўзлар” шеъри эса қуйидаги мазмунда: “Тун қўйнида бўшлиқнинг қўллари кўксимни қисаркан, руҳим таслим бўлмайди-да, олға интилар, қаршимда бир оқ бино пайдо бўлар, оқ бинода қалин ва оқ кўрпаларига ўраниб-чирманиб қатор сўриларда ухлаб ётган сўзларни кўраман. Сўзларни ушлаб кўраман, тишлаб кўраман.

Яна тун қўйнида бўшлиқнинг темир қўллари кўксимни қисаркан: “ Ёрдам беринг, ухлаб ётаверманг, — дея ҳайқираман. Шундай уйғотаман қадимий сўзларни-Туркистонимни”.

“Усмон Носир” шеърига қуйидаги мазмунда ўзгаришлар киритилган: “Мен биламан...”-“Мен билурман”. “Сўқир хасталиклар ваҳшатин”-“Сўқир замонларнинг ваҳшатин”. “Оқ қиламан, тамом бўл, жигар”-“Ён Туркистон, тамом бўл, жигар”.

“Она тилим” шеърининг ёзилиш санасида турли йиллар (1965, 1977, 1997) кўрсатилган. Дастлабки вариантда шеър тўққиз тўртлик “ ўттиз олти сатрдан иборат эди (“Хотирот” китоби, 15-16-бетлар). 1977-1997 йилларда тубдан қайта ишлаш натижасида у қирқ икки мисрадан иборат уч сонетга айлантирилган. Ушбу жараён — шоирнинг ижодий изланишлари нечоғли серзаҳмат кечганлигини тўлиқ тасаввур қилиш учун “Она тилим”нинг дастлабки ҳолати билан қайта ишланиш пайтидаги ўн та вариантини ҳам келтириш жоиз. Негаки вариантлардаги фарқли жиҳатларни ойдинлаштириш баробарида Р.Парфининг ҳар бир сўзга заргарона жило берганлигини кузатиш мумкин.

“Қайтиш” (1981, 67-68-бетлар) мажмуасида “Она тилим” шеъри ўзгаришларга учрамаган, айнан келтирила-

ди. “Сабр дарахти” (1986) мажмуасида эса айрим сўзлар ўзгартирилган, холос. Жиддий фикрий таҳрир этилмаган. Хусусан, биринчи тўртлик 2-сатридаги “мўл-мўл нурин” ““Офтоб соқчи”, олтинчи тўртликнинг 3-сатридаги “билмас пайгамбар”-“кимса билмайдир”, 4-сатридаги “билмайди худо”-“билмайди дунё” тарзида алмаштирилган.

Р.Парфи 1992 йили эллик шеърдан ташкил топган “Она Туркистон” (Тошкент, “Дев” нашриёти) мажмуасини нашрга тайёрлайди. Қўлёзма ҳолатидаги китобнинг 16-17-бетларидан жой олган “Она тилим” шеъри жиддий қайта назардан ўтказилган. Уч сонетдан иборат янги асар туғилган, дейиш мумкин. Ана шу ижодий жараёни бир қадар ўрганиш, кузатиш мақсадида шеърнинг ўнта вариантыни ҳам тўлиқ келтириш жоиз кўрилди. 10 та вариант сканери берилади.

Шеърнинг 2-вариантидаги ижодий ўзгаришлар қуйидагилар: биринчи тўртликнинг 4-сатри (“Офтоб-дек ардоқли, эй она халқим”)дан кейин:

“Қоним, она тилим, эй она халқим,  
Занжирбандман, она тилим, она сўзингга”—

сатри киритилган. “Мен эрка ўғлингман, гоҳ шеър айтурман” сатридаги “шеър”-“сўз” билан алмаштирилган. Кейинги саккиз сатрдан сўнг “Сенинг йўлларингда сомонман, дурман” фикри билан тўлдирилмоқчи бўлган.

Шеърнинг 3-варианти мазкур тўртлик билан бошланади:

Абуттурк тарихдан балки ривоят,  
Бироқ сен борсан-ку Турон элида.  
Шоир, Сўз айтмакка сен шошма фақат,  
Улуғ Алишернинг қутлуғ тилида.

Биринчи сатрдаги “қолган” сўзи ўчирилиб, ўрнига “балки” деб ёзилган.

Сени ёзажакман, она Туркистон,  
Она тилим, юрагимнинг қонисан.

Элим, она тилим, руҳимнинг қони,  
Сени ёзажакман тирилган ҳаёт, жаҳон.

Ушбу тўртликда биринчи сатрдаги “Туркистон сўзин” ифодасида “сўзин”, учинчи сатрдаги “юрагим” ўчирилган. “Кўзимнинг осмони муждалар йўллар” сатрига ҳам чизиқ тортилган. “Қара, йигирманчи аср аъмоли” сатридаги “қара”-“бузғун” бўлган. Тўртлик сўнгида “Менинг Она тилим, мунис Онажон” сатри қўшилган. Лекин ушбу фикр шеърнинг кейинги вариантларида йўқ. Мазкур тўртлик шеър руҳини бағоят кўтарган.

Ҳақдан, Ҳақиқатдан айтинг ким тонар,  
Дунёвий аламнинг зори юракда.  
Бу олис қуёшдир, куйиниб ёнар,  
Олис эсдалиқдир ўчмас фалакда.

4-вариантга келиб шеър сонетлар сифатида шакллана бошлаганини кузатиш мумкин. “Она тилим” шеърининг 5-вариантидаги “Абуттурк ўтмишдан қолган ривоят” сатри билан бошланувчи тўртлик 1-сонетга асос бўлган. “Ўтмишдан”-“тарихдан” тарзида тузатилган. “Бу олис қуёшдир куйиниб ёнар” сатри маъно жиҳатидан жиддий кучайтирилган. “Ул олис қуёшдир куйиниб ёнар” сатридан кейинги мисралар (“Олис эсдалиқдир бўлмайти адо // У қачон туғилган билмас пайғамбар // У қачон сўнади билмайти Худо”) олиб қўйилган. Ўрнини куйидаги мазмун эгаллаган:

Олис хотирадир ўчмас фалакда.  
Ҳақдан, ҳақиқатдан, айтинг, ким тонар?  
Дунёвий аламнинг захри юракда.

“Қара, йигирманчи аср аъмоли” сатри билан бошланувчи тўртлик фикрий ўзгартирилиб, олти сатр тусини олган.

Машъум замонанинг ўлик шамоли.  
Бузғун йигирманчи аср аъмоли,  
Барчанинг бошида бирдек беомон.

Ва лекин Абаднинг голиб хаёли —  
Менинг она тилим, мунис онажон.  
Сени ёзажакман тирилган жаҳон.

Кейинги уч тўртлик мутлақо янги: шеърнинг руҳий қувватини кучайтириш баробарида 2-сонетнинг юзага келишида хамиртуруш вазифасини ўтайди.

Соғу бахтиёрман оламлар ичра,  
Таним ёнаётган ўтларга кирган.  
Кўкларга санчилган қўлларим,  
Оёқларим ватаннинг қаърида,—

сатрлари қуйидагича фикрий таҳрир қилинган:

Алам ичиндадир борар йўлларим,  
Таним ёнмоқдадир ишқсиз очунда.  
Кўкларга миқтар сўнган қўлларим,  
Оёқларим менинг тупроқ ичинда.

Чувалган булутлар кўзимни бойлар,  
Чақмоқларни тешар руҳимнинг қони.  
Мен ўз тобутимда солланаман,  
Ватан деб аталган буюк тобутим.

Аллоҳнинг муатир каромати-ла,  
Тебранаман юртимнинг беланчагида.  
Осмон чексиз қадаҳ мен учун,  
Мен уни ичаман, ичаман.

“Сен-да абадийсан, эй туркий тилим” сатри билан бошланувчи тўртлик эса таҳрирдан сўнг қуйидаги мазмун касб этган:

Элим, она тилим, руҳимнинг қони,  
Сенда аён бўлгай шафқатим, қаҳрим.  
Ҳеч зот юла билмас узилган жоним,  
Ҳақиқатни юлиб ололмас, бағрим.

5-вариантдаги ўзгаришлар қуйидагича кечган: биринчи сонетнинг илк сатрига (“Офтоб фарзандидир олтин далалар”) уч хил мазмундаги фикрий ўзгариш киритилган: “Офтоб меҳри эрур олтин далалар”, “Улуғ Туркистон бу, олтин далалар”, “Олтин диёрдир бу, олтин далалар”. Шу тўртликнинг сўнгги сатри (“Офтобдек ардоқли, эй она халқим”) ўрнига “Қоним она тилим, эй она халқим” сатри қўйилган. Иккинчи тўртликнинг охириги иккилиги ҳамда 3-тўртликнинг дастлабки икки сатри асосида қуйидаги олтилик туғилган:

Занжирбандман, она тилим, она Сўзингга,  
 Фано водийсида сомонман, дурман.  
 Сени ёзажакман ўйиб кўзимга.  
 Минг бор боражакман, минг бор қайтурман,  
 Бошимни қўюрман сенинг изингга,  
 Мен ғариб бандангман, бир сўз айтурман.

6-вариантга келгач, “Она тилим”нинг икки бўлаги тугаллик касб этган. Биринчи тўртликдан кейинги саккиз сатр тушириб қолдирилган.

Мен эрка ўғлингман, гоҳ шеър айтурман,  
 Гоҳ, тушиб олурман сўқмоқ, изингга.  
 Сени ёзмак учун ортга қайтурман,  
 Сени ёзажакман бутун кўзимга.

Гўё қисмат дея, оятлар ёзиб,  
 Шундай судраб кирарлар жангга.  
 Бас, не кўргуликдир, нима гап ўзи,  
 Бу не талотумдир, айтиб бер менга?

2-сонетнинг сўнгги олти сатри шоир юрагига тинчлик бермаганлигини сатрлар алмашинуви, маъно жилваланишлари орқали англаш мумкин:

Барчанинг бошида бирдек беомон,  
 Манҳус замонларнинг ўлик шамоли.  
 Бузғун йигирманчи аср аъмоли.

Менинг она тилим, мунис, меҳрибон,  
Тангрининг, Абаднинг голиб хаёли —  
Сени ёзажакман, тирилган жаҳон.

7-вариант 1-ва 2-сонетларнинг қиёмига етказиш жараёнини тиниқ акс эттиради. У қуйидаги маъно тўқинишларини ўз ичига олган:

Ҳеч зот уза билмас узилган жоним,  
Ҳақиқатни уза билмас ҳеч қачон.  
Элим, она тилим, руҳимнинг қони,  
Бир имдод тилайман сендан, онажон.

Чувалган булутни хасдек қорурман,  
Руҳимнинг панжаси чақмоқ бўйнида.  
Мен ўз тобутимда секин борурман,  
Ватан деб аталган тобут қўйнида.

8-вариантга келиб ҳар уч сонет қатъий, бир-бири билан маънодош боғлиқ силсилага айланганини кўрамиз. “Улуғ Туркистоним, олтин далалар” сатри билан бошланувчи 1-сонет охириги олтиликдаги фикрий таҳрир натижасида маъно жиҳатдан янада тиниқлашган, теранлашган. Хусусан, “Фано водийсида сомонман, дурман”-“фано водийсида кимман? Билмайман”, “Сени ёзажакман ўйиб кўзимга”-“Мен сени ёзарман ўйиб кўзимга”, “Минг бор боражакман, минг бор қайтурман”-“Қўлларингни йўлларингга улайман”, “Мен ғариб бандангман, бир сўз айтурман”-“Мен ғариб бандангман, бир сўз тилайман” тарзида мазмун теранлигига эришилган.

“Ҳеч зот уза билмас узилган жонни” сатри билан бошланувчи 3-сонетга қуйидаги таҳрир киритилган: “Аламзор йўлидир борар йўлларим”-“Чаёнзор йўлидир...”, “Мен ўз тобутимда сокин борурман”-“Мен сокин солланиб тинглаб борурман”, “Чувалган булутни хасдек қорурман”-“....қордек қорурман” деб тузатилган. Натижада фикр қуюқлашган, шеър руҳи юксалган.

Демак, 7-8-вариантлардаги сатрларни сайқаллаш

ҳолатлари фикрни тиниқлаштиришга, фалсафий-ижтимоий мазмун билан йўғиришга қаратилган:

Занжирбандман, она тилим, Она сўзингга,  
Фано водийсида мен ким? Биларман.  
Мен сени ёзарман ўйиб кўзимга.  
Йўлларимни йўлларингга уларман,  
Бошимни қўярман сенинг изингга,  
Мен ғариб бандангман. Бир сўз тиларман.

“Абут-турк ўтмишдан қолган ривоят”- “Абут-турк тарихдан балки бир ҳикмат” тарзида, “Бироқ сен борсан-ку ўзбек элида”- “Бироқ сен борсан-ку Турон элинда” мазмунида фикрий ўзгартирилган. “Бу олис қуёшдир, куйиниб ёнар // Олис эсдалиқдир, бўлмайдиди адо” сатрлари “Ул олис қуёшдир куйиниб ёнар / / Олис хотиротдир ўчмас фалакда” ҳолида таҳрирга учраган.

Сен-да абадийсан, эй, она тилим,  
Сенда аён бўлгай шафқатим, қаҳрим.  
Ҳеч қачон, ҳеч кимса ололмас юлиб,  
Ҳақиқатни юлиб ололмас, бағрим,—

сатрлари тушириб қолдирилган. Ўрни қуйидаги мисра-лар билан тўлдирилган:

Ватан деб аталган бешик, онажон,  
Мен учун ёпилган эшик, онажон.  
Мен сокин солланиб тинглаб борарман,  
Ватан деб аталган тобут қўйнида.  
Чувалган булутни қордек қорарман,  
Руҳимнинг панжаси чақмоқ бўйнида.

Қуйидаги саккиз мисрадан биронта сатр ҳам шоирнинг 1977, 1997 йилларда қайта ишланган вариантларида такрорланмайди:

Қара, йигирманчи аср аъмоли,  
Барчанинг бошида бирдек беомон...

Ва лекин Лениннинг ғолиб хаёли  
Менинг хаёлимга ўхшар, онажон!

Офтоб фарзандидир олтин далалар,  
Офтоб сочқи сочар бош узра балқиб.  
У сенинг тилингда айтар аллалар,  
Офтобдек ардоқли, эй, менинг халқим.

Буткул янги мазмундаги сонет улар ўрнини эгаллаган. Учинчи рақам билан белгиланган сонет “Ҳеч зот уза билмас узилган жонни” сатри билан бошланади. У мазкур китобдаги берилаётган мавжуд матн кўринишида янги мазмун касб этган. Кузатилганидек, шоир шеър устида муттасил заҳмат чекишни хуш кўрарди. Биргина бу шеъри эмас, бошқа асарлари устида ҳам чеккан меҳнатларини оламгир заҳмат самаралари дейиш мумкин.

1977 йили кўздан кечирилган вариантида сонет қуйидагича яқун топган эди:

Менинг она тилим, мунис, меҳрибон,  
Тангрининг, абаднинг ғолиб хаёли —  
Сени ёзажакман, тирилган жаҳон.

Учликдаги иккинчи сатр 1997 йили қайта ишловда “Сен туркий дунёнинг ғолиб хаёли” тарзида ўзгартирилган.

9-10-варинатларда сонетларнинг ўрни алмаштирилган; шу билан баробар сатрлар янада жиддий таҳрирга учраган. Хусусан, “Абут-турк тарихдан балки бир ҳикмат” сатри билан бошланувчи сонет 2-дан биринчи ўринга олинган. “Улуғ Туркистоним, олтин далалар” сатрли сонет 3-ўринга туширилган. “Ҳеч зот уза билмас узилган жонни” деб номланган сонет иккинчи ўринда қолган. Мазмуни чуқурлаштирилган сатрлар: Биринчи сонетнинг “Мен сокин солланиб тинглаб борарман” сатридаги “тинглаб”-“илғаб”, “Бир имдод тилайман сендан, онажон” сатридаги “тилайман”-“сўрайман” билан алмаштирилган. “Улуғ Туркистоним, олтин далалар” сонетининг охири беш сатри жиддий назардан ўтказилган.

Фано водийсида мен ким? Биларман,  
 Мен сени ёзарман ўйиб кўзимга.  
 Йўлларимни йўлларингга уларман,  
 Бошимни қўярман сенинг изингга,  
 Мен ғариб бандангман, бир Сўз тиларман,—

сатрлари қуйидаги маъно билан бойитилган:

Кундайин сўларман, ойдек тўларман,  
 Мил каби тортарман сени кўзимга.  
 Мен ғариб бандангман. Бир сўз тиларман,  
 Бошимни қўярман сенинг изингга...  
 Қудсия анфосин ёдлаб ўларман.

Кўринадики, “Она тилим” шеърининг илк варианты (1965) билан “Она Туркистон”, “Қутлуғ Туркистон”, “Иймон асири” (2003) мажмуаларидаги намуналари ўртасида катта фарқ бор. Улар шоирнинг бадиий тафаккур тарзидаги эврилишларни, такомил белгиларини кўрсатиш баробарида ижодий эволюциясини кузатиш имконини беради; ижодий устахонасига (лабораторияси) йўл очади.

“Оҳанг” шеърининг “Сен ҳам дунё, шу ёруғ дунё” сатридаги “ёруғ” ўрнини “туркий” сўзи эгаллаган.

“Бутун умр ўйлар этар банд” сатри билан бошланувчи тўртлик “этар банд”-“банд этар” деб, “Ўйларимиз ширин Ватандир” мисраси “Ўйлар-Турон, ширин бир Ватан” тарзида ўзгартирилган эди. “Қутлуғ Туркистон” қўлёзмасидаги вариантда “бир Ватан”-“Ватандир” деб берилган.

“Яна қайтиб келдим...” шеъридаги “Севиб қолсам бутун оламни” мисраси “Дил соғинса туркий оламни” деб ўзгартирилган.

“Ҳайрон, мағлуб бу коинот” шеърининг “Хув олдинда азиз инсон” мисрасидаги “азиз инсон”-“улуғ Турон”, “Ёшлик сари карвон йўли” сатридаги “ёшлик сари”-“Турон томон” деб ўзгартирилган.

“Чўли Ироқ” шеърида “Энг ширин армон” сатридан кейин “Улуғ Турон” сатри тикланган.

“Мен ўткинчи, мен фақат меҳмон” шеърида эпиграф сифатида берилган В. Брюсовнинг “Сен шоҳимсан, сен қулимсан, сен — она тилим” сўзлари “Қутлуғ Туркистон” мажмуасидаги вариантда тушириб қолдирилган. Ўн икки сатрдан иборат ушбу шеър қайта ишланган, сонетга айлантирилган. Шеърнинг охирги тўрт сатрининг бошланиши қуйидагича эди:

Қийнамагил мени, онажон.

Қайта таҳрир жараёнида у ўзгача мазмун касб этган:

Мен ғарибман ва сен беомон.

Сен қуёшсан, мен сўнгги чироқ.

Қийнамагил мени, онажон.

“Самарқанд осмонида” шеърида Клавихо исмига иқтибосда келтирилган “Темур ҳукмронлик қилган даврда Самарқандга келган испан элчиси” изоҳи кейинги тузатишларда тушириб қолдирилган. “Келажакни ўйлармиз доим”-“Туркистонни ўйлармиз доим”, “Кўп-ку”-“Кўпдир”, “Билурманки, ишлар жойида”-“Хароб бўлган бўстон жойида”, “Мен Лениннинг қутлуғ пойида”-“Кўк Тангрининг қутлуғ пойида” тариқасида алмаштирилган.

“Талпинади, шундай кулади” шеъридаги “Талпинади ўлкада баҳор” сатрида “ўлкада”-“Турунда” деб ўзгартирилган.

“Дилгир мусиқа оқарди” шеърининг охирги бандидаги “Оқшом, шаббода ва ёмғир” сатрларида “шаббода”-“Туркистон” сўзи билан алмаштирилган.

“Юрак” шеърида қуйидаги икки сатр фикрий таҳрирга учраган:

Мен фақат коммуна аталган ёрқин,

Фархунда замона истайман, холос.

Таҳрирдан сўнг:

Мен фақат Туркистон аталган ёрқин,

Бир бутун юртимни истайман, холос.

“Боғчасарой фонтани” шеърининг биринчи бандида-

ги “ҳали”-”ҳамон”, “бўлмайсан”-”бўлурсан” билан ал-  
маштирилган. Охириги “Фамли фонтан...” сатридан ол-  
дин янги саккиз сатр киритилган:

Кукка етди сабр дарахти,  
Йиғла, Қрим, йиғла, Тангри кўк.  
Не бўлмоқда инсонлар, айтинг,  
Қрим бору қримликлар йўқ.  
Айтинг менга қайда адолат.  
Қайда айтинг, инсоний ҳуқуқ.  
Бу на ҳолдир, қандайин ҳолат,  
Қрим бору қримликлар йўқ...

“Англагали англаган бошлар қани” сатри билан  
бошланадиган шеър “Қутлуғ Туркистон” мажмуаси  
қўлёзмасида “Озарбайжон. 1991” сарлавҳаси билан  
берилган.

“САКИНА” (1995) “ шеърлар мажмуасига киритил-  
ган ўттиз асар “Она Туркистон”, “Қутлуғ Туркистон”,  
“Иймон асири” китоблари қўлёзмасидан олинди.

“Почта. Телеграф. Телефон. Кирдим” шеърда “крес-  
лога”-”шоҳкурсиға”, “Фрунзе”- “Туркистон”, “стол-  
лар”-”тахталар”, “ручкалар”-”ёзғичлар” тариқасида  
ўзгаришга учраган. “Биров олар сўнгги сўмин паришон”  
сатрида сўзлар ўрни алмашган: “Биров сўнгги сўмин  
олар паришон”.

“Сен айт, бу кун сенинг айтганинг айтган” шеъри  
“Она Туркистон” (371-бет), “Қутлуғ Туркистон” (49-  
бет) мажмуаларида насрдаги назм шаклида берилган.  
Шоир “Сакина” тўпламида шеърни сатрларга тизиб  
беришни маъқул топган. Дастлабки икки сатрдан кей-  
ин “Юлдузлар ҳаддига кимлар ҳам етган” сатри ўрнига  
икки мисра киритилган:

Туркистон сўзига кимлар ҳам етган,  
Сўзнинг ҳисобига етибмиз қачон?

Кейинги сатрдаги сўзлардан “иборат” — “дараза” деб  
ўзгартирилган.

“Қадимий туркийлардан” шеърининг “Она Туркистон” мажмуаси (372-373-бетлар) вариантыдаги мавжуд саккиз сатр тушириб қолдирилган.

Тожик, қирғиз ва қозоқ,  
Ўзбегим қондош эди.  
Туркман ва қорақалпоқ  
Тенг эди, қондош эди.  
Қўлни қўлга берайлик,  
Элларимиз бир бўлсин.  
Бирлик завқин сурайлик,  
Дилларимиз бир бўлсин.

“Чиқмасми Куёш балқиб” сатри аввалги вариантларда учрамайди. Кейин, якун сифатида ўрин олган.

“Сайёд наво” шеърининг дастлабки сатрлари учликдан иборат эди. “Инсонманам, ўзга унвон истамам” сатри қайта назардан ўтказилгач, қўшилган.

“Ёнаётган аёл” шеърида “Бу вабо, бу ўлим, бу — аччиқ ҳаёт” сатри “Тўхта. Куйма, дейман. Бу куйган ҳаёт” билан алмаштирилган.

“У дунёга, онамга мактуб” — уч сонетдан иборат. “Сабр дарахти” (105-106-бетлар), “Она Туркистон” (152-153-бетлар), “Қутлуғ Туркистон” (112-113-бетлар) мажмуаларида “Онамга хат” номи билан берилган, ўн тўртлик — қирқ сатрдан ташкил топган асар. Шоир шеърни шунчалик қаттиқ қайта назардан ўтказганки, аввалги асар сатрлари сонетга тўлиқ кўчиб ўтмаган; фақат бадий руҳи-мазмунигина сақланиб қолган. Шу боис асарнинг дастлабки вариантыни тўқис келтириш жоиз. Боиси у Р.Парфи ижодий изланишларидан, серзаҳмат меҳнатидан бохабар қилади.

Эшитдим, онажон, хафа эмишсан,  
Кечир, ойлаб сенга ёзолмадим хат.  
Гарчи муҳаббатдан тилардим эҳсон,  
Ёруғ кунларимга бўлгандим илҳақ.

Юзимга нафасинг урилар илик,  
Ажиб ёруғликка тўлмоқда хона.  
Суратим қошида дуолар қилиб,  
Тагин йиғладингми, муштипар она?

Ўша гап, севганим шу азиз Ватан,  
Бу қадар ташвишлар ютмагил, бағрим.  
Ўксик отам каби ҳали ҳам зотан,  
Қалқиниб-қалқиниб турибди шаҳрим.

Биламан... сирни бой беришлик ёмон,  
Ўғлингга бу йўлда бардошлар тила.  
Баъзан тепганимни ичиб қўяман,  
Сирни бой бермасдан улфатлар ила.

Бироқ эҳ, билмайман, гўёки зимдан  
Кимдир таъқиб этар мени беомон.  
Қандайдир бир кимса балки ҳақимда  
Хунук латифалар тўқийди, ёлғон...

Она, куйланмаган бир куй истайман,  
Ва лекин алдоқчи ҳислар олур жон.  
Эҳтимол, қаламни бекор қистайман,  
Нетайин, ростини айтгил, онажон.

Яшил дарахтзорни ечинтирар куз,  
Пойимда баҳорнинг алвидо уни.  
Бепарво ёшликни илғамайди кўз,  
Қайлардан ахтарай, онажон, уни.

Билурман... йўлимда ғичирлар тошлар,  
Заъфарон куз янглиғ хаёлим тақир.  
Шаҳарнинг ғавғоли тинчини ташлаб,  
Узоқ вақт ёнингга бормадим ахир.

Эшитдим, онажон, хафа эмишсан,  
Кечир, ойлаб сенга ёзолмадим хат.  
Гарчи муҳаббатдан тилардим эҳсон,  
Ёруғ кунларимга бўлгандим илҳақ.

Бахтсизликка ўхшаб кетар бу ҳолим,  
 Сенсиз бахтсизликка ўхшайди қисмат.  
 Сенсиз ёришмасди менинг хаёлим,  
 Дунёнинг лақаби бўлурди ҳасрат.

1966 йили ёзилган шеър 2001 йили қайта ишлангач, уч сонетдан иборат асар юзага келган. 2003 йили тартиб берилган “Иймон асири” шеърлар мажмуасининг қўлёзма нусхасида (55-56-бетлар) айрим сатрлардаги сўзларга, ифодаларга ўзгартишлар киритилган. Хусусан, сарлавҳаси “У дунёга, онамга мактуб” дея ўзгартирилган. “Соғиндим, афу эт, сенсан аламим” сатри билан бошланадиган биринчи сонетнинг иккинчи тўртлигидаги “Юзимни силайдир нигоҳинг-иймон” сатри “Нигоҳинг юзимни силайдир. Иймон” тарзида таҳрир этилган. Ушбу сонетнинг сўнги:

Мени жунжиктирар, шовулар фақат,  
 Қорларга кўмилган яшил боғларим,—  
 сатрлари:

Жисмим жунжиктирар, шовулар фақат,  
 Қорларга ўранган мадфун боғларим,—

тарзида айрим сўзлар ва ифодаларга янада тиниқлик, маънодорлик бағишланган. Яъни, қорларга кўмилган яшил боғлар арабча мадфун ифодаси билан янада теранлик касб этган. У кўмиғлик, дафн қилинган маъноларини англатади.

“Ўша гап, севганим шу азиз Ватан” сатри “Кўксимда Туркистон, шу азиз Ватан” тарзида фикрни кучайтиришга эришилган. “Қандайдир бир кимса балки ҳақимда” сатридан “балки” сўзи қисқартирилган. “Кўзгунинг кўзинда шамол ухлайдир” сатри билан бошланадиган иккинчи сонет биринчи тўртлигининг учинчи сатри “Иссиқ нафасингдан бағрим йиғлайдир” эди; *нафасингдан* ифодаси *қарашингдан* билан алмашган. Натижада туйғулар талқинидаги ҳиссий идрок кучайган; “Иссиқ қарашингдан бағрим йиғлайдир”.

Шу сонетнинг сўнги учлигидаги “Жаҳон шовурини кўзга илмадинг” сатрига “Сен авом шовурин кўзга илмадинг” тарзида фикрий ўзгариш киритилган. *Жаҳоний шовур* кўламдор, тутқич бермас тушунчадек туюлган бўлса керакки, шоир уни оддий халқ — авом тушунчаси билан алмаштирган.

“Сенинг қиёфангда хилқатни кўрдим” сатри билан бошланадиган учинчи сонет дастлаб “Сенинг кўзларингда хилқатни кўрдим” тарзида бошланар эди. Сўнги таҳрирда “кўзларингда”-“қиёфангда” ифодаси билан алмаштирилган. Ушбу сонет биринчи тўртлигининг сўнги сатри “Сўзларингдан тумор осдим бўйнимга” эди. “Сўзларингдан”-“ҳикматингдан” тарзида алмашган.

Ушбу сонетнинг охириги икки учлигидаги “Юрагим чоғланди, боғланди тилим” сатри “Чоғланди юрагим, боғланди тилим” ҳолатида, “Алам қилар экан гоҳида бироқ” сатри “Дунёвий аламини илғадим бироқ” тарзида таҳрир қилинган. Айниқса, сўнги уч сатрдаги ўзгаришда туйғу-кечинма ифодаси ловуллаб тиниқлик касб этган. Кечинма оддий ва ўткинчи, зумда келиб кетгувчи тасодифий эмас. У дунёвий алам бўлгани учун ҳам ўткинчи, деб қабул қилишга ботинмайсан. У — бани башар аҳли зумрасида кўнгиллардан кўнгилларга кўчиб ўтиб келаётган сингроқ соғинч, тириклик масъулияти туйғусидир.

*“Аё Ҳофиз, ай Туркистон булбули” “Шеър 1984 ҳамда 1994 йилларда қайта ишланган ва ҳар бири тугал, мустақил асар сифатида эътиборга сазовор. Хусусан, шеърнинг 1984 йилги ҳолати (варианти) қуйидаги мазмунда эди:*

Аё Ҳофиз, булбули олам,  
Шодон куйла бир бор боғ аро.  
Керакмасдир кўнгилга алам?  
Керакмасдир бу қўҳна наво?  
Аё Ҳофиз, булбули олам.

Булбул, қайда она-масканинг?  
Ростми ўшал қадим эртақ ҳам?  
Содда эрур каломинг санинг —  
Куйлаганинг билишимча ғам.  
Қайда сенинг она-масканинг?

Тилларингда қадимий ғамлар,  
О, Ҳофизда аламлар қат-қат.  
Кўникарлар сенга одамлар,  
Кўникмаслар Ҳофизга фақат,  
Тилларингда қадимий ғамлар.

Шеърнинг 1994 йили тубдан қайта ишланган нусха-си ҳам буткул янги, оригинал, бетакрор асар. У ҳофиз мавзусини янада чуқур бадиий тадқиқ этиш баробарида янги туйғулар, оҳорли кечинмалар ҳисобига бойитган. Ҳофиз кўшиқлари миллат дарди, шахс эрки, Ватан ҳур-рияти билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий талқин маъ-нолари эвазига кучайтирилган.

Аё Ҳофиз, ай Туркистон булбули,  
Нечун хонишингда тун мотамсаро,  
Эрк юртинда эркин куйла боғ аро,  
Очилсин кўнгилда озодлик гули,  
Аё Ҳофиз, ай Туркистон булбули...

Булбул, қайда сенинг она-масканинг,  
Айтгил, ростми ўшал қадим эртақ ҳам,  
Ғоят содда эрур каломинг санинг,  
Ахир куйлаганинг билишимча ғам,  
Булбул, қайда сенинг она-масканинг?

Булбул, томирингда қадимий ғамлар,  
О, Ҳофизда янги аламлар қат-қат.  
Аммо сиғдирарлар сени одамлар,  
Нечун сиғдирмаслар Ҳофизни фақат,  
Булбул, тилларингда қадимий ғамлар.

Кўринадики, шеър дастлаб уч банд — ўн беш сатрдан иборат эди. Кейинги икки вариантыда алоҳида мустақил сонетлар шаклида қайтадан яратилган. 1994 йил санаси қўйилган энг кейинги вариантыда шеър янада сайқалланган. Бу — фикрларнинг кескир ва тиедорлигида, туйгуларнинг ғамнок дилгирлигида ажралиб бўртиб туради.

**“ИЙМОН АСИРИ”** мажмуасини Рауф Парфи 2003 йили нашрга тайёрлаган. Олтмиш ёшлиги муносабати билан тартиб берилган, ўқувчилари олдида муайян бир сарҳисобдек туйилган мажмуа чоп этилмай қолган. Кўлёзма бир юз қирқ тўққиз бетдан иборат бўлиб, 147-149-саҳифаларда белгиланган мундарижага кўра шеърлар уч бўлимга ажратилган. Биринчи ва иккинчи бўлимлар йигирма учтадан, учинчи бўлимга йигирма бешта шеър киритилган, жами етмиш битта. “Магар кулфат коминдадир” мақоласи сўзбоши ўрнида берилиши мўлжалланган. Робиндранатх Тҳакурнинг “Магар кулфат коминдадир она юрт — жумла жаҳон, кайхон бўлсин хабардор” ҳамда шоир ўзининг “Совуқ ёлғонзорнинг мозори очиқ” сатрларини эпиграф сифатида бермоқчи бўлган. Лекин муддаоси ўзгарган шекилли тўпلامга Алишер Навоий, Абдулҳамид Чўлпон, Чингиз Айтматов сўзлари бошловчи тариқасида келтирилган.

Биринчи бўлим: “Аввал хаёл эдинг, бир хаёл холос”, “Ёмғир эмас, марварид ёғар”, “Мен биламан вужудинг бўзлар”, “Уфқ яраланган алвон”, “Ер фарзанди”, “Бўрон, дўстим, нечун жимсан”, “Кундуз чиқ-чиқ”, “Бир ақлийей мана бу қурмағур”, “Дафъатан ёмғир ёғар”, “Хаёл олиб кетар йироқларга”, “Сувлар, не деб жишдирайсиз”, “Мен ҳаммасини чиндан айтдим”. “Осмон шу қадар тоза”, “Тонгсаҳардан ўлтирибсан”, “Ер ўз ўқидан айрилар, инон”, “Осмон ўзгариб кетди”, “Абдулҳамид Чўлпонга мухаммас”, “Усмон Носирга мухаммас”, “Аё Ҳофиз, ай Туркистон булбули”, “Тўхмат-1985”, “Тоштемир Қаҳрамон ўғли шеърларидан”, “Сўнмас руҳимизда”, “Озарбайжон-1991” исмли шеърлардан иборат.

Иккинчи бўлимга “Адашган Рўх”, “Тҳакурга иқтибос”, “Инондим шамолларга”, “Хиёнат”, “Мана заҳар, ҳозир

ичаман”, “Сочимни юлади изғирин”, “Мен сизни севаман Аллоҳ”, “Шамолга осилиб яшадим”, “Айтинг, нима қилай”, “Соат синди, соатлар синди”, “Ҳеч кимга инонманг”, “Мени ҳайданг, мени йўлатманг”, “Қурбонликка мени сўйдилар”, “Мен билмайман, ёшим нечада”, “Қайда қолди уй эгалари”, “Ёдингдами, қандай тун эди”, “Нега шеър ёзасиз”, “Чағалай”, “Биз сумар нишони”, “Абдулла Қодирий газалига мухаммас”, “Қора девор”, “Мени таъқиб қилар”, Йўловчи” шеърлари киритилган.

Учинчи бўлимда “Шуурсиз шеър тажрибалари ШШТ. 1-тажриба”, “2-тажриба”, “3-тажриба”, “4-тажриба”, “5-тажриба”, “Марсия тажрибалари МТ. 1-тажриба”, “2-тажриба”, “3-тажриба”. “4-тажриба”, “Ҳазил”, “У дунёга, онамга мактуб”, “Сиёвуш”, “Шоир, мен уйғондим”, “Кўзимнинг ғорида”, “Қирқ йил қораладим қоғозни”, “Мен ғариб оғочман”, “Шоир, илҳомнинг бир қўлида”, “Куч-қувват бағишлар”, “Кўзимда ғилдирар хўрланган хилқат”, “Шоҳруҳ Рўзимурод”, “Ай иймон асири, виждон тутқуни”, “Тҳакурнинг охири шеъри”, “Сен-шоир, чорлайсан осмон хурларин”, “Она Туркистон”, “Латония” каби асарлар жамланган.

Лекин Рауф Парфининг ушбу нияти ҳам ўзгарган. Ўз ибораси билан айтганда, жиддий таҳрир этилган. Хусусан, қўлёзманинг 183-185-бетларида кўрсатилган, етмиш олти шеърдан иборат мундарижа китобга асос қилиб олинган (“Иймон асири” алоҳида китоб, 2003 дея таъкидлайди). Рауф Парфи “Сакина” сайланмаси учун шеърларини дасталаганда ана шу мундарижага асосланган.

“Абдурауф Фитрат” асари “уч сонетдан иборат: Абдурауф Абдураҳмон ўғли Фитрат (1886-1938) маданиятимиз тарихида шоир, носир, драматург, публицист, тарихчи, файласуф, санъатшунос, тилшунос, адабиётшунос ва жамоат арбоби сифатида ёрқин из қолдирган буюк шахс. “Абулфайзхон”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилочилари”, “Арслон”, “Восеъ кўзғолони”, “Шайтоннинг тангрига исёни” сингари драмаларида миллий мустақиллик учун кураш ғоялари тажассум топган. “Ҳинд сайёҳи баёноти”, “Қиёмат”, “Ҳиндистонда бир фаранги ила Бухороли му-

дарриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозари-си” каби насрий асарлари, “Шеър ва шоирлик”, “Адабиёт қоидалари”, “Ўқув”, “Энг эски турк адабиёти намуналари”, “Муқаддимат ул-адаб”, “Қутадғу билиг”, “Аҳмад Яссавий” ва ҳ.к. асарлари, “Бедил”, “Мухтасар ислом тарихи”, “Нажот йўли”, “Аруз ҳақида” ва ҳ.к. тадқиқотлари, юзлаб публицистик, илмий мақолалари Фитрат зақоси нақадар порлоқлигини тасдиқлайди.

“*Ер фарзанди*” — уч сонет буюк маъданшунос олим, давлат ва жамоат арбоби, академик Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев (1912-1962)га бағишланган. Миллатсеварлик, ватанпарварлик фаолияти билан она-халқи хотирасида ўчмас из қолдирган Ҳабиб Абдуллоҳнинг қизи Раъно шоир Рауф Парфининг курсдоши эди. “Ёдимга келдилар алвидо дамлар” сонетининг иккинчи тўртлигида “Олдиндан билгандек сўрардим бот-бот, Раъно, олиб боргил отанг қошига...” дейиши боиси шундан.

Шеър дастлаб “Ҳабиб Абдулла хотираси” номи билан яратилган эди (“Тасвир” китоби, 27-28-бетлар). Саккиз тўртлик ўттиз икки сатрли шеър қайта ишлангач, уч сонетдан иборат асарга айланди. Ҳозирги матндаги “Бу тун тушларимга кирган эмишсан” сатри билан бошланувчи биринчи сонет тўртлиги тўлиқ сақланган. Фақат “бу кун”-“бу тун” билан ўзгартирилган. “Ёнарсан қаҳқашон ичра мунаввар” сатри билан бошланувчи иккинчи тўртлик “Қалқиниб уйғотур она-ер мени” сатри билан бошланувчи учинчи тўртлик билан жой алмашган. Шеър —

Наҳотки, бу тупроқ қонталаш, аҳгар,  
Тошқотган аламлар, музлаган фарёд,—

сатри билан яқунланган ҳамда мукамал сонетга айланган.

Иккинчи сонет “Ёдимга келдилар алвидо дамлар” сатри билан бошланади. “Кўксимда тирилди ёху бедаво” ўрнига “Унинг хон-лоҳини қилурман тавоб” сатри киритилган.

Мангулик масканга узатдик секин,  
Сўнг бора эгилдик муқаддас ерга.

Бир дунё қолдирдинг дунёга, лекин  
Бир дунё кетди-ку сен билан бирга,—

тўртлиги қайта ишланиш жараёнида олти сатрга келтирилган:

Юрагига ютиб Туркистон юкин,  
Секин олиб ўтди. Кўнди тақдирга.  
Мангулик масканга узатдик секин.

Сўнг бора эгилдик муқаддас ерга.  
Бир дунё қолдирди дунёга, лекин  
Бир дунё кетарди у билан бирга.

Учинчи сонет тубдан қайта ишланган. Ҳозирги матндаги “Бир бора кўринди. Бир замон. Бир кеч” сатри билан бошланган ҳамда “Шу тупроқ қаърига тупроқдек сингдим” сатри билан яқунланувчи саккизлик буткул янгидан ёзилган. “Ҳеч қачон тарк этмас шундайин армон” сатри билан бошланган тўртлик фикрий таҳрирдан кенг олти сатрга келтирилган:

Ҳеч қачон тарк этмас шундайин армон,  
Ҳаётда кўришмак бўлмади насиб...  
Кутармидим сендан энг олий фармон,  
Турк ўғли, дермидинг бағрингга босиб.  
Кўксимда оғриқлар... Эй, буюк инсон,  
Аскар бўлармидим сенга муносиб...

“Ҳабиб Абдулла хотираси” шеърининг қуйидаги сўнги тўртлиги тушириб қолдирилган:

Бу-ку туш, фалакка қарайман ҳар кеч,  
Такрор кўрарманми, айта олмасман.  
Сен қайтиб келмассан ҳузуримга ҳеч,  
Мен сенинг ёнингга қайта олмасман.

“Абдулла Қодирий ғазалига муҳаммас”и — буюк адибнинг “Аҳволимиз” асарига боғланган. Ҳазал мазмуни қуйидагича:

Кўр бизим аҳволимиз, гафлатда қандай ётамиз,  
Жойи келган чоғида виждонни пулға сотамиз.

Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,  
На худони буйруғи бўлгон улум ўрготамиз.

Коримиз шундан иборат бўлди ушбу вақтла,  
Ўнтадан бедона боқиб, ёзу қиш сайротамиз.

Ҳамда ҳар кун такаларда наша, кўкнори чекиб,  
Баччага кокил солиб, оҳ-воҳ илан ўйнотамиз.

Қоримиз, боёнмиз балки бу вақт аҳвондамиз,  
Ногаҳон кўрсак агар бир бесақолни қотамиз.

Ўртадан чиқса агар миллатни яхши суйғувчи,  
Биз ани даҳрий санаб, тўфонча бирла отамиз.

Келингиз, ёшлар, зиёлилар, бу кун ғайрат қилиб,  
Ухлаганларни агар Қодир эсак, уйғотамиз.

Абдулла Қодирий (1894-1938) “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” сингари машҳур романлар, қиссалар ва ҳикоялар, ҳажвиялар қатори оз сонли эса-да, “Тўй”, “Фикр айлагил”, “Миллатимга бир қарор”, “Пилдир, пис...” сингари мағзи тўқ шеърлар ҳам ёзган.

Р.Парфининг уч сонетдан ташкил топган “Она Туркистон” асари ҳам Абдулла Қодирий хотирасига аталган.

“Сабр дарахти” (1986) мажмуасида “Ёнғин” сонети Сергей Бондарчукка бағишланган. Атоқли актёр ва режиссёр. “Тарас Шевченко”, “Ёш гвардия”, “Отелло”, “Инсон тақдири” ва ҳ.к. фильмлари билан эл-юрт меҳрини қозонган. Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” эпопеяси асосида 4 серияли фильм яратган. Фильмда С.Бондарчук Пьер Безухов ролини ижро этган. “Уруш ва тинчлик” фильмига Америка каносанъати академиясининг олий мукофоти “Оскар” берилган. Рауф Парфининг “Ёнғин” шеъри ана шу фильм таъсирида ёзилган.

Р.Парфининг “МТ “Марсия тажрибалари” (“Маматнинг қутурган ити учун марсия”, “Ҳақбердининг байтали учун марсия”, “Тувакнинг ўлимига марсия” ва ҳ.к.) ҳамда “ШШТ “Шуурсиз шеър тажрибалари” (беш сонетдан иборат) шоирнинг поэтик жанр ва шеърый шаклларда мутгасил самарали изланишлар олиб борганлигини далиллайди. Ушбу жараёнда шоирнинг ижодий йўсини, бадиий маҳоратини кўрсатувчи муҳим белгиларни кузатиш мумкин. Хусусан, шоир шеърлари у ёки бу тўпламдан бошқасига шунчаки, оддийгина кўчиб қўя қолмайди; аксинча, Р. Парфининг ўга синчков, талабчан назаридан ўтказилади. Бирон-бир сатри фикрий таҳрир қилинмасдан “кўчиб ўтган” шеърни мутлақо учратмайсиз, умуман кўрмайсиз. “Шуурсиз шеър тажрибалари” ҳам бундан мустасно эмас.

Хусусан, “*матбуотнинг каттасига — сўнет*” биринчи тажрибаси дастлаб “Бир жангари мухбирга” деб номланган (“Қутлуғ Туркистон” мажмуаси, 115-бет) эди. Кейинчалик “Иймон асири” (қўлёзмаси, 28-бет) ҳамда “Ҳукмнома” (58-бет) мажмуаларига “Матбуотнинг каттасига” тарзида ўзгаришга учраган ҳолда киритилган; “сўнет” ифодаси ҳам тушириб қолдирилган. “Бир жангари мухбирга” асарининг биринчи сатри “жангари зўр мухбир дермишлар сани”, “Матбуот амири дейдилар сани” шаклида эди. “Матбуотнинг каттасига” сонетида эса мазкур сатр “жангари матбаъчи дермишлар сани” ҳолатида таҳрир қилинган.

“2-тажриба. *Бир муаррихга*” сонети учун А. Аъзамнинг “Мен ўзи Аҳмадми ва ёки бошқа” сатри эпиграф қилиб олинган.

“3-тажриба. Бир туфуриш” сонетининг биринчи тўртлик учинчи сатридаги “Дўстининг кўзига тупурмак эмиш” сатридаги “кўзи”-“юзи” билан, 2-тўртликнинг 2-сатридаги “ҳатто”-“биздек”, сўнгги учликнинг 3-сатридаги “Азим Суюн”-“Бир тупуриш” ифодалари билан алмаштирилган.

“4-тажриба. *Сотти Қўйди шўрлик айғоқ*” сонетидаги 1-тўртлик 1-сатрида “Сотти Берди шўрлик айғоқ, қайғурма”-“Сотти Қўйди, шўрлик айғоқ, қайғурма” шаклида,

3-сатрида “Бошимни беҳуда тошларга урма”-”Бошимни деворга беҳуда урма” ҳолатида фикрий таҳрир қилинган.

“Адашган Рух” манзумаси “Иймон асири” мажмуасининг 44-47-саҳифаларидан жой олган. 1-тўртликнинг 3-сатридаги (“Бу дунё узанган ярадир”) “дунё”-”дарё” сўзи билан тиниқлаштирилган. Чамаси, шоир асарни давом эттириш ниятида бўлган. Манзума ниҳоясида қуйидаги режани қайд этган. (“Адашган Рух” ички тизими ва давоми): 1. “Қуёшнинг ёғдуси қорадир”; 2. “Тошлардек қотмишдир тумонлар”; 3. “Ерларга тиканлар экилган”; 4. “Экилган ёлғонлар, гумонлар”; 5. “Ҳасратдир тинмаган ҳеч қачон”; 6. “Жимирлаб қайларга борадир”; 7. “Борадир безабон, бемакон”; 8. “Ер тишлаб ётибди япроқлар”; 9. “Тошларга миҳланган, чекилган”; 10. “Лочинлар, каптарлар, чорлоқлар”; 11. “Қуёшнинг сочини ўргайман”; 12. “Адашган Рухни мен кўргайман”.

“А.Р.”нинг давоми:

Жимирлаб қайларга борадир,

Мен хасман дарёнинг мавжида (қўлёзма, 47-бет).

“Сиёвуш” — тўрт сонетдан иборат. 1-сонетнинг охириги иккилигидаги “Борлиқни ёндирдинг, вабо таратдинг” сатрида “ёндирдинг”-”талатдинг” билан, 4-сонетнинг 2-тўртлигидаги “инсонлик хилқати уйғонгунча тур” сатрида “хилқати”-”фитрати” билан алмаштирилган.

“Мунажжим” “уч сонетдан ташкил топган. Сўнги учликдаги “Акс садо берди фалакда оҳим” ўрнига “Ёрилди фалакда офтобим, моҳим” сатри киритилган.

“Тўҳмат-1985” — тўрт сонетни ўз ичига олади. Биринчи сонетнинг учинчи тўртлигидаги “Наҳотки тескари айланмас, синмас” сатрида “синмас”-”борлиқ” билан, иккинчи сонетнинг охириги иккилигидаги “Қўлларигни узиб, чирпаниб уйғон” сатрида “узиб” - “узатиб” ифодаси билан, учинчи сонетнинг 1-учлигида “Тўмарис жони бор, қондирар ўчин” сатридаги “жони”-”меши” билан, сўнги учликдаги “Етар! Кўксингга ур иймон қиличин!” мисрасида “иймон”-”қасос” билан, 4-сонетнинг 2-тўртлиги “Иймон асирлари чирқираб

ётар” сатридаги “иймон асирлари”-“хўрланган қисматлар” билан ўзгартирилган.

“Тҳакурнинг охирги шеъри” — тўрт сонетни бирлаштирган. 2-сонетнинг 2-тўртлиги “Сувларга ботирманг. Сизсиз-да битар” сатридаги “Сизсиз-да” — “тириклик” шаклида таҳрир қилинган.

“Алания” — тўрт сонетдан иборат қайғули асар. “Иймон асири” (2003) китоби қўлёзмасининг 97-105-бетларида ҳар тўрт сонетнинг қайта-қайта ишланган, шоирнинг заррабин нигоҳидан ўтказилган тўртта варианты берилган. Гарчанд, асарнинг охирги вариантига “7.09.04” санаси қўйилган эса-да, биринчи вариантда бир ҳафта мобайнида ёзилганлиги қайд этилган (1-7.09.04). Дастлаб Кўста Ҳетағурининг “Тангрим! Бу зулмни наҳот сен бердинг” сатри эпиграф тариқасида келтирилган эди. Сўнгги вариантда эса чоп этилаётган китоб матнида келтирилган, “Кўз ёшим юлдузлар каби сочилган” сатри билан бошланувчи тўртлик билан алмаштирилган.

“Кўста Ҳетағури” (1859-1906) осетин шоири, осетин адабиётининг асосчиси. Асли исми Константин бўлиб, асарларини Кўста номида эълон қилган. Шеър, ҳикоя, пьеса, мақолаларини осетин ва рус тилларида ёзган. Тоғлик халқларнинг эркисизлиги, сиёсий ҳуқуқсизлиги, қашшоқ-ночор ҳаёти, зулм-залолат исканжасида бемажол типирчилаши, миллий маҳдудлик, қолоқлик, ўзаро кин ва низолар, миллатнинг маърифатсизлик чоҳига йиқилганича туришга интилмаётгани, маҳаллий амалдорларнинг шахсий бойлик орттиришга отилган очофат-юҳо ҳою ҳаваслари, жаҳолат ботқоғига ботганлиги, рус чоризми истибдоди Кўста Ҳетағури асарларини юзага келтирган асосий омиллардир.

Кўста Ҳетағурининг “Фотима”, “Ҳақ ибодати”, “Йиғлаётган қоялар” сингари поэмаларида она халқининг тарихий тақдири саҳифалари ёритилган. Шомил қўшинларининг чор Россиясидан енгилиши (1864) Кавказдаги маънавий-интеллектуал муҳитни турғунликка олиб келди. Миллат руҳини кўтарадиган, яшашга, эр-

кинликка ундайдиган янги психологик-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш эҳтиёжи ҳамда зарурати Кавказ мунавварлари зиммасидаги олий вазифага айланди. Кўста Ҳетағури бадиияти XIX асрнинг сўнгги чорагида тоғлик халқлар ҳаётидаги ана шу янги мафкуравий-маънавий муҳитни вужудга келтирди. Мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мустақиллиги миллатнинг маънавий-маданий соҳалардаги эркинлигини ҳам таъминлайди, деган бош бадиий-эстетик концепция Кўста Ҳетағури асарларининг мағзини ташкил этади.

“Алания” асари биринчи вариантыда 1-сонетнинг 1-тўртлигидаги тўртинчи сатр: (“Кўргил, ай кўзлари оққан Ҳақиқат”)-“Тур, уйғон, ай Хурмуз, чалқинди Чарват” тарзида ўзгартирилган. Биринчи учликда “Бир илож шарпаси бордир?! О, агар” сатридаги “илож” сўзи “илинж” ифодаси билан алмаштирилган. “Куёшнинг кўзига санчилди ханжар” сатрида “куёш” сўзи ўрнига “хилқат”ни лозим кўрган. Сўнгги сатр (“Аллоҳга топширдим қонли дунёни”) “Йўқликка топширдим борлиқ дунёни” дея қатъийлаштирилган. “Зулм жонин сотар, танини сотар” сатри билан бошланган иккинчи сонетда “зулм”-“сотқин” сўзи билан, “англанмас оломон нажасга ботар”-“Ахраман лашкари нажасга ботар” тарзида, “Яна куёш ётар, яна тонг отар”-“Яна уфқ ёнар, яна тонг отар” деб, “Кўрчоқбоз изинда чирпинар тарих”-“Қақир кўрчоқбоздир, чиқмиш мағари” билан, “Зулм гўдақларин (“Зурриёдин”) кўяр гаровга”-“Ваҳшат фарзандларин кўяр гаровга” дея таҳрир этилган. Сонетнинг сўнгги учлигидаги “Судрайдир борлиқни кишанга, говга” сатрида “борлиқни”-“жонлиқни” тарзида, “Бошингда яланғоч қилич сермайдир” сатридаги “бошингда”-“сағрингда” дея ўзгартирилган. Тўртинчи сонетнинг дасталбки икки сатри:

“Бор бўл! Алания, юпан, бўл омон // Шаҳидлар ўлкаси, куёшга юкун” эди; “Етим Алания! Йиғлама, Баслан / / Тошларга юкунма, ўтларга юкун” тарзида ўзгаришга учраган. Иккинчи тўртликда фикрий таҳрир анча сезиларли:

Тариқдай сочилдинг, йитдинг, отилдинг,  
Зардўштий ингради қуёшга қараб.  
Кимларга инондинг, кимга сотилдинг,  
Кимнинг бозорига тушдинг чирқираб.

Охирги вариантда қуйидагича:

Итларга қопилдинг, лойга қотилдинг,  
Кимнинг чангалида қолдинг чирқираб.  
Тариқдай сочилдинг, йитдинг, отилдинг,  
Зардўштий сингради қуёшга қараб.

Сонетнинг дастлабки учлигида “Аччиқ йиеларимдан чечаклар унди” сатридаги “чечаклар”-“қаранфул” деб, “Сен бор бўл, Аллоҳ бор, бордир Ҳақиқат” сатридаги “Сен бор бўл”-“Сен борсан” тарзида ўзгарган.

“Алания”нинг иккинчи вариантыда қуйидаги ўзгаришларни кузатиш мумкин. Хусусан, биринчи сонетнинг илк тўртлиги тўртинчи сатридаги (“Тур, уйғон, ай Хурмуз, қазилди Жонват”) “қазилди Жонват” ифодаси “Чалқинди Чарват” билан алмаштирилган. Сўнгги сатр (“Аллоҳга топширдим қонли дунёни”) ўрнига “Йўқликка топширдим борлиқ дунёни” дейилган.

Учинчи сонетдаги таҳририй эскартмалар қуйидагича: иккинчи тўртлик илк сатридаги (“Зулм ўйинчоқдир зулм дастинда”) “зулм”-“замин”га ўрнини бўшатиб берган.

Тўртинчи сонетнинг биринчи тўртлигида фикрий таҳрир бор:

Сен кимга ёмонлик соғиндинг? Ёмон

Касларнинг божини тўларсан букун?—

сатрларидаги “Ёмон касларнинг”-“Асло! Кимларнинг” билан алмаштирилган. Иккинчи тўртликдаги “Кимнинг чангалига тушдинг чирқираб” сатри “Кимнинг чангалида қолдинг чирқираб” билан алмашган.

Асар сўнгида Р.Парфи қуйидаги қайдни ёзиб қолдирган: “Бу мудҳиш фожеа юз берганда мен “Тҳақурия” устида ишлаётган пайтим эди. Бу шеърда, бошқа

шеърларда ҳам Тҳакур таъсири гирияси сезилаётганга ўхшайди. Алам, изтироб, йиғи умуминсонийдир. Бу марсия Кўстанинг, Тҳакурнинг марсияларига ҳамоҳанг чарилламақда, балки кейинроқ, алам ўтгач, қайта ишлаш мумкиндир. Айтиш керакки, бу шеърдан кўнгил тўлмади. Аммо, ҳамма кунларим каби бу кунлар ҳам хусусий мотам кунларим эди.”

“Кимдир келди...” (қўлёзма, 99-бет).

**“МАКТАБ ДАФТАРИ”**дан.

Рауф Парфининг 1956-1959 йилларда “ мактабнинг юқори синф ўқувчилиги даври изланишларидан намуналар *“Тонг лирикаси”* туркумида илк бор нашр этилмоқда. Бундан ярим аср илгари ёзилган, биродари ва жигари Абдулла Собир ўша пайтлари жўшқин ўсмирлик тасаввур-тушунчалари асосида шеърлар мазмунига мос суратлар чизган. Қалдирғоч шеърларни Рауф Парфининг ўзи бир дафтарга жамлаган. Илк изланиш намуналари Р.Парфининг 12-16-ёшларига мансуб.

Табиат манзаралари, ранглар уйғотган ҳис-туйғуларнинг оҳорлилиги, фикрчан кечинмалар самимийлиги ва табиийлиги, ҳаётни ҳайрат ва ҳаяжон билан қаршилаётган ўсмир йигитча нигоҳининг ёниқ суратлари, олов юрагининг алангалари, серғулув кечинмаларнинг тўлқинлари, эпкинлари Рауф Парфи 14-16 ёшларидаёқ гўзал лирик шоир сифатида шаклланганидан далолат беради. Воқеликни поэтик идрок ва ифода этишидаги ингичка фасоҳат, таҳи бузилмаган оригинал образлар асосида фикрлашга интилиш, илк одимлариданоқ ҳеч кимникига ўхшамаган ўзига хос овоз билан куйлашга мойиллик Рауф Парфининг бетакрор шоир сифатида кўз очаётганлиги шаҳодатидир.

Дафтарнинг титул варағига йўғон ҳарфлар билан “Турсун Парфий. Тонг лирикаси” деб ёзилган. Ундан ҳийла пастрокда яннаб гуллаётган дарахт бутоғи, муқованинг юқори қисмида эса чарақлаб турган офтоб тасвирланган. Дафтарнинг ички варағи ўртасига “Турсун Парфий. Лирика зари. Рассом А.Собир” дея қайд этилган. “Мудрар,

мудрар қалин теракзор”, “Эсдалик”, “Мен шоир эмасман, аммо қалбимда”, “Қўшиғимиз” шеърларига А.Собир суратлар ишлаган. Хусусан, очилган гул новдаси ёнида китоб ва рубоб, бутуққа қўниб сайраётган икки қушча, қуёш ёғдуларидан баҳраманд чандон гуллаган дарахт новдаси, яна бошқа варақда сиёҳдонга суяб қўйилган ручка билан дафтар ва гул ифодаланган.

“1956 йил 13 октябр” дея ёзилган санаси кўрсатилган “Нега севмай” шеъри тўрт сатрдан иборат. “Дилга берса ором ва ҳаёт” сатридаги “ором”- “умид” билан, “Нега севмай, жўшқин бир ҳисга” сатридаги “жўшқин”- “ёниқ” ифодалари билан тиниқлаштирилган.

Ф.Тютчевдан қилинган таржимада (“Ишонмагил шоирга ҳеч ҳам”) шеърида “Кўрқ, қадимдан маскани заҳар” сатри “Кўрқ юракдан эмасдир сўзлар” билан кучайтирилган. Қуйидаги саккиз сатр, негадир ўрамга олиб, рўпарасига савол аломати қўйилган:

Шоир кучли муҳит сингари —  
 Ҳоким эмас ўзига танҳо;  
 Ёндиргуси у гул-чамбари  
 Бахтиёр дилларни гоҳо.  
 Юксакларга кўтарар мақтаб,  
 Шоирни онгсиз одамлар...  
 Нега илон кўрсин чоҳ этмоқ,  
 Лекин уни аридек сўрар.

Гётенинг “Юксак тоғ тепалари” шеъри таржимасида сўнгги сатр (“Эҳ йўловчи, сен ҳам бир пас”) “Эҳ йўловчи, сен ҳам бир нафас” дея фикр тиниқлигига эришилган.

Ҳассос шоир Хайриддин Салоҳга бағишланган “Чашма” шеъри (6.04.59) дастлаб қуйидаги мазмунда эди:

Жимжимадор жимирлар мусаффо томчи шудринг,  
 Ўт-ўланлар баргида беғубор баҳор куни,  
 Бир ойна бамисоли — акс этмиш соҳибжамол;  
 Табиат санъатига разм солиб мен мафтун.  
 Аста-аста жилдираб мени имлайди ирмоқ,

Сал шилдираб олисга-ўтлоққа қочган ирмоқ,  
 Кувиб кетдим ортидан сўқмоқларда адашиб.

Лабларим чанқоқ, ташна —

Қаршимда кумуш чашма.

Худди ҳаёт сингари тўлқинлари қайнашиб.

Суюмли кўшиқларни, тинимсиз илҳомларда

Куйлар эди беармон, беихтиёр олтин рубоб.

Лекин чашма остида,

Мавжларнинг пастида.

Марварид доналари олам-олам беҳисоб.

Она тупроқ кўксини кучиб ҳур чақалоқдай,

Мўътабар ёшлигимнинг сийнасига босиб лаб.

Ширин ўй-ла кечаман,

Чашмадан сув ичаман,

Гул умрим кўзларини жонимдан ҳам авайлаб.

Лекин ана шу сатрларга чизиқ тортилган.

“*Мактаб дафтари*”нинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Рауф ўсмирлик, навжувон-йигитчалик пайтиданоқ ҳазрат Алишер Навоий меросини чуқур ўқиб-ўрганишга, кўнгилга жойлашга рағбат-иштиёқ кўрсатганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, “А.Навоий асарлари” дея сарлавҳа қўйиб, йигирма беш асарининг номини ёзган ҳамда рўпарасига ўзбекча номини ёзиб чиққан.

- |                           |                       |
|---------------------------|-----------------------|
| 1. “Айнул ҳаёт”           | — Ҳаёт чашмаси        |
| 2. “Бадойиул-васат”       | — Ўрта ёш бадиатлари  |
| 3. “Зубдатут-таворих”     | — Тарихлар хулосаси   |
| 4. “Лайли ва Мажнун”      |                       |
| 5. “Лисонут тайр”         | — Қуш тили            |
| 6. “Мезонул-авзон”        | — Вазнлар тарозиси    |
| 7. “Минҳожун-нажот”       | — Қутилиш йўли        |
| 8. “Муҳокаматул-луғатайн” | — Икки тил муҳокамаси |
| 9. “Наводируш-шабоб”      | — Йигитлик нодирлари  |
| 10. “Назмул-жавоҳир”      | — Жавоҳирлар тизмаси  |
| 11. “Насойимул-муҳаббат”  | — Муҳаббат шабадалари |
| 12. “Руҳул-қудс”          | — Тоза руҳ            |
| 13. “Сабъаи-сайёр”        | — Етти сайёра         |

- |                        |                     |
|------------------------|---------------------|
| 14. “Садди Искандарий” | — Искандар девори   |
| 15. “Тухфатул-афкор”   | — Фикрлар тухфаси   |
| 16. “Фавойидул-кибор”  | — Қарилик фойдалари |
| 17. “Фарҳод ва Ширин”  |                     |
| 18. “Фусули арбаа”     | — Тўрт фасл         |
| 19. “Қутул-қулуб”      | — Қалблар озуқаси   |
| 20. “Ғазалиёт девони”  | — Ғазаллар девони   |
| 21. “Ғаройибус сиғар”  | — Болалик қизиқлиси |
| 22. “Ҳайратул-аброр”   | — Яхшилар ҳайрати   |
| 23. “Мажолисун нафоис” | — Нафис мажлислар   |
| 24. “Девони фоний”     | — Тожикча девон     |
| 25. “Муншаот”          | — Хатлар            |

Гёте, Лермонтов, Тютчев, Огарев, Исаковский сингари немис ва рус шоирларидан қилган шеърӣ таржималари ҳам дафтардан ўрин олган.

Изоҳлар муаллифи: **НЎМОН РАҲИМЖОНОВ**

## МУНДАРИЖА

Н.Раҳимжонов. Энг гўзал сир.	
Шеърят ва шахсият (Сўз боши) .....	5
Бағишлов .....	51

## КАРВОН ЙЎЛИ

1968

“Шовуллайди, шамол увлайди” .....	54
“Ойи, ойи, айтиб беринг” .....	54
“Нима қилиб қўйдинг куёш” .....	54
“Шивирлайди оёғимда яшаб ўтган хазонлар” .....	54
Луис Моран .....	55
“Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар” .....	56
“Ёз кечаси. Осмон-фалакда” .....	57
“Япроқларда шамол ўйнар” .....	57
“Ҳаётга тўймаган кўзларим” .....	58
“Нимадир у кўзингга келган” .....	58
“Тонг отмоқда, тонг ўқлар отар” .....	58
“Бутун кеча ўйчан ва сокин” .....	58
“Қандай гўзал, қандай ложувард” .....	59
“Мудрар ярим кеча уйқуда” .....	59
“Турк аёли ибодати” .....	60
“Йўқ, шоир деб қарама атай” .....	61
“Ширин ухлар тонг чоғи гўдак” .....	61
“Ҳасратлари дунёнинг кўпдир” .....	61
“Сув остида ялтирайди тош” .....	62
“Мен кимнидир кутгайман маҳзун” .....	62
“Бир қушча деразам ёнида” .....	63
“Эслайсанми изғирин кеча” .....	64
“Тоғда бир булоқ бор зору зор” .....	64
“Ғунчалар пуштиранг ва заъфар” .....	65
“Деразамга урилади қор” .....	65
“Дафъатан ёмғир ёғар” .....	65
“Термуламан олис уфққа” .....	66
“Кундуз ўйга чўмар, тун яқин” .....	66

## АКС САДО

1970

“Дафтардан бир варақ боқади кулиб” .....	68
“Остонамда ётар дўстимнинг ити” .....	68
“Оппоқ булут изғир саросар” .....	68
“Чироқ. Чироқ ёнар бўзариб” .....	69
“Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал” .....	69
“Оҳ, Туркистон кўзим йўлингда” .....	70
“Қор ҳиди димоққа урилди” .....	70
“Кўзларимга тўлиб қолган нимадир” .....	70
“Куйган дарахт бўйнига осилар” .....	70
“Бир ақлли-ей мана бу қурмағур” .....	71
“Қорайиб кетди кўксимдаги қорлар” .....	71
“Ҳа ва йўқдан иборатдир” .....	71
“Бу қандай оролдир осмон кўринмас” .....	71
“Ой, нурларингни йиғиштириб ол” .....	71
“Кундуз: чиқ-чиқ” .....	71
“Ичингдаги ғамингни бер менга йўловчи” .....	72
“Бу кун бир туш курдим” .....	72
“Қорларига қоришди осмон” .....	72
“Кулранг булут кезинади жим” .....	73
“Саболарда ўйнайди наво” .....	73
“Оғир тун. Қурир тинка” .....	74
“Ташқарида шовуллар шамол” .....	75
“Узоқдан чироқлар кўринар” .....	75
“Борми, баҳорим борми” .....	76
“Хайр сенга, яхши қол энди” .....	76
“Мудраб ётар бунда дарахтзор” .....	76
“Йиллар, бераҳм йиллар” .....	77
“Йўқ! Кўришмаймиз. Хайр энди” .....	78
“Ойбек хотирасига” .....	78

## ТАСВИР

1973

“Арава тортаётган отга” .....	80
“Қайда ўсдинг, қайда яшнадинг” .....	80
“Шивирлама менга эй шамол” .....	80
“Яна ажиб тушлар кўрибман” .....	81

Абдуллажон марсияси .....	82
Ойдинлик .....	84
“Уйгон эй малагим” .....	85
“Вьетнам ҳақида қўшиқ .....	86
“Янги тонг” .....	90
“Айланиб тушар қор йўлимга” .....	90
“Оғушига олар кундузни” .....	90
Учинчи дўст .....	91
Бетховен .....	91
“Бир шеъримнинг қаранг боши йўқ” .....	92
“Хайрлашдик... Ўйнар капалак” .....	92
Пабло Неруда ўлимига .....	93
“Бир сўз бор” .....	94
“Сени менга бетоб дедилар” .....	95
“Автобус деразасидан қараб кетсанг” .....	95
“Уфқ яраланган алвон. Тўлғонар” .....	96
“Хувиллаган уйда қисилар юрак” .....	96
“Деразамдан боқар зулумот” .....	96
“Она, менинг ҳаққим кўп” .....	97
“Паға-паға олпоқ қор ёғар” .....	98
“Балки ўчган эдим ёдингдан” .....	98
“Карло Каладзе диёрида” .....	99
“Бирга туғилдик-ку юрагим” .....	101
“Ясатиб қўйибдир сенга бир дунё” .....	101
“Исикава Такубоку хотирасига” .....	102
Шоир .....	103

## ХОТИРОТ

1975

“Шабнам” .....	106
“Ҳижратда она алласи” .....	106
“Қайга учмоқдасиз, қайга булутлар” .....	108
Егише Чаренц хотирасига .....	108
“Айт-чи, мени унутдингми?” .....	109
Санъаткор .....	109
“Соҳил бўйлаб борарди бир чол” .....	111
“Рубоб бергил менга дўстгинам” .....	111
Онамга хат .....	112

“Юлдузларга мен ҳам қарайман” .....	113
“Эгалари ташлаб кетган уй” .....	113
“Виктор Харанинг сўнги қўшиғи” .....	114
Вақт .....	115
Оддий касрлар .....	115
Нозимнинг садоси .....	116
Излар .....	117
“Байроннинг сўнги сафари” .....	117
Санъат тушунчаси .....	119
Оддий гап .....	120
Шодлик .....	120
Одамнинг боласи .....	121
Қадаҳ .....	122
Ҳамлет .....	124
“Ишқ вафодан сўзлаганларим” .....	125
Муҳаббат .....	126
“Шеър йўли мушкул нақадар” .....	128
“Мана чақмоқ чақди ногаҳон” .....	129
“Кўзимга тўқинар малолат, тумон” .....	129
Ван Гог .....	130
“Ёмғир ёғиб чиқди тун бўйи” .....	130

## КЎЗЛАР

1978

“Сени ўйлаб жон-ҳолим оғрир” .....	132
Чингиз Айтматов .....	132
“Ёруғликни ўғирлаб секин” .....	132
“Ёшлик зангор фасл. Кечди. Сарғарди” .....	133
Бир лаҳза достони .....	134
“Бул ҳафа кунлар кечар” .....	135
Алдов .....	135
Ёшлик .....	136
“Ҳаёт жоми ичра оқамиз” .....	136
“Маъно ўқи кўзимдан” .....	137
“Мана шундоқ кечар кунларим” .....	137
“Ёдингдами, севгилим, бир кун” .....	138
“Бир ёни баланд тоғ мудрайли” .....	139
“Излайсанми сен-да бир паноҳ” .....	139

“Ойлар ўтди ва йиллар ўтди” .....	140
“Кўзларимнинг осмонларида” .....	141
“Нигоҳинг қуринур. Кўзларинг” .....	142
“Юлдузлар бунча ҳам беҳисоб” .....	142
“Бунча гамгин бўлмаса ўйлар” .....	143
“Бир кун йўлга отлансам танҳо” .....	144
“Букун кечди. Қуйилди оқшом” .....	145
“Бинафша, исмингиз умидли” .....	145
“Букун менинг юрагим бўм-бўш” .....	146
Николай Рубцов хотирасига .....	147
“Сира кўника олмайди онам шаҳарга” .....	147
Ғафур Ғулом ва Турсуналининг варраги .....	148
Иқтисод .....	149
“У денгизни севади” .....	149
Танбеҳ .....	149
Верлен .....	150

## ҚАЙТИШ

1981

Мақтов .....	152
“Ҳой, бола-бола” .....	152
“Осмон нақ бошимнинг устида турар” .....	152
Ҳижрат .....	152
“Севгилимнинг порлоқ кўзларини” .....	154
“Сен ухлаб ётибсан” .....	155
Итлар .....	156
Соя .....	158
“Долғаларнинг шошқин одими” .....	159
“Мовий осмон этакларида” .....	160
“Қабрингни зиёрат қилгани келдим” .....	160
“Хато қилдим, севгилим” .....	160
“Тун яқин. Дарахтлар жунжикар беҳол” .....	161
Шеърят .....	162
Латония .....	163
“Йироқ кетдим она юртимдан” .....	170
Шоир (2) .....	170
Муктибодҳ дуоси .....	170
“Бугун яшаш керак” .....	172

“Юрагимдан маскан ахтариб” .....	173
Кўркув .....	173
Жавоб .....	173
Етим .....	173
“Яна жимлик, яна сукунат” .....	174
“Кўксимнинг чап томони тинсиз оғриқ” .....	174
“Синиқ осмон, бир юлдуз мудрар” .....	174
Шухрат Абдурашид мозорида .....	175
Жасорат .....	175
Насихатни чуқур тушуниш .....	176
“Бунча кўп сўзлайсан? Нега? Не учун?” .....	176

## САБР ДАРАХТИ

1986

“Гўёки мен ҳамма нарсани” .....	178
Сунбула .....	178
“Уйқу келмайди” .....	179
“Тўхта, дейман” .....	180
Микеланжело севгиси .....	180
“Дўстим, менга доимо” .....	181
“Мен ўз гавдамга боқиб” .....	182
Хужжат .....	182
Александр Блок .....	182
“Мен ночор ва меҳрибон” .....	184
“Ўлтирибман жар ёқасида” .....	184
Бир кишининг ўлим олдидан .....	184
“Ёнингдан ўтаман: бу сўнгги сафар” .....	184
Ўртада .....	186
Муножот .....	186
“Мен ёлғизман, ғулув, ҳаяжон” .....	186
“Узоқларда итлар ҳуради” .....	187
“Ҳеч бир нарса беҳуда эмас бу он” .....	187
Сўзлар .....	187
“Лутфихоним. Уйғон болам” .....	188
Оғриқ .....	188
Сиёвуш фарёди .....	190
Ватан ҳақида Бернд Иентшга мактубим .....	190
“Телбаларча қарайман гоҳо” .....	193

Туркистон ёди .....	194
“Хайр, дада, биз энди” .....	195
Тавфиқ Фикрат китобига ёзув .....	195
Абдулхамид Сулаймон Чўлпон .....	196
Омон Азиз. “Кандакорлар” .....	197
Шамоллар. ....	198

## ҚУТЛУҒ ТУРКИСТОН

1991

“Шамол, сочларимни тарама” .....	200
“Чексиз-чексиз дақиқалардан” .....	200
Битиктош .....	201
Шеърият .....	202
Агар .....	203
Харита .....	204
Бахт ва ташвиш .....	205
Кўзлар. ....	205
“Дарё каби доимо уйғоқ” .....	207
Сўзлар (2) .....	208
Усмон Носир .....	209
Она тилим .....	210
Оҳанг .....	212
“Бутун умр ўйлар банд этар” .....	212
“Яна қайтиб келдим чанг тўзган” .....	213
“Хайрон, мағлуб бу коинот” .....	214
“Чўли Ироқ” .....	214
“Мен ўткинчи, мен фақат меҳмон” .....	215
Самарқанд осмонида .....	215
“Талпинади шундай кулади” .....	217
“Дилгир мусиқа оқарди” .....	218
Юрак .....	218
Боғчасарой фонтани .....	219
“Уйғанар Туркистон” .....	221
Абдулхамид Чўлпонга мухаммас .....	221
Усмон Носирга мухаммас .....	222
“Кўнглим қоронғудир теварак тутун” .....	223
“Эй сиз, тўйганлар” .....	224
“Ўзингни аяма бораётган илдиз” .....	224

## САКИНА

1995

“Почта. Телеграф. Телефон” .....	226
“Муаллақ қўллардек булутлар” .....	227
“Сен айт, бу кун сенинг айтганинг” .....	228
Қадимги туркийлардан .....	228
Саййод Наво .....	229
Ёнаётган аёл .....	230
“Ухлама сен ҳақиқат” .....	230
“Осмон ўзгариб кетди” .....	231
“Сўнмас руҳимизда матонат асло” .....	232
Йўловчи .....	232
“Чағалайим, меҳмон чағалай” .....	234
“Мана заҳар. Ҳозир ичаман” .....	234
“Сочимни юлади изғирин” .....	235
“Мен сизни севаман. Аллоҳ кечиргин” .....	236
“Шамолга осилиб яшадим” .....	236
“Айтинг, нима қилай” .....	237
“Соат синди, соатлар синди” .....	237
“Ҳеч кимга ишонманг, ҳаммаси ёлғон” .....	238
“Мени ҳайданг, мени йўлатманг” .....	238
“Курбонликка мени сўйдилар” .....	239
“Мен билмайман ёшим нечадир” .....	240
Ҳиёнат .....	240
“Шоир мен уйғондим. Довдираб турдим” .....	242
Тҳакурга иқтибос .....	242
Инондим шамолларга .....	243
Ҳазил .....	244
Albertidan .....	244
У дунёга – онамга мактуб .....	245
“Аё Ҳофиз, ай Туркистон булбули” .....	246

## ИЙМОН АСИРИ

2003

Қора девор .....	248
Абдурауф Фитрат .....	251
Ер фарзанди .....	252
Абдулла Қодирий ғазалига мухаммас .....	254

Она Туркистон .....	255
Ёнгин .....	256
Марсия тажрибалари:	
1-тажриба: Маматнинг қутурган ити учун марсия ..	257
2-тажриба: Худбинга марсия .....	257
3-тажриба: Ўткирнинг қуёни учун марсия .....	258
Шуурсиз шеър тажрибалари:	
1-тажриба: Матбуотнинг каттасига .....	259
2-тажриба: Бир муаррихга .....	259
3-тажриба: Бир туфуриш .....	260
4-тажриба: Сотти қўйди шўрлик айғоқ .....	261
5-тажриба: Бош сензўрга қайғули сўнет .....	261
Адашган руҳ .....	262
“Мени таъқиб қилар шоир деган ном” .....	265
Сиёвуш .....	266
Сенсиз .....	268
Шоир, Илҳомнинг бир қўлида ханжар .....	269
Тангри соғинчи .....	270
“Кўзимда ғилдирар хўрланган ҳилқат” .....	271
Мунажжим .....	272
Тавба .....	273
“Иймон асирлари қуёшга боқар” .....	275
Тўҳмат. 1985 .....	275
“Сен шоир — чорлайсан осмон ҳурларин” .....	277
“Ай иймон асири, виждон тутқуни” .....	278
Т. Қаҳрамон ўғли шеърларидан .....	278
Тўқурнинг охирги шеъри .....	280
Алания .....	282
“Кўзимнинг ғорида парчинланган кўк” .....	284

### “МАКТАБ ДАФТАРИ”ДАН

Мудрар, мудрар қалин терак .....	286
Эсдалиқ .....	286
Мен шоир эмасман, аммо қалбимда .....	286
Олисларга тикиламан, мен .....	287
Гўзал ойга боқиб кечаси .....	287
Гул .....	287
Нега севмай .....	287

Куз тонги .....	288
Теримчи қиз .....	288
Кел, эй махбубам .....	289
Март оқшоми .....	289
Бағишлов .....	290
Баҳорга .....	290
Қоя (М.Ю.Лермонтовдан) .....	291
Азобларда ёниб ва мискин (Ф.И.Тютчевдан) .....	291
Ишонмагин шоирга ҳеч ҳам (Ф.И.Тютчевдан) .....	291
Истак (Н.П.Огаревдан) .....	292
Юксак тоғ тепалари (Гётедан) .....	292
А.О.Смирновага (М.Ю.Лермонтовдан) .....	292
Қизил аскар қабри (М.Исаковскийдан) .....	293
...га .....	293
Ёғин кечаси .....	294
Дўстим Ҳол Мусога .....	294
Жозиблари бўлар эртага .....	295
Куни бўйи мен билан кезиб .....	296
Чашма .....	296
Ҳ.Мусога .....	297
Иқроримни тингла, мағрур қиз .....	297
Оддий умрим севаман, шодликларни, қайғуни .....	297
Қишлоқ .....	298
Ол тонгни куйлайман, бахт айёмини .....	298
Изоҳлар .....	299

